

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я**

**Ҳ. Р. АЛИМОВ,  
А. А. МАХМУДОВ, Н. Т. ИСМОИЛОВ**

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ**

**ТОШКЕНТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

Ҳ. Р. АЛИМОВ,  
А. А. МАХМУДОВ, Н. Т. ИСМОИЛОВ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ИИВ олий ўқув  
юртлари тингловчилари учун дарслик сифатида рухсат этган  
Тўлдирилган ва ўзгартирилган иккинчи наشري*

Масъул муҳаррир  
юридик фанлар доктори, профессор  
**У. ТАДЖИХАНОВ**

Тошкент 2002

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академиясининг Таҳририят-ноширлик кенгашида  
маъқулланган*

**Алимов Х. Р., Махмудов А. А., Исмоилов Н. Т.**  
**А-50 Маъмурий ҳуқуқ:** Дарслик / Масъул муҳаррир юридик  
фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 290 б.

**ББК 67.99(2)1**

Дарслик 380000 – «Ҳуқуқ» соҳаси 5380100 – «Юриспруденция» йўналиши бўйича «Маъмурий ҳуқуқ» фанининг намунавий дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида маъмурий ҳуқуқ фанининг тутган ўрни, тараққиёти масалалари ички ишлар органлари фаолияти билан узвий равишда ёритилган, сўнги йилларда давлат бошқаруви соҳасидаги ўтказилган ҳуқуқий ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида қабул қилинган сўнги қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатлари ҳисобга олинган. Асосий эътибор маъмурий ҳуқуқ назарияси ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини очишга қаратилган.

Юридик олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқитувчилари ва талабаларига, хусусан ИИВ Академиясининг тингловчилари ва профессор-ўқитувчиларига, амалиётчи юристларга ҳамда маъмурий ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

**Т а қ р и з ч и л а р:** Тошкент Давлат юридик институтининг  
маъмурий ва молиявий ҳуқуқ кафедраси;  
юридик фанлар доктори, профессор  
**З. С. Зарипов;**  
профессор **Р. Қ. Қаюмов**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002 й.

## МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА .....	4
СЎЗ БОШИ .....	8
УМУМИЙ ҚИСМ .....	10
<b>Биринчи бўлим МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ – ҲУҚУҚИЙ ФАН ТАРМОФИ.....</b>	<b>10</b>
I боб. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети ва тизими .....	10
1.1. Давлат бошқаруви ва унинг асосий принциплари .....	10
1.2. «Маъмурий ҳуқуқ» тушунчаси .....	15
II боб. Маъмурий-ҳуқуқий норма ва муносабатлар .....	18
2.1. Маъмурий-ҳуқуқий норма ва унинг турлари .....	18
2.2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари.....	20
<b>Иккинчи бўлим МАЪМУРИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ .....</b>	<b>22</b>
III боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар .....	22
3.1. Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати.....	22
3.2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар .....	25
IV боб. Ўзбекистон Республикасининг корхоналари .....	26
4.1.Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг маъмурий ҳолати	26
4.2. Қорхоналарни ташкил қилиш тартиби.....	27
V боб. Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари .....	35
5.1. Жамоат бирлашмаларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати.....	35
5.2. Жамоат бирлашмаларининг турлари. Сиёсий партиялар .....	38
VI боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари .....	40
6.1. Ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг турлари.....	40
6.2. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) .....	42
VII боб. Ўзбекистон Республикасининг Президенти .....	45
VIII боб. Давлат бошқарув органлари .....	49
8.1. Давлат бошқарув органлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати .....	49
8.2. Давлат бошқарув органларининг турлари .....	62
IX боб. Давлат хизматчиси.....	67
9.1. Давлат хизматчилари ва уларнинг турлари .....	67
9.2. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш чоралари.....	70
<b>Учинчи бўлим МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ .....</b>	<b>73</b>
X боб. Давлат бошқарувининг шакл ва усуллари .....	73
10.1. Давлат бошқарувининг шакллари .....	73
10.2. Давлат бошқарувининг усуллари .....	77
XI боб. Давлат бошқарувига оид ҳужжатлар ва уларнинг юридик аҳамияти.....	78
11.1. Давлат бошқарувига оид ҳужжатлар.....	78
11.2. Давлат бошқарув ҳужжатларининг таснифи .....	84
XII боб. Давлат бошқарувида ишонтириш ва маъмурий мажбурлаш ..	87
12.1. Ишонтириш усули ва унинг асосий шакллари.....	87

12.2. Маъмурий мажбурлаш ва унинг турлари.....	88
<b>Тўртинчи бўлим МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ЖАВОБГАРЛИК ВА ИШ ЮРИТИШ.....</b>	<b>93</b>
XIII боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик .....	93
13.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг таркиби .....	93
13.2. Маъмурий жавобгарлик ва унинг хусусиятлари.....	95
XIV боб. Маъмурий жазо чоралари.....	97
14.1. Маъмурий жазонинг турлари ва уни қўллаш асослари .....	97
14.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи давлат органлари .....	102
XV боб. Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик .....	103
15.1. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик .....	103
15.2. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	107
15.3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	114
15.4. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик .....	115
15.5. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	117
15.6. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	118
15.7. Саноатдаги, қурилишдаги, иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик .....	119
15.8. Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик....	119
15.9. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	120
15.10. Бошқа соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик .....	121
XVI боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жазо бериш ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар	123
16.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи махсус давлат органлари .....	123
16.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари).....	127
XVII боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш.....	132
17.1. Маъмурий процесс ва унинг принциплари .....	132
17.2. Маъмурий-процессуал нормалар ва маъмурий- процессуал муносабатлар .....	136
17.3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишнинг вазифалари ва асосий қоидалари.....	139
17.4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар.....	146

17.5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби.....	148
17.6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқариладиган қарор ва унинг турлари.....	150
XVIII боб. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш..	154
18.1. Қарорни ижро этишнинг умумий тавсифи.....	154
18.2. Қарорни ижро этиш тартиби .....	155
<b>Бешинчи бўлим ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА ИНТИЗОМНИ ТАЪМИНЛАШ .....</b>	<b>160</b>
XIX боб. Контроль фаолияти .....	160
19.1. Давлат контроли ва унинг турлари.....	160
19.2. Суд органларининг контроли .....	162
19.3. Жамоат контроли .....	167
XX боб. Назорат фаолияти.....	169
20.1. Прокурор назорати.....	169
20.2. Маъмурий назорат .....	172
XXI боб. Фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари .....	177
21.1. Мурожаат ва унинг турлари .....	177
21.2. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар.....	180
<b>МАХСУС ҚИСМ .....</b>	<b>185</b>
<b>Олтинчи бўлим БОШҚАРУВНИНГ АЙРИМ СОҲАЛАРИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ.....</b>	<b>185</b>
XXII боб. Иқтисодиёт соҳасини бошқариш .....	185
22.1. Саноатни бошқариш .....	185
22.2. Капитал қурилишни бошқариш .....	190
22.4. Транспорт ва йўл хўжалиги соҳаларини бошқариш .....	210
22.5. Алоқа соҳасини бошқариш .....	216
22.6. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқариш .....	217
XXIII боб. Ижтимоий-маданий соҳаларни бошқариш .....	221
23.1. Таълим тизимини бошқариш .....	221
23.2. Фан соҳасини бошқариш .....	234
23.3. Маданият соҳасини бошқариш .....	237
23.4. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш.....	241
23.5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш.....	245
XXIV боб. Маъмурий-сиёсий фаолиятни бошқариш .....	249
24.1. Мудофаа соҳасини бошқариш .....	249
24.2. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш соҳасини бошқариш .....	261
24.3. Миллий хавфсизлик соҳасини бошқариш.....	263
24.4. Ички ишлар соҳасини бошқариш.....	270
24.5. Солиқ соҳасини бошқариш.....	279
24.6. Божхона соҳасини бошқариш .....	287
24.7. Адлия соҳасини бошқариш .....	292
24.8. Ташқи ишлар соҳасини бошқариш .....	294
24.9. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасини бошқариш .....	297
XXV боб. Тармоқлараро соҳаларини бошқариш .....	298
25.1. Иқтисодиёт ва статистика соҳаларини бошқариш.....	298
25.2. Молия, нарх белгилаш ва кредит соҳаларини бошқариш.....	300

25.3. Давлат мулкани бошқариш .....	304
25.4. Стандартлар ва ўлчов воситаларини бошқариш .....	305
25.5. Гидрометеорология соҳасини бошқариш .....	311
25.6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш.....	313

## С Ў З Б О Ш И

Мамлакатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, қонун устунлигини таъминлаш ҳамда демократик фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий жамиятни барпо этиш мақсадида, республикаимизнинг барча маъмурий соҳаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Бу қонунлар халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашда улкан аҳамиятга эга. Шу боис, «аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш – ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан ички ишлар идоралари олдида ходимларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириш, хизмат соҳасида топширилган барча ишларни бажаришда қонунларга оғишмай риоя қилиш ҳамда аҳоли билан ишлашда уларнинг юксак ҳуқуқий саводхонлик даражасини таъминлаш каби ниҳоятда масъулиятли ва долзарб вазифалар қўйилмоқда. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш ҳар бир ходимнинг бурчидир.

«Маъмурий ҳуқуқ» дарслиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқ соҳадаги тушунчаларини кенгайтиришга, давлат маҳкамалари ва идораларининг қандай қонунлар ва қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига оид билимларини оширишга хизмат қилади.

Мазкур китоб илгариги (1995 йилги) нашридан бирмунча фарқ қилиб, унда ўтган давр мобайнида республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар инobatга олинган, хусусан маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари доирасига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари киритилган, сиёсий партияларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати ёритилган.

Дарслиқда турли соҳаларда бошқарувни ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган, шу жумладан, чегара қўшинлари, тиббиёт, божхона, солиқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳалари батафсил кўриб

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 128-б.



чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, республикамиз Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ички ишлар ва бошқа ижро этувчи органларнинг тажрибасидан кенг фойдаланилган.

Дарслиқда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кейинги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам инобатга олинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш борасидаги суд амалиёти материаллари ўрин олган.

Китобда маъмурий ҳуқуқ фанининг бир қатор назарий муаммолари ҳам ўз аксини топган бўлиб, муаллифлар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақида бир қанча муҳим илмий фикрлар билдирганлар.

Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу дарслик республикамизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш ишига, фуқаролар ва тингловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

*Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист,  
юридик фанлар доктори,  
профессор У. ТАДЖИХАНОВ*

## УМУМИЙ ҚИСМ

### *Биринчи бўлим*

#### МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ – ҲУҚУҚИЙ ФАН ТАРМОФИ

### **I боб. Маъмурий ҳуқуқнинг предмети ва тизими**

#### **1.1. Давлат бошқаруви ва унинг асосий принциплари**

Ҳуқуқнинг ҳар бир соҳаси маълум бир мақсад ва вазифага йўналтирилган бўлади. Маъмурий ҳуқуқнинг олдида қўйиладиган вазифа давлатни бошқариш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат. Шунга кўра, маъмурий ҳуқуқ ташкилий ҳуқуқ ёки бошқарув ҳуқуқи деб ҳам юритилади.

Маъмурий ҳуқуқнинг мақсад ва вазифаларини тўла англаб етиш учун, аввало, давлат бошқарувининг таркиби ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. Ҳар қандай бошқарув муайян муносабатларни тартибга солиб туради. Жамиятдаги бошқарув ижтимоий бошқарув деб аталади. У инсонларни асосий мақсад йўлида жипслаштириш, ўзаро муносабатларини тартибга солиш, бутун жамиятни жипслаштириш учун қўлланилади.

Ижтимоий бошқарувнинг асосий турларидан бири давлат бошқарувидир. У давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқарув органлари фаолиятининг мазмуни истиқболни белгилаш, режалаштириш, молиявий таъминлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишдан иборат. Бу давлат бошқарувининг кенг тарқалган вазифаларидан бири бўлиб, барча давлат органлари уларни ўз фаолияти довомида қўллайдилар.

Масалан, прокуратура – назорат органи. Республика Бош прокурори нафақат барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқароларнинг қонунларга риоя қилишларини, балки қуйи бўғиндаги прокурорларнинг фаолиятини ҳам назорат қилиб туради. Бошқарув прокурорнинг асосий вазифаси эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бир қатор органлари давлат органлари тизимида ажратиб кўрсатилган. Бу органлар бошқарув вазифаларини бажарувчи органлар бўлиб, улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Президенти – давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси (98-м.), вазирликлар, давлат қўмиталари ва уларнинг маҳаллий органлари, ҳокимлар, ҳокимликлар (102-м.) уларнинг бўлимлари ва бошқармалари, ассоциация, корпорация, концерн, компания, корхона ва муассасаларнинг маъмурияти киради.

Давлат бошқарув органлари ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширади, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ҳамда уларга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини ташкил қилади. Улар қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Шунга кўра, бундай бошқарув ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти деб ҳам юритилади.

Давлат бошқаруви қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) ташкилотчилик фаолиятининг мавжудлиги;
- 2) давлат-ҳокимият хусусиятига эгалиги;
- 3) бошқарув фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлатнинг ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаолият соҳалардаги функциялари бажарилади;
- 4) ваколат бошқарув субъектлари томонидан амалга оширилади.

Ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти қуйидаги хусусиятларга эга:

а) халқ депутатлари кенгашининг раҳбарлиги ва назорати остида ташкил этилади (Президент ва ҳокимлар бошчилигида);

б) ижтимоий турмушнинг барча тармоқлари – халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларда ва соҳалараро тармоқларда ташкил этилади;

в) ҳамма вақт қонунга асосланган бўлади. Бу эса давлат бошқарув органларининг қонунга мувофиқ ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида фаолият кўрсатишларини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бошқаруви органларининг олдига янги вазифалар қўйилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган

нутқида айниқса муфассал кўрсатиб берилган<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида халқ хўжалигини бошқаришда янгича усулларга ўтилмоқда. Республика Олий Мажлиси чиқарган қонунларга таянган ҳолда ушбу жараённинг ҳуқуқий негизи яратилди. Республиканинг барча фуқаролари ва корхоналарига ташаббус ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар берилган. Бозор муносабатларини бошқичма-бошқич ривожлантириш таъминланмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг туб негизидир.

Бозор муносабатлари мажмуини шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Банк тизими қайта ташкил этилиб, республика Марказий банки мустақил бошқарув органига айлантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари тармоғи вужудга келтирилди. Давлатнинг моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш тизими тубдан ислоҳ этилди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар-хомашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди, дастлабки холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик хизматлари, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган мутахассислар тайёрловчи марказлар пайдо бўлди, давлат тассарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган тизими тубдан ўзгартирилиб, корхоналарнинг ўзига кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Аксарият тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилиб, концернлар ва катта корпорациялар ташкил этилди.

Умуман, бозор муносабатлари ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқ қатъий равишда, бошқичма-бошқич жорий қилинмоқда. Янги жамиятни барпо этиш йўлида бошланғич бошқичдан ўтилди. Тоталитар тузумдан, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан демократик жамиятга ва бозор муносабатларига ўтиш йўлида дадил қадамлар қўйилди.

Албатта, олдинда ҳали кўп муаммолар бор. Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш учун унинг sanoатини,

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1996. 104–139-б.

қишлоқ хўжалигини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, унинг экспорт имкониятларини ошириш, халқ ҳаёти учун зарур бўлган тармоқларни – нефть, газ, кон-металлургия соҳаларини янада кенгайтириш, хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб этиш каби бир қанча вазифалар турибди.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, айни мана шу соҳада ғоят катта имкониятлар мавжуд. Агар бу имкониятлардан тўла фойдаланилса, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса хомашё билан таъминлаш яхшиланади, қўйилган муаммолар ҳал этилади, одамларни иш билан банд қилиш мумкин бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиладиган бир пайтда аҳолининг ижтимоий табақаларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат, илм-фанга катта эътибор бериш, шунингдек, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш ва сотиш учун зарур қувватларга, замонавий технологияларга эга бўлиш керак. Бу муаммоларни ҳал этиш учун яхши негиз дастлабки сармоядир. Шу муносабат билан бугунги кунда халқнинг фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим тармоқларни ривожлантиришга асосий эътибор бериш зарур. Чунончи, кончилик, нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари, кимёвий тола, пластмасса ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали республиканинг мазкур тармоқлар маҳсулотига бўлган эҳтиёжини таъминлаш лозим. Бу билан валюта тушумларини кўпайтириш орқали республика иқтисодиётига хорижий сармояларни кўпроқ жалб этиш мумкин бўлади.

Уш бу вазифаларни бажариш давлат бошқарув органларига катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, жамиятда қонун устунлиги таъминланмоғи керак.

Давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилган бир қанча принциплар асосида амалга оширилади. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

- 1) давлатни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирок этиши;
- 2) демократик марказчилик;
- 3) фуқароларнинг тенглиги;
- 4) қонунийлик.

Мамлакатимизда жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаронинг кенг иштирок этиши таъминланган бўлиб, бу принцип Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга (референдумга) қўйилиши таъкидланган.

Шунингдек, Конституциянинг 32-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар берган ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

*Демократик марказчилик* давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар турини белгилайди. Ушбу принципнинг моҳияти ягона марказлаштирилган раҳбарликни жойлардаги ташаббускорлик ва ижодий фаоллик билан уйғунлаштирган ҳолда амалга оширишдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9, 12, 13, 18, 19, 21, 78, 89, 93, 98, 101, 104-моддаларида ўз аксини топган.

Давлат бошқаруви соҳасидаги демократик марказчилик қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

– бошқарув органларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилиши ва уларга бўйсунуши;

– қуйи бошқарув органларининг юқори бошқарув органларига бўйсунуши;

– юқори орган ҳуқуқий ҳужжатларининг қуйи органлар учун мажбурийлиги;

– бошқарувнинг қуйи органлар, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳўжалик юритишдаги мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан уйғунлаштирилиши;

– бошқарув органларининг икки томонлама бўйсунуши;

– бошқарувнинг коллегиял раҳбарлик ва шахсий жавобгарлик асосларида амалга оширилиши.

*Фуқароларнинг тенглиги принципи* Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида қайд этилган бўлиб, унда Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari ташкил этиши таъқидланади. Бинобарин, Конституциямизнинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

*Қонунийлик* – ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви

органлари томонидан қонунни бажариш мақсадида ва қонунга асосланган ҳолда қабул қилиниши демакдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси).

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (20-модда).

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби исботланмагунча у айбдор ҳисобланмайди, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас (25–26-моддалар).

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, давлат, унинг барча органлари қонун асосида иш олиб бориб, ҳуқуқий тартибни, жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлайди. Давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари амалдаги давлат қонунларига мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун давлат бошқарув органларнинг ўзларигина қонунга бўйсуниб қолмай, балки ўзларига тегишли идора ва ташкилотларда ҳам қонуннинг устунлигига эришишлари зарур.

## 1.2. «Маъмурий ҳуқуқ» тушунчаси

Давлат бошқаруви ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонларини қамраб олади. Бу жараёнда давлат хўжалик, ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларни амалга оширади, маъмурий-сиёсий масалаларни ҳал қилади.

Ҳуқуқнинг давлат бошқарувини ташкил этиш тартибини, бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган алоҳида тармоғи *маъмурий ҳуқуқ* деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан қуйидагилардан иборат:

1) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар, кўмиталар, ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатлар;

2) бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқарув органлари (икки вазирлик, икки ҳокимлик) ўртасидаги муносабатлар;

3) давлат бошқарув органлари ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

4) давлат бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

5) давлат бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ – давлат бошқаруви органлари ижроия (ижро этиш) ва фармойиш бериш фаолияти натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Мамлакатимизнинг ташкилий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда маъмурий ҳуқуқнинг аҳамияти катта. Давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат аппаратининг ишини яхшилаш, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Шуни унутмаслик керакки, маъмурий ҳуқуқ нормалари бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларни ташкил этиш, ўзгартириш ёки тугатиш қоидаларини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жумладан, давлат хизматига кириш ва хизматни ўташ ҳуқуқини, давлат хизматчиларининг бурч ва мажбуриятларини аниқлаб беради, кўп қоидаларни (савдо, транспорт воситаларидан фойдаланиш, балиқ тутиш, ов қилиш кабилар) ўрнатиб, бу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгилайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқ нормалари халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий ва соҳалараро бошқарувда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солади. Бу жараёнда бошқа ҳуқуқ нормалари ҳам иштирок этади. Шу сабабли маъмурий ҳуқуқни ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан ажратилган ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқ айниқса *давлат ҳуқуқи* билан чамбарчас боғлиқ. Чунки давлат ҳуқуқи давлат сиёсий ва иқтисодий тизимининг туб негизи бўлиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини ҳамда давлат органлари фаолиятини ташкил этиш принципларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ эса давлат ҳуқуқига асосланган



ҳолда кўрсатилган принципларни давлат бошқарувида қўллаш усулларини, фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ *молиявий ҳуқуқ* билан ҳам боғлиқ. Молиявий ҳуқуқ давлатнинг молиявий фаолиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни, маъмурий ҳуқуқ эса молия органларининг фаолиятини тартибга солади.

Маълумки, қонунни бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган. Жиноят ҳуқуқи жиноий жавобгарликни, маъмурий ҳуқуқ эса маъмурий жавобгарликни белгилаб беради. Жиноят ҳуқуқи «жиноий жавобгарлик» тушунчасини (ЖК, 14-модда), маъмурий ҳуқуқ эса «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасини (МЖТК, 10-модда) оидинлаштиради.

Маъмурий ҳуқуқ *фуқаролик ҳуқуқи* билан ҳам узвий боғлиқ. Бу ҳуқуқларнинг иккаласи ҳам мулкӣ-ижтимоий муносабатларни ҳар хил усуллар билан тартибга солади. Фуқаролик ҳуқуқида мулкӣ муносабат иштирокчилари тенг ҳуқуққа эга. Маъмурий ҳуқуқ бўйича эса мулкӣ муносабат иштирокчилари тенг ҳуқуққа эга эмас, чунки бу муносабатда қатнашаётганларнинг бир томони ҳамма вақт давлат бошқаруви органи бўлиб, давлат номидан фармойиш бериш ҳуқуқи эга. Масалан, бир фуқаро ўз уйини сотмоқчи бўлса, иккинчи томоннинг, яъни сотиб олувчининг розилиги бўлиши керак. Агар вазирлик ўз қарамоғидаги қандайдир мулкӣни иккинчи корхонага бериш тўғрисида буйруқ берса, биринчи корхона, гарчанд ўзи рози бўлмаса ҳам, бу буйруқни бажариши керак.

Маъмурий ҳуқуқ *умумий* ва *махсус* қисмлардан иборат. Умумий қисм маъмурий ҳуқуқнинг предмети ва тизимини, субъектларини, давлат бошқарувининг шакл ва усулларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги умумий нормаларни, маъмурий иш олиб бориш қоидаларини, маъмурий фаолиятда қонун устунлиги таъминланишининг шакл ва усулларини ўз ичига олади. Махсус қисм эса халқ хўжалигининг айрим тармоқларини, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий фаолиятни ҳамда тармоқлараро бошқарувни ташкил этиш каби масалаларни қамраб олади.

## II боб. Маъмурий-ҳуқуқий норма ва муносабатлар

### 2.1. Маъмурий-ҳуқуқий норма ва унинг турлари

Маъмурий-ҳуқуқий норма давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши шарт бўлган ҳолида бўлиб, бу ҳолидалар ёрдамида ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тартибга солинади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Маъмурий ҳуқуқий норма гипотеза, диспозиция ва санкция сингари таркибий қисмлардан ташкил топади.

**Гипотеза** маъмурий ҳуқуқий нормаларнинг қачон ва қайси вазиятда қўлланиши мумкинлигини кўрсатади. У мутлақ-муайян ёки нисбий-муайян бўлиши мумкин.

Мутлақ-муайян гипотеза муайян вазиятда қўлланиладиган ҳолидадир. Масалан, бирор хатти-ҳаракат учун солинган жарима уч ой ичида ундириб олиниши керак. Агар бу муддат ўтиб кетса, маъмурий жаримани ундириб олиш мумкин эмас.

Нисбий-муайян гипотезада бирор ҳолатга умумий тавсиф берилади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар кўпинча нисбий-муайян гипотезадан иборат бўлади.

**Диспозиция** маъмурий-ҳуқуқий норманинг баёноти қисми бўлиб, у бажарилиши билан кўзда тутилган ҳолат юз беради.

**Санкция** маъмурий-ҳуқуқий норманинг диспозиция ҳолидаси бузилган ҳолатда давлат ва жамоа томонидан қандай мажбурий чора кўрилишини кўрсатадиган қисмидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ҳар хил асосда таснифлаш мумкин. Бир хил даражадаги ҳуқуқий нормалар умумий ва махсус турларга бўлинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг биринчи бўлимидаги, иккинчи бўлимнинг биринчи, умумий қисмидаги, тўртинчи ва бешинчи бўлимидаги нормалар умумий нормалардир. Бу нормаларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка оид ишларни юритиш, маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш учун умумий принциплар кўрсатилган. Кодекснинг махсус қисмидаги нормалар ҳуқуқбузарликнинг муайян таркибини аниқлаб беради, шунинг учун ҳам улар махсус нормалар деб аталади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқий кучи даражасига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган нормалар, қуйи органлар ўрнатган нормалардан ҳуқуқий жиҳатдан кучлидир.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий тартибга солинишига кўра,

бажарилиши шарт бўлган, тақиқловчи ва ваколат берувчи нормаларга бўлинади.

*Бажарилиши шарт бўлган нормалар* ҳамма вақт қандайдир ҳаракатнинг бажарилиши зарурлигини кўрсатади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Паспорт тизими қоидалари»да ҳар бир фуқаронинг 16 ёшга тўлгандан кейин паспорт олиши зарурлиги бунга мисол бўла олади.

*Тақиқловчи нормалар* қандайдир ҳаракатнинг бажарилишини тақиқлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187-моддасига асосан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас.

*Ваколат берувчи нормаларга* кўра, фуқаролар нормада кўрсатилган ҳаракатларни бажаришлари ёки бажармасликлари мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 287-моддасига биноан, ички ишлар органлари, чегара қўшинлари, божхона органларининг хизматчилари ва давлат солиқ органларига маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига биноан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши ҳам, қилмаслиги ҳам мумкин. Буни шахснинг ўзи ҳал қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш қоидаларига кўра, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг қайси тури кўпроқ қўлланиши давлат бошқаруви соҳаларининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади. Масалан, жамоат тартибини сақлаш соҳасида бажарилиши шарт бўлган ва тақиқловчи нормалар кўпроқ қўлланилади, ижтимоий-маданий соҳаларда эса ваколат берувчи нормалар кўпроқ ишлатилади.

Қоидаларнинг тўлиқлик даражаси жиҳатидан ҳуқуқий нормалар муайян ва бланкет нормаларга бўлинади. *М у а й я н* нормаларда қоидалар бевосита ва аниқ кўрсатилади. *Б л а н к е т* нормаларда эса қоида аниқ кўрсатилмай, шу масалани ҳал қилувчи бошқа нормага ҳавола қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида «Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади», – дейилган. Бу бланкет норма, чунки шу қонуннинг ҳал қилиниши бошқа қонунга, яъни 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга

боғлиқ<sup>1</sup>.

Маъмурий ҳудудда қўлланиши бўйича, ҳуқуқий нормалар республика миқёсида қўлланиладиган ва маҳаллий ҳудудда (вилоят, шаҳар, туман, овулда) қўлланиладиган нормаларга бўлинади.

Ҳуқуқий нормалар қайси вақтда амалга оширилиши ва қўлланилишига кўра, вақт бўйича чекланган ва чекланмаган нормаларга бўлинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасига асосан, ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Махсус қисмидаги нормаларнинг қўлланиш вақти эса чекланмаган.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар яна м о д д и й в а п р о ц е с с у а л турларга бўлинади. Моддий ҳуқуқий норма давлат бошқарув органларининг, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг давлат бошқарув жараёнидаги ҳуқуқ ва бурчларини, процессуал нормалар эса давлат бошқарув органларининг шахсий ишларни қандай ва қайси тартибга кўра шу ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

## **2.2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг турлари**

Ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар *маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар* деб аталади. Бу муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари шу муносабатларнинг *субъектлари* ҳисобланиб, аниқ белгиланган ҳуқуқ ва бурч билан таъминланадилар. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларига давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслари ва бошқа хизматчилари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради.

Субъектлар ўртасида бирор хилдаги муносабат ўрнатилиши учун муайян ҳодиса содир бўлиши лозим. Бундай муайян ҳаракат ёки ҳодиса *юримдик факт* деб аталади. Масалан, йигитлар 18 ёшга тўлганларида армияда хизмат қилишлари керак, шу пайтдан бошлаб ҳарбий органлар билан 18 ёшга тўлган йигит ўртасида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 333-м.

маъмурий-ҳуқуқий муносабат юзага келади ёки бола туғилганида туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш учун фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд қилиш органлари билан боланинг ота-онаси ўртасида муносабат пайдо бўлади.

Маъмурий муносабатларнинг пайдо бўлиши ёки ўзгариши ёхуд тўхтатилишига кўпинча давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари сабаб бўлади. Масалан, корхона бошлиғи кимнидир давлат хизматиغا олиш тўғрисида буйруқ чиқаради ёки мансабдор шахс ўз ваколати доирасида кимнидир маъмурий жазога тортиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Маъмурий муносабат қатнашчилари ўзларининг белгиланган ҳуқуқ ва бурчларидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилганидан норози бўлиб, юқори органларга кўрсатилган тартибда шикоят қилиши мумкин. Шикоятни олган орган эса уни кўриб чиқиб, бир хулосага келиши шарт.

Муносабат қатнашчилари ўзаро ҳамкорлигининг юридик хусусиятига кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар икки турга бўлинади: вертикал ва горизонтал. Вертикал муносабатлар қуйи органлар билан юқори органлар ўртасида (агар бир-бирига бўйсунадиган бўлса) юзага келади. Горизонтал муносабатлар бир-бирига бўйсунмаган барча субъектлар ўртасида пайдо бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусиятлари билан бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради:

1) маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларидан бири ҳамма вақт давлат органлари ёки мансабдор шахс ёхуд бошқарув ҳуқуқига эга бўлган жамоат бирлашмаси бўлади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳеч қачон икки фуқаро ўртасида пайдо бўлмайди, чунки бу давлат бошқарувида пайдо бўладиган муносабатлардир;

2) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир томоннинг хоҳиши билан юзага келиб, иккинчи томоннинг розилигини талаб қилмайди. Масалан, ҳарбий орган бирор шахсга чақириқ қоғози юборса, бу шахс чақирилган жойга кўрсатилган вақтда етиб бориши керак, акс ҳолда жавобгарликка тортилади. Ёки фуқаро ариза билан органга мурожаат қилса, бу орган унинг аризасини текшириб, маълум бир хулоса чиқариши керак. Агар мансабдор шахс аризани қабул қилишдан бош тортса, жазоланиши мумкин;

3) маъмурий-ҳуқуқий муносабат ўрнатиш қоидаларини бузган айбдор шахс давлат томонидан интизомий жавобгарликка тортилади;

4) агар маъмурий-ҳуқуқий муносабат қатнашчилари ўртасида низо пайдо бўлса, бундай низо давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан ҳал қилинади.

**Иккинчи бўлим**  
**МАЪМУРИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ**

**III боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар**

**3.1. Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати**

Фуқаро маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиси бўлганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ субъектларидан бири ҳисобланади. Давлат бошқарувида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда ва шу қонунга мувофиқ чиқарилган бошқа қонун ҳужжатларида ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Конституциясига кўра, давлат бошқаруви соҳасида фуқаролар куйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1) ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-модда);

2) жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас (26-модда);

3) ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашшдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш

ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир (28-модда);

5) ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин (29-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (30-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларни бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (32-модда);

8) ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга (33-модда);

9) касаба компанияларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолафатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас (34-модда);

10) ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (35-модда);

11) ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40-модда);

12) ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга (41-модда). Ўзбекистон Конституциясига асосан, фуқаролар Конституция ва қонунларга

риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилишга, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга, мамлакатни ҳимоя қилишга мажбурдирлар (48–51-моддалар).

Давлат бошқарувида фуқароларнинг маъмурий ҳолати «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда ҳам қайд этилган<sup>1</sup>. Бу қонун 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган бўлиб, унда фуқароларнинг қуйидаги маъмурий ҳолатлари кўрсатилган:

1) фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади;

2) мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлиги, шунингдек, фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида фуқаролар ўзлари бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин. Давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ва жавобгарликлари маъмурий қонунчилик билан белгиланади.

Шахс туғилган кунидан бошлаб, умрининг охиригача маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг маъмурий юридик салоҳияти ўзига берилган ҳуқуқдан фойдалана олиши ва зиммасидаги бурчларини бажариши қонунда кўрсатилган ёшга етгандагина – қисман 16 ёшдан, тўлиқ 18 ёшдан бошланади.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши кафолатланади. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат бошқаруви соҳасида қатнашувчи фуқаролар, хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси 1992. № 9. 333-м.



### **3.2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон фуқаролари каби бир хил ҳуқуқ ва бурчларга эга. Лекин, шу билан бирга, улар айрим ҳуқуқлардан фойдалана олмайдилар. Жумладан, давлат бошқарувида раҳбарлик лавозимларини эгаллай олмайдилар, армия сафида хизмат қилмайдилар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республикада ўрнатилган тартиб-қоидаларга, масалан, республикада яшаш, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидан транзит йўли билан ўтиш қоидаларига риоя қилишлари керак. Бу қоидалар бузилган тақдирда, айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасига асосан жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва айти пайтда чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари ҳам бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланиши таъкидланади. Шу қонуннинг 15-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган, лекин фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган фарзанди Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Чет элда фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз бурчларини бажармаганликлари, ҳуқуқларидан нотўғри фойдаланганликлари, шунингдек, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан тўғри фойдаланишини ҳамда бурчларини тўғри ва ўз вақтида бажаришини асосан прокуратура, адлия, суд, ички ишлар ва давлат назорати органлари назорат қилиб боради. Бошқа органларнинг раҳбарияти ҳам ўз ваколати доирасида ана шу масалалар бўйича иш олиб бориши шарт.

## IV боб. Ўзбекистон Республикасининг корхоналари

### 4.1. Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг маъмурий ҳолати

Корхоналар – ижтимоий эҳтиёжни қондириш ва фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун ташкил этиладиган хўжалик юритувчи субъектлар. Корхоналар давлат, нодавлат корхоналарга бўлинади. Ушбу корхоналарни, хусусиятига кўра саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарига, шунингдек савдо корхоналарига ажратиш мумкин.

Корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми учта ҳуқуқ соҳасининг нормалари билан белгиланади: маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини ўрнатувчи нормалар ушбу корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, давлат бошқарувининг бошқа органлари билан ўзаро муносабатларининг умумий тартибини, фаолият турини, ваколатлар доирасини белгилайди. Энди корхоналарни ташкил этиш, рўйхатга олиш, тугатиш масалаларини кичик корхоналар доирасида кўриб чиқамиз.

**Кичик корхоналар** бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш, ишлаб чиқаришни танҳо ҳукмронликдан халос қилиш, рақобатни ривожлантириш, янги ишчи ўринларини барпо этиш, халқ хўжалиги тузилмасини қайта янгилаш, товарлар ишлаб чиқаришни ва кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш, республика истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида тузилади.

Барча мулкчилик шаклларидаги кичик корхоналарни ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикасининг «Кичик корхоналар тўғрисида»ги низомида қайд этилган<sup>1</sup>.

Мулкчилик шаклидан (жумладан, аралаш мулк эканлигидан) қатъи назар, кичик корхона юридик шахс сифатида мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Бу корхонада ишловчиларнинг сони чекланган бўлади. У мулк, тўла хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқларига эга бўлиб, ўзига тегишли мол-мулк асосида оз-оз маҳсулот ишлаб чиқаради, ишларни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўплами. 1992. №2. 33-м.

базаради, хизматлар кўрсатади.

Кичик корхоналар ўз уставларида белгиланган мақсадлар йўлида республиканинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Бир неча хилдаги хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи кўп ихтисосли корхоналар ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмида устунлик қилувчи фаолият тури мезони бўйича кичик корхоналар таркибига киради.

Кичик корхона Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатларида келтирилган фаолиятнинг айрим турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

Кичик корхона ўз номидан шартномалар, битимлар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Тижорат ташкилотлари ҳисобланувчи кичик корхоналар мустақил балансга эга бўлади ҳамда ўз харажатларини ўзи тўла қоплаш асосида ишлайди.

Ҳар бир кичик корхона алоҳида мулкка эгалик қилади, уни бошқа корхоналардан (ташкилотлардан) фарқловчи ҳамда корхонанинг турини ва унинг фаолият соҳасини кўрсатиб турувчи фирма номига, банклардаги ҳисобварағига, номи ёзилган муҳрга ва иш қоғозларига эга бўлади.

Кичик корхона республика ҳудудида ва унинг ташқарисида алоҳида корхоналар, ваколатхоналар ва уставда кўрсатилган бошқа алоҳида бўлинмаларни тузиш, хўжалик компанияларига, концернларга, консорциумларга ва бошқа хўжалик бирлашмаларига ихтиёрий равишда бирлашиш ҳуқуқига эга.

Кичик корхоналар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида»ги қонунда белгиланган ҳар қандай мулкчилик шаклида ташкил этилиши мумкин. Уларга аралаш корхоналар, оилавий корхоналар, тўлиқ ширкат, командитлик ширкатлари, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар, акциядорлик жамияти, ижара корхонаси, жамоа корхонаси ва тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бошқа корхоналар киради.

#### **4.2. Корхоналарни ташкил қилиш тартиби**

Фуқаролар мулкига асосланган кичик корхоналар тузиш, рўйхатга

олиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатишнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги низом ва республикамизнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари шаклидаги кичик корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати республиканинг кооперация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Хорижий инвестициялар билан кичик корхоналарни ташкил қилиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар билан корхоналар, халқаро бирлашмалар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларини тузиш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги низомлар, республиканинг бошқа қонунчилик ва норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

Мулкнинг аралаш шакллари асосида кичик корхоналарни ташкил қилишда корхоналарнинг тури мазкур корхона ташкил қилган мулкдорларнинг мулкий улуши салмоғига кўра белгиланади.

Қуйидагилар кичик корхоналарнинг таъсисчилари бўлишлари мумкин: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, республика ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, биргаликда ҳўжалик юритувчи оила аъзолари ва фуқаролар гуруҳи; давлат корхоналари, ижарачи корхоналар, жамоа корхоналари ва қўшма корхоналар, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари, ҳўжалик бирлашмалари (ассоциациялар, компаниялар, концернлар, консорциумлар ва ҳоказолар), жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, хайрия жамғармалари ва бошқа жамғармалар, юридик шахс бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотлар; давлат мулкни бошқариш ваколатига эга бўлган бошқа давлат органлари; хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Кичик корхоналар кўрсатилган органлар, юридик шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан биргаликда ташкил этилиши мумкин. Улар ҳам мустақил асосда, ҳам давлат, кооператив, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари кабилар ҳузурида ташкил этилади ва фаолият юритади.

Кичик корхоналар таъсисчилар, мулк эгалари ёки улар ваколат берган органларнинг, корхоналар, ташкилотларнинг қарори бўйича таъсис этилади. Бунда кичик корхоналарга таъсисчилар мулк эгасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини берадилар ёки тўла

хўжалик юритиш, тезкор бошқариш ҳуқуқлари билан мол-мулк берадилар.

Кичик корхона ўзи ишлаб турган бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар таркибидан меҳнаткашларнинг ташаббусига кўра ажралиб чиқиш натижасида ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун, биринчи навбатда, корхона мулки эгасининг (у ваколат берган органнинг, бирлашманинг, корхона ва ташкилотнинг) розилиги керак ҳамда бирлашма, корхона, ташкилот томонидан илгари зиммага олинган шартнома мажбуриятлари бажарилиши лозим.

Бундай ҳолларда таркибидан кичик корхона ажралиб чиққан бирлашма, корхона, ташкилот ушбу корхонанинг таъсисчиси бўлади.

Кичик корхона – устав асосида; командитлик ширкати, масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар шаклидаги кичик корхона эса – таъсис ҳужжатлари ҳисобланувчи таъсис шартномаси ҳамда устав асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Таъсис шартномасини кичик корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) тузади, устав эса тасдиқланади.

Таъсис ҳужжатларида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи ва тури, жойлашган ўрни, фаолият соҳаси ва мақсадлари, бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ҳуқуқ доираси, мол-мулкани ҳосил қилиш, даромад (фойда) ва зарарларни тақсимлаш тартиби, корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари, шунингдек, юридик шахс тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган бошқа маълумотлар.

Кичик корхона республиканинг ваколатли органларида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Кичик корхона – ўзи жойлашган туман, шаҳар ҳокимликларида, биржа тарзидаги кичик корхоналар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, хорижий инвестицияли корхоналар эса Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигида давлат рўйхатига олинади.

Давлат рўйхатига олиш учун рўйхатга олувчи тегишли органларга қуйидагилар тақдим этилади: таъсисчининг рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси; таъсис ҳужжатлари (корхонанинг устави, корхонанинг тегишли турдаги таъсис шартномаси ҳам); корхонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор (мулк эгасининг қарори, мажлис баёни); давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; кичик корхона ташкил этиш ва унинг фаолияти учун ер майдони, бошқа табиий ресурслар талаб этилган ҳолларда – ердан фойдаланувчининг розилик хати. Масъулияти чекланган жамият

тарзидаги кичик корхоналар рўйхатга олиш вақтида қатнашчиларнинг устав фондига камида 30 фоиз миқдорда улуш қўшганликлари тўғрисида гувоҳлик берувчи банк ҳужжатини тақдим этадилар. Фуқаролар таъсисчи бўлганларида таъсис ҳужжатларини нотариус тасдиқлаган бўлиши керак.

Рўйхатга олиш учун бошқа ҳужжатлар (шу жумладан, ҳар хил маълумотлар, битимлар, кафолат хатлари, юридик адрес бериш тўғрисида шартномалар ва шу кабилар) амалдаги қонунларда назарда тутилмаган, шунинг учун бундай ҳужжатлар талаб қилинмаслиги керак.

Кичик корхонани давлат томонидан рўйхатга олиш зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, рўйхатга олиш тўғрисида ариза олинган пайтдан бошлаб кечи билан 3 иш кунда амалга оширилади.

Корхонани ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб уни асоссиз равишда давлат томонидан рўйхатга олмасликка йўл қўйилмайди. Рўйхатга олиш рад этилган ҳолларда рўйхатга олувчи орган аризачига рад этиш оқибатлари аниқ кўрсатилган ёзма хулоса беради. Таъсисчи давлат томонидан рўйхатга олишни асоссиз деб топса ёхуд корхона белгиланган муддатда рўйхатга олинмаса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Кичик корхонани рўйхатга олишнинг асоссиз равишда рад этилгани аниқланган тақдирда, суд рўйхатга олувчи органни моддий жавобгарликка тартади. Моддий жавобгарлик миқдорини суд белгилайди ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олади.

Кичик корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотномаларни рўйхатга олган орган ўн кунлик муддат ичида ягона давлат рўйхатига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хабар қилади.

Кичик корхоналар ўзига қарашли бино, иншоот, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, хомашё ва бошқа моддий бойликларни ўзга корхона, ташкилот ва муассасаларга сотиш, бериш, айирбошлаш, ижарага топшириш, бепул фойдаланишга ёки қарзга бериб туриш, шунингдек, агар республиканинг қонун ҳужжатларида ва корхона уставида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, уларни балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

Меҳнат муносабатлари, жумладан, ходимларни ёллаш, бошқа ишга ўтказиш, бўшатиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш каби ҳаракат меҳнатга оид амалдаги қонунлар билан тартибга солинади. Ходимлар иш ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Корхона меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек, ходимларнинг бошқа турдаги даромадларининг шакллари, миқдори ва берилиш тартибини мустақил белгилайди. У барча ишловчилар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга мажбурдир ҳамда уларнинг соғлиғи ва меҳнат қилиш лаёқатига етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Кичик корхона ходимлари давлат корхоналари ходимлари учун белгиланган тартибда ва шартларда ижтимоий ва тиббий суғурта қилинади ҳамда ижтимоий таъминланади. Корхона амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат ижтимоий суғурта ҳамда пенсия жамғармаларига маблағ ўтказиши шарт.

Кичик корхонани бошқариш унинг уставига мувофиқ меҳнат жамоасининг ўзини ўзи бошқариш принциплари ва ўз мол-мулкдан хўжалиқда фойдаланиш бўйича мулкдорнинг ҳуқуқларини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади. Корхона ўз бошқарувининг тузилиши, шакл ва усулларини ҳамда штатларини мустақил белгилайди.

Умумий йиғилиш корхона меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади. Корхона раҳбарининг фаолиятини назорат қилиш учун йиғилишда тафтиш комиссияси тузилади. Корхона раҳбари тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Кичик корхона белгиланган тартибда ўз иш натижаларининг тезкор бухгалтерлик ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисобот олиб боради.

Кичик корхона фаолияти уни қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшиб олиниш, бўлиниш, ажралиш, айлантириш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилади. Қайта ташкил этилган корхонага тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Кичик корхона ўз мол-мулкнинг эгаси ёки бундай корхоналарни тузишга ваколатли органнинг қарори бўйича ёхуд хўжалик судининг қарорига асосан, шунингдек, унинг банкротга учраганлиги эътироф этилган ҳолларда ва республиканинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асосларга биноан ўз фаолиятини тўхтатади.

Кичик корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш пайтида ишдан бўшатиладиган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланади.

Кичик корхонани тугатиш – суд (хўжалик суди) қарори бўйича, банкротга учраганлик туфайли тугатилган ҳолларда эса ушбу орган тайинлайдиган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Корхонани, уларнинг қарорига асосан, корхонанинг бошқарув органи ҳам тугатиши мумкин.

Тугатиш комиссияси тайинлаган пайдан бошлаб корхонанинг мавжуд мол-мулкани баҳолайди, унинг дебиторлари ва кредиторларини аниқлайди, улар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни мулкдорга ёки комиссия тайинлаган органга тақдим этади.

Тугатиш комиссияси ўз айби билан корхонага етказилган зарар учун фуқаролик қонунларига мувофиқ мулккий жавобгардир.

Давлат рўйхатга олиш дафтарига тегишли ёзувлар киритилган пайдан ташкил этиш ёки тугатиш ниҳоясига етган ҳисобланади.

**Хусусий тадбиркорлик** – ташаббускорлик, амалдаги қонунчилик доирасидаги ҳўжалик фаолияти бўлиб, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида таваккалчилик билан ўз зиммасига мулккий жавобгарлик олиб, ёлланма меҳнатни жалб этган ҳолда фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан амалга оширилади.

Хусусий тадбиркорлик юридик шахс бўлмасдан амалга ошириладиган якка тадбиркорлик фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхона мулкнинг бир қисми фуқаро мол-мулки ҳисобига ўтказилиши ёки сотиб олиниши, шунингдек, ижарадаги мол-мулкнинг сотиб олиниши ёки қонунда назарда тутилган усуллар билан шахсий жамғармалар, банк кредитлари асосида сотиб олиниши ҳамда тадбиркорнинг давлат мулкидан фойдаланиши натижасида, юқорида санаб ўтилган мулк шакллари уйғунлаштириш асосида вужудга келади.

Тадбиркорларнинг хусусий мулкчилигига асосланган корхона хусусий корхона бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Хорижий юридик шахслар ва фуқароларнинг хусусий тадбиркорлигини вужудга келтиришнинг ва маълум вақтда уни тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиши чоралари тўғрисида»ги<sup>1</sup> қонунлари билан кафолатланади.

Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланади, улар мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб вараққа эга бўлади.

Юридик шахс бўлмасдан ўз фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган тадбиркор яшаш жойидаги туман, шаҳар ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5–6. 91 ва 93-м.



шаҳарлардаги туман ҳокимларига ариза беради ва ҳокимликларда давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Хусусий корхоналар ўз филиалларига, тармоқ корхоналарига ва ваколатхоналарига эга бўлишлари мумкин.

Хусусий корхонани давлат рўйхатига олиш «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорлик шаклларида бири ҳисобланади ва юридик шахс бўлмаган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимлари рухсат берадилар.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома олган фуқароларга солиқ органлари томонидан давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгалик ҳақида гувоҳнома берилади.

Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ишларини юритиш ва юридик мустақилликка эга. Хусусий корхонани унинг эгаси бошқаради. Хусусий корхона эгаси белгиланган муддатларда давлат солиқ органларига шахсий даромадлари тўғрисида декларация, статистика органларига эса хусусий корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Хусусий корхона белгиланган шакллар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг ишончилиги учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Хусусий корхонанинг молия ва ҳўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ ва бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Хусусий корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти текширилаётганда текширув органлари корхонанинг тижорат сирларидан иборат маълумотларнинг сир сақланишига ва ошкор қилинмаслигига риоя этишлари таъминланади.

Хусусий корхоналар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунчилиги талабларига риоя этишга, корхонада ички меҳнат тартиби қондасини белгилашга, хавфсизлик, санитария ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя қилишга мажбурдирлар. Хусусий корхонада ишлайдиган ходимларга белгиланган тартибда

меҳнат дафтарчаси берилади. Ёлланма ишчиларнинг шартнома ёки контрактда келишилган меҳнат ҳақи давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан паст бўлмаслиги керак.

Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғуртага ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

Хусусий корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланган иш куни, иш ҳафтаси ва меҳнат таътилининг давом этиш муддатига риоя қилинади.

Хусусий корхонада ишлаш вақти корхонанинг Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармасига ажратмалар асосида пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига кўшилади. Меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунларига мувофиқ ҳал этилади.

Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарорига кўра ёки суднинг (хўжалик судининг) қарори билан таъсисчиларнинг корхона ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлари суд томонидан ҳақиқий эмас, корхона банкротга учраган ёки фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунига хилоф деб топилган ҳолларда амалга оширилади. Хусусий корхона давлат рўйхатидан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган: давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари; давлат банкларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар; давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари; давлат таъминоти ҳамда савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, савдо ташкилотларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, уларга тегишли бўлинмаларнинг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслар.

Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Бундай жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади; агар унинг уставига бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ турдаги жамиятнинг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади.

Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Акциядорлик жамиятининг тугатилиши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда, жамият фаолиятининг тўхталишига олиб келади. Бундан ташқари, жамиятнинг фаолияти ихтиёрий равишда, суд қарори асосида тугатилиши мумкин.

## **V боб. Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари**

### **5.1. Жамоат бирлашмаларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати**

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Конституция ва бошқа қонунларда, Президентнинг фармонларида, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган махсус устав ва низомларда қайд этилади. Конституциянинг 56-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба компаниялари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий компаниялар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа компаниялари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва

хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи сиёсий партияларни, махфий жамият ва компанияларни ҳамда ҳарбийлаштирилган ёки жамоат бирлашмаларини тузиш тақиқланади.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини кафолатлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун уларга ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг фаолиятига, айна вақтда жамоат бирлашмалари ҳам давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралаштирилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган бўлиб, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, лекин 1992 йил мартда Президент томонидан қабул қилган «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитани ташкил этиш тўғрисида»ги фармон асосида ушбу қўмита зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган: республика ҳудудида давлат органлари билан диний ташкилотларнинг баҳамжиҳат ҳаракати ва ҳамкорлигини ўрнатиш; вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорликда диний масалаларни ҳал қилиш бўйича ягона сиёсат юритиш; қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш.

Жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуққа эга бўлиш қобилияти, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш қоидалари, уларнинг давлат бошқарувидаги умумий ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқади. Бу ҳуқуқ ва бурчларни уларнинг ўзлари белгиламайдилар, балки давлат органлари ишлаб чиқадилар.

Жамоат бирлашмаларининг давлат бошқарувида қатнашиш шакллари асосан қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда қарор қабул қилиш;
- 2) давлат органларига юклатилган вазифаларни бажаришда қатнашиш;
- 3) давлат бошқарув органларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш;
- 4) давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий нормаларни қандай

бажараётганлигини текшириш;

5) ўз таркибида бўлган корхоналарнинг фаолиятини бошқариш.

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба компаниялари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятлари кафолатлари тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунига кўра, касаба компанияларига давлат бошқаруви соҳасида қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

– ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш;

– меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

– меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этиш;

– аҳолини иш билан таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашиш;

– маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан музокаралар олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда фаол қатнашиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

– уларнинг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга оид, уй-жой шароитига, ижтимоий суғуртага, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатларини ҳимоя қилиш.

Улар маъмуриятдан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 21 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасига асосан, республика ёшларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг фаолияти ва ташаббускорлигини ривожлантиришни ўзларининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблаган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган фуқароларнинг кўнгилли компанияси Ўзбекистон Республикаси ёшларининг жамоат бирлашмалари сифатида тан олинган.

Ёшлар жамоат бирлашмасининг уставига унинг аъзоси ёки қатнашчисининг ёши чеклаб қўйилган (30 ёшгача) бўлиши керак. Ёшлар жамоат бирлашмасида 30 ёшга тўлганларнинг жами сони 10 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ёшларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича давлатнинг комплекс ва аниқ мақсадли дастурини ишлаб чиқишда қатнашади.

Ёшларнинг шундай жамоат тузилмаларидан бири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидир. 2001 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жисмоний ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг янги ижтимоий ҳаракати тузилди.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

## **5.2. Жамоат бирлашмаларининг турлари. Сиёсий партиялар**

Жамоат бирлашмаларини бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) оммавий жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба компаниялари, ёшлар компанияси);

2) кооперативлар (истеъмолад қилувчи кооперация, уй-жой ширкатлари компаниялари);

3) ихтиёрий (кўнгилли) жамоалар ва уларнинг иттифоқлари (маҳалла посбонлари, тиббий ходимларнинг илмий жамоалари, спорт жамоалари, қизил ярим ой жамияти ва бошқалар);

4) ижодий иттифоқлар, бирлашмалар (журналистлар, киночилар, бастакорлар, ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар);

5) халқ томонидан ташкил қилинган жамоат бирлашмалари (маҳалла кўмиталари, ота-оналар кўмиталари, ўртоқлик судлари ва ҳоказо).

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига асосан, партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштарақлиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгиллилар бирлашмасидир.

Сиёсий партия ўз фаолиятини Конституцияга, ундан келиб чиқувчи қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставлари асосида амалга оширади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва

ошкоралик асосида тузилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва уларнинг мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашилари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади. Айни пайтда, сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига ҳам йўл қўйилмайди.

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда) яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида беш минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади ва у ерда партия устави ва дастури қабул қилинади; шунингдек, унинг сайлаб қўйиладиган органлари тузилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Партияни рўйхатдан ўтказиш учун партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза, устав, дастур, таъсис съезди ёки конференциясининг баёни, рўйхатдан ўтиш бадали тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Агар сиёсий партиянинг устави мақсад, вазифалари ва фаолият услуги Конституцияга, республика қонунларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партия Конституцияни ва республика қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда Адлия вазирлиги партия раҳбар органларига қайси нормалар бузилганлигини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади ва бундай бузилишларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар улар белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Адлия вазирлиги ёки республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, республика Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин. Агар бир йил ичида ўша хатти-ҳаракатлар такроран содир этилса, республика Олий судининг қарори билан сиёсий партиянинг фаолияти тугатилади.

- Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб этиш;
  - сайлаб қўйиладиган давлат органларида ўз вакиллари орқали тегишли қарорлар тайёрлашда иштирок этиш;
  - қонунда белгилаб қўйилган тартибда республика Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш, партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;
  - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
  - республиканинг бошқа сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар республика қонунларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлисида ўз фракцияларини тузиш ҳуқуқига эга. Бундай фракциялар: сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш; сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда қатнашиш; тегишли равишда Олий Мажлис Раисига ва республика ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш; сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича фракциянинг фикрини депутатлар орасида тарқатиш ва қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқларига эгадирлар.

## **VI боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**

### **6.1. Ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг турлари**

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель (янги таҳрирдаги) қонунига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларидан, маҳаллий урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик



масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби асосий принципларига бўйсунди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидаги турларга бўлинади:

шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши);

фуқаролар йиғинининг кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия ва бошқа жамоат тузилмалари.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди.

Фуқаролар йиғини – фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорига асосан ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ҳам фаолият кўрсатади. Бундай тузилмаларни тузишдан асосий мақсад – фуқароларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнини жадаллаштириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқарув тизимининг айрим ваколатлари бажарилишига кенг йўл очиш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда давлат билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборатдир.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига, фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига биноан, онгли равишда Ватан, халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр,

жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-эътиқодли, юсак инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, тегишли маҳаллада истиқомат қилувчи 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Ушбу тузилмалар билан ишлаш, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари юқорида келтирилган Низомда белгиланган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида тузиладиган яраштириш комиссиялари ҳам фаолият кўрсатади. Яраштириш комиссиялари таркибига хотин-қизлар кўмитасининг раиси, милиция профилактика инспекторлари, ҳудуддаги мактаб директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошлиқлари, имом-хатиблар, фахрийлар киритилади. Яраштириш комиссияларига фуқаролар йиғинининг оқсоқоллари ёки уларнинг ўринбосарлари раислик қиладилар.

## **6.2. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)**

Фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қуйидаги ваколатларга эга:

– ушбу органнинг фаолияти, дастури, харажатлар сметасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

– раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

– ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

– пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, зарур бўлганда тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

– қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилик цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

– йиғин маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номларини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди.

Фуқаролар йиғини, республика қонунларига мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Йиғин давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 246-моддасига асосан, туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида маъмурий комиссиялар ташкил этилади.

Фуқаролар йиғини, республика қонунларига мувофиқ, ер муносабатлари соҳасидаги масалаларни ҳам ҳал этади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

– республика қонунларини, Президентнинг фармонларини, республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади;

– фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

– қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

– фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашини ташкил этади; аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланади ҳамда дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатишнинг таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

– аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

– қабристонлар, қардошлиқ қабрлари ва бошқа мазорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

– алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолоштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

– эгасиз мол-мулкни, шунингдек, давлатга мерос тарзида ўтган молк-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

– деҳқон хўжалиқларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

– ўз ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади;

– иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларнинг ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларининг бажарилиши устидан жамоат назоратини ташкил этади;

– аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловларнинг ўз вақтида тушишга кўмаклашади;

– аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишини ташкил этади, зарур бўлганда эса фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга жалб этади;

– тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

– ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни маҳаллий мудофаа органларига чақирилаётганларидан хабардор қилишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

– давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

– вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

– аҳоли орасида маъруза ва суҳбатлар ташкил этади, фуқароларга мунтазам равишда маданий хизмат кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

– тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

– давлат органларига фуқаролар йиғинининг, кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклифлар киритади;

– фуқароларни қабул қилади, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

– фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкӣ аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда республика қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

– фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширади;

– республика қонунларига мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек, раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

## **VII боб. Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига республикамизнинг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади.

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати йиғилишида Конституциянинг 92-моддасида ўз ифодасини топган қасамёдни қабул қилган пайдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда республикаимиз номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради, республикаимизнинг шартнома ва битимларини имзолайди ҳамда унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади.

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари

кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий ҳўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорни уч кун мобайнида Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорни уч кун ичида Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош

қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди; Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмат раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида унинг нормал фаолиятига хавф соладиган, ҳал қилиб бўлмас ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон



Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89 - 97-моддаларида белгиланган.

## **VIII боб. Давлат бошқарув органлари**

### **8.1. Давлат бошқарув органлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати**

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъекти давлат бошқарув органларидир. Улар давлат томонидан ташкил этилиб, давлат номидан иш кўради ва унинг манфаатини кўриқлайди. Давлат бошқарув органлари давлат аппаратининг қисми бўлиб, ўз бурчларини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга. Шунинг учун улар ўз ваколатлари доирасида фаолият кўрсатиши, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши ва шу ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш учун ташкилий ишлар олиб бориши мумкин.

Давлат бошқарув органлари халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларда давлат вазифаларининг бажарилишини ташкил этади. Улар Президентга, ҳокимларга ва улар орқали халқ депутатлари кенгашларига бўйсундилар.

Давлат бошқарув органларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш ҳуқуқий нормаларда белгиланади. Бундай нормаларга Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ва махсус қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомлар, вазирлар, қўмиталар қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳар хил ассоциация, концерн, корпорация, компания, компания, корхона, муассаса ва ташкилотлар тўғрисидаги низомлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўққизинчи бобидаги нормаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига ва 1993 йилнинг 6 майида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Вазирлар Маҳкамасидир. Бу қонунга

мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатиши, қонунларнинг ижро этилиши, Олий Мажлис палаталарининг бошқа қарорлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилиши учун раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

– иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларни тенглаштириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

– хўжалик юритишнинг янги шакллари, концерн, консорциум, тармоқлараро бирлашмалар, турли компания ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруратидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

– пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини жорий қилади, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– республика бюджетини, шунингдек, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади;

– бошқарув тизимини такомиллаштириш, вазирлар, давлат қўмиталари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқарув органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади;

– фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

– фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

– соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, илм-фан, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

– давлат хавфсизлигини ва республиканинг мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларини кўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

– давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргалиқда ўтказишни ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, фалокат ва табиий офатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

– республиканинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

– ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий соҳада самарали фаолият кўрсатишга раҳбарлик қилишни, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш Бош вазир, унинг ўринбосарлари, комплексларнинг раҳбарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Вазирлар Маҳкамасининг таркибига кирувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари

раҳбарларининг фаолияти, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, доимий, вақтинчалик комиссиялар, тегишли қарорлар билан ташкил этилган бошқа ишчи органларнинг ташкилий-амалий иши билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти амалга оширади. Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси ишини ташкил қилади. Вазирлар Маҳкамаси аппарати ва таркибий бўлинмаларининг иш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг иши йил чораги ёки ярим йиллик режаларга мувофиқ олиб борилади.

Муҳим давлат, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли тадбирлари ишлаб чиқилади, уларни Бош вазирнинг ўринбосарлари – комплекс раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритадилар.

Иш режаси лойиҳасига масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати ушбу Раёсат аъзолари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда киритади.

Умумлаштирилган таклифлар режалаштириладиган давр бошлангунгача 20 кундан кечикмай Раёсатга кўриб чиқиш учун киритилади.

Режалаштирилган масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартиришга ёки уларни кун тартибидан чиқариб ташлашга Бош вазири рухсат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати иш режасининг ўтган давр мобайнида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни мунтазам равишда тинглаб боради.

Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун билан унинг ваколатига киритилган масалалар кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалаларни вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компанияларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган (хизмат сафариди, меҳнат таътилида бўлган) ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари киритадилар.

Шошилинич тусдаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ёки

унинг Раёсати уларнинг мажлислари баёнида қайд этиладиган қарорларни қабул қилиши мумкин. Бундай қарорлар ижрочиларга мажлис баёнидан кўчирма ҳолида етказилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари, шунингдек, республиканинг вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва компаниялар, иттифоқлар таркибига кирадиган бирлашмалари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига фақат ўзларининг юқори идоралари орқали, давлат секторига кирмаган корхоналар эса ўзларининг ҳудудида жойлашган вилоятлар ҳокимлари ёки республика органлари орқали мурожаат қиладилар ва масалаларни киритадилар.

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳар бир масала бўйича, одатда, давлат тилида аниқ баён қилинган, асосланган қарор ёки фармойиш лойиҳаси, шунингдек, масаланинг моҳияти баён этилган ва мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган қисқача хат тақдим этилади. Амалга оширилиши қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб қиладиган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий-иқтисодий асослар илова қилинади.

Қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, уларда кўриб чиқиладиган масала пухта таҳлил қилинган ва ҳолис баҳоланган, ижрочилар олдига аниқ ифодаланган мақсад ва вазифалар қўйилган бўлиши, уларни амалга оширса бўладиган муддатлар белгиланиши керак.

Қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳаларида, зарурат бўлганда илгари қабул қилинган қарорларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклиф назарда тутилади.

Айнан шу масалалар бўйича илгари қабул қилинган қарорлар бажарилмаган ҳолларда (янги вазиятлар пайдо бўлган ҳоллар бўлиши бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамасига ана шу масалалар бўйича қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари киритилишга йўл қўйилмайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувлари Вазирлар Маҳкамасига киритадиган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонунда баён қилинган талабларга жавоб бериши керак.

Бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг манфаатларига ёки ваколатига дахлдор

қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳалари, шунингдек, уларга иловалар Вазирлар Маҳкамасига киритилгунга қадар давлат ва хўжалик бошқарувининг мана шу органлари билан келишиб олинади. Ҳукумат қарори лойиҳаси бўйича эътирозлари бўлган орган раҳбари ўзи рози бўлмаган қоидалар юзасидан асосланган мулоҳазани тақдим этади.

Норматив тусдаги қарорларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳам келишиб олинади.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш ҳамда республика бюджети билан боғлиқ қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари ёки тақлифлар тегишли равишда Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича – Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишиб олиниши керак.

Қонунлар лойиҳалари юборилган раҳбарлар 7 календарь куни мобайнида, қарорлар лойиҳалари бўйича – 3 календарь куни, фармойишларнинг лойиҳалари бўйича эса кўпи билан 2 календарь куни мобайнида хулоса беришлари лозим.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган қонунлар, қарорлар, фармойишлар лойиҳаларининг асосланганлигига оид келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, шунингдек, уларнинг манфаатдор ташкилотлар билан тегишли равишда келишиб олинганлиги учун шахсан жавобгар бўладилар.

Ушбу талабларга риоя қилинмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритилган қонунлар, қарорлар, фармойишлар лойиҳалари ва республика ташкилотларининг мурожаатлари зарур тартибда расмийлаштириш учун қайтарилади.

Ҳужжатларнинг бошқа турларини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг раҳбариятига билдириш, шунингдек, ижрочиларга топшириқлар (кўрсатмалар, резолюциялар)ни етказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритишга оид йўриқнома билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида раёсат мажлислари мунтазам равишда ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Мажлисларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири олиб боради.

Зарурат туғилганда шошилинич масалаларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг режадан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати кўриб чиқиши учун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи ҳар қандай масалалар киритилади, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бундан мустаснодир.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Бош вазир ўринбосарининг котибиятлари, бўлимлари ва бошқа бўлинмалари, Бош вазир ўринбосарларининг раҳбарлигида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда амалга оширадилар. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан тузиладиган комиссиялар амалга оширадилар.

Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ва бўлимларининг таклифлари бўйича тайёрланадиган мажлис кун тартиби лойиҳаси мажлис бошланишидан камида 10 календарь куни олдин Бош вазир билан келишилади. Кун тартиби келишилганидан кейин унга қўшимча масалалар фақат уларнинг розилиги билан киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига киритиладиган масалаларга доир материаллар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари, комплекс раҳбари томонидан кўриб чиқилади, у тайёрланган масалаларнинг сифати учун жавоб беради.

Қарор лойиҳаси Бош вазирнинг тармоқ бўйича ўринбосари, комплекс раҳбари, юридик бўлим, бошқа манфаатдор бўлимлар ва Бош вазир ўринбосарлари, котибиятлари, тегишли вазирликлар, идоралар томонидан имзоланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасида албатта маъқулланган бўлиши керак.

Лойиҳалар билан бир вақтда қуйидагилар тақдим этилади: муҳокама қилиш тартиби, мажлисга таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати, қарор лойиҳасининг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, Бош вазир ўринбосари котибиятининг киритилган масаланинг моҳияти баён қилинган хати.

Қарор лойиҳаси билан тўлиқ келишиб олиш имкони бўлмаган фавқулодда ҳолларда келишилмаган масалалар асослашлар,

мулоҳазалар ва таклифлар билан бирга келишилганлиги тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилиши керак.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун киритиладиган материалларни Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ва бўлимлар мажлисдан камидан 7 кун олдин топширадilar.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки, унинг топшириғига биноан, Бош вазир билан келишилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корпорациялар, концернлар, компаниялар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ҳамда мажлисга таклиф этиладиган бошқа шахсларни хабардор қилиш, шунингдек, уларнинг мажлисга келган-келмаганликларини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Бош вазир ўринбосарларининг котиблари ва бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисига Конституциявий суд раиси, Бош прокурор, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президент девони назорат инспекциясининг раҳбари, Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раислари, Ўзбекистон Ахборот агентлиги бош директори, Иқтисодиёт вазири ва статистика қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги доимий вакили, Ўзбекистон Касаба компаниялари федерацияси кенгашининг раиси – доимий равишда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари эса – заруратга кўра таклиф этиладилар. Бошқа мансабдор шахслар мажлисга фақат ўзларига дахлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида ишлар бошқарувчисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари, бўлимлар ва бошқа бўлинмаларнинг мудирлари қатнашадилар. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа масъул ходимлари мажлисларни тайёрлашда ўзлари қатнашган масалалар кўриб чиқиляётганда иштирок этадилар.

Мажлис материаллари – Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати аъзоларига, тегишли масалалар бўйича материаллар эса –



мажлисга таклиф этиладиган бошқа мансабдор шахсларга ҳам мажлисдан камида уч календарь куни олдин тарқатилади.

Кун тартиби ва мажлис материалларини тарқатиш, Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати аъзоларини, мажлисларда доимий равишда қатнашадиган республика идоралари раҳбарларини хабардор қилиш, таклиф этилганларни рўйхатга олиш ва мажлисга хизмат кўрсатиш Умумий бўлим томонидан Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ва бўлимлар билан биргаликда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисларида масалалар бўйича ахборот Бош вазирнинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Бош вазир ўринбосарлари котибиятларининг мудирлари томонидан баён қилинади. Муҳокама этилаётган масала бўйича маъруза қилиш учун 10 минутгача (ривожланиш истиқболлари ва республика бюджети масалалари бўйича 15 минутгача) қўшимча маърузалар ва нутқлар учун – 7 минутгача, маълумотлар бериш учун – 3 минутгача вақт белгиланади. Зарур ҳолларда мажлисга раислик қилувчи бошқа вақтни белгилайди.

Мажлисларда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати аъзоларининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилинади. Мажлис тамом бўлганидан кейин қабул қилинган қарорнинг аниқ ифодаланган матни Бош вазир ўринбосари котибиятининг мудир томонидан имзоланган ҳолда мажлис баёнига киритиш учун Умумий бўлимга берилади. Мажлис баёнини раислик қилувчи имзолайди.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг раёсати мажлисларда қабул қилинган ҳужжатлар қарорлар, фармойишлар ёки мажлис қарорлари шаклида чиқарилади.

Мажлис тамом бўлгач, қарорлар, фармойишлар, мажлис қарорларининг лойиҳалари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган материаллар Умумий бўлимга топширилади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлар, фармойишлар ва мажлислар қарорларини қабул қилади. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарорлар шаклида чиқарилади; шошилинич ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ёки мажлис қарори шаклида чиқарилади. Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг раёсати мажлисларида муҳокама этиш давомида мулоҳазалар билдирилган, қўшимчалар ёки ўзгартишлар киритилган қарор

лойиҳалари Бош вазир ўринбосарларининг тегишли котибиятлари, бўлимлари ёки мажлисларда тузилган комиссиялар томонидан пухта ишланади ҳамда, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, мажлис бўлиб ўтган куннинг эртасига имзолаш учун тақдим этилади. Лойиҳаларга киритиладиган ўзгартишлар Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари ва биринчи ўринбосарлари билан келишилиши керак.

Айрим шошилиш масалалар ёки Вазирлар Маҳкамаси раёсатида муҳокама этилиши зарур бўлмаган масалалар бўйича қарор лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари билан сўраб билиш тартибда келишилади ва расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари улар имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади ҳамда Бош вазир ўринбосарларининг тегишли котибиятлари, бўлимлари томонидан тузиладиган тарқатиш рўйхати бўйича дарҳол ижрочиларга тарқатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорларида уларни кучга киритиш муддатлари кўрсатилади, бошқа ҳолларда улар имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, агар уларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Республика аҳолисини тезлик билан таништириш зарур бўлганда қарорлар ва фармойишлар Бош вазирнинг топшириғига биноан матбуот, телевидение ва радио орқали эълон қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ҳақида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унинг доимий комиссиялари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси уларнинг вазифаларини ҳамда фаолият тартибини белгилайди. Давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида топшириқларини бажариш учун

Вазирлар Маҳкамасининг вақтинчалик комиссиялари ва ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси доимий, вақтинчалик комиссияларининг ҳамда ишчи органларининг ҳужжатлари мажлис баёнлари билан расмийлаштирилади ҳамда тегишли ижрочиларга етказилади. Кўрсатиб ўтилган комиссиялар ва ишчи органларнинг мажлис баёнлари уларга бошчилик қилаётган раҳбарлар томонидан имзоланади.

Доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқиши керак бўлган материалларни тайёрлаш ҳамда комиссиялар қарорларининг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, уларга ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш эса Ишлар бошқармасининг тегишли бўлинмаси томонидан амалга оширилади. Зарурат бўлганда бу материалларни тайёрлашда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан жўнатилган кундан бошлаб, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса 10 календарь кун мобайнида бажарилиши керак.

Қонун ҳужжатларини ва ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган қонунларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бир ой мобайнида (агар олий Мажлис қарорида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса) бажарилиши керак. Ушбу топшириқларни Адлия вазирлиги ва юридик бўлим билан биргаликда бажариш мазкур қонунларни тайёрлаган вазирликларга, идораларга, Вазирлар Маҳкамасининг котибиятларига (бўлимларига) юклатилади.

Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, бўлимлари киритилган материалларни Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига билдириш учун зарур ҳолларда, ўрганишни ва пухта ишлаб чиқишни уч кун мобайнида, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқаларнинг манфаатларига тегишли, пухта ишлаб чиқишни талаб қиладиган ҳужжатлар бўйича эса бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 10 кунгача муддатда таъминлайдилар. Бажариш муддатларини фақат топшириқни имзолаган раҳбар узайтириши

мумкин.

Агар топшириқ бир неча ижрочиға тааллуқли бўлса, у ҳолда уни бажаришга масъул бўлган вазирлик, давлат қўмитаси, идора Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, бўлимлар ёки мувофиқлаштириш (чиқариш) топширилган мансабдор шахс унинг бажарилишини ташкил этишга мажбурдир. Ижрочилар топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун баб-баравар жавобгардирлар.

Топшириқда қўйилган масалалар ҳал қилинган ёки асосий масала бўйича жавоб берилган тақдирда, у бажарилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг МДХдаги мухтор ваколатхонаси (Минск шаҳридаги мухтор ваколатхонаси) МДХ Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик ҳамда МДХ Давлат бошлиқлари кенгаши ва Ҳукумат бошлиқлари кенгаши мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлаш ва ўтказишни таъминлаш бўйича доимий тезкор алоқани амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг МДХдаги мухтор ваколатхонаси ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга, МДХ Давлат бошлиқлари ва Ҳукумат бошлиқлари кенгашлари қабул қилган норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг МДХдаги мухтор ваколатхонаси Вазирлар Маҳкамасини Ўзбекистон Республикасига тааллуқли қарорларнинг лойиҳалари, бошқа ҳужжатлар ва тадбирлар ҳақида мунтазам хабардор қилиб туради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, мажлис қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ва текширишни Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, Вазирлар Маҳкамасининг бўлимлари таъминлайдилар.

Вазирлар Маҳкамаси вазирлар, давлат қўмиталари раислари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича топшириқларни қандай бажараётганликлари, давлат бюджетининг ижроси, шунингдек,

давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарорларини бажаришлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам тинглаб боради, уларнинг шак-шубҳасиз рўёбга чиқарилишини таъминлаш чораларини кўради.

Ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ишларини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган иш юритиш бўйича йўриқнома ҳамда ҳужжатларнинг ижросини ва назоратини ташкил этиш тартиби билан белгиланади.

Бажарилган қарорларни назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарорни Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати қабул қилади.

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида фуқароларнинг хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда келувчиларни қабул қилиш тартиби тегишли низом билан белгиланади.

Фуқароларнинг хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ҳамда келувчиларни қабул қилишни ташкил этиш учун масъулият Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларни қабул қилиш, хат ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими, Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари, бўлим мудирларига юкланади.

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланадиган йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлик, давлат қўмиталари, республика миқёсидаги ассоциациялар, концернлар, корпорациялар, компаниялар, компанияларнинг ваколат доираси улар тўғрисидаги махсус низомларда қайд этилади. Бу низомлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо металл қўмитаси тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 мартдаги 129-сонли қарори билан тасдиқланган<sup>1</sup>, шунингдек, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси тўғрисидаги низом ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 190-сонли 1996 йил 24 май қарори билан тасдиқланган<sup>2</sup>.

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг устави ёки низоми шу соҳадаги юқори органлар томонидан тасдиқланади. Конституциянинг 101-моддасига ва «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги<sup>3</sup>,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1992. № 3. 9-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. № 6. 18-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. № 3. 146-м.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонунларига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари республика қонунлари, Президент фармонлари, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар. Юқори органларнинг ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар учун мажбурийдир. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, шаҳардаги туманларнинг ҳокимлари шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Ҳамма ҳокимларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланиши керак.

Ҳокимлар ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг фаолиятини ташкил қилиш ҳамда уларнинг ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 104-модда).

## 8.2. Давлат бошқарув органларининг турлари

Давлат бошқарув органларини қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

- 1) қайси ҳудудда фаолият кўрсатиши бўйича;
- 2) ташкил қилинишига кўра;
- 3) ваколатининг хусусияти ва ҳажми асосида;
- 4) раҳбарликни ташкил этиш бўйича;
- 5) молиявий маблағ билан таъминлаш соҳасига кўра.

**Қайси ҳудудда фаолият кўрсатиши бўйича** давлат бошқаруви органлари олий, марказий ва маҳаллий органларга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 9. 320-м.

бўлинади.

*Олий органлар* – Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистонда Вазирлар Кенгаши. Уларнинг фаолияти бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида ташкил этилади. Бундан ташқари, улар марказий органларнинг фаолиятини бирлаштирадилар ва улар устидан назорат ўрнатадилар.

*Марказий органлар* – вазирликлар, давлат қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил қилинган органлар, республика миқёсида фаолият кўрсатаётган ассоциациялар, концернлар, корпорациялар, компаниялар, компаниялар, банклар. Уларнинг фаолияти республика миқёсида бўлади.

*Маҳаллий органлар* – ҳокимлар, ҳокимиятнинг бўлим ва бошқармалари, корхона, муассаса, ташкилот ва давлат акциядорлик жамиятларининг маъмурияти. Маҳаллий органлар вилоят, туман, шаҳар миқёсида фаолият кўрсатади.

***Давлат бошқарув органлари ташкил қилиниши бўйича:*** Президент фармониغا кўра ташкил қилинадиган органлар; Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил қилинадиган органлар; ҳокимларнинг қарорига асосан ташкил қилинадиган органлар; вазирликлар ва давлат қўмиталари, ассоциация, корпорация, концерн, компаниялар томонидан ташкил қилинадиган органлар; республика миқёсидаги банклар томонидан ташкил қилинадиган органларга бўлинади.

а) *Президент фармониغا кўра ташкил қилинадиган органларга:* Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар ва давлат қўмиталари, республика миқёсида фаолият кўрсатадиган бошқа органлар (масалан, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, компаниялар) киради. Президентнинг ҳамма фармонлари кейинчалик Олий Мажлис томонидан тасдиқланади;

б) Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил қилинадиган органларга бош бошқарма, марказ мақомидаги органлар киради (масалан, гидрометеорология бош бошқармаси);

в) ҳокимларнинг қарорига асосан тузиладиган органларга ҳокимиятнинг бўлим ва бошқармалари, ҳар хил комиссиялар киради. Ҳокимларнинг қарори маҳаллий депутатлар кенгашида тасдиқланади;

г) вазирликлар ва давлат қўмиталари, республика миқёсида фаолият кўрсатадиган бошқа органлар томонидан ташкил қилинадиган органларга корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа номдаги органларнинг маъмурияти киради. Бу органлар маҳаллий миқёсда фаолият кўрсатади.

Барча ташкил қилинган органлар, уларни ташкил қилган органга

бўйсунди. Шу сабабли юқори органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари улар учун мажбурийдир.

**Ваколатининг хусусияти ва ҳажмига кўра**, давлат бошқарув органлари умумий ваколатли, махсус ваколатли, бир тармоқ бўйича ваколатли органларга бўлинади. *Умумий ваколатли органга* – Президент бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимлар бошчилигидаги ҳокимликлар; *махсус ваколатли органга* – давлат қўмиталари; *бир тармоқ бўйича ваколатли органга* – вазирликлар киради.

**Раҳбарликни ташкил этиш бўйича** давлат бошқарув органлари коллегиал (давлат қўмиталари, ассоциациялар, корпорациялар, компаниялар, банклар, акциядорлик жамиятлари) ҳамда яқка тартибда бошқариладиган органлар (Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари)га бўлинади.

**Молиявий маблағ билан таъминлаш соҳасига кўра**, давлат бошқарув органлари бюджет органлари (масалан, ички ишлар органлари) ва хўжалик ҳисобидаги органларга бўлинади. *Бюджет органлари* давлат томонидан таъминланади. *Хўжалик ҳисобидаги органлар* ўз фаолияти ёки ўзлари бўйсунган корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдадан ажратилган маблағ ҳисобидан таъминланади.

Давлат органлари вазифаси умумий бўлган тизимни ташкил этади. Бу тизимнинг асоси демократик марказчиликдир. Бу принцип умумдавлат ва маҳаллий мақсадга эришишда асосий ўрин тутди. Эндидавлат бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқамиз.

1. **Олий ижро этиш ва фармойиш бериш ваколатига эга бўлган орган** – Вазирлар Маҳкамаси. Вазирлар Маҳкамасининг таркибини республика Президенти шакллантиради ва Олий Мажлис тасдиқлайди. Вазирлар Маҳкамасининг таркибига Қорақалпоғистон ҳукуматининг бошлиғи ҳам киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида давлат бошқарувининг барча масалаларини ҳал қилади. Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қарор ва фармойишлари барча давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт. Вазирлар Маҳкамаси ваколат муддати тамом бўлганидан кейин янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Халқ депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг ишини назорат қилиш мақсадида, ундан ўз саволларига расмий жавоб беришни талаб қилишлари мумкин.



Бундай ҳолларда жавоб оғзаки ёки ёзма равишда шу ўтаётган сессияда берилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг таркибига: Президент, бош вазир, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, шунингдек, Президент тайинлаган бошқа органларнинг раҳбарлари киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг асосий вазифаси халқ хўжалигида ижтимоий, маъмурий-сиёсий ва соҳалараро бошқарувни ташкил қилиш; улар орасидаги алоқани кучайтириш ва уларнинг фаолияти устидан умумий раҳбарлик қилишдан иборат.

**2. Маҳаллий ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар – ҳокимликлар.** Ҳокимликлар ўз вазифаларини ҳоким раҳбарлигида бажарадилар. Маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрига қуйидагилар киради:

– қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

– маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқ ва йўғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

– маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

– фуқаролик ҳолати далолатномаларининг қайд этилишини таъминлаш;

– норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва республика қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимликларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунида қайд этилган. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 4 январь қонунига асосан, ҳоким ижроия аппаратига эга бўлиб, бу аппарат аввалги ижроия қўмита вазифаларини бажаради. Аппаратнинг тузилишини ва штатларини ҳоким белгилайди ҳамда халқ депутатлари кенгаши тасдиқлайди. Ҳокимнинг ўринбосарлари, аппарат бўлимлари ва бошқармаларининг, бошқа бўлинмаларнинг раҳбарларини ҳокимнинг тақдимига мувофиқ халқ депутатлари кенгаши тасдиқлайди.

**3. Марказий соҳавий ижро этувчи ва фармойиш берувчи давлат бошқарув органлари** – вазирликлар, давлат қўмиталари,

давлат ассоциациялари, корпорациялари, компаниялари, компаниялари, банкларидир.

Бу органлар Президентнинг фармонида асосан ташкил этилади ва Олий Мажлисида тасдиқланади. Улар ваколатининг ҳажми Президент фармонида ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шу органлар тўғрисидаги низомларда кўрсатилади. Ушбу органларнинг раҳбари этиб Президент фармонида асосан, вазир ёки раис тайинланади. Ана шу раҳбарларнинг буйруғига асосан, қуйи органлар ташкил қилиниши мумкин. Агар шу қуйи орган маҳаллий ҳокимиятнинг таркибида бўлиши зарур бўлса, ҳокимнинг розилиги билан ҳамда халқ депутатлари кенгашида тасдиқланиши керак.

**4. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмурияти.** Маъмурият – мансабдор шахслар гуруҳи бўлиб, унга раҳбар, унинг ёрдамчилари, муҳандис-техник мутахассислар ва бошқарув иши билан шуғулланувчи бошқа хизматчилар кирди.

Маъмуриятнинг ҳуқуқий ҳолати махсус низомда ёки уставда қайд этилади. Бу корхоналарнинг низоми ёки устави давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Рўйхатдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 июндаги 159-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоми асосида таъминланади.

Мазкур Низом, мулк шакллари ва қайси идорага бўйсунушидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариш (хўжалик), тижорат ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, шунингдек, юридик шахс ҳуқуқлари билан таъминланган филиаллар ва таркибий бўлинмаларни (бундан кейин корхоналар деб аталади) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш корхона жойлашган ҳокимиятда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун корхоналар ҳокимиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: а) мулкчиликнинг ёки вакил қилинган органнинг янги корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги қарор, ишлаб турган корхоналар учун уларни ташкил қилиш тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар; б) корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза; в) корхонанинг таъсис этувчи томонидан тасдиқланган устави; г) агар корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти учун ер майдони талаб қилинса, ердан фойдаланувчининг розилик хати; д) Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий органларида корхоналарнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома; е) корхонани рўйхатдан ўтказиш учун

белгиланган миқдордаги давлат божи тўланганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи банк тўлов ҳужжати.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ариза олинган пайтдан бошлаб 30 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш дафтарига киритиш учун ҳокимиятнинг молия бўлимига ўн кун муддат ичида етказилади. Рўйхатдан ўтказилган корхонага рўйхатдан ўтганлик тўғрисида ордер берилади.

## **IX боб. Давлат хизматчиси**

### **9.1. Давлат хизматчилари ва уларнинг турлари**

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томони сифатида давлат хизматчилари ҳам қатнашиши мумкин, чунки улар давлат бошқарув органи вазифасини бажарувчи субъектлардир.

Давлат хизматчилари ишчи ва деҳқонлардан моддий ишлаб чиқариш хусусиятлари билан ажралиб туради. Ишчи ва деҳқонлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлсалар, давлат хизматчилари ўз фаолиятлари давомида ҳеч қандай бойлик ишлаб чиқармайдилар, улар ишчи ва деҳқонларнинг эркин меҳнат қилиши учун қулай шароит яратиб берадилар.

Давлат хизматчиси – давлат бошқарув органларида ишловчи ва ўз меҳнати учун давлатдан иш ҳақи олувчи, давлат бошқарув органларининг ваколатини таъминловчи фуқаролардир.

Давлат хизматчилари ўз вазифаларининг ҳажмига кўра тўрт гуруҳга бўлинадилар: ёрдамчи ходимлар, мутахассислар, мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари.

*Ёрдамчи ходимлар.* Бундай хизматчилар (котиблар, иш юритувчи котибалар, компьютер операторлари, бухгалтерлар ва бошқалар) моддий-техник ишларни бажарадилар. Улар давлат бошқарув органларининг тўхтовсиз ишлаб туришига ёрдам берадилар, лекин уларнинг фаолиятлари натижасида ҳеч қандай юридик ҳодиса рўй бермайди.

*Мутахассислар.* Бу гуруҳга: муҳандислар, шифокорлар, агрономлар, кутубхоначилар, конструкторлар, ўқитувчилар ва бошқалар киради. Улар одатда юридик ҳаракат билан бевосита шуғулланмайдилар ва фармойиш бериш ваколатига эга эмаслар. Лекин қонунда рухсат берилган ҳолларда мутахассисларнинг фаолияти юридик аҳамиятга эга бўлган натижаларга олиб келиши

мумкин. Масалан, шифокор касал фуқарога ишдан вақтинча озод қилиш варақасини берса, идоранинг раҳбари ана шу ишчи ёки хизматчини вақтинча ишдан озод қилиш учун буйруқ чиқариши керак.

*Мансабдор шахслар.* Бу хизматчилар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тўхтатилишини таъминлайдилар. Бундай юридик ҳаракатларнинг таркиби ҳар хил бўлиб, бу давлат хизматчисининг ишлаб турган лавозимига боғлиқ. Мансабдор шахслар ўз ваколатига асосан, фуқароларни ишга қабул қиладилар ва ишдан бўшатадилар, маъмурий ҳужжатлар қабул қиладилар, ўзларига бўйсунган ишчи ва хизматчиларни мукофотлайдилар, зарур ҳолларда эса интизомий жазо қўллайдилар.

*Ҳокимият вакиллари.* Ҳокимият вакиллари мансабдор шахсларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, улар ўзларига хизмат юзасидан бўйсунмаган шахсларга ҳам бажарилиши шарт бўлган фармойиш бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу гуруҳга махсус давлат назоратчилари ҳам киради.

Давлат номидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлмаган хизматчилар ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунлари асосида тартибга солинади. Давлат ва фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлган хизматчилар ўртасидаги муносабатлар қўшимча маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан ҳам таъминланади. Шу боис, уларнинг хизмат фаолиятлари хизмат қонунлари ва маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади. Чунки хизматчилар, ҳокимият номидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлганликлари сабабли, маъмурий ҳуқуқнинг субъектларидирлар. Шунинг учун ҳам уларни тайёрлаш ва танлаш, хизмат бўйича ўстириш, уларнинг ваколатини ва жавобгарлигини аниқлаш, фаолиятини ташкил этиш тизимига алоҳида эътибор бериш зарур.

Давлат хизматини ўташ қонунлар, фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шу соҳа раҳбарларининг буйруқлари асосида ташкил этилади.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қайд этилган бўлиб, унда: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», – дейилади.

Давлат хизматининг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳам ўз аксини топган. Ушбу Кодексда ишчи ва хизматчиларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари ва бурчлари, меҳнат шартномаси тузиш, ишга қабул қилиш ва ишдан

бўшатиш, иш ва дам олиш вақтлари, меҳнат интизоми ҳақидаги ва бошқа қоидалар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизматни ўташ қоидалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1993 йилнинг 8 январида тасдиқланган «Ички ишлар органларида хизматни ўташнинг вақтинчалик низоми»да кўрсатилган хизматни ўташ қоидалари Ички ишлар органларининг интизомий уставида ва Патруль-пост хизмати уставида ҳам қайд этилган. Бу ҳуқуқий нормаларда ички ишлар органларига хизматга олиш, лавозимга тайинлаш, махсус унвонлар бериш, ишдан бўшатиш, интизомий жавобгарликка тортиш, хизмат пайтида қандай ваколатларга эга бўлиш ҳақидаги ва бошқа қоидалар белгиланган.

Қонунда белгиланган хизматга кириш талабларини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ талаблари давлатнинг ҳамма хизматчиларига тааллуқли бўлади ва қуйидагилардан иборат: а) республика фуқаролигига эга бўлиш; б) ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахслардан бири (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари)нинг иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қилмаслиги; в) суд қарорига кўра лавозимни эгаллаши тақиқланган фуқаронинг бундай лавозимга ишга қабул қилинмаслиги. Бошқа ҳеч қандай умумий тақиқловчи нормалар қонунларда кўрсатилмаган.

Ишга кирувчи фуқародан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1) паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат (ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслардан эса туғилганлик тўғрисида гувоҳнома);

2) меҳнат дафтарчаси, биринчи марта ишга кираётганлардан эса, у яшаб турган маҳалла ёки уй-жойдан фойдаланиш кўмитасидан тегишли маълумотнома, қуролли кучлардан озод бўлганлардан ҳарбий билет;

3) махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассислардан олий, ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисида диплом ёки мазкур ишни бажарганлик учун бериладиган гувоҳнома ёхуд бошқа тегишли ҳужжат. Қонунда кўзда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Иккинчи гуруҳ қоидаларида давлат хизматини ўташ учун махсус талаблар кўрсатилади. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

а) махсус таълим (прокурор, суд, шифокор, терговчи, ўқитувчи);

б) ёши (президентликка номзоднинг ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги, ички ишлар органлари хизматида кирувчи шахс ўттиз ёшдан ошмаган бўлиши керак);

в) соғлиғи тўғрисида маълумотнома (умумий овқатланиш корхоналарига, ички ишлар органларига ишга киришда тиббий комиссиядан ўтиш зарур).

Амалдаги қонунларга асосан, лавозимларни тўлдириш танлов йўли билан шартнома асосида амалга оширилади.

Лавозимларни эгаллашнинг асосий тури тайинлашдир. Қонунга асосан, штатдаги лавозимларга шу орган раҳбарининг буйруғи билан ёки орган раҳбарининг буйруғи юқори орган раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин ёхуд юқори орган раҳбарининг буйруғи билан тайинланади.

Лавозимларни эгаллашнинг иккинчи тури – танлов асосида лавозимни эгаллаш. Бу тур асосан илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида қўлланилади. Бунда бир неча мутахассис ичидан билим ва малакаси ҳар жиҳатдан мукамал бўлгани танлаб олинади.

Лавозимларни эгаллашнинг учинчи тури шартнома асосида ишга қабул қилишдир. Бундай йўл зарур ҳолларда муайян ишни бажаришга имконият яратади.

Ишга қабул қилинган пайтдан бошлаб фуқаро давлат хизмати муносабатларининг қатнашчисига айланади. Бунга раҳбарнинг фуқарорни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруғи асос бўлади. Шундай қилиб, хизмат муносабатларининг пайдо бўлиши ёки тўхтатилиши маъмурий ҳужжат қабул қилиш йўли билан қонунийлаштирилади.

## **9.2. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш чоралари**

Меҳнат мажбуриятини намунали бажарганлик, меҳнат унумдорлигини оширганлик, давомли ва нуқсонсиз ишлаганлик ва ишдаги бошқа муваффақиятлари учун давлат хизматчиларига нисбатан ички меҳнат тартиб-қоидалари, интизом уставлари ва бошқа ҳужжатларда рағбатлантириш чоралари кўзда тутилиши мумкин. Масалан, ички ишлар органининг интизомий уставида: 1) ташаккурнома эълон қилиш; 2) мукофот бериш; 3) қимматли совға билан тақдирлаш; 4) фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш; 5) ҳурмат тахтасига ёки ҳурмат дафтарига исми-шарифини қайд этиш ёки суратини қўйиш; 6) махсус унвонни муддатидан илгари бериш кўзда тутилган.

Давлат хизматчилари давлат мукофотлари, яъни орден ва медаллар билан тақдирланиши ёки шу соҳанинг махсус унвонига (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган маданият ходими ва ҳоказо) сазовор бўлиши мумкин.

Махсус хизмат қоидаларини бузганлик учун давлат хизматчилари жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноий жавобгарлик учун мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши, пора олиши ва ҳоказолар асос бўлади. Содир этилган жиноятга қараб суд жавобгарликнинг ҳар хил турларини белгилайди, шунингдек, ишдан бўшатиш тўғрисида қарор чиқариши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда суд бирор фуқаронинг қандайдир лавозимни эгаллаши ёки муайян фаолият билан шуғулланишини тақиқлаб қўйиши ҳам мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жавобгарликнинг бир қанча турлари кўзда тутилган. Жумладан, мансабдор шахслар меҳнат қонунларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, санитария-гигиена қоидаларини, ифлослантирувчи моддаларни меъёридан ортиқ даражада ишлатганлиги ёки рухсатсиз атмосферага чиқарганлиги ва атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатганлиги, транспорт воситаларини сақлаш тартибини ва паспорт қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Интизомий жавобгарлик ўз хизмати вазифасига тегишли қоидаларни бузганлиги учун идора раҳбари томонидан қўлланилади. Давлат хизматчиларининг асосан интизомий жавобгарлика тортилиши ҳоллари кўп учрайди.

Қонунга биноан, интизомий жавобгарлик уч турга бўлинади:

- 1) бўйсунуш тарзидаги;
- 2) устав ва низомларда кўрсатилган тартибда;
- 3) идоранинг ички низоми асосида.

Қўйи раҳбарлар интизомни бузганларида бўйсунуш тарзидаги интизомий жавобгарлик юқори раҳбарлар томонидан қўлланади.

Айрим соҳаларда интизомий жавобгарликни қўллаш асослари устав ёки низомларда кўрсатилади. Масалан, ички ишлар органларининг Интизомий устави асосида шу соҳадаги давлат хизматчилари интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Қолган барча давлат хизматчилари хизмат қоидаларини бузганликлари учун шу идорада қабул қилинган ички қоидалар асосида жавобгарликка тортиладилар.

Ҳамма вақт интизомий жавобгарликка тортишдан олдин тартиббузардан тушунтириш хати олиш керак. Агар тартиб бузилгани ошкор бўлган пайтдан бир ой вақт ўтган бўлса ёки тартиб бузилган кундан олти ой ўтса, интизомий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар интизомий жавобгарликка тортилган кундан бошлаб, бир йил давомида давлат хизматчиси янгидан тартибни бузмаса, у интизомий жавобгарликка тортилмаган ҳисобланади.

Меҳнат қонунида қуйидаги интизомий жазолар кўрсатилган:

1) ҳайфсан эълон қилиш; 2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизи миқдоригача жарима солиш (айрим ҳолларда бундай жарима қирқ фоизгача бўлиши мумкин); 3) ишдан бўшатиш.

Ишчи ва хизматчиларнинг айрим тоифалари учун интизомий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларда ва интизом уставларида бошқача интизомий жазо чоралари ҳам кўзда тутилиши мумкин. Масалан, ички ишлар органларининг интизомий уставида тартиб бузувчи шахснинг махсус унвонини бир поғона пастга тушириш кўзда тутилган.

Агар иш тартиби бузилган вақтда давлат органига ёки фуқароларга моддий зарар етказилса, давлат хизматчиси моддий жавобгарликка тортилади.

Моддий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XII бобида назарда тутилган. Мазкур кодекснинг 186-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, агар Меҳнат кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Моддий жавобгарлик жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилаётганда, шунингдек, алоҳида ҳолатда ҳам қўлланиши мумкин.



**Учинчи бўлим**  
**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ**  
**АМАЛГА ОШИРИШ**

**X боб. Давлат бошқарувининг шакл ва усуллари**

**10.1. Давлат бошқарувининг шакллари**

Давлат бошқарувининг вазифа ва функциялари шу бошқарувни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг аниқ ҳаракатлари орқали бажарилади. Бу ҳаракатлар бошқарув фаолиятининг аниқ шаклларида ўз ифодасини топади. Бошқарувнинг у ёки бу шаклидан тўғри фойдаланиш бошқарув фаолиятининг самарадорлигини оширади. Бошқарув шакллари бошқарув функцияларининг мақсадга мувофиқ тарзда бажарилишини, ундан кўзланган мақсадларга кам куч, восита ва вақт сарфлаб эришилишини таъминлашга қаратилган.

Давлат бошқаруви вазифа ва функцияларининг кўплиги, қонунчиликда назарда тутилган бошқарув фаолиятининг турли хил шакллари мавжуд бўлишини тақозо этади. Одатда улар давлат бошқарув органи фаолиятини тартибга солувчи махсус низомлар, уставлар ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланади. Бунда органлар ва мансабдор шахслар бошқарув функциясини амалга оширишда фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган шакллардангина фойдаланишлари мумкин. Бундай талабга риоя этмаслик орган ёки мансабдор шахс ҳаракатларининг ҳақиқий эмаслигига ёхуд низоли ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, бошқарув субъектига қонунчиликда назарда тутулган у ёки бу шаклларни танлашда мустақиллик берилмас экан, бошқарув фаолиятининг ижодий хусусияти ҳеч бир мазмунга эга бўлмайди. Бошқарув шакли юзага келган шароитдан, мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик талабларидан келиб чиққан ҳолда танланиши лозим.

Бошқарув фаолиятида қайси шаклдан фойдаланиш маъқуллигини давлат бошқарув органи ўзига юклатилган функцияларни бажариш борасидаги ҳаракатларининг хусусиятидан келиб чиқиб аниқлайди. Баъзи ҳолларда ушбу ҳаракатлар юридик

оқибатларга олиб келса, бошқа ҳолларда олиб келмаслиги мумкин. Шунга кўра, давлат бошқарув органларининг фаолияти ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган шаклларга ажратилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий шаклига хос жиҳат давлат бошқарув органи ва улардаги мансабдор шахслар ваколатларининг давлат-ҳокимият, ижро этиш ва фармойиш бериш, қонун ости хусусиятига эғалигида аниқ ифодасини топади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий шакли давлат фаолиятининг бошқа шаклари (қонун чиқариш, одил судлов, прокурор назорати)дан шуниси билан фарқ қиладики, мазкур шакл ёрдамида бошқарувнинг вазифа ва функциялари бажарилади, давлат бошқарувининг хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларига қонун асосида ва қонунларни ижро этиб бевосита раҳбарлик қилинади.

*Давлат бошқарувининг ҳуқуқий шакли мазмуни, бир мақсадга йўналтирилганлиги ва ифода этиш усулига кўра таснифланади.*

Ҳуқуқий шаклининг мазмунига кўра, бошқарув ҳуқуқ ижодкорлиги(ҳуқуқ ўрнатиш) ва ҳуқуқни қўллашга бўлинади.

Бошқарувнинг ҳуқуқ ижодкорлиги шакли ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, ўзгартириш ва бекор қилишдан иборат норматив ҳужжатларни чиқаришда намоён бўлади. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти куйидаги мураккаб ҳаракатлар тизимини ўз ичига олади:

1) органнинг бошқарувга оид норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор чиқариши;

2) лойиҳа матнини тайёрлаш, уни дастлабки муҳокамадан ўтказиш, тегишли қўшимчалар киритиш, манфаатдор томонлар билан келишиш, тегишли органнинг дастлабки маъқуллаши, лойиҳани ҳуқуқ ижодкорлиги органига юбориш, лойиҳани қабул қилиш ёки тасдиқлаш;

3) қабул қилинган норматив бошқарув ҳужжатини эълон қилиш.

Санаб ўтилган ҳуқуқ ижодкорлиги ҳаракатларининг барчаси одатда, коллегиял органларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига тааллуқлидир. Яққабошчилик тартибида иш кўрувчи органларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида эса норматив ҳужжатларни яратиш «технология»си унчалик мураккаб хусусиятга эга эмас. Масалан, шу тариқа фаолият кўрсатувчи вазирлик, идора ёки бошқа бошқарув органининг раҳбари тайёрланган лойиҳани муҳокама қилмасдан ва бошқа ҳуқуқ ижодкорлиги ҳаракатларни бажармасдан туриб ҳам дарҳол тасдиқлаши мумкин.

Қонун нормаларининг тартибга солиш предмети бошқарув соҳасидаги ҳамма ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги ва тез ўзгарувчанлиги туфайли, уларнинг ҳаммасини тўлиқ қамраб

ололмайди. Давлат бошқарув субъектларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти бошқарув муносабатларини янада тўлиқ тартибга солишга хизмат қилади. Унинг бошқа ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятлари (давлатнинг қонун чиқариш фаолияти ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти) ўртасидаги ўзаро муносабати куйидагилар билан фарқланади:

1) бўйсунуш тарзидаги хусусияти билан;

2) марказий давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти қонунлар, фармонлар ва бошқа юқори турувчи давлат органлари ҳужжатларининг ижроси асосида амалга оширилиши билан.

Бошқарув ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида қонун ости хусусиятига эга бўлган ва бошқарув соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаси юзага келади.

Бошқарувни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқ нормаси асосида аниқ бошқарув ишини (масаласини) ҳал этишни ўзида ифода этган, якка тартибда ҳужжатни қабул қилиш мақсадида тегишли ҳуқуқ нормасига мувофиқ бошқарув субъектларининг юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларидан иборат.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти куйидагиларни ўз ичига олади: ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш; тегишли вазиятда қўллаш мумкин бўлган ҳуқуқ нормасини танлаш; норманинг маъно ва мазмунини тушунтириш, яъни уни шарҳлаш; иш юзасидан тегишли қарор, якка тартибда ҳужжат қабул қилиш; ҳуқуқ нормасини қўллашга доир ҳужжатни ижро этиш.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти давлат бошқарув органлари қўллайдиган ҳуқуқ нормаларининг мазмуни ва хусусиятига кўра, икки шаклга, яъни тартибга солиш ва ҳуқуқни қўриқлаш фаолиятига бўлинади.

Ҳуқуқни қўллашнинг *тартибга солиш* шаклидан бошқарув соҳасида якка тартибдаги аниқ бошқарув ишларини ҳамда ташкилий, хўжалик, ижтимоий-маданий ва ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишда, шунингдек, фуқаролар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда фойдаланилади.

Ҳуқуқни қўллашнинг *ҳуқуқни қўриқлаш* шакли юридик нормалар билан тартибга солинган бошқарув муносабатларини ҳимоя қилишга ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Унинг ёрдамида давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган юридик низолар ҳал этилади; фуқаролар, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг, давлат

хизматчиларининг субъектив ҳуқуқлари ҳимоя қилинади ҳамда маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа юридик мажбуриятларни бажармаган шахсларга нисбатан давлат мажбурлов чоралари қўлланилади.

*Бошқарув фаолияти ҳуқуқий шаклининг бир мақсадга йўналтирилганлиги (фойдаланиш мақсади) бўйича* ташқи ва ички бошқарув фаолиятига бўлинади. Ҳуқуқий шаклларнинг *ички бошқарув* фаолиятидан ташкилий-штат масалаларини ҳал этишда, иш юритишни олиб боришда, тегишли орган ходимлари ва таркибий тузилмаларига раҳбарлик қилишда, шунингдек, бўйсунушига кўра қуйи турувчи органларни бошқаришда фойдаланилади. Ҳуқуқий шаклларнинг *ташқи бошқарув* фаолиятидан бошқарув соҳасининг мазмунини ташкил этувчи вазифа ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Давлат бошқаруви, ҳуқуқий шаклининг ифода этиш усулига кўра, ёзма, оғзаки ва имо-ишора (конклюдент) кўринишида бўлиши мумкин. Давлат бошқарувида бу усуллардан энг кўп тарқалгани ёзма усулдир. Давлат бошқаруви субъекти ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг натижаси расмий, норматив, юридик ҳужжат ҳисобланади. Ҳарбийлаштирилган ва ҳарбий органлар, тузилмалар фаолиятида оғзаки усулдан кенг фойдаланилади. Бу усул тезкор хусусиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда бериладиган оғзаки буйруқ, кўрсатма, фармойиш кўринишида бўлиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш маълум бир сигналлар, ҳаракатлар ва бошқа имо-ишораларда (масалан, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизмати инспекторининг транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солишда фойдаланадиган ишораларида) ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

***Бошқарув фаолиятининг ҳуқуқий бўлмаган шаклларига*** ташкилий тадбирларни ўтказиш ва моддий-техник ҳаракатларни амалга ошириш киради. Одатда ҳуқуқий бўлмаган шакллар, ҳуқуқий шакллар каби, бошқарув субъектининг ваколатлари доираси билан боғлиқ бўлиб, бошқарувнинг мақсад ва вазифаларига мос келиши лозим.

Ташкилий тадбирларни ўтказиш ижобий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатишда, ижрочиларга иш ўргатишда, уларга йўл-йўриқлар беришда, жойлардаги ижрочиларга методик ёрдамлар кўрсатишда, фан ва техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишда ва бошқа ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Ташкилий тадбирлар аниқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши билан бевосита боғлиқ эмас. Улар жорий бошқарув фаолияти жараёнида амалга

оширилади.

Моддий-техник ҳаракатлар кўмаклашиш аҳамиятига эга, бироқ улар ёрдамида давлат бошқаруви ҳамма шаклларининг амалга оширилиши моддий жиҳатдан таъминланади.

Моддий-техник ҳаракатларга, масалан, маълумотномалар, ҳисоботлар тузиш, иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳужжатлар ва иш юритиш материалларини кўпайтириш кабилар киради. Моддий-техник ҳаракатлар бошқарув субъектларининг аниқ ва самарали ишлашини таъминлашга қаратилган. Бошқарув жараёнининг мураккаблашувига қараб моддий-техник ҳаракатларнинг аҳамияти ва ҳажми ошиб бориши мумкин. Мазкур бошқарув шаклини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, замонавий компьютер техникаси, ахборот технологияси билан таъминлаш ҳар бир бошқарув органи фаолиятида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида кўрсатилган шакллар бир-бирига боғлиқ. Шу сабабли давлат бошқарувида улардан комплекс фойдаланилади. Ушбу шакллардан фойдаланишда давлат бошқарув органлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ҳамма вақт давлат номидан иш кўриб иштирок этадилар.

## **10.2. Давлат бошқарувининг усуллари**

Бошқарув жараёнидаги муайян вазифаларни бажаришда шахсларнинг иродаси ва онгига таъсир кўрсатувчи турли усуллардан фойдаланилади. Улар бошқарув усуллари деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг ўз бурчларини қонуний бажаришларини таъминлаш учун икки усул, яъни ишонтириш ва мажбурлаш усуллари қўлланади. Ишонтириш давлат бошқарувининг барча қатнашчиларига нисбатан қўлланиши мумкин бўлса, мажбурлаш бошқарув қоидаларини бузган шахсларга нисбатангина қўлланилади. Мажбурлашнинг турлари, ҳажми уни қўллаш асослари ва ижро этиш қоидаларида аниқ кўрсатилади.

Давлат бошқарув усуллари икки гуруҳга, яъни маъмурий ва иқтисодий усулларга бўлинади.

Маъмурий усуллар бошқарув субъектларига давлат таъсирини ўтказиш орқали амалга оширилиб, улар ёрдамида субъектлар олдига вазифалар қўйилади, тартиб-қоидалар ўрнатилади, шунингдек, субъектларнинг нима қилиши кераклиги аниқланади. Бунда мабодо вазифалар бажарилмаса ва тартиб-қоидаларга риоя этилмаса, субъектлар юридик жавобгарликка тортиладилар.

Давлат бошқарувида маъмурий усулларни қўллаш бошқарув органларининг бир тармоққа тегишлилигига ёки соҳалараро эканлигига кўра ўзаро фарқ қилади.

Тармоқ бошқарув органлари маъмурий усулларни ўзларига бўйсунувчи органларга ҳамда тармоқ олдида қўйилган вазифаларни бажариш жараёнида пайдо бўлган муносабат қатнашчиларига нисбатан қўллайдилар. Соҳалараро бошқарув органлари эса маъмурий усулларни ўзларига бўйсунувчи органларга нисбатангина эмас, балки уларга тегишли бўлмаган органларга ва маъмурий ҳуқуқнинг бошқа субъектларига нисбатан ҳам қўллайдилар. Чунки соҳалараро давлат бошқарув органлари (йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги хизмати назорати, санитария назорати, давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари, транспорт органлари, божхона органлари ва ҳоказо) ўз ваколатларига тегишли соҳаларда тартиб-қоидаларини, ишларнинг бошқарилишини назорат қилиб турадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бошқарув фаолиятида иқтисодий усуллар кенг қўлланмоқда.

Бошқарувдаги иқтисодий усуллар: халқ хўжалигида қабул қилинадиган бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш; мукофотлаш фондидан фойдаланиш орқали бошқариладиган объектларга моддий таъсир кўрсатиш; бошқарув объектларини моддий қизиқтириш учун иқтисодий воситалардан (нарх, мукофот, ишга ҳақ тўлаш, фойда ва ҳоказо) фойдаланиб, уларга бевосита таъсир ўтказиш учун керак.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда вазирликлар, қўмиталар ва бошқа бошқарув органлари икки усулни бир-бирига қарши қўймай, ҳар қайси усулни керакли пайтда қўллашлари керак, чунки бир хил усул билан олдинга қўйилган вазифаларни бажариб бўлмайди.

## **XI боб. Давлат бошқарувида оид ҳужжатлар ва уларнинг юридик аҳамияти**

### **11.1. Давлат бошқарувида оид ҳужжатлар**

Бошқарув фаолиятининг асосий шаклларида бири – давлат бошқарув органлари томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришдир. Бу ҳужжат ёрдамида бошқарув органлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажарадилар ва кўпгина бошқарув масалаларини ҳал қиладилар.

Бошқарув ҳужжати ҳамма вақт давлат органи ёки мансабдор

шахснинг фармони (буйруғи) орқали эълон қилинади. Уни бажариш ташкилий ишлар ва ишонтириш йўли билан, зарур ҳолларда мажбурлаш йўли билан амалга оширилади.

Бошқарув органларининг ҳужжатлари қонуний тартибда ўз ваколати доирасида ҳужжат тузиш талабларига риоя қилган ҳолда чиқарилиши керак.

Бошқарув ҳужжатини қабул қилиш ҳамма вақт юридик натижаларга олиб келади. Бу натижалар: 1) ахлоқий қоидаларни, ҳуқуқий нормаларни белгилайди ёки ўзгартиради (бу асосан норматив ҳужжатларга тааллуқлидир); 2) юридик фактларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади (маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади, ўзгартиради ёки тугатади); 3) бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг (масалан, меҳнат муносабатларининг) келиб чиқишига сабаб бўлади; 4) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаровий, меҳнат низоларига оид ишлар судда кўриб чиқиладиганда далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давлат бошқарув органлари ҳужжатларининг юридик кучи ҳар-хил бўлишига қарамай, унинг барча талаблари бажарилиши керак. Ҳуқуқий ҳужжат чиқариш учун унинг нима мақсадда қабул қилинаётганлигини аниқлаш, лойиҳасини тайёрлаш ва уни тегишли органларга ёки мансабдор шахсларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш зарур. Бу жараён «ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш» фаолияти деб аталади. Бошқарув ҳужжати тайёрлаш фаолияти давлат органи томонидан махсус тартибга солинади. Масалан: ким қандай ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга; қанча муддатда лойиҳа тайёрланиши керак; лойиҳани ким кўриб чиқиши ва имзолаши зарур; лойиҳа қандай қисмлардан иборат бўлиши лозим; қайси масалалар ҳақида ва ким билан келишиб олинishi керак; лойиҳани тайёрлаш учун ким жавобгар каби масалалар давлат органи томонидан ҳал қилинади.

Бошқарув ҳужжатларининг лойиҳалари амалдаги қонун талабларига қанчалик жавоб бериши ёки бермаслиги ана шу органнинг юридик ходимлари томонидан текшириб чиқилиши керак. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси кўриб чиқилгандан кейин у коллегиял равишда ёки яқка тартибда тасдиқланади. Шундан сўнг бу ҳужжат матбуотда чоп этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари республика ҳукуматининг қарорлари тўпламида ва газеталарда, ҳокимликларнинг ҳужжатлари газета ва махсус бюллетенларда нашр этилади. Вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва ўзга бошқарув органларининг ҳужжатлари эса махсус ахборотномаларда, асосан буйруқ тариқасида чоп этилади ва бўйсунувчи органларга рўйхат бўйича

юборилади. Умумий ваколатли органларнинг ҳужжатлари айрим ҳолларда телевидение ва радио орқали хабар қилиниши мумкин.

Давлат бошқарув ҳужжатларининг кучга кириш муддати шу ҳужжатнинг ўзида кўрсатилади, агар матбуотда кўрсатилмаган бўлса, у қабул қилинган пайтдан кучга кирган ҳисобланади. Ҳокимликларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳужжатлари чоп этилган вақтдан бошлаб ўн беш кундан кейин кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги низомга асосан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг (бундан кейин «вазирликлар ва идоралар» деб аталади) норматив ҳужжатларини, уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинча) ҳамда улардаги маълумотларнинг хусусиятидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи умумий мажбурий тусдаги; идоралараро тусга эга бўлган; мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган, корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Вазирликлар ва идоралар норматив ҳужжатларни қабул қилишда уларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

Бир неча вазирлик ва идора қабул қилган норматив ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни тасдиқлаганлар орасидан биринчи бўлиб кўрсатилган орган зиммасига юкланади.

Норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бўлиши керак.

Вазирликлар ва идоралар норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида буйруқлар, қарорлар, йўриқномалар, кўрсатмалар шаклида ёки тегишли органлар тўғрисидаги низомларда назарда тутилган бошқа шаклларда қабул қиладилар.

Норматив ҳужжатда мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунини, Ўзбекистон Республикаси Олий



Мажлиснинг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан чиқарилаётганлиги ёки улар асосида чиқарилаётганлиги кўрсатилиши шарт.

Норматив ҳужжат, тузилишга кўра, муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш шакли бўлиб, аҳоли томонидан осон тушунилиши ва қўлланилиши керак.

Норматив ҳужжат ўз мазмунига мос тарзда қисқача номланиши керак. Агар норматив ҳужжатнинг қабул қилиниш мақсади ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, унда кириш қисми берилади. Норматив тусга эга бўлган қоидалар кириш қисмига киритилмайди.

Норматив ҳужжат мазмуни ва ҳажмига кўра одатда ўз номига эга бўладиган қисмлар ва бўлимларга ажратилган бўлиши мумкин.

Норматив ҳужжат қоидалари аниқ ва раво, адабий тилда баён қилиниши керак. Фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида келтирилган муқобилига мослаб бир хилда қўлланилади. Зарур ҳолларда махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартишлар тушунтирилади. Эскирган, кўп маъноли сўзлар ва иборалар, мажозий қиёслашлар, сифатлашлар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидалари сўзма-сўз такрорланиши тақиқланади. Норматив ҳужжатлар матнига амалдаги қонун ҳужжатларида ҳавола қилишга фақат истисноли ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мазкур норматив ҳужжатнинг бошқа бандларига, шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг илгари қабул қилинган норматив ҳужжатларига ҳавола қилишга уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорга йўл қўймаслик зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Норматив ҳужжатнинг ҳар бир бандида битта норматив кўрсатма бўлиши керак. Ҳужжатнинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Агар норматив ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, хариталар, чизмалар, ҳужжатлар, бланкларнинг намуналари келтирилса, улар одатда иловаларда берилиши керак. Норматив ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳавола қилинади.

Норматив ҳужжатда қуйидаги реквизиитлар бўлиши керак: ҳужжат турининг таърифи; тартибга солиш предметини белгиловчи ном;

ҳужжатларнинг тартиб рақами, қабул қилинган санаси ва жойи; тегишли норматив ҳужжатни имзолашга вакил қилинган шахсларнинг ушбу орган муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Агар норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши мазкур орган илгари қабул қилган норматив ҳужжатларнинг ўз кучини йўқотиши эътироф этилишини ёки уларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишини талаб этса, ушбу қоидалар тақдим этилган норматив ҳужжатнинг ўзида ёхуд бошқа ҳужжатда акс эттирилиши керак.

Норматив ҳужжатга:

– норматив ҳужжатни чиқариш асослари (вазирлик ва идоранинг ваколати, органнинг норматив ҳужжатга кирган масалаларни ҳал этишни топшириш ёки бундай ҳуқуқ беришга оид қарори, ҳужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар);

– мазкур орган ушбу масала бўйича илгари қабул қилган норматив ҳужжатларга оид маълумотлар;

– ушбу масала бўйича илгари бошқа органлар қабул қилган норматив ҳужжатлар ва давлат рўйхатидан ўтказишда тақдим этилган ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотнома илова қилинади.

Тайёрланган норматив ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбарияти имзолагунига қадар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширилиши керак. Тақдим этилган норматив ҳужжатга ушбу орган юридик хизматининг раҳбари виза қўйган, илова қилинган маълумотнома эса имзоланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган норматив ҳужжатни олган кундан бошлаб 30 кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказди. Зарурат бўлса, экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги қўшимча ҳужжатларни талаб этиш, шунингдек, норматив ҳужжатлар бўйича хулосалар бериш учун мутахассислар ва илмий ходимларни штатдан ташқари экспертлар сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тақдим этилган норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган ва кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда, Адлия вазирлиги уни давлат рўйхатидан ўтказди. Агар норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, кўрсатилган талабларга жавоб бермаса ёхуд манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, норматив ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган норматив ҳужжатлар Адлия вазирлиги томонидан тегишли хулосалар билан уларни тақдим этган органларга қайтарилади. Мазкур ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда пухта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

Норматив ҳужжатнинг асл нусхаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин унга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами билан биргалиқда уни тақдим этган органга қайтарилади, икки нусхаси ҳисобга олиш ва эълон қилиш учун Адлия вазирлигида қолади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда вазирликлар ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган ўз норматив ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралардан давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Вазирликлар ва идоралар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзлари қабул қилган норматив ҳужжатларидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни ўн кун муддат ичида Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбур. Ушбу қоида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги норматив ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақли бўлади ва бу норматив ҳужжатни юридик кучга эга эмас, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Норматив ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга вакил қилинган орган томонидан мазкур ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Низоли масалалар пайдо бўлган, шунингдек, норматив ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланган тақдирда Адлия вазирлиги уларни белгиланган тартибда ҳал этилгунига қадар норматив ҳужжатнинг (ёки унинг тегишли қисмининг) амал қилинишини тўхтатишга ҳақлидир.

Норматив ҳужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, уларнинг тарқатилиши, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳақидаги масалалар унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи орган томонидан ҳал этилади.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив

ҳужжатларни давлат бошқарувининг тегишли органлари, муассасалар, ташкилотлар, ва корхоналар эътиборига етказадилар.

Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва нашр этилиши (эълон қилиниши) керак бўлган норматив ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар ижро учун юборилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган норматив ҳужжатлар бўйича тушунтириш бериш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

## 11.2. Давлат бошқарув ҳужжатларининг таснифи

Давлат бошқарув ҳужжатлари қуйидаги асослар бўйича таснифланади:

1. **Юридик хусусияти бўйича** ҳуқуқий ҳужжатлар норматив ва якка тартибдаги (маъмурий) ҳужжатларга бўлинади. Норматив ҳужжатлар, асосан, узоқ вақтга ва кўп марта қўлланишга мўлжалланади. Якка ҳуқуқий ҳужжатлар эса бир марта ва муайян ҳолатда қўлланишга мўлжалланади. Масалан, Паспорт тизими тўғрисидаги низомга асосан, милиция профилактика инспекторлари паспорт тизими қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу норма муайян ҳолларда кўп марта қўлланишга мўлжалланган. Милиция профилактика инспекторининг паспорт тизими қоидасини бузганлик учун фуқарога жарима солиш тўғрисидаги қарори эса якка (маъмурий) тартибда қўлланиладиган ҳужжат ҳисобланади.

2. **Макон (ҳудуд) бўйича** амал қиладиган давлат бошқарув ҳужжатлари республика миқёсидаги ҳужжатлар (Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари) ҳамда вилоят, туман, шаҳар миқёсида амал қилувчи ҳужжатларга бўлинади. Одатда давлат бошқарув органларининг ваколати қайси ҳудудга тегишли бўлса, ҳуқуқий ҳужжат ана шу ҳудудда амал қиладди.

3. **Амалда бўлиш муддатига кўра**, давлат бошқарув ҳужжатлари муддати чекланган ва чекланмаган ҳужжатларга бўлинади. Агар бошқарув ҳужжати чекланган муддатга чиқарилган бўлса, бу ҳужжатнинг амал қилиши маълум муддат ўтганидан кейин тўхтатади.

Муддати чекланмаган ҳужжатлар уни чиқарган орган ёки юқори орган томонидан бекор қилинмагунча қўлланилади. Агар ижтимоий муносабатларни янгидан тартибга соладиган ҳужжат чиқарилса,

илгариги шу турдаги ҳужжат ўз кучини йўқотади.

Ҳужжатнинг амал қилиши юридик факт ёки ҳодиса рўй бериши муносабати билан ҳам тўхтатилиши мумкин; масалан, пенсионер шахс вафот этса, нафақа бериш тўғрисидаги ҳужжат бекор қилинади.

Бошқарув ҳужжатининг амал қилиши маъмурий-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи бир томонинг талаби ёки хоҳиши билан ҳам бекор қилиниши мумкин. Масалан, институт раҳбарияти талабани ўз аризасига биноан ёки бошқа сабабларга кўра талабалар сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Муддати чекланмаган ҳужжатлар шу ҳужжатларни чиқарган органларнинг ваколат муддати тамом бўлганда ҳам амал қилишдан тўхтатмайди. Бу ҳужжатларнинг амал қилиши уни қабул қилган органнинг ўрнига ташкил қилинган орган ёки юқори орган томонидан бекор қилиниши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 13-бандига асосан, республика Президенти республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, юқори бошқарув органлари қўйи бошқарув органлари қабул қилган ҳужжатларни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**4. *Ҳужжатни қайси орган қабул қилишига кўра***, давлат бошқарув ҳужжатлари қуйидагича таснифланади:

а) Ўзбекистон Конституциясининг 94-моддасига асосан, республика Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқарадилар;

б) Конституциянинг 98-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳудуддаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқарадилар;

в) махсус низомларга асосан, вазирликлар буйруқ ва қўлланмалар, давлат кўмиталари эса – буйруқ, қарор ва қўлланмалар чиқарадилар. Давлат ассоциациялари, концернлар, корпорациялар, компаниялар, компаниялар – конференцияларнинг очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинган қарорини чиқаради. Бу қарор шу орган раисининг буйруқлари, фармойишлари билан ҳаётга татбиқ этилади;

г) Конституциянинг 104-моддасига асосан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмалар, шунингдек,

мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиладилар;

д) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳокимликларнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳокимият таркибига кирмаган маҳаллий-соҳавий органларнинг раҳбарлари буйруқ ва қўлланмалар чиқарадилар.

**5. Ҳужжат қабул қилувчи органларнинг ваколатига кўра** бошқарув ҳужжатлари қуйидаги ҳужжатларга бўлинади:

1) *умумий ҳужжатлар*, яъни Президентнинг фармонлари ва фармойишлари, ҳокимларнинг қарорлари;

2) *соҳавий ҳужжатлар*, яъни вазирликларнинг буйруқ ва қўлланмалари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, ҳокимликларнинг, бўлим ва бошқармалар раҳбарларининг ҳамда ҳокимият таркибига кирмаган маҳаллий соҳавий орган раҳбарларининг буйруқлари, шунингдек, йўриқномалари, ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик ҳисобида ишлаётган соҳавий органларнинг қарорлари, уларнинг раҳбарлари чиқарган буйруқлари;

3) *тармоқлараро ҳужжатлар* қаторига эса давлат кўмиталарининг қарорлари, бу кўмита раҳбарларининг буйруқлари ва қўлланмалари.

**6. Шакли бўйича** бошқарув ҳужжатлари ёзма ва оғзаки ҳужжатларга бўлинади. Ҳужжат асосан ёзма равишда қабул қилинади. Оғзаки ҳужжатлар, армия, ички ишлар органларида, миллий хавфсизлик хизматида кўпроқ учрайди.

Давлат бошқарув ҳужжатлари қонунга асосан, қўйилган вазифаларни бажариш учун ва юқори органларнинг ҳужжатини ўз фаолиятида қўллаш мақсадида қабул қилиниши керак. Барча бошқарув ҳужжатлари қонунда кўрсатилган тартибда ва шаклда уни қабул қилувчи органининг ваколати доирасида чиқарилиши керак.

Бошқарув ҳужжатини қабул қилишда қуйидаги махсус талабларга риоя қилиш зарур:

– ҳужжат қонунда кўрсатилган муддатда ўз вақтида қабул қилиниши керак;

– ҳужжат олдиндан келишилган ҳолда ва махсус рухсатнома асосида ёки кейинчалик юқори орган томонидан тасдиқланиб, қабул қилиниши мумкин;

– қонун талаб қилган ҳолларда ҳужжат чиқариш учун махсус давлат органларининг (давлат санитария назоратининг ва бошқа органларнинг) хулосаси бўлиши керак.

Бундан ташқари, ҳуқуқий ҳужжат ташкилий-техник талабларга ҳам жавоб бериши, яъни тил қоидаларига мувофиқ қисқа тузилиши,

фикрлар аниқ ва равшан ифодаланмоғи керак. Агар ҳар қандай ҳужжат юқоридаги талабларга жавоб бермаса, ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларини бажара олмайди. Бундай ҳужжатлар қонуний кучга эга бўлмаган, баҳслашишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ҳисобланади ва бу ҳужжатлардаги ҳаракатни бажариш керак эмас. Чунки бундай ҳужжатлар қонун талабларини қўпол тарзда бузган ҳисобланади ва унинг талабларини бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Аксинча, ким бундай ҳужжатни чиқарган бўлса, ана шу шахс жавобгарликка тортилиши керак.

Баҳслашишга сабаб бўладиган ҳужжатлар тегишли органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг шикояти ёки прокурорнинг протести асосида кўриб чиқилиб, бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳужжатлар бекор қилингунига қадар ундаги талаблар бажарилиши керак.

Бир хил шикоят асосида кўриб чиқиладиган ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатиб қўйилиши мумкин. Масалан, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд кўриб чиққунча бажарилмайди.

Агар ҳужжат бекор қилинса, унинг юридик кучи йўқолади. Агар бундай пайтларда фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, бундай ҳуқуқлар тикланиши керак.

## **XII боб. Давлат бошқарувида ишонтириш ва маъмурий мажбурлаш**

### **12.1. Ишонтириш усули ва унинг асосий шакллари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида давлат томонидан туб ислохотлар ўтказилмоқда. Республика фуқаролари бу ислохотларнинг моҳиятини қанчалик яхши тушунсалар, мазкур жараён шунчалик осон кечади ва амалиётда самарали натижалар беради.

Кишиларнинг онги ва хулқиға руҳий таъсир ўтказиб, улардан шу давлатда ўрнатилган тартибга риоя қилишни назарда тутувчи фаолият *ишонтириш усули* деб аталади. Оммани ишонтириш давлат бошқарув органларининг асосий фаолият усулидир.

Ишонтириш усули ҳар хил бўлиб, қуйидаги шаклларни ўз ичига олади:

1) омманинг ўз сиёсий тажрибаларини орттиришиға ёрдамлашиш. Бундай тажриба халқ томонидан сайловларда, давлат органлари фаолиятида, жамоат бирлашмаларининг ва ҳар хил

комиссияларнинг ишларида қатнашиш натижасида орттирилади;

2) давлат бошқарув органлари ўтказадиган тарбиявий ва ташвиқот-тарғибот ишлари натижасида фуқароларда, демократик принципларга садоқатли, юқори онгли бўлиш; ишга, жамоага, оилага яхши муносабатда бўлиш, давлатда ўрнатилган тартибларни ҳурмат қилиш, уларни бузувчиларга қарши курашиш ҳислари сингдирилади;

3) давлат қарорларини оммага тушунтириш ишонтиришнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Бу ишда маъруза шаклидаги тарғибот, умумий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар, радио, телевидение, кино, адабиёт ва санъатнинг аҳамияти катта;

4) жамият манфаатларини поймол қилувчи шахсларни танқид қилиш. Бундай шахсларни танқид қилиш мажлисларда, газеталарда, радио ва телевидение кўрсатувларида ташкил этилади. Бу усул фақат ҳуқуқбузаргагина эмас, балки бошқа фуқароларга ҳам тарбиявий таъсир кўрсатади;

5) янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва уни оммалаштириш ҳам ишонтириш усулининг самарали шаклидир. Бу жамият вазифаларининг тез ва сифатли бажарилишига, омма онгининг юксалишига ёрдам беради, фуқароларнинг ташаббускорлигини оширади;

6) рағбатлантириш усули орқали ҳам кишиларга моддий ва маънавий таъсир ўтказилади, натижада уларнинг онги ва иш қобилияти ошади.

Ишонтиришнинг амалий натижаси омма ижтимоий фаоллигининг кундан-кунга ошишида, уларнинг янги демократик жамият қуришда қатнашишида яққол кўриниб туради.

## **12.2. Маъмурий мажбурлаш ва унинг турлари**

Давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида кишиларнинг онгига ва хулқида руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш *маъмурий мажбурлаш* деб аталади.

Маъмурий мажбурлаш давлат мажбурловининг тури бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

– маъмурий мажбурлаш кўпинча, давлат бошқарув органлари томонидан қўлланилади. Айрим пайтларда маъмурий мажбурлашни бошқа давлат органлари (прокурор, суд) ва жамоат бирлашмалари ҳам қўллашлари мумкин;

– маъмурий мажбурлаш маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва чеклаш учун ва маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни



жазолаш мақсадида қўлланилади. Жиноий жазо чоралари – жиноят содир бўлганда, моддий чоралар – моддий зарар етказилганда, интизомий чоралар эса – хизмат интизоми бузилганда қўлланилади;

– жиноий жазо маъмурий тартибда мажбурлашдан оғирлиги ва таъсир даражаси билан ажралиб туради;

– маъмурий мажбурлашни қўллашнинг процессуал тартиби соддалаштирилган бўлади (кўпгина процессуал ҳужжатлар тайёрланмайди).

Маъмурий мажбурлашнинг ҳамма чоралари уч гуруҳга бўлинади:

- 1) маъмурий олдини олиш чоралари;
- 2) маъмурий чеклаш чоралари;
- 3) маъмурий жазо чоралари.

*Маъмурий олдини олиш чоралари* маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик мақсадида қўлланилади. Хусусан, бу гуруҳда одамлар ёки ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлганда шу ҳудудда карантин эълон қилиниши; давлат чегараларини ёпиш; йўл ҳаракатини чеклаш ва тўхтатиш; транспорт устидан техник назорат ўтказиш; санитария назорати; ёнғиннинг олдини олиш назорати; ҳужжатларни текшириш; олиб кетилаётган ёки олиб келинаётган молларни текшириш; ички ишлар органларига фуқароларни олиб келиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий огоҳлантириш (агар фуқаронинг ҳуқуқбузарлик йўлига кирмоқчи бўлгани тўғрисида ахборот бўлса); жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш кабилар киради. Бу чоралардан асосийларини батафсил кўриб чиқамиз.

Ҳужжатларни текшириш вақтида фуқароларнинг кимлиги, текширилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқатан шу шахсга тегишлилиги ҳамда ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги аниқланади. Милиция ходимлари бир шахсни жиноят содир этганликда гумон қилса, фуқаролардан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатишни талаб қилишлари мумкин. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ходимлари транспорт ҳайдовчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномаларини, техник паспортини ёки йўл варақасини текширишлари мумкин. Ҳаво ва темир йўл транспортининг ходимлари чипта сотаётганда йўловчиларнинг ҳужжатларини текшириб, шу асосда чипта беришлари мумкин.

Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунига асосан ташкил қилинади.

Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар

томонидан такрорий жинойтлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижобий йўлга кириб олишига ёрдамлашишдан иборат. Маъмурий назорат вақтида назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказилмаслиги, камситилмаслиги ҳамда иш, ўқиш ва истиқомат жойида обрўси тўкилмаслиги лозим.

Маъмурий назорат вояга етган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:

а) оғир жинойтлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жинойтлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жинойтлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жинойтлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганликларидан сўнг ички ишлар органларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлса;

в) ўта оғир жинойтлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

Маъмурий назоратга олинган шахсларга нисбатан қуйидагилар тақиқланиши мумкин:

– ички ишлар органлари белгилаб қўйган вақтдан кейин уй (квартира)дан чиқиб кетиш;

– туман (шаҳар)нинг муайян жамоат жойларида бўлиш;

– ички ишлар органларининг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқари чиқиб кетиш. Шунингдек, рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартдан тўрт мартагача милицияга келиб учраш талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган чоралар тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида қўлланилади. Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки уларни кенгайтириб баҳолаш мумкин эмас.

Судьянинг қарори маъмурий назорат ўрнатиш учун асос ҳисобланади. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Бу муддат ички ишлар органларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жинойт учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Чеклашлар рўйхати назорат остидаги кишининг

шахси, унинг турмуш тарзи ва хулқ-атворига қараб, «Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган чоралар доирасида судья томонидан қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин уни узайтиришга асос бўлмаса;

2) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзининг яхши томонларини кўрсатганлиги аниқланган бўлса;

3) назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муддати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда.

Маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар киради: ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги талаб; маъмурий йўл билан ушлаб туриш; корхонанинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш; мажбурий даволаш; юқумли касалликка учраган шахсларни вақтинча ишдан четлатиш; носоз транспорт воситаларини йўлга чиқармасдан автогаражга қайтариш; милиция ходимлари томонидан қурол ишлатиш ва ҳоказо.

Юқоридаги чоралардан айримларини кўриб чиқамиз.

*Маъмурий йўл билан ушлаб туриш* – ҳуқуқбузарнинг шахсий эркинлигини вақтинча чеклаб қўйишдир. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиши керак. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғларига иш ёки ўқиш жойидаги маъмуриятга хабар берилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

Маъмурий ушлаб туриш чорасини ички ишлар органлари, чегара қўшинлари, ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси, ҳарбий автомобиль назоратининг мансабдор шахси, ҳарбий автомобиль назоратининг мансабдор шахслари қўллашлари мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ошмаслиги керак. Майда безорилик қилган шахслар уларнинг ишини судья ёки ички ишлар органнинг бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) кўриб чиққунига қадар ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузар баённома тузиш учун олиб келинган пайтдан, маст ҳолдаги шахслар учун эса улар ҳушёр тортгандан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 288-

моддасида кўрсатилган.

*Мажбурий даволаш* Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунига асосан, жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали ичкиликбозликка, гиёвандликка ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар, тиббий хулоса бўлган тақдирда, беморнинг ўз ташаббусига кўра ёки унинг оила аъзолари, қариндошлари, меҳнат жамоалари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг илтимослари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади. Мажбурий даволашга юбориш масаласини 20 кунлик муддат ичида бемор яшаб турган жойдаги ёки наркология муассаси жойлашган ердаги суд бемор иштирокида ҳал этади.

Бемор узрсиз сабаб билан келмаса, ички ишлар органлари орқали мажбурий тарзда олиб келинади. Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар органлари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб, кечи билан 10 кунлик муддат ичида ижро этилади.

Мажбурий даволаш муддати тўғрисидаги масалани даволаш муассасаси комиссиядан ўтказиш тартибида бемор даволашга жойлаштирилганидан бошлаб беш кун ичида ҳал қилинади. Бемор даволанаётган даволаш муассасасининг комиссияси қабул қилган қарор асосида беморни мажбурий даволаш тўхтатилади.

Маъмурий жазо чоралари<sup>1</sup> маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахсни қонунларга риоя этиш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ҳамда янги ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жазо чораларининг турлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасида қайд этилган.

---

<sup>1</sup> Маъмурий жазо чоралари тўғрисида ушбу дарсликнинг **XV** бобида батафсил маълумот берилади.

## **Тўртинчи бўлим**

### **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ЖАВОБГАРЛИК ВА ИШ ЮРИТИШ**

#### **XIII боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик**

##### **13.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг таркиби**

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик* деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг учта белгиси бор:

- 1) айбдорлик;
- 2) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ғайриҳуқуқий маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади.

Айбдорлик қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида юзага келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 11-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонуний эканлигини, унинг зарарли оқибатларини олдиндан билган ва шуни истаган бўлса ёки оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик *қасддан содир этилган* ҳисобланади. Мазкур кодекснинг 12-моддасига биноан эса, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатга олиб келиши мумкинлигига кўзи етса-да, лекин калтабинлик билан унинг олдини олиш мумкин, деб ўйлаган бўлса ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига олдиндан кўзи етиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўзи етмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик *эҳтиётсизлик орқасида содир этилган* деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар 16 ёшга тўлган

пайдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўрт қисмдан иборат: объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *умумий объекти* – давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар; *турдош объекти* – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк, жамоат тартиби, табиий муҳит, бошқарувнинг белгиланган тартиби. Ҳар қайси маъмурий ҳуқуқбузарлик бевосита ўзининг объектига эга, масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш – майда безориликнинг бевосита объектидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *объектив томони* – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Масалан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади. Ана шу ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *субъекти* 16 ёшга тўлган фуқаро (умумий субъект); мансабдор шахс, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс (махсус субъект); ҳарбий хизматчи, ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахс (алоҳида субъект) бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *субъектив томонига* ҳуқуқбузарнинг айби ва содир этган ҳаракатига руҳий муносабати, ушбу ҳаракатларни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этганлиги киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноий қилмишдан ижтимоий хавфлилик даражасининг пастлиги билан ажралиб туради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик жамоат тартибини, хизмат интизомини бузиш, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш демақдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар – Президент фармони, Вазирлар Маҳкамасининг ва ҳокимларнинг қарорлари билан ўрнатилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси II-бўлимининг Махсус қисмида алоҳида кўрсатилган. Бу қисмда ҳуқуқбузарликлар турдош объектлари бўйича қуйидагича таснифланади:

1) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар;

2) аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

- 3) мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
- 4) табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 5) саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 6) қишлоқ хўжалиги, ветеринария-санитария соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 7) транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 8) фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 9) савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар;
- 10) одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
- 11) жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар;
- 12) бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар.

### **13.2. Маъмурий жавобгарлик ва унинг хусусиятлари**

*Маъмурий жавобгарлик* – айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллаш.

Маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

– давлат фаолиятининг турли хил соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилиши;

– ваколатли органлар, мансабдор шахслар айбдор шахсларни давлат қонунлари ва қарорлари асосида жавобгарликка тортишлари;

– маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмасликлари;

– енгил жазо берилиши ва қисқа жазо муддати белгиланиши;

– моддий жавобгарликдан фарқли равишда маъмурий жавобгарликнинг моддий зарар етказилмаган тақдирда ҳам қўлланилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар 16 ёшга тўлган пайдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортиладилар. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда кўзда тутилган чоралар қўлланилади. Бу шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 125–136, 183–185, 194, 218, 220, 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни

содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларнинг ишлари одатда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга берилиши мумкин (Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно). Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса юқоридаги комиссияларга берилиши лозим. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам умумий асосда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мансабдор шахслар ҳам бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиатни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва ўз хизмат вазифаларини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа қоидаларга риоя этмаганликлари сабабли маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари каби умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Дипломатик иммунитетдан фойдаланувчи чет эл фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этса, амалдаги қонунларга ва Ўзбекистоннинг дипломатик шартномаларига биноан бу масала дипломатик йўл билан ҳал қилинади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий ва раҳбар ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий уставга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Бу шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чораси қўлланиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга жарима солинмайди.

Юқоридаги шахслар жумласига кирмайдиган, лекин интизомий устав ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда интизомий жавобгарликка тортиладилар, бошқа пайтларда эса умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий ҳуқуқ маъмурий жавобгарликни қўллашни кўзда тутган ҳолда баъзи бир сабабларга кўра маъмурий жавобгарликдан озод



қилиш асосларини белгилайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 18, 19, 20-моддаларига кўра, бирор шахс маъмурий хатти-ҳаракат содир этган бўлиб, лекин у бу ҳаракатни охириги зарурат юзасидан, яъни давлат ёки жамоат тартибига, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ва бошқарув юзасидан белгиланган тартибга таҳдид қилувчи хавфни бартараф этиш учун қилган бўлса, башарти бу хавф мавжуд аҳволда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаган тақдирда ва етказилган зарар олди олинган зарардан анча кам бўлса, бундай шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шахс маъмурий нормаларда тақиқланган хатти-ҳаракатни содир этган бўлса, лекин у бу ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида, яъни давлат ёки жамоат тартибини, мулкни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, бошқарув юзасидан белгиланган тартибни ғайриқонуний тажовузлардан, шундай тажовуз қилмоқчи бўлган шахсга зарар етказиб бўлса ҳам ҳимоя қилиш вақтида зарурий мудофаа чегарасидан ўтиб кетмаган ҳолда содир этган бўлса, бундай шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин (МЖТК, 21-модда).

## **XIV боб. Маъмурий жазо чоралари**

### **14.1. Маъмурий жазонинг турлари ва уни қўллаш асослари**

Маъмурий жазо маъмурий ҳуқуқбузарни қонунларга риоя этиш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ҳамда унинг янги ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилади: 1) жарима солиш; 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; 3) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш; 5) маъмурий қамоққа олиш. Ушбу жазо чораларидан ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ва мусодара қилиш жазо

чоралари ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қamoқ жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилади.

Қонун ва қарорлар билан маъмурий жазо чораларининг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий тартибни қўпол суратда бузувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганликлари учун Ўзбекистон ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юборилишлари мумкин.

Юқорида кўрсатилган маъмурий чораларни алоҳида кўриб чиқамиз. Жарима солиш қонунда кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади.

*Жарима* – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган айбдор шахслардан давлат ҳисобига пул ундириш. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтда белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга – ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки бевосита объекти бўлган буюмнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш* шу буюмни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотувдан тушган пулни, тортиб олинган буюмни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, унинг собиқ эгасига топширишдан иборат.

Ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ҳақ тўлаб олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Буюмнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чорасини қўллаш тартиби ва тортиб олинадиган буюмларнинг тури Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодекси ва бошқа қонунлари билан белгиланади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг содир этилишига сабаб бўлган ёки бевосита ҳуқуқбузарлик объекти бўлган буюмни мусодара қилиш* шу буюмнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулки ҳисобига ўтказишдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, ҳуқуқбузарнинг фақат шахсий мулкигина мусодара қилиниши мумкин. Уқотар қуролларни ва ўқ дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш овчилик асосий тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Мусодара қилиш чорасининг қўлланиш тартиби, мусодара қилиш мумкин бўлмаган буюмларнинг рўйхати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан белгиланади.

*Муайян фуқарони махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш.* Фуқаро ўзига берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан) фойдаланиш тартибини қўпол равишда бузса ёки мунтазам бузиб келса, шу ҳуқуқдан уч йилгача муддатга маҳрум қилинади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати (агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли ана шундай транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилмайди. Транспорт воситаларини спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариш ҳоллари, мастлик даражасини белгиланган тартибда аниқлашдан бўйин товлаш, шунингдек, ихтиёрий равишда йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустасно.

Ов қилиш асосий тирикчилик манбаи бўлган шахслар ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Маъмурий қамоққа олиш алоҳида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиши мумкин. Маъмурий қамоққа олиш муддати уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат жорий этилган пайтда жамоат тартибига тажовуз этилганда эса ўттиз суткагача белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган жазо норматив ҳужжатларга аниқ риоя қилган ҳолда белгиланади. Жазо

беришда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликда маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради: 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф этиши; 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши; 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсири остида ёки хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши; 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши; 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чикувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракати учун жавобгарликни энгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ҳал қилувчи орган (мансабдор шахс) қонунларда кўрсатилмаган ҳолатларни ҳам жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликда маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради: 1) ғайриҳу-қуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколоти бор шахслар томонидан қўйилган талабларга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш; 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек, ҳуқуқбузарлик ҳаракатининг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши; 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш; 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши; 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши; 6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлловчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб, мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Қонунда бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракати содир этганлик учун маъмурий жазо бериш қоидалари ҳам кўрсатилган. Бир шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир этган бўлса, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳаракати учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин (МЖТК, 34-модда).

Маъмурий жазо муддатлари қуйидагича ҳисобланади: маъмурий қамоқ муддати суткалар билан, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш – йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланади.

Маъмурий жазо – ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса – ҳуқуқбузарлик аниқланган шундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тўхтатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин (МЖТК, 36-модда).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда айтилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида жисмоний шахсга корхона, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкый зарар энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиши пайтида айбдор бу зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани ҳам ҳал қилишга ҳақлидир, маъмурий ишлар бўйича судья эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида

етказилган мулккий зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал қилинади.

Маъмурий жазонинг қўлланиши маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди (МЖТК, 39-модда).

Орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин (МЖТК, 33-модда).

## **14.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи давлат органлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб кўяди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилган:

– маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларни белгилаб бериш;

– маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

– маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

– вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ҳокимларининг маъмурий жавобгарлик назарда тутилаётган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

– жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, башарти бу масалалар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича маъмурий жавобгарлик белгилаш;

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90, 109, 110, 161, 162-моддаларига, 164-моддасининг иккинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш.

## **XV боб. Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

### **15.1. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

*Жамоат тартиби* маънавий, ҳуқуқий нормалар билан ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солиб туриладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир. Жамоат тартиби давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан муҳофаза этилади. Бу ишда асосий вазифани ички ишлар органлари бажардилар.

Жамоат тартибига зарар етказувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183–192-моддаларига асосан маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

*Майда безорилик* (183-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти жамоат тартибидир. Объектив томони – жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга шилқимлик қилиш, умуман, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатлар қилиш; субъектив томондан, қасддан содир этилувчи ҳуқуқбузарликдир, чунки шахс ўз хатти-ҳаракатининг ғайриқонуний эканлигини, жамоат тартибига зарар етказилаётганлигини билади, зарарли оқибатларнинг келиб чиқишига била туриб йўл қўяди. Бу ҳуқуқбузарликнинг субъекти ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Майда безорилик учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади ёки ўн

беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олинади. Бу жазо чораларини туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари қўллаши мумкин. Ички ишлар органларининг бошлиқлари эса фақат жарима солиш ҳамда ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар майда безорилик содир этган ҳолларда уларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юбориш ҳуқуқига эгадирлар.

*Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш* (184-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби. Объектив томони – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни (оғзаки, ёзма, матбуот ёки видеоёзув ёрдамида) тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида сақлаш; субъектив томони эса – ҳуқуқбузарликнинг қасддан қилинишидир. Бу ҳуқуқбузарликнинг субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга уларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш, ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) маъмурий ишлари бўйича судьяси кўриб чиқиб, айбдор шахсларни жавобгарликка тортади.

*Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши* (184-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат тартиби. Объектив томони – фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари (диний ташкилотларнинг хизматчилари бундан мустасно). Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Бу ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш назарда тутилган.

*Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш* (185-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг ҳам объекти – жамоат тартиби. Объектив томони – ўқотар қуроллардан аҳоли пунктларида ва махсус ажратиб қўйилмаган жойларида ёхуд белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш. Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Субъектив томони – қасддан қилинадиган ҳуқуқбузарлик. Бу ҳуқуқбузарлик учун қурол ва ўқ-дориларни мусодара қилиш ёки мусодара қилмай энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади ва тегишли маъмурий жазо чоралари



қўлланилади. Ички ишлар органларининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари чиқарган қарор асосида ўқотар қурооллар ва ўқ-дорилар олиб қўйилади, судья мусодара қилганидан кейин белгиланган тартибда сотилади.

*Фуқароларнинг хонаки усулда тайёрланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши* (186-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат тартиби. Обьектив томони – уйда тайёрланган самогон, чача, ароқ, тут ароғи, брага ва бошқа ўткир спиртли ичимликларни тайёрлаш ёки сотиш. Субьектив томони – қасддан қилинган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Бу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун сотишга тайёрланган ашёларни ва тайёрлаш воситаларини мусодара қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай ҳуқуқбузарлик маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилади.

*Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш* (186<sup>1</sup>-модда). Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Обьекти – жамоат тартиби. Обьектив томони – ҳаракат, субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс.

*Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш* (187-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг ҳам объекти – жамоат тартиби. Обьектив томони – кўчаларда, стадионларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида, спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш. Субьектив томони – қасддан қилинган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Бу ҳуқуқбузарлик учун биринчи марта энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солинади. Агар маъмурий жавобгарликка тортилган шахс жавобгарликка тортилган вақтдан бошлаб бир йил ичида иккинчи марта шундай ҳуқуқбузарлик содир этса, энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солинади ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазоси берилади. Бундай ҳуқуқбузарлик учун биринчи марта – ички ишлар органлари томонидан, иккинчи марта эса – маъмурий ишлар бўйича судьялар

томонидан кўриб чиқилади ва тегишли жазо қўлланилади.

*Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш* (188-модда). Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – вояга етмаган ўсмирнинг соғлиғи ва жамоат тартиби. Об'ектив томони – вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш. Агар шахснинг ўзи спиртли ичимлик ичган бўлса, жавобгарликка тортилмайди. Жавобгарлик ота-оналар ёки бошқа шахслар томонидан вояга етмаган шахсларни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ундаш каби ҳолларда қўлланилади. Суб'ектив томони – қасддан қилинган ҳуқуқбузарлик. Суб'екти – ўн саккиз ёшга тўлган ақли расо шахслар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи ва бошқа шахслар. Бундай ҳуқуқбузарлик учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ёки ички ишлар органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солинади.

*Порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш* (189-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат тартиби. Об'ектив томони – порнографик мазмундаги видеоёзувлар, овоз ёзувлари, шунингдек, кино, фотоматериалларни тайёрлаш, тарқатиш, намойиш қилиш. Суб'ектив томони қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Суб'екти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – шу кўрсатилган материалларни тайёрлаш ва нусхасини кўпайтириш, қайта кўчириш техникаси мусодара қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Бу маъмурий жазо чораларини туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари қўллайдилар.

*Фоҳишалик билан шуғулланиш* (190-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат тартиби, халқимизнинг поклик, тозалик хусусиятлари. Об'ектив томони – фоҳишалик билан шуғулланиш. Суб'ектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик. Суб'екти – ўн олти ёшга кирган ақли расо аёл жинсидаги шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида яна қайта такрорланса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бу каби хатти-ҳаракатларга доир ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқиб, маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

*Қимор ўйнаш* (191-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг ҳам объекти – жамоат тартиби. Об'ектив томони – белгиланган тартибни бузиб

пул, ашё ва бошқа ҳар хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб, қимор ўйнаш. Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солиш ҳамда қиморга тикилган пул, буюм ва бошқа қимматликлар, асбобларни мусодара қилиш ёки қилмаслик. Ана шу кўрсатилган маъмурий жазо чораларини туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ва милиция профилактика инспекторлари қўллашлари мумкин.

*Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш* (192-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – жамоат тартиби. Обьектив томони – тунда соат 23.00 дан 6.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олиш шароитини бузиш, яъни хонадонларда, уй-жойларнинг йўлакларидида, ҳовлиларидида, кўчаларда, дам олиш жойларидида ва бошқа жамоат жойларидида баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, овоз сигналлари бериш; овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва шовқин чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларидида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмаган ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатлар содир этиш. Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида яна қайта такрорланса, фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридида ва мансабдор шахсларга – энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик маъмурий ишлар бўйича судьялар ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

## **15.2. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Ҳуқуқий нормалар ёрдамида бошқарув соҳасидида тартибга солинган, ваколатли органлар амалга оширадиган ижтимоий муносабатлар бошқарув тартиби деб аталади. Бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 193–241-

моддаларида қайд этилган.

Шу ҳуқуқбузарликлардан айримларига тўхталамиз.

*Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик* (194-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби, милиция ходимининг қонуний ҳаракатлари. Обьектив томони – милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун кўрсатиш, милиция идорасига бориш, транспорт воситасини тўхтатиш, жабр кўрганларга ёрдам бериш каби қонуний талабларини бажармаслик. Субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда жарима солинади. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида яна қайта такрорланса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олинади. Бундай ишлар туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилади ва тегишли тартибда маъмурий жазо чораси қўлланилади.

*Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш* (195-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби. Обьектив томони – милиция ходимларининг хизмат ёки хизмат бурчини бажараётган пайтида уларнинг фармойиши ва талабларини ошкора равишда бажармасликка чақириш, оммавий равишда милиция ходимларига бўйсунмаслик мақсадида олдиндан ёлғон бўлган уйдирмаларни тарқатиш. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ. Бундай ишларни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари кўриб чиқиб, тегишли жазо чорасини қўллайдилар.

*Ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик* (196-модда). Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳам бошқарув тартиби, милициянинг фаолиятига ёрдам бермаслик. Обьектив томони – корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахслари томонидан милициянинг ҳуқуқбузарлик сабабларини ва шароитларини йўқотиш тўғрисидаги таклифларини бажармаслик. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Жавобгарлик – мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача жарима солишга. Субьекти – мансабдор шахс. Ишни туман (шаҳар) маъмурий ишлар

бўйича судьялари кўриб чиқадилар ва жазо қўллайдилар.

*Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ёки ўтказиш тартибини бузиш* (201-модда). Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Ана шу ҳаракатларни ташкил қилиш ва ўтказиш қоидалари бузилса, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг объекти – бошқарув тартиби, жамиятнинг хавфсизлиги. Объектив томони – митинглар, йиғилишлар ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш. Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима, агар ишнинг ҳолатига кўра, ҳуқуқбузарнинг шахси ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб, бу чораларнинг қўлланилиши етарли эмас, деб топилса, ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазоси. Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузганлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Ушбу жазо маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан қўлланилади.

*Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш* (202-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби. Объектив томони – корхоналар, муассасалар, идоралар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан рухсат берилмаган мажлис, митинг, йиғилиш ва намойиш қатнашчиларига давлат ёки жамоат мулкани (бино, алоқа воситалари, кўпайтирувчи ва бошқа техника, транспорт воситаларини) бериш ёки ана шундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бошқа қулайликларни яратиб бериш. Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – мансабдор шахслар. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солинади. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарга нисбатан кўрсатилган жазо

чораси қўлланади.

*Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш* (204-модда). Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби. Обьектив томони – фавқулодда вазият вақтида фуқаронинг мамлакатга келиш ва кетишга доир алоҳида тартибни бузиши; чиқиб кетиш мумкин бўлмаган вақтда муайян ҳудуддан, хонадондан (уйдан) чиқиб кетиш; мажлис, йиғилиш, намойиш, спорт мусобақалари ва бошқа умумий тадбирларни рухсатсиз ўтказиш ҳамда иш ташлаш; ўқотар қуроолларни, қаттиқ таъсир қиладиган кимёвий ва захарли моддаларни ҳамда спиртли ичимликлар ва спиртли моддаларни сотиш қоидаларини бузиш; карантин ва бажарилиши шарт бўлган бошқа санитария чоралари талабларини бузиш; ишлатилиши чекланган ёки тақиқланган нусха кўпайтирувчи техникани, радио ва телевидение аппаратларини, аудио ва видеоёзув воситаларини ишлатиш; овоз кучайтиргич техникани олиб қўйишга қаршилиқ кўрсатиш; оммавий ахборот воситалари устидан назорат қилишга қаршилиқ кўрсатиш; алоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; транспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш ва уларни текшириш қоидаларини бузиш; комендантлик соати пайтида кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида махсус рухсатномасиз ва ҳужжатсиз юриш. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазоси.

Бундай ҳуқуқбузарликка оид ишларни туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари ёки ички ишлар органларининг бошлиқлари кўриб чиқиб, тегишли маъмурий жазо қўллайдилар.

*Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш* (205-модда). Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби, жамоат тартиби. Обьектив томони – ҳуқуқий тартибни бузиш ёки миллатлараро низо чиқариш мақсадида иғво тарқатиш, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва бурчларидан фойдаланишларига фаол қаршилиқ кўрсатиш ёхуд ички ишлар органларининг ходими, қуроолли кучлар хизматчиси, маҳалла посбони ёки бошқа хизмат ёхуд жамоат бурчини бажараётган шахсларнинг жамоат тартибини қўриқлаш борасидаги талабларини бажармаслик; фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда маъмурий назорат қоидаларини бузиш. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади ёки

ўттиз суткагача маъмурий қамоқ жазоси. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ёки ички ишлар органларининг бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари кўриб чиқиб, тегишли маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

*Маъмурий назорат қоидаларини бузиш (206-модда).* Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунининг 5-моддасида кўзда тутилган қоидалар. Обьектив томони – назоратга олинган шахсларнинг куннинг белгилаб қўйилган вақтида уйдан чиқиб кетиши; туман (шаҳар)ларнинг муайян жойларида бўлиши; ички ишлар органларининг рухсатсиз туман (шаҳар) ҳудудидан чиқиб кетиши; рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда милиция идорасига келиб турмаслиги. Субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – назоратга олинган шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима. Ҳуқуқбузарликнинг бир йил давомида такроран содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьяси кўриб чиқади ва унга қарши маъмурий жазо чорасини қўллайдди.

*Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш (220-модда).* Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби, ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидалари ва ана шу қоидаларнинг бажарилишини назорат қилувчи органларнинг фаолияти. Обьектив томони – текис милли (стволли) ўқотар қуроллар ва кесма милли қуролларни ҳамда ўқ-дориларни сақлаш учун ички ишлар органларининг рухсатномасига эга бўлган фуқароларнинг шундай қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши, ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш учун масъул корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиши, шунингдек, ўқотар қуролларни ва ўқ-дориларни ноўрин ишлатиши. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – 220-модданинг биринчи қисмига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмигача жарима солинишига ёхуд шу қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини тўлаб, олиб қўйиш; 220-модданинг иккинчи қисмига асосан, агар маъмурий жазога тортилган шахс бир йил мобайнида яна шундай хатти-ҳаракатни содир этса, ов қуроллари ва ўқ дорилари

мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади; модданинг учинчи қисмига асосан, ходимларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солинади; модданинг тўртинчи қисмига асосан эса, ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар ва ички ишлар органлари кўриб чиқиб, тегишли жазо чорасини қўллайдилар.

*Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатлари ёки уларни ҳисобга қўйиш қоидаларини бузиш (221-модда). Ўқотар ов қуролларини ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш (222-модда).* Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг объекти – бошқарув тартиби, ана шу кўрсатилган қоидаларнинг бажарилишини таъминловчи органларнинг фаолияти. Обьектив томони – 221-модда бўйича, фуқароларнинг истиқомат жойи ўзгарган тақдирда, ўқотар қуролларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхат қилдириш) учун белгиланган муддатларни ёки ички ишлар органларида бу қуролларни ҳисобга олиш қоидаларини бузишлари; 222-модда бўйича эса, ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дорилари бўлган фуқароларнинг, улар овчилар жамиятидан чиқиб кетганликлари муносабати билан, ички ишлар органлари қурол сақлашга рухсатни бекор қилган бўлишига қарамай, шундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаши. Субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо шахслар. Жавобгарлик – 221-модда бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солинади. 222-моддага асосан, бу қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини тўлаб олиб қўйиш шарти билан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни 221-модда бўйича ички ишлар органи, 222-модда бўйича маъмурий ишлар бўйича судья кўриб, тегишли жазо белгилайдилар.

*Паспорт тизими қоидаларини бузиш (223-модда).* Ҳуқуқбузарлик объекти – бошқарувнинг белгиланган тартиби ва паспорт тизими қоидалари. Республикамизда паспорт тизими қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 27 февраль фармони билан тасдиқланган. Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз юриши ёки ҳақиқий паспорт билан вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек,



бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида унинг йўқолиши, фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган паспортларидан, шунингдек, бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши, паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан вақтинча ёки доимий пропискасиз яшашига йўл қўйиш, худди шунингдек, фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз шахслар яшаб туришига йўл қўйиш, паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқароларнинг паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки гаровга олиш каби ҳаракат ёки ҳаракатсизликлардан иборат. Субъектив томонидан, бу ҳуқуқбузарликлар қасддан содир этилади. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо фуқаролар, мансабдор шахслар. Жавобгарлик: биринчи қисми бўйича – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, иккинчи қисмига асосан – беш бараваридан ўн бараваригача, учинчи қисми бўйича – уч бараваридан ўн бараваригача, тўртинчи қисми бўйича – беш баравардан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай ҳуқуқбузарликлар ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади ва тегишли жазо қўлланилади.

*Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузиш (227-модда).* Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – бошқарув тартиби, божхонага доир қонун ҳужжатлари. Объектив томони – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо фуқаро ёки мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (БК)нинг IX бўлимига асосан, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузишнинг айрим турлари учун фуқаролар ёки мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Бундай жавобгарлик қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун кўзда тутилган:

1) божхона назорати зонаси режимининг бузилиши (БК, 134-модда);

2) товарлар ва транспорт воситаларини олиб кириш чоғида божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида хабар бермаслик (БК, 135-модда);

3) товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида хабар бермаслик ёки нотўғри хабар бериш (БК, 136-модда);

4) товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик (БК, 138-модда);

5) товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки етказиб бермаслик (БК, 139-моддасининг 3-қисми);

6) транспорт воситасини тўхтатмаслик (БК, 140-модда);

7) транспорт воситасини божхона органининг рухсатсиз жўнатиб юбориш (БК, 141-модда);

8) божхона назорати остида турган кема ва бошқа сузиш воситалари ёнига келиб тўхташ (БК, 142-модда);

9) товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш (БК, 147-модда);

10) божхона органига божхона декларациясини, ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этиш муддатларини бузиш (БК, 148-модда);

11) эркин божхона зоналарида бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этиш тартибини бузиш (БК, 155-модда).

Божхонага доир қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик кўп миқдорда содир этилган бўлса, – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб фуқароларга – энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мусодара қилиш, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган ёки бузилганлиги аниқланган вақтдан ва унинг асосий ёки қўшимча жазо бўлишидан қатъи назар, қўлланаверади (БК, 133-модда).

### **15.3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, ҳар бир инсон эркинлик ҳуқуқига ҳамда ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашилардан ҳимояланиш ва шахсий турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ҳеч ким ошкор қилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40–51-моддаларида ҳам фуқароларнинг ана шу эркинликлари ва дахлсизликлари ҳимоя қилинган. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг айримларини кўриб чиқамиз.

*Ҳақорат қилиш* (41-модда). Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – шахснинг дахлсизлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари. Обьектив томони – ҳаракат билан, оғзаки ёки ёзма равишда фуқароларни ҳақорат қилиш, яъни фуқароларнинг обрўси ва қадр-қимматини қасддан камситиш. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима. Ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақроран содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинади. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари кўриб чиқади ва маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

*Фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш* (45-модда). Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – фуқароларнинг Ўзбекистон Конституциясининг 27-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқи. Обьектив томони – фуқароларнинг турар жойларини қонунсиз равишда тинтув қилиш, уларни турар жойларидан қонунсиз равишда кўчириб чиқариш ёки фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузувчи бошқа ҳаракатлар. Субьектив томони – қасддан содир этиладиган хатти-ҳаракат. Субьекти – мансабдор шахс. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан кўриб чиқилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

#### **15.4. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Бундай ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52–59-моддаларида кўзда тутилган. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз.

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш* (56-модда). Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – одамларнинг соғлиғи. Обьектив томони – қонунга хилоф равишда кўп бўлмаган миқдорда гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш, олиш,

сақлаш, ташиш (агар сотишга мўлжалланмаган бўлса). Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Бундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) маъмурий ишлар бўйича судьялари томонидан кўриб чиқилиб, айбдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солинади, агар ишнинг ҳолатига кўра, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳисобга олиниб, бу чораларнинг қўлланиши етарли эмас деб топилса, ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади.

*Таносил касаллиги ёки ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) юқадиган манбани яшириш (57-модда). Таносил касаллигига ёхуд ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-модда).*

Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – одамларнинг соғлиғи, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидалари. Объектив томони – таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган беморларнинг касал юқтириш манбаини, шунингдек, ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги юқиш хавфини туғдирган шахсларни яшириш, таносил касаллиги юқиш хавфини туғдирган шахсларни яшириш, таносил касаллигига учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари огоҳлантирганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлаши. Субъектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахслар.

Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 57-моддага асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда, 58-моддага асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йилги 2 март фармонида асосан, давлат санитария назорати тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олиш, республика аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида белгиланган туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария

хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимлар шахсан жавоб берадилар.

Санитария назорати органларининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ҳудудларнинг санитария муҳофазаси ва касалликларнинг олдини олишга доир амалга оширадиган фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида ушбу органларга ҳар қандай таъсир кўрсатиш қатъиян тақиқланган.

Ушбу фармонда санитария қонунчилиги бузилганлиги учун шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилганлиги белгиланган.

Ҳозирги кунда санитария қонунчилиги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги учун юқорида айтиб ўтилган мансабдор шахсларга – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача; фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши, шунингдек, карантин қилинган касалликлар ёки инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган маъмурий қоидаларнинг бузилиши мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши қайд этилган.

### **15.5. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Мулкка тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60–64-моддаларида кўзда тутилган. Ана шу моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объекти – давлат, жамоат ва бошқа шаклдаги мулклар. Объектив томони – кўрсатилган моддаларда қайд этилган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар. Субъектив томони – бундай ҳуқуқбузарликларнинг қасддан содир этилиши. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари (63-модда бўйича) ва туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари (60, 61, 62, 64-моддаларига асосан) томонидан кўриб чиқилади ва тегишли маъмурий жазо чоралари

қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликдан фақат биттасини кўриш билан кифояланамиз.

Оз миқдорда талон-тарож қилиш (61-модда) Ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти – мулк. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳамда мулкчилик тўғрисидаги қонунга асосан, республикамызда бошқа шаклдаги мулклар ҳам пайдо бўлмоқда. Шунга кўра мулкнинг ана шу янги шакллари ҳам ҳуқуқбузарликнинг объектидир. Объектив томони – ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, лавозимни суиистеъмол қилиш ёхуд фирибгарлик йўли билан давлат ёки жамоат мулкни ва бошқа шаклдаги мулкларни оз миқдорда талон-тарож қилиш. Субъектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ёки мансабдор шахс. Жавобгарлик: биринчи қисм бўйича – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача; иккинчи қисм бўйича – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Башарти талон-тарож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-тарож оз миқдордаги талон-тарож деб ҳисобланади.

Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари кўриб чиқиб, тегишли маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

### **15.6. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65–96-моддаларида кўзда тутилган. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг объекти – атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш, сақлаш қоидалари. Объектив томони – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65–96-моддаларида қайд этилган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар. Субъектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган шахс. Жавобгарликда, асосан, жарима солиши, мусодара қилиши, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазо чоралари белгиланган. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари 63, 65, 69–89, 91–93, 95, 96-моддалар бўйича,

маъмурий ишлар бўйича судьялар 64, 66, 90 – 94-моддалар бўйича кўриб чиқадилар ва тегишли маъмурий чораларни қўллайдилар.

### **15.7. Саноатдаги, қурилишдаги, иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

Юқорида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 97–103-моддаларида кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – саноатда, қурилишда хавфсизликни сақлаш қоидалари, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари. Обьектив томони – юқорида кўрсатилган моддаларда қайд этилган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар. Субьектив томони – қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – жарима солиш. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни 97–98-моддалар бўйича – давлат қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органлари (давтехназорат), 102–103-моддалар бўйича – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар; 99–103-моддалар бўйича – маъмурий судьялар кўриб чиқади ва тегишли маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

### **15.8. Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик**

Бундай хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104–112-моддаларида кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – қишлоқ хўжалиги ва ветеринария-санитария соҳасида ўрнатилган қоидалар. Обьектив томони – юқорида кўрсатилган моддаларда кўзда тутилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар. Субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарликлар. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Ушбу ҳуқуқбузарликлардан 106-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликни алоҳида кўриб чиқамиз.

*Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик* (106-модда). Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – ердан

фойдаланиш қоидалари, одамларнинг соғлиғи. Объектив томони – экинзорларда, боғларда, узумзорларда, ўрмон хўжаликлариди, питомник ва паркларда, дамба ва сув иншоотларининг четларида, темир йўлга ажратилган ерларда, автомобиль йўлларининг четларида, қишлоқларда, шаҳар, шаҳарча ва бошқа жойда турувчи аҳолининг ҳовлиларида ҳамда давлат ўрмон, сув фондининг ва давлатнинг эҳтиётдан олиб қўйилган ерларида ёввойи нашани йўқотиш чораларини кўрмаслик. Субъектив томони – эҳтиётсизлик, бепарволик ва ҳаракатсизлик оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахслар, мансабдор шахслар. Жавобгарлик – фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади ва маъмурий жазо чораси қўлланади.

### **15.9. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

*Транспортдаги ҳуқуқбузарликлар* учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 113–146-моддаларида кўзда тутилган. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг объекти – транспорт соҳасида ўрнатилган қоидалар. Объектив томони – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 113–146-моддаларида кўрсатилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар. Субъектив томондан бундай ҳуқуқбузарликлар қасддан содир этилади. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – жарима солиш, нарсани ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш, мусодара қилиш, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш чоралари. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, 131–134, 137, 142-моддаларга кўра, маъмурий ишлар бўйича судьялар; бундай ҳуқуқбузарликни вояга етмаганлар содир этган бўлса, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар (125–138-моддалар); ички ишлар органлари (113–116, 121–123, 125–131, 135, 136, 139–142, 144–146-моддалар); давлат ёнғинга қарши назорат органлари (124-модда); темир йўл транспорти органлари (121–124, 142, 144–146-моддалар); ҳаво транспорти органлари (121, 122, 144–146-моддалар); сув транспорти органлари 121, 122, 124, 145–146-моддалар); кичик ҳажмдаги кемалар давлат назорати органлари (119-модда); шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи автомобиль



транспорти ҳамда электр транспорти органлари (121–124, 142–146-моддалар) кўриб чиқадилар ва тегишли маъмурий жазо чораларини қўллайдилар.

*Йўл хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар* учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 147–150-моддаларида кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – йўл хўжалигида ўрнатилган қоидалар. Обьектив томони – йўлларга, йўл иншоотларига ва йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш (147-модда); темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (148-модда); ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (149-модда); магистрал трубопроводларни сақлаш қоидаларини бузиш (150-модда). Субьектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо етказилган ва асосан мансабдор шахслар. Жавобгарлик – жарима солиш чоралари. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар (148–150-моддалар) ва ички ишлар органлари (147-модда) кўриб чиқадилар.

Алоқа соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 151–156-моддаларида кўрсатилган. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – алоқа соҳасида қайд этилган қоидалар. Обьектив томони – ушбу моддаларда кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар. Субьектив томони – қасддан содир этилган ҳуқуқбузарликлар. Субьекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо фуқаро ёки мансабдор шахс. Жавобгарлик – жарима солиш. Бундай ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар (151, 155-моддалар); алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизими давлат алоқа инспекцияси органлари (151–154, 156-моддалар), ички ишлар органлари (156-модда) томонидан кўриб чиқилади ва тегишли маъмурий жазо чораси қўлланилади.

#### **15.10. Бошқа соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

*Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар* учун

маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 157–163-моддаларига кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – турар жойлардан фойдаланиш, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги қоидалар. Объектив томони – ушбу моддаларда кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар. Субъектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – жарима солиш чоралари. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий судьялар кўриб чиқиб, тегишли маъмурий жазо чорасини қўллайдилар.

*Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар* учун жавобгарлик маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164–179-моддаларида кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликнинг объекти – савдо, тадбиркорлик ва молия соҳасидаги қоидалар. Объектив томони – ушбу моддаларда кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар. Субъектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ёки мансабдор шахслар. Жавобгарлик – жарима солиш, мусодара қилиш каби маъмурий чоралар қўлланиши кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судьялар (163, 164, 166, 167, 169-171, 173, 177, 179-моддалар) давлат солиқ органлари, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари (164, 168, 172, 175, 176-моддалар) томонидан кўриб чиқилади ва тегишли чоралар қўлланилади.

*Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар* учун жавобгарлик. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180, 181, 182-моддаларида ўрнатилган. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг объекти – суд органларининг нормал фаолияти. Объектив томони – судга ҳурматсизлик қилиш (180-модда); халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш (182-модда); суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик (181-модда). Субъектив томони – қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар. Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс. Жавобгарлик – жарима солиш кўзда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьялари ва хўжалик судлари маъмурий судьялари томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли чоралар кўрилади.

## **XVI боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда жазо бериш ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар**

### **16.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи махсус давлат органлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйидаги органлар кўриб чиқади:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судьяси ва адлия органлари;

2) шаҳарча, қишлоқ, ва овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари;

4) ички ишлар (милиция) органлари, давлат инспекция органлари, ваколат берилган бошқа органлар ва ушбу органларнинг мансабдор шахслари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ваколатли органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ваколати чеклаб қўйилган.

*Маъмурий ишлар бўйича судьяларга* Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 64, 66, 67-моддалари, 76-моддаси (сув хўжалиги иншоотларига зарар етказишга оид қисми), 90-модданинг иккинчи қисми, 94, 99–108, 110, 111-моддалари, 112-моддаси (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга оид қисми), 119-модданинг иккинчи қисми, 127-модданинг иккинчи қисми, 128-моддасининг тўртинчи қисми, 129-моддасининг иккинчи қисми, 130-моддасининг иккинчи қисми, 131-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмлари, 132, 133, 134-моддалари, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 137-моддаси, 142-моддасининг иккинчи қисми, 146-моддасининг учинчи қисми, 148-моддаси (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, тахта тўшамали кўприкларда чекишга доир қисми), 149, 150-моддалари, 151-моддасининг иккинчи қисми, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисми, 155, 157–161, 163-моддалари, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 166, 167, 169, 170-моддалари, 171-моддасининг биринчи қисми, 173-моддасида, 175-моддасининг бешинчи қисми, 175<sup>1</sup>, 175<sup>3</sup>-моддалари, 176-моддасининг иккинчи қисми, 177, 179–184, 184<sup>1</sup>, 185, 186-моддалари, 186<sup>1</sup>-моддаси (акциз маркалари билан маркаланмаган

товарларни реализация қилиш ҳолларидан ташқари), 187-моддасининг иккинчи қисми, 189–191, 193–202, 202<sup>1</sup>, 203–210, 216, 217, 218, 219<sup>1</sup>-моддалари, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 222, 226, 227-моддалари, 228-моддаси (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этишга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қўйилган ҳоллар бундан мустасно), 230–234, 237–241, 241<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли.

Башарти ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

*Хўжалик судлари*га хўжалик низоларини ҳал этиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаган ҳолларда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг учинчи қисмида, 176<sup>1</sup>, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқли. Туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар МЖТКнинг 56, 60, 64, 65, 69, 102-108, 110, 111-моддалари, 148-моддаси (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш учун), 149, 159–161, 163, 186, 187, 188, 200, 203, 209, 231, 232, 234, 235, 236, 238-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

*Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари* ўзининг маъмурий юрисдикцион фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида»ги низом<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 247-моддасида белгиланган. МЖТКнинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансабдор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқади. Шунингдек, мазкур орган

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 6. 99-м.

МЖТКнинг 194-моддасида назарда тутилганидан бўлак содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли МЖТКнинг 47, 188-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади.

*Ички ишлар органларига* МЖТК 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари, 114, 115-моддалари, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 121, 122, 123, 125–131, 135, 136, 138–142-моддалари (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки мусодара қилиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланиш белгиланган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно), 144, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 147, 156, 161, 183-моддалари, 187-моддасининг биринчи қисми, 188-моддаси (вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ишлар бундан мустасно), 192, 204, 205-моддалари, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари ҳамда 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланишга қуйидаги мансабдор шахслар ҳақлидирлар:

1) МЖТКнинг 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари, 114-моддаси, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 121, 122, 123, 142, 144, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 156, 183, 188, 191, 204, 205-моддалари, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари ҳамда 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – туман, шаҳар, шаҳардаги туман ва транспортдаги ички ишлар бўлимлари (бошқармалар) бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ички ишлар органлари тизимидаги милициянинг ҳудудий (транспорт) бўлинмалари бошлиқлари;

2) МЖТК 113-моддасининг биринчи қисми, 114-моддасининг биринчи қисми, 115-моддаси, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддалари ҳамда 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари;

3) МЖТКнинг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг чет элга чиқиш, келиш

ва фуқаролик бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

4) МЖТКнинг 122, 123-моддалари, 127-моддаси (мақсадсиз овозли сигнал бериш қисмида), 161-моддаси (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисми, 191, 221-моддалари, 223-моддасининг биринчи қисми ҳамда 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – милиция участкаси бошлиқлари, милициянинг участка катта инспекторлари ва участка инспекторлари;

5) МЖТКнинг 125, 126-моддалари, 127-моддасининг биринчи қисми, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, 129-моддасининг биринчи қисми, 130-моддасининг биринчи қисми, 131-моддасининг учинчи қисми, 135-моддаси, 136-моддасининг учинчи қисми ҳамда 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаси (бўлими, бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари, маъмурий амалиёт катта инспектори (инспектори), туман, шаҳар, шаҳардаги туман ички ишлар бўлими (бошқармаси)да Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бўлинмаси (бўлими) бўлмаган тақдирда – Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати катта инспектори, у бўлмаган тақдирда – ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) МЖТКнинг 125, 126-моддалари, 127-моддасининг биринчи қисми, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, 129-моддасининг биринчи қисми, 130-моддасининг биринчи қисми, 135-моддасининг биринчи қисми, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари ва 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати командири ёки унинг ўринбосари;

7) МЖТКнинг 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари, 126-моддасининг биринчи қисми, 127-моддасининг биринчи қисми, 128-моддасининг биринчи қисми, 129-моддасининг биринчи қисми, 135-моддасининг биринчи қисми ва 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори, йўл-патруль хизматининг инспектори ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа нормативларга риоя этиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа инспекторлар.

## **16.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари)**

*Давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларига* МЖТКнинг 84, 124, 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Темир йўл транспорти органларига* МЖТКнинг 113, 114-моддаларида, шунингдек 53, 121, 122, 123, 124, 142, 144, 145-моддалари ҳамда 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (темир йўл транспортида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Метрополитен органларига* МЖТКнинг 115-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ҳаво транспорти органларига* МЖТКнинг 53, 121, 122, 124, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (ҳаво транспортидаги ҳуқуқбузарлик қисми), 116-моддаси (фуқаролар авиацияси органлари қарамоғидаги аэродромларда ёки ана шундай аэродромлар жойлашган ҳудудда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун), 117-моддаси, 142-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари ҳамда 144-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Сув транспорти органларига* МЖТКнинг 53, 121, 122, 124, 145-моддалари, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (сув транспортидаги ҳуқуқбузарлик учун), 118, 120-моддалари ва 142-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикасининг Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органларига* МЖТК 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциясининг бошқармаси (бўлими) бошлиғи ва унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекторлари Давлат кичик ҳажмдаги кемалар инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ҳақлидирлар.

*Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобиль*

*транспорти ва электр транспорти органларига* МЖТКнинг 121, 122, 123, 124, 142, 143, 144, 145-моддалари ҳамда 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (шаҳар, шаҳарлараро автомобиль транспортида ва электр транспортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлар* МЖТКнинг 49, 50, 51, 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органларига* МЖТКнинг 125-моддаси, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 130-моддаси, 131-моддасининг иккинчи қисми, 135, 136, 138, 139, 140, 141-моддаларида (транспорт воситаларининг ҳайдовчилари – ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган) ҳамда 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Давлат санитария назорати органларига* МЖТКнинг 53, 54, 55-моддалари, 85-моддаси (атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмлар чиқариб ташлаганлик, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатганлик ва атмосфера ҳавосига биологик организмларни чиқариб ташлаганлик учун, агар бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 86, 88, 89, 95-моддалари (агар атмосфера ҳавосига физикавий таъсир кўрсатилган бўлса ва бу ҳуқуқбузарликлар санитария-гигиена қоидаларини бузиш бўлса), 87-моддаси (автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ҳамда қурилмаларни ишлатиш пайтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиб кетганлиги учун), 96-моддаси (санитария-экологик экспертизаси қисмида) ва 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматларига* МЖТКнинг 53, 54, 55-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик) тўғрисидаги



ишлар тааллуқлидир.

*Давлат ветеринария назорати органларига* МЖТКнинг 109-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги органларига* МЖТКнинг 55, 70-моддалари, 71-моддаси (табиатни муҳофаза қилиш қоидалари бундан мустасно), 72-моддаси (термал сувларга доир қисмида) ҳамда 97, 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига* МЖТКнинг 63-моддаси, 65-моддасининг иккинчи қисми (қишлоқ хўжалиги ерларини ва ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик бундан мустасно), 68-моддаси (шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми), 70-моддаси, 71-моддаси (табиатни муҳофаза қилишга оид қисми), 72-моддаси (термал сувларга доир қисми бундан мустасно), 73-моддаси, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари, 75-моддаси (ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш бундан мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77–84-моддалари, 85-моддаси (санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш бундан мустасно), 86, 87, 88, 89-моддалари (атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бундан мустасно), 89<sup>1</sup>-моддаси, 90-моддасининг биринчи қисми, 91-93, 95-моддалари, 96-моддаси (давлат экология экспертизаси қисмида), 148-моддаси (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно), 162-моддаси, 178-моддаси (истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида), 214-моддаси (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида) ҳамда 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Божхона органларига* МЖТКнинг 227-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

тааллуқлидир.

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштиришлар агентлиги тизимининг давлат алоқа инспекцияси органларига* МЖТК 151-моддасининг биринчи қисми, 152-моддасининг биринчи қисми ҳамда 153, 154, 156-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинойатларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларига* МЖТК 164-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмлари, 168-моддаси, 171-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 172, 174-моддалари, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисми, 175<sup>4</sup>-моддасида, 176-моддасининг биринчи қисми, 176<sup>2</sup>, 179<sup>1</sup>-моддалари ва 186<sup>1</sup>-моддасида (акциз маркалари билан маркаланмаган товарлар реализация қилинган ҳолларда) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органларига* МЖТКнинг 175<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қоидаларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларга* МЖТКнинг 178-моддаси (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми), 212, 213-моддаларида ва 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга доир қисми бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Қишлоқ хўжалигидаги машиналар ва қурилмаларнинг техник ҳолатини назорат қилувчи бош давлат инспекцияси органларига* МЖТКнинг 112 ва 139-моддаси (қишлоқ хўжалик техникасига тааллуқли қисми)да назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ер ресурслари давлат қўмитасининг органларига* МЖТКнинг 65-моддаси (ерларни ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантирганлик бундан мустасно), 68-моддаси (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари бундан мустасно) ва 69-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

тааллуқлидир.

*«Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органларига* МЖТК 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 75-моддаси (ирригация тармоқларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобга олиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишга оид қисми) ва 76-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларига* МЖТКнинг 104<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг органларига* МЖТКнинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига* МЖТКнинг 215<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг давлат пробир палатаси органларига* МЖТКнинг 219-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига* МЖТКнинг 178 ва 178<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

*Архитектура ва қурилиш органларига* МЖТКнинг 178-моддасида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ҳар бир юридик ваколатга эга органнинг айнан ўзига мансуб бўлган ва кодекснинг Махсус қисмида қайд этилган муайян ҳуқуқбузарлик ишларини олиб бориши кўрсатилган ва мазкур маъмурий ишга тегишлиликнинг бузилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар бир юрисдикцион орган ўз ваколатлари доирасида маъмурий-ҳуқуқий соҳада айнан улар томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларга доир содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар устидан иш юритиши керак ва қонунда белгиланган вазифа ва мақсадни амалга оширишлари шарт. Бу

билан маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши фаол иш кўрсатувчи юрисдикцион органлар тизими намоён бўлиб, унинг асосий мақсади маъмурий ҳуқуқ соҳасида маъмурий муносабатларни жамиятда юзага келувчи ҳуқуқбузарликлардан сақлаб, уларга қарши бевосита курашни ташкил қилишдан иборат бўлади.

## **XVII боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш**

### **17.1. Маъмурий процесс ва унинг принциплари**

Моддий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш жараёни *процесс* деб юритилади. *Маъмурий процесс* давлат бошқарув органларининг (мансабдор шахсларнинг) моддий маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллашда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш, у ёки бу шахсларнинг ахлоқини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш (таърифлаш), зарур ҳолларда, маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш фаолияти бўлиши билан бирга, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти турларининг йиғиндиси ҳамдир. Бошқача айтганда, бундай фаолият *маъмурий юрисдикция фаолияти* деб аталади.

Маъмурий юрисдикция процесси давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслари) томонидан юритилади ва шу сабабли, белгиланган процессуал шаклни талаб қилади. Бундай маъмурий процессуал шакллар ичида норматив бўлмаган (якка) ҳужжат қабул қилиш алоҳида ўрин тутаяди. Юридик ҳужжат чиқариш натижасида аниқ ва якка тартибдаги ишлар ҳал қилинади. Бундай ишларнинг хусусиятига қараб, маъмурий ҳуқуқнинг диспозицияси ёки санкцияси амалга оширилади.

Маъмурий процессуал фаолиятнинг асоси якка ва аниқ ишдан иборат. Барча ҳуқуқий нормалар якка тартибдаги ҳаракатларда амалга оширилади. Жумладан, давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслар) аниқ ишларни якка тартибдаги хусусиятларига қараб ҳал қиладилар. Шу сабабли маъмурий процессни тушуниш учун якка тартибдаги ишларни ҳал қилиш масаласига эътибор бериш керак.

Маъмурий процессуал фаолият ҳуқуқий тартибга солинган бўлиши шарт. Маъмурий процесс ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг алоҳида шакли эмас. У – бошқарув фаолиятининг бир қисми. Маъмурий процессни норматив бўлмаган ҳужжат чиқариш фаолиятига қўшиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бу фаолиятнинг процессуал томони якка тартибдаги ишлар бўйича қарор қабул

қилишда ўз ифодасини топади. Процессуал ҳаракатларнинг бир қисми давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслари) томонидан якка тартибда ҳужжат чиқариш жараёнида эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган процессуал чораларни амалга ошириш орқали бажарилади.

Маъмурий процессуал фаолият ижро этиш ва фармойиш бериш жараёнида амалга оширилади. Шу боис маъмурий процесс давлат органларининг (мансабдор шахсларнинг) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Маъмурий-процессуал фаолият давлат органларининг олдига қўйилган вазифа – қонун ва қонунга асосан қабул қилинган ҳуқуқий нормаларнинг талабларини таъминлашга хизмат қилади.

Маъмурий процесс – моддий маъмурий ҳуқуқнинг нормаларини давлат бошқарув органлари (мансабдор шахсларнинг) ўз ваколатини амалга ошираётган пайтда қўллаш шакли. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда маъмурий-процессуал фаолият билан давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслари), суд, жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари шуғулланиши мумкин. Маъмурий процесс маъмурий-процессуал нормалар асосида амалга оширилади; процессуал ҳаракатлар ва бурчлар, маъмурий процесс қатнашчиларининг ҳуқуқлари ҳам маъмурий процессуал муносабатларда амалга оширилади.

Шундай қилиб, қонун ва процессуал нормалар билан тартибга солинган якка ва аниқ ишларни ҳал қилиш фаолияти *маъмурий процесс* деб аталади. Бундай фаолият давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Бунда иккита маъмурий-процессуал фаолият тўғрисида, яъни маъмурий юрисдикция ва маъмурий қоидалар (юрисдикцияга оид якка тартибдаги ишларни ҳал қилиш) ҳақида гап юритиш мумкин. Маъмурий процесс ҳуқуқий тартибни, давлат манфаатларини, барча бошқарув муносабати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашга хизмат қилади. Маъмурий-процессуал фаолият давлат бошқарув органларининг иш сифатини яхшилашда ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Давлат бошқарув органлари ўз вазифаларини бажариш жараёнида маъмурий процесснинг қуйидаги принципларига амал қилишлари керак:

- қонунийлик;
- ўз ваколати доирасида иш олиб бориш;
- ҳақиқатни аниқлаш;
- томонларнинг тенглиги;

- маъмурий процесснинг ошкоралиги;
- маъмурий процесснинг мумкин қадар тез ва самарали ҳал этилиши;
- икки босқичлилиқ;
- мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги.

Маъмурий процессда *қонунийлик* принципи муҳим ўрин тутди. Ҳозирги вақтда маъмурий тартибда кўриладиган яқка тартибдаги ишларнинг кўпчилиги ҳуқуқий баҳо бериш ва ҳуқуқий хулоса чиқариш билан боғлиқ. Моддий ҳуқуқни амалга ошириш қонунга ва қонун асосида қабул қилинган ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишни таъминлайди. Бошқа принципларга риоя қилиш ҳам асосан қонунийлик принципини амалга оширишга қаратилган.

Ўз ваколати доирасида иш олиб бориш принципининг талаби шундан иборатки, қонун билан кўрсатилган ҳар қайси субъект маъмурий процессга оид ишларни ўз ваколати доирасида яқка тартибда кўриб чиқиши ва ҳал қилиши керак. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XVIII бобида ишларни ким (қайси идора) кўриб чиқиши белгиланган. Шу бобда кўрсатилган субъектлар ўз ваколати асосида ишларни кўриб чиқади ва тегишли маъмурий жазо чораларини қўллайди.

*Қонунийлик ва ўз ваколати асосида иш олиб бориш принциплари* давлат ва шахс манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди.

Ҳар бир ишни кўриб чиқаётганда *ҳақиқатни аниқлашга* алоҳида эътибор бериш зарур. Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона аниқланиши керак; маъмурий жазоларни танлаётганда эса ҳуқуқбузарнинг шахси, айбнинг оғир ёки енгиллиги, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниши зарур.

Маъмурий процессда *томонларнинг тенглиги принципи* уларнинг қонун олдида тенглигини ҳамда процессуал ҳуқуқ ва бурчларининг амал қилишини таъминлайди. Давлат органлари (мансабдор шахслари) бир томонлама қарор қабул қилишларидан олдин маъмурий процессда қатнашаётган иккинчи томоннинг ҳуқуқ ва бурчларини назарда тутишлари керак.

Маъмурий процесснинг *ошкоралиги принципи* шуни кўрсатадики, ҳар бир томон яқка маъмурий ишни кўриб чиқиш процессининг исталган босқичида иштирок этиши, жамиятга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига дахлдор бўлган маъмурий иш олиб борилаётган бўлса, бу каби ишларда қатнашиши мумкин.

Маъмурий процесс давлат тилида олиб борилади. Давлат

тилини билмайдиган шахсларга уларнинг она тилида изоҳ хати берилади, шунингдек, ишга тегишли барча материаллар билан танишиб чиқиши учун таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Маъмурий процессуал фаолият ошкора кўрилади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ишнинг тарбиявий томонини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарликка оид ишларни меҳнат жамоаларида, ҳуқуқбузарнинг ўқиш ёки яшаш жойида кўриб чиқиши мумкин.

Маъмурий процесс мумкин қадар *қисқа муддат ичида*, сарф-харажат тежалган ҳолда амалга оширилиши ва самарали натижалар бериши зарур. Чунончи, фуқаронинг шикоятини кўриб чиқиб, қарор чиқариш учун ўн беш кун берилган. Маъмурий процесс юритилгани учун бож олинмайди.

Маъмурий процесс *икки босқичлидир*. Маъмурий процесс натижасида чиқарилган қарордан қониқмаган фуқаролар юқори органларга (мансабдор шахсларга) шикоят қилишлари мумкин. Бу жараёнда кўриб чиқилган иш иккинчи поғонада кўриб чиқилган иш деб аталади.

Маъмурий иш олиб боровчи мансабдор шахслар юқорида кўрсатилган принципларга риоя қилмасалар, тегишли жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий процессда барча давлат бошқарув ва хўжалик органлари, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг вакиллари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар қатнашишлари мумкин. Улар маъмурий процесснинг иштирокчилари, томонлари, айна пайтда, субъектлари ҳам ҳисобланадилар.

Давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслари) маъмурий процессуал нормалар асосида яқка тартибдаги ишларни кўриб чиқиб, маъмурий иш юритишнинг қуйидаги турларидан бирини қўллайдилар:

- интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритиш;
- фуқароларнинг мурожаатлари (таклиф, ариза ва шикоятлари) бўйича иш юритиш.

Маъмурий иш юритиш муайян босқичларга эга. Қуйида уларга қисқача тўхталамиз.

1. *Ишни қўзғатиш*. Бу босқич маъмурий процесснинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, маъмурий иш қўзғатишнинг ташаббускорлари – давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслар), жамоат бирлашмалари ва фуқаролари бўлиши мумкин. Маъмурий иш

қўзғатилган пайдан бошлаб, маъмурий-процессуал муносабатлар юзага келади. Жумладан, мурожаат қилиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш маъмурий иш қўзғатилишига сабаб бўлади.

Маъмурий иш қўзғатиш тартиби норматив ҳужжатларда маъмурий процесснинг ҳар бир тури бўйича белгиланади. Агар иш давлат органи ташаббуси билан қўзғатилмаётган бўлса, бундай орган иш қўзғатишдан бош тортиши мумкин эмас. Ишни ҳал қилиш органнинг ваколатига тегишли бўлмаса, бундай иш ваколатли органга юборилиши керак ёки мурожаат қилган шахсга қандай орган бундай ишларни кўриб чиқиш ваколатига эгаллиги тушунтирилиши шарт.

2. *Ишни кўриб чиқиш.* Бу босқичда иш ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиб чиқилиши керак.

Маъмурий процесс бўйича томонлар ишнинг материаллари билан танишиш, тушунтиришлар бериш, далиллар келтириш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

3. *Кўриб чиқилган иш бўйича қарор чиқариш.* Қарор чиқаришнинг асослари, муддати, уни чиқариш тартиби қонун билан белгиланади.

4. *Чиқарилган қарорнинг бажарилишини таъминлаш.* Бундай қарорларни бажариш тартиби, муддати, ўз вақтида бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий чоралар махсус қонунларда кўрсатилади. Қарорнинг бажарилишини таъминлаш маъмурий-процессуал фаолиятнинг энг муҳим шартидир.

5. *Ишни қайта кўриб чиқиш.* Шикоят ёки прокурорнинг протести асосида чиқарилган қарор қайта кўриб чиқилиши керак. Қайта кўриб чиқилган иш бўйича янги очилган ҳолатлар пайдо бўлган пайтлар, қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан кўрилиши мумкин. Бу босқичда ишни қайта кўриб чиққан орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорни ўзгартирмаслиги ёки уни бекор қилиши мумкин. Чиқарилган қарор тўғрисида шикоят берган фуқарога ёки прокурорга хабар қилиниши керак. Ишни қайта кўриб чиқиш фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди.

## **17.2. Маъмурий-процессуал нормалар ва маъмурий-процессуал муносабатлар**

Маъмурий-процессуал норма жамиятимиздаги юридик қоидаларнинг бир тури бўлиб, улар моддий нормалар билан чамбарчас боғлиқдир. Маъмурий-процессуал нормалар моддий нормаларни қўллаш усулини белгилайди. Бундай нормалар давлат



томонидан ўрнатилади ва уларни қўллашга рухсат берилади. Маъмурий-процессуал нормалар давлат бошқарувида қўлланилади. Моддий ҳуқуқий нормалар маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берса, маъмурий-процессуал нормалар маъмурий ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқ ва бурчини қандай тартибда амалга ошириши мумкинлигини кўрсатади.

Маъмурий-процессуал нормалар бошқа соҳадаги процессуал нормалардан фарқ қилади. Жумладан фуқаролик-процессуал нормалар ва жиноят-процессуал нормалар давлатнинг олий органлари томонидан махсус қонунлар ёрдамида ўрнатилади. Маъмурий-процессуал нормалар эса, давлат олий органлари билан бир қаторда, ижро этувчи ва фармойиш берувчи органларнинг ҳужжатлари ёрдамида белгиланиши мумкин, шунингдек, фуқаролик-процессуал нормаларни, жиноят процессуал қонунда кўрсатилган субъектларгина қўллаши мумкин, маъмурий-процессуал нормаларни эса ҳамма давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслари) ўз ваколатлари доирасида қўллашлари мумкин. Фуқаролик-процессуал ҳамда жиноят-процессуал нормалар асосида кўпинча мажбурлов чоралари қўлланилади. Маъмурий-процессуал нормаларни қўллаш пайтида эса ҳамма вақт ҳам мажбурлов чоралари қўлланилавермайди.

Маъмурий-процессуал нормалар давлат бошқаруви жараёнида ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маъмурий-процессуал нормалар давлат бошқарувидаги барча муносабатларни эмас, балки давлат бошқарув органларининг якка тартибдаги ишларини кўриб чиқиш фаолиятида юзага келадиган муносабатларнигина тартибга солади.

Шундай қилиб, давлат бошқарувида ишларни якка тартибда кўриб чиқишнинг умумий қоидаларини ўрнатовчи нормалар *маъмурий-процессуал нормалар* деб аталади.

Маъмурий-процессуал нормаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) юридик кучи бўйича;
- б) субъектлар доираси бўйича;
- в) маъмурий иш юритишнинг тури бўйича;
- г) диспозициянинг хусусияти бўйича;
- д) амал қилиш доираси бўйича;
- е) қўлланиш муддати бўйича.

Маъмурий-процессуал нормалар мазмуни бўйича тўрт турга бўлинади:

1) халқ ҳўжалигидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар;

2) ижтимоий-маданий соҳада юзага келувчи муносабатларни тартибга солувчи нормалар;

3) маъмурий-сиёсий соҳада юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар;

4) соҳалараро бошқарувда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар.

*Тартибга солиш ҳажми бўйича* маъмурий-процессуал нормалар икки турга, яъни умумий ва махсус нормаларга бўлинади: умумий нормаларга барча ёки кўпгина соҳаларда тартиб ўрнатовчи нормалар, махсус нормаларга эса бир соҳада тартиб ўрнатовчи нормалар киради.

*Юридик кучи бўйича*, маъмурий-процессуал нормалар давлатнинг олий, марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари томонидан чиқарилган нормаларга бўлинади.

*Субъектлар доираси бўйича*, маъмурий-процессуал нормалар давлат бошқарув органлари ва уларнинг ички бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи нормалар ҳамда фуқароларнинг ахлоқ қоидаларини ўрнатовчи нормаларга бўлинади.

*Маъмурий иш юриртишининг турлари бўйича*, маъмурий-процессуал нормалар давлат бошқарувида норматив ҳужжат чиқариш; давлат бошқарувида фуқаролар ва бошқа субъектларнинг таклифлари, аризалари, шикоятларини кўриб чиқиш; мукофотлаш тўғрисида иш олиб бориш; мажбурлов чораларини қўллаш қоидаларини ўрнатовчи нормаларга бўлинади.

*Диспозициянинг хусусияти бўйича*, маъмурий-процессуал нормалар бажарилиши шарт бўлган; бажариш-бажармасликни субъектнинг ўзи ҳал қиладиган; тавсия берувчи ҳамда тақиқловчи нормаларга бўлинади.

*Амал қилиш доираси бўйича*, маъмурий-процессуал нормалар республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида қўлланиладиган нормаларга бўлинади.

*Қўлланиш муддати бўйича*, муддати аниқланмаган ва муддати аниқланган маъмурий-процессуал нормалар фарқланади.

*Маъмурий-процессуал муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар тизимининг бир қисми*, субъектлар ўртасида юзага келадиган ва ҳуқуқий нормалар билан белгиланган юридик алоқалардир. Улар субъектлардан ўз ҳуқуқ ва вазифаларини бажаришларини талаб қилади. Уларнинг юзага келиши учун ҳуқуқий нормаларда кўзда тутилган муносабатлар бўлиши керак. Ушбу муносабатлар давлат томонидан таъсир ўтказиш чораларини қўллаш натижасида амалга оширилади.

Маъмурий-процессуал муносабатлар давлат бошқаруви

жараёнида юзага келади. Шу сабабли, уларни бошқарув муносабатлари деб ҳам аташ мумкин. Бундай муносабатлар халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳалар бошқарувида юзага келади.

Маъмурий-процессуал муносабатларни қуйидаги хусусиятларига кўра ҳам таснифлаш мумкин:

- 1) мазмуни;
- 2) маъмурий иш юритиш турлари;
- 3) маъмурий иш юритиш соҳалари;
- 4) қатнашчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.

Маъмурий-процессуал муносабатлар мазмуни бўйича халқ хўжалигида, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳада ва соҳалараро бошқарув тизимида юзага келадиган муносабатларга бўлинади.

Маъмурий иш юритиш турлари бўйича маъмурий-процессуал муносабатлар:

- а) норматив ҳужжат чиқариш пайтида;
- б) фуқаролар ва бошқа субъектларнинг таклифи, аризаси ва шикоятларини кўриб чиқиш вақтида;
- в) давлат бошқарув аппаратида ташкилий ишлар ўтказилаётган вақтда;
- г) мукофотлаш ишларини кўриб чиқишда;
- д) давлат бошқарувида мажбурий чораларни қўллаш пайтида юзага келадиган муносабатларга бўлинади.

Маъмурий-процессуал муносабатлар соҳалар бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- маъмурий-ҳуқуқий моддий муносабатларни амалга оширувчи муносабатлар;
- фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган моддий муносабатларни амалга оширувчи муносабатлар;
- бошқа ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган моддий муносабатларни амалга оширувчи муносабатлар.

### **17.3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишнинг вазифалари ва асосий қоидалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш маъмурий процесснинг алоҳида бир тури бўлиб, унинг олдида ҳар бир ишнинг барча ҳолатларини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаш, шу иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб

келган сабабларини белгилаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш, қонун устунлигини таъминлаш каби вазифалар қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Олий Мажлиснинг қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш тартибига кўра, қуйидаги ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритилиши мумкин эмас, қўзғатилган иш эса тўхтатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати бўлмаса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий муҳофаа ёки охири зарурат ҳолатида содир этганда;
- 5) амнистияга оид ҳужжатнинг чиқиши, агар у маъмурий жазо чораси қўлланилишини бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан шу факт юзасидан маъмурий жазо бериш ёки ишларни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлса;
- 9) иш юритиш пайтида иши кўрилаётган шахс вафот этган бўлса.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш – барча фуқароларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳволи, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар – қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглик асосида кўриб чиқилади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритилаётган тилни билмаса, унга ўз она тилида изоҳ бериш, шунингдек, барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиш учун таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритиш жараёнида прокурор назорати ўрнатилади. Бунда прокурор маъмурий иш қўзғатиш; ишга оид ҳужжатлар билан танишиб чиқиш; маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳаракатларининг қонунийлигини текшириш; ишни кўриб чиқишда қатнашиш; ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида хулосалар бериш; иш юзасидан қабул қилинган қарорга ва шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига норозилик билдириш; чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш ва қонунда белгиланган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид маълумот ҳақиқий ҳисобланади. Шу маълумотларга асосланиб тегишли органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган-бермаганлигини, шахснинг айбдорлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) далилларни баҳолайди, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқади.

Ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, материалларни прокурорга, дастлабки тергов ёки суриштирув органига топшириши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишнинг биринчи босқичи – ишни қўзғатиш. Бунда ваколатли мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинганлиги тўғрисида баённома тузади. Ҳуқуқбузарлик содир бўлган жойда жарима солиш қўзда тутилган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасига асосан, фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ва унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори – энг кам иш ҳақидан, йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисидаги ишлар юзасидан эса – бир бараваридан ошмаса, баённома тузилмайди. Баённома саводли, хатосиз ёзилиши, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқ ва равон баён этилиши зарур. Баённоманинг тузилган вақти ва жойи, тузувчининг ҳамда унда тилга олинаётган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими, турар жойи, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар аниқ кўрсатилиши керак. Баённомага уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик

содир этган шахс; гувоҳ ва жабрланувчилар бўлганда, улар ҳам имзо чекадилар.

Ҳуқуқбузарлик қилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришга, баённомага имзо қўймаслигининг сабабларини баён этишга ҳақли бўлиб, уни бу мулоҳазалари баённомага илова қилинади. Баённомани тузиш пайтида ҳуқуқбузарга унинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу ҳол баённомада қайд этилади.

Баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органга (мансабдор шахсга) юборилади. Ҳуқуқбузарлик қилинган жойда баённома тузишнинг иложи бўлмаса, милиция ходими ҳуқуқбузарни ички ишлар идорасига олиб келади.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, йўлларда ҳаракатланиш тартиби ва хавфсизликни сақлаш, транспортдаги юкларнинг бут сақланишини таъминлаш, халқ истеъмоли молларини республикадан олиб кетиш, ёнғинга қарши кураш, шунингдек, санитария-гигиена ва эпидемиология қоидаларини бузган ҳуқуқбузарнинг шахсини исботловчи ҳужжатлари бўлмаса ва у ҳақда зарур маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ҳуқуқбузарни ваколатли шахс ички ишлар идорасига олиб келиши мумкин.

Ўрмон қоидалари ёки ов қилиш, балиқ тутиш, балиқ захираларини ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа қонунларни бузган ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқ бузилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўрмон соқчилиги давлат ва идора ходимлари, ширкат ўрмонларида эса ушбу ўрмон хўжалиklarининг ходимлари, ов қилиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, милиция ходимлари, жамоат бирлашмаларининг назоратчилари ана шундай ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни милиция ёки маҳаллий давлат органларининг биносига олиб келишлари мумкин.

Қўриқланадиган объектларга, бошқа хил давлат ёки жамоат мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир қилинган тақдирда ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милиция идорасига олиб келиниши мумкин.

Ҳуқуқбузар имкон қадар қисқа муддатда олиб келиниши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳар жиҳатдан тўла

ва адолатли ҳал этиш учун ҳуқуқбузар маъмурий йўл билан ушлаб турилиши, яъни шахсий кўриқдан ўтказилиши, кийим-кечаклари кўздан кечирилиши, ашё ва ҳужжатлари олиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиши керак. Ҳуқуқбузарнинг илтимосига кўра, ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндошларига, иш ёки ўқиш жойига хабар қилиниши лозим. Агар вояга етмаган шахс ушлаб турилган бўлса, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахс албатта хабардор қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг 287-моддасига мувофиқ, қуйидаги органлар (мансабдор шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга ҳақлидирлар:

1) ички ишлар органлари – наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни оз миқдорда тайёрлаш тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш; таносил касалиги ёки ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) юқадиган манбани яшириш; таносил касаллигига ёки ОИТСга учраган шахсларнинг текширувдан бўйин товлаши; оз миқдорда талон-тарож қилиш; ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш; темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш; транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш; йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш; майда безорилик, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш; милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш; махсус хизматларни қасддан алдаб қақирганлик, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда;

2) чегара қўшинлари – ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилганда; чегара зонасига ва вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда белгиланган тартибни бузганда;

3) кўриқланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчилик хизматининг катта мансабдор шахси – кўриқланаётган объект мулкига тажовуз қилинганда, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажарилмаган ёки хизмат вазифаларини бажаришга қаршилик кўрсатилганда;

4) ҳарбий автомобиль назоратининг мансабдор шахслари –

ҳарбий ҳайдовчилар ёки қуролли кучларнинг транспорт воситаларини бошқарувчи бошқа шахслар йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганларида;

5) милиция ходимлари ва ҳарбий патруль – комендантлик соати пайтида кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида махсус рухсатномасиз ва ҳеч қандай ҳужжатсиз юрган шахс ушланганда.

Чегара қоидасини ёки давлат чегараси орқали ўтиш пунктлари қоидасини бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача ушлаб турилиши мумкин. Айрим ҳолларда ҳуқуқбузар шахсини ва ишининг ҳолатини тўла аниқлаш учун уч суткагача ушлаб турилиши мумкин, лекин бундай ушлаб туриш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма равишда маълумот берилиши лозим. Ҳуқуқбузарнинг шахсини кўрсатувчи ҳужжатлар бўлмаса, прокурорнинг рухсати билан ўн суткагача ҳам ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддасининг учинчи қисмига асосан, алоҳида моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосарлари) томонидан 24 соатдан ортиқ бўлмаган муддатгача иш кўриб чиқилгунга қадар ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан, маст ҳолдаги шахслар учун эса хушёр тортган вақтдан бошланади.

Шахсни кўриқдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, фуқаро авиацияси органларининг, божхона органларининг ва чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан, қонун ҳужжатларида бевосита кўзда тутилган айрим ҳолларда эса тегишли ваколат берилган бошқа органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган ваколатли ходим томонидан ва бир жинсдаги иккита ходим иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Ашёларни ички ишлар, ҳарбийлашган соқчилик органлари, божхона органлари, чегара қўшинларининг тегишли ваколат берилган мансабдор шахслари, ов қилиш қоидаларига риоя этиш бўйича эса давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг ваколатли мансабдор шахслари кўздан кечирадилар. Республика қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда бу ишни бошқа органларнинг ваколатли мансабдор шахслари ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ашёлар, қўл юклари, багажлар, ов қилиш ва балиқ тутиш



қуроллари, ов маҳсулотлари ва бошқа буюмларни кўздан кечириш одатда шу ашёлар ва буюмларнинг эгаси иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмас ҳолларда, шунингдек, ашё ёки буюм эгаси бўлмаган тақдирда, иккита холис иштирокида ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомада тегишлича қайд этилади.

Божхона органларида шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 290-моддасига мувофиқ, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсни кўриқдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида (агар бу ашёлар ва ҳужжатлар ҳуқуқбузарлик содир қилиш қуроли ҳисобланган ёки ҳуқуқбузарлик объекти бўлган ҳолларда) ваколатли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгиланадиган жойларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари кўриб чиқилгунига қадар сақланади, иш кўриб бўлингач ва кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилинади. Ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса сотиб юборилади. Самогон ва уйда тайёрланган бошқа хонаки спиртли ичимликлар иш кўриб чиқилгандан кейин йўқ қилинади.

Орден, медаль ёки фахрий унвоннинг кўкракка тақадиган нишони олиб қўйилганда улар қонуний эгасига қайтариб берилади, қонуний эгаси номаълум бўлган тақдирда тегишли органга юборилади.

Контрабанда буюмлари ушлаб қолинган тақдирда, контрабанда содир қилган шахс республикада доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундиришни таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматбаҳо буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашёлар ва ҳужжатлар олиб қўйилганда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёхуд ашёларни кўздан кечириш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомада қайд этилади.

Ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи маъмурий жазо берилса, иш кўриб чиқилгунга қадар транспорт воситаси, кичик кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳуқуқбузардан олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада, шунингдек,

ҳайдовчи талонида тегишли ёзув қайд этилади ва бу талон транспорт ёки кема ҳайдовчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади, кичик кемаларни бошқариш ҳуқуқига оид масалани эса кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси ҳал қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185, 227, 222-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунига қадар ўқотар қуролни, шунингдек, ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақли бўладилар, баённомада мазкур қуролларнинг маркаси ёки андозалари, калибри, серияси ва номери, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури қайд этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига мувофиқ, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган орган (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунига ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунига қадар амалга оширилиши мумкин.

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш ҳуқуқига ички ишлар органлари ва ҳарбий автомобиль назоратининг мансабдор шахслари эгадирлар. Ушланган транспорт воситаларини (ҳарбий транспорт воситаларидан ташқари) сақлаш тартибини ички ишлар органлари ҳокимлар билан келишган ҳолда ўрнатадилар.

Маъмурий йўл билан ушлаб турилганлиги, кўздан кечирилганлиги, ашё ва ҳужжатлари олиб қўйилганлиги ҳамда кўздан кечирилганлиги хусусида манфаатдор шахслар юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки прокуратурага шикоят қилишлари мумкин.

#### **17.4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакил, адвокат, гувоҳ, эксперт ва таржимон қатнашади.

**Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс** ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, изоҳ беришга, далиллар келтиришга, илтимос қилишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, иш юритилаётган тилни билмаган тақдирда ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор

хусусида шикоят беришга ҳақли. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахс ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Ҳуқуқбузарни ички ишлар органи ёки туман (шаҳар) судьяси чақирса-ю, у келишдан бўйин товласа, мазкур шахсни ички ишлар органи мажбуран олиб келиши мумкин.

Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

**Жабрланувчи** – маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрган шахс. Жабрланувчи ишга оид барча материаллар билан танишиб чиқиш, илтимослар қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан шикоят бериш ҳуқуқига эга. Жабрланувчи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 298-моддасига мувофиқ, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

**Қонуний вакиллар.** Маъмурий жавобгарликка тортилаётган вояга етмаган ёки жисмоний ёхуд руҳий камчиликлари сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган шахснинг ва жабрланувчининг манфаатларини уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ҳимоя қиладилар.

**Адвокат.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашувчи адвокат ишга оид барча материаллар билан танишиб чиқишга, илтимослар қилишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан мазкур шахс номидан ишга тегишли қарор юзасидан шикоят беришга ҳақли. Адвокатларнинг ваколатлари юридик маслаҳатхона берадиган ордер билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Гувоҳ.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги бирор нарсани билган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 298-модда-сига мувофиқ, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс)нинг чақириғига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келишга, ҳаққоний кўрсатувлар беришга, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни баён қилишга ва қўйилган масалаларга аниқ жавоб беришга мажбурдир.

**Эксперт.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан бирор нарсани аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда шу ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) экспертни тайинлайди. Эксперт чақириқ бўйича келишга ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан объектив хулосалар беришга мажбур. Эксперт экспертиза предметида оид иш материаллари билан танишиб чиқишга, хулоса бериш учун зарур бўлган материалларни олишга, жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи ёки гувоҳга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс)нинг рухсати билан экспертизага оид саволлар беришга, ишни кўриб чиқиш вақтида қатнашишга ҳақлидир.

**Таржимон.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) таржимонни тайинлайди. Таржимон мазкур орган (мансабдор шахс)нинг чақириғига биноан ҳозир бўлишга ва ўзига топширилган таржимани тўла-тўқис ва аниқ бажариши шарт.

Қонунга асосан, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган ҳузурига келиши муносабати билан қилган харажатлари қопланади, бу шахсларнинг иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақлаб қолинади.

## **17.5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун тайёрлашда тегишли орган (мансабдор шахс) қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

- 1) мазкур ишни кўриб чиқиш унинг ҳуқуқий доирасига кирадими?
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилганми?
- 3) ишни кўришда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинганми?
- 4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинганми?
- 5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, унинг қонуний вакиллари, адвокат қилган илтимослар ҳал этилиши керакми?

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бундай ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилиши керак.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 119, 125–136, 139, 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишлар транспорт воситаларини ҳисобга олиш жойида ҳам кўриб чиқилиши мумкин. 187-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар эса ишни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни бошқа жойда кўриб чиқиш қонунда назарда тутилган бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мазкур ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб, ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176, 180, 181, 183, 184, 194-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар – бир сутка мобайнида; 151, 164, 201, 202, 203 ва 205-моддаларда назарда тутилган ишлар – уч сутка мобайнида; 61-моддада назарда тутилган ишлар – беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 306-моддасига мувофиқ, шу ишни кўрувчи коллегиал органнинг таркибини эълон қилиш ёки бунга ваколатли мансабдор шахсни таништиришдан бошланади. Ишни кўриб чиқувчи коллегиал органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида қатнашувчи шахслар ахбороти тингланади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси тингланади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқиш чоғида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслигини, у маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаб чиқиши лозим (МЖТКнинг 307-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Маъмурий

ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2000 йил 15 сентябрь қарорига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда мансабдор шахс, суриштирув органи ва судьялар МЖТКнинг 307-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга ҳуқуқбузарнинг шахси ва ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни ҳар томонлама ва синчковлик билан аниқлашлари шарт.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилган-этилмаганлиги ва бунда шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласини муҳокама қилишда

судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чекланмасдан, заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиши, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириши, экспертизалар тайинлаши, ашёвий далилларни кўздан кечириши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқиши ҳақида тегишли орган баённома тузади. Бу баённомада қуйидагилар кўрсатилади: 1) мажлис бўлган сана ва жой; 2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби; 3) кўриладиган ишнинг мазмуни; 4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги; 5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг изоҳлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларнинг натижалари; 6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар; 7) қабул қилинган қарорни эълон қилиш тўғрисидаги маълумотлар, бу ҳусусда шикоят бериш тартиби ва муддатларининг тушунтирилганлиги ва ҳ.к. Тегишли орган мажлисининг баённомасини мажлисга раислик қилувчи, котиб ва ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс имзолайдилар.

### **17.6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқариладиган қарор ва унинг турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан орган (мансабдор шахс) шу иш юзасидан қарор қабул қилади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади: қарор чиқарган орган (мансабдор шахснинг) номи, ишни кўриб чиқиш вақти; иш кўриб чиқиладиган шахсга доир маълумотлар; ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатларнинг баёни; содир қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекс 242-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи бандларида кўрсатилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан жазо бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида етказилган мулкый зарарни айбдордан ундириб олиш масаласи ҳам ҳал қилинадиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олинishi лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддатлари ва тартиби ҳам кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари, иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар масаласи ҳам ҳал қилинган бўлиши керак. Коллегиал органнинг қарори мажлисда ҳозир бўлган шу коллегиал орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорни шу ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс, коллегиал органнинг қарорини эса мажлисда раислик қилувчи ва котиб имзолайдилар (МЖТК 309-моддаси).

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда ундириб олиш чорасини қўллаш ҳақида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага тегишлича ёзиб қўйилади ёхуд бу қарор белгиланган усулда расмийлаштирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан орган маъмурий жазо бериш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ишни тугатиш тўғрисидаги қарор оғзаки огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда чиқарилади.

Иш кўриб чиқилганидан кейин қабул қилинган қарор дарҳол эълон қилиниши керак. Қарорнинг нусхаси уч кунлик муҳлат ичида қарор тааллуқли бўлган шахсга топширилади ёки жўнатилади, шунингдек, жабрланувчининг илтимосига кўра унга ҳам юборилади. Қарорнинг нусхаси тилхат олиб топширилади. Қарорнинг нусхаси жўнатиладиганда бу ҳақда иш материаллари тикилган йиғмажилдга ёзиб қўйилади.

Божхона қоидаларини бузиш ва контрабанда тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси шу қарор тааллуқли бўлган шахсга Божхона кодексига белгиланган тартибда топширилади.

Ўқотар қуроллар, шунингдек, ўқ-дорилар хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахслар хусусида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддаси ва 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг нусхаси ахборот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга ҳамда мазкур шахснинг ўқотар

қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун (МЖТКнинг 312-моддасига кўра) ички ишлар органига юборилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 131, 140, 183, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга жазо бериш тўғрисидаги маълумотлар борасида шу ҳуқуқбузарлар ишлаб, ўқиб ёки яшаб турган жойга хабар қилади.

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш чоғида мазкур сабаб ва шарт-шароитларни йўқотиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги таклифларни тегишли корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда мансабдор шахсларга ҳавола этади. Мазкур ташкилот ва мансабдор шахслар шундай таклиф тушган кундан бошлаб бир ой мобайнида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилишлари керак (МЖТКнинг 313-моддаси).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор юзасидан ҳуқуқбузар, шунингдек, жабрланувчи шикоят бериши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарор юзасидан – юқори турувчи орган (мансабдор шахс) ёки маъмурий ишлар бўйича судьяга, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори хусусида эса – туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят қилиниши мумкин. Қонунда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қарор чиқарган орган (мансабдор шахс)га юборилади ва бу орада уч сутка муддат ичида шикоят кўриб чиқилиб, сўнг йиғмажилди билан бирга қайтарилади. Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарор бўйича шикоят берган шахсдан давлат божи олинмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарор устидан ушбу қарор чиқарилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган тақдирда, устидан қарор чиқарилган шахснинг аризасига мувофиқ, бу муддат шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарор юзасидан прокурор протест билдириш ҳуқуқига эга.

Белгиланган муддатда шикоят берилиши маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини шу шикоят кўриб чиқилгунча тўхтатиб туради, маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойда ундириб



олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустасно. Прокурорнинг эътирози бўйича, қарорнинг ижроси шу протест кўриб чиқилгунига қадар тўхтатиб турилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича чиқарилган қарор юзасидан билдирилган протест ва шикоят, агар қонунларда бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилиши, шу қарорнинг қанчалик қонуний ва асосли эканлиги текширилиши лозим. Тегишли орган (мансабдор шахс) шикоят ёки протестни кўриб чиқиб, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади: 1) чиқарилган қарорни ўзгартирмайди, шикоят ёки протестни қаноатлантirmайди; 2) чиқарилган қарорни бекор қилиб, ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади; 3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни кўришни тўхтатади; 4) жазо чорасини ўзгартиради, лекин бунда жазо чораси кучайтирилиши мумкин эмас.

Чиқарилган қарор мазкур ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинганлиги аниқланган тақдирда бундай қарор бекор қилиниб, иш ваколатли орган (мансабдор шахс) кўриб чиқиши учун юборилиши лозим. Шикоят ва протест бўйича ҳал қилув қарорининг нусхаси ушбу қарор тегишли бўлган шахсга уч кунлик муддат ичида, жабрланувчига эса унинг илтимосига биноан юборилади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижасида чиқарилган ҳал қилув қарорига прокурор протест билдириши мумкин. Бундай протест мазкур қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)га берилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини тўхтатиш шарти билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларининг, ҳақ тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган буюмларнинг қайтариб берилишига, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларнинг бекор қилинишига сабаб бўлади. Буюмни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати қайтарилади. Фуқарога нисбатан қамоққа олиш тарзида маъмурий жазо чорасини ғайриқонуний равишда қўллаш натижасида келтирилган зарарнинг ўрни қонунларда белгиланган тартибда қопланади (МЖТКнинг 324-моддаси).

## **XVIII боб. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

### **18.1. Қарорни ижро этишнинг умумий тавсифи**

Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорни ижро этиш давлат ва жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Агар қонунларда ўзгача ҳол кўзда тутилмаган бўлса, маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим. Бундай қарор устидан шикоят ёки протест билдирилган тақдирда, бу қарор берилган шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганидан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор бундан мустасно. Жарима солиш тарзидаги маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарор, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 332-моддасининг биринчи қисмида белгилаб қўйилганидек, шу қарорни ихтиёрий равишда бажариш муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади. Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорни асосан уни чиқарган орган (мансабдор шахс) ижро этади. Маъмурий тартибда қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ички ишлар органи ижро этади. Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо бериш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган тақдирда, ҳар бир қарор алоҳида-алоҳида ижро этилади.

Маъмурий тартибда қамоққа олиш ёки жарима солиш (маъмурий ҳуқуқбузарлик қилинган жойнинг ўзида жарима солиш бундан мустасно) тарзидаги маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишнинг имкони бўлмаса, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) қарорнинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкин. Мазкур орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳолларда қарорнинг ижросини тўхтатиши мумкин: 1) умумий афв эълон қилиниб, бунда маъмурий жазо чорасини қўллаш бекор қилинган бўлса; 2) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса; 3) устидан қарор чиқарилган шахс вафот этган тақдирда.

Маъмурий жазо тўғрисида чиқарилган қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч ой мобайнида ижро этилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. Қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган тақдирда, уни ижро этиш муддати шикоят ёки протест кўриб чиқилгунига қадар тўхтатилади. Қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда уни ижро этиш, кечиктириш муддати ўтгунига қадар тўхтатиб турилади. Қонунда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг айрим

турлари тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш учун узоқроқ муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Божхона кодексига мувофиқ, контрабанда буюмлари, шунингдек, давлат чегараси орқали контрабанда буюмларини олиб ўтиш ёки уларни яширинча келтириш учун мўлжалланган ташиш воситалари ва бошқа воситалар, қачон топилганидан қатъи назар, мусодара қилиниши лозим (МЖТКнинг 330-моддаси).

Маъмурий жазо бериш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ масалаларни қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал қилади. Бундай қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

## 18.2. Қарорни ижро этиш тартиби

*Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби.* Жаримани ҳуқуқбузар шахс унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор юзасидан шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда шикоят ёки протест қондирилмаганлиги хусусида хабар берилган кундан бошлаб, ўн беш кундан кечиктирмай тўлаши лозим. Шахс ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлиб, майда безорилик қилса ва иш ҳақи олмаса, жарима унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади. Жаримани ҳуқуқбузар халқ банкига тўлайди.

Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддат ичида тўламаса, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, пенсиясидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда жарима ундириб олиш учун юборилади. Агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, айрим сабабларга кўра жаримани пенсия ёки стипендиясидан ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади. Қонунларга мувофиқ, ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан жарима ундириб олинмайди.

Транспорт воситаларида контрабанда буюмлари борлиги аниқланса ва эгалари республикада доимий яшаш (ишлаш) жойига эга бўлмаса, жарима Божхона кодекси қоидаларига мувофиқ ундириб олинади. Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойда ундириб олинган тақдирда, ҳуқуқбузарга белгиланган нусхадаги қвитанция берилади. Жарима солиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, жарима тўла-тўқис ундириб олинган, унинг ижро этилганлиги ҳақида белги қўйилиб, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)га қайтариб юборилади.

*Ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби.* Буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисида чиқарилган қарор асосида олиб қўйилган буюмларни ушбу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) воситачи дўкон ёки олиб қўйилиши лозим бўлган мол-мулк турган жойдаги шундай мақсад учун махсус белгилаб қўйилган давлат ёки кооператив савдо дўконларида сотиш учун топширади. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини тўлаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ички ишлар органлари ижро этади. Ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйилган буюмни сотишдан тушган пулни, шундай қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) мазкур буюмнинг собиқ эгасига топширади. Бунда ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйилган буюмни сотиш харажатлари чегириб қолинади. Қонунда буюмларни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйишни ижро этишнинг бошқача тартиби ҳам белгилаб қўйилиши мумкин (МЖТКнинг 326-моддаси).

*Мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби.* Мусодара қилиш тўғрисидаги қарор мусодара қилинган буюмни олиб қўйиш ва ҳақ тўламаган ҳолда мажбурий равишда давлат мулкига ўтказиш йўли билан бажарилади. Мусодара қилишни туман (шаҳар) судлари қошидаги суд ижрочилари ижро этадилар. Божхона органининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортда ташилаётган (халқаро транзит бундан мустасно) ва сақланаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни, солиқ органининг ҳамда Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлимларининг сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқарилаётган, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларини тегишли ҳокимиятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузадиган доимий комиссиялар ижро этадилар. Мусодара қилинган буюмларни сотиш ва йўқ қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади. Буюмни мусодара қилиш

тўғрисидаги қарор унинг ижро этилганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда шу қарорни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судьяга қайтарилади (МЖТКнинг 337–339-моддалари).

*Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш тартиби.* Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органларининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 248-моддасининг иккинчи бандида кўрсатилган мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш эса МЖТК 258-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни МЖТК 262-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари бажарадилар (МЖТКнинг 340-моддаси).

Транспорт воситалари ва кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор, агар ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган шахс ҳамда кичик кема ҳайдовчиси барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, гувоҳномага қўшиб бериладиган талонни олиб қўйиш йўли билан ижро этилади. Агар шахс транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, бу тўғрида ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унга қўшиб бериладиган талонга мазкур шахс транспорт воситаларининг қайси турини ёки қандай кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги кўрсатиб, белги қўйилади. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартибини ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни олиб қўйиш тартибини эса кичик ҳажмли кемалар бўйича давлат инспекцияси белгилайди. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчи гувоҳномасини беришдан бош тортган тақдирда, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда ички ишлар органлари томонидан олиб қўйилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс овчилик билетини топширишдан бўйин товлаган тақдирда, ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борувчи органлар овчилик билетини белгиланган тартибда олиб қўядилар (МЖТКнинг 341–342-моддалари).

Муайян муддатга транспортни бошқаришдан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс ўз ишига ҳалол муносабатда бўлса ва намунали ахлоқи билан ўзини кўрсатса, жазо муддатининг камида ярмини ўтагач, корхона, муассаса ва ташкилот маъмуриятининг илтимоси бўйича бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш мумкин. Транспорт ҳайдовчилари ва ов қилиш қоидаларини бузган шахслар махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб шундай ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳисобланадилар. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўтгач, шунингдек, бу муддат қисқартирилса, бундай маъмурий жазога тортилган шахсга ундан олиб қўйилган ҳужжатлар белгиланган тартибда қайтариб берилади. Транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс ҳайдовчилик гувоҳномасини беришдан бош тортса, маҳрум қилиш муддати унинг гувоҳномаси мажбуран олиб қўйилган кундан бошланади, лекин маҳрум этиш муддати тугашидан кечиктирмай ҳисобланади.

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор чиқарилганидан сўнг дарҳол ижро этилади. Маъмурий қамоқ жазосига тортилган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда соқчилик назоратида сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинган кимса шахсий кўрикдан ўтказилади. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоққа олиш муддатига қўшиб ҳисобланади. Маъмурий қамоққа олиш муддатини ўташ қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180, 183, 184-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида ва 194, 201, 204-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қилгани учун маъмурий қамоққа олинган шахслар кучидан жисмоний ишларда фойдаланилади. Бундай шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш ҳокимликлар зиммасига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтида доимий иш жойидаги иш ҳақи тўланмайди (МЖТКнинг 346-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги 1995 йил 6 май қонунига асосан, маъмурий қамоққа олинган шахслардан, маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарорига биноан, сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар суткасига энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорига ундириб олинади.

Қамалган шахс маъмурий қамоқда бўлган вақтида ишлаган ва бу билан ўз харажатларини қоплаган ҳолларда, ундан бу каби харажатлар ундириб олинмайди. Қамалганлар меҳнатга лаёқатсиз бўлсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод

қилинадилар.

Айрим ҳолларда, судья аниқ ҳолатларни ва қамалганнинг шахсини ҳисобга олиб, уни мазкур харажатларни тўлашдан озод қилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисми қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади ва бу қисм ижро ҳужжати ҳисобланади. Мулкий зарар ҳуқуқбузар томонидан унга қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши керак, бундай қарор хусусида шикоят ёки протест берилган тақдирда шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги ҳақида мурожаат қилинган кундан бошлаб, ўн беш кундан кечиктирилмай тўланади. Агар бу талаб ана шу белгиланган муддатда бажарилмаса, бу қарор фуқаролик процессуал қонунларда кўзда тутилгани каби ижро этиш тартибида зарарни ундириб олиш учун юборилади.

**Бешинчи бўлим**  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА  
ИНТИЗОМНИ ТАЪМИНЛАШ

**ХІХ боб. Контроль<sup>1</sup> фаолияти**

**19.1. Давлат контроли ва унинг турлари**

Давлат бошқарувининг асосий принципларидан бири қонунийликдир. Шу сабабли давлат, унинг барча органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ иш кўрадилар. Қонун асосида ҳуқуқий тартибни, жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қиладилар. Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари ва амалий фаолияти қонунларга мувофиқ бўлиб, қонунга мос келмайдиган ёки фуқароларнинг қонуний манфаатларини бузадиган ҳужжатлар белгиланган тартибда бекор қилинади.

Давлат бошқарувида қонунийлик контроль ва назорат, давлат бошқарув органларининг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан шикоят бериш усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Контроль ва ташқи назоратнинг бир-биридан фарқи нимада, деган савол туғилиши мумкин.

Контроль (ички назорат) ҳамма вақт юқори органлар томонидан уларга бўйсунувчи қуйи органларнинг фаолиятини текшириш жараёнида қўлланилади. Контроль усулини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ўзларига бўйсунувчи объектларнинг молиявий, хўжалик, ташкилий ва бошқа хил фаолиятини ўрганиб чиқиб, шу фаолият давомида уларнинг қонунларга қанчалик риоя этганликларини аниқлайдилар. Агар қонунлар бузилаётган бўлса, мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазолар қўлланилади ва уларнинг чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари бекор қилинади. Назорат олиб борувчи органлар эса ўзларига бўйсунмаган объектлар устидан назорат ўрнатадилар. Қонун, ўрнатилган махсус тартиб

---

<sup>1</sup> «Контроль» французча сўз бўлиб, текшириш мақсадидаги кузатиш, назорат қилиш, тафтиш ўтказиш маъноларини англатади. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 1. М., 1981. 397-б.



бузилгани аниқланса, назорат олиб боровчи органлар тартибни бузган шахсга нисбатан маъмурий чора қўллашлари мумкин, лекин объектлар чиқарган ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қила олмайдилар. Назоратни прокуратура ва махсус давлат назорати органлари, контролни эса барча юқори босқич органлари амалга оширадилар.

Қонун ва давлат тартиби бузилишининг олдини олиш ҳамда бундай ҳолларга чек қўйиш мақсадида давлат контроли ўрнатилади. Бундай контроль: 1) давлат ҳокимият органларининг контроли; 2) давлат бошқарув органларининг контроли; 3) суд органларининг контролига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, Олий Мажлис қонунларининг ижросини назорат (парламент назорати) қилиб туриш учун депутатлар қўмита ва комиссиялар сайлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширган туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этади; республика бошқарув органлари, шунингдек, ҳокимлар қабул қилган ҳужжатларни бекор қилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари эса қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди ва шу масалалар бўйича ўз ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолиятини текшириб туради.

Давлат бошқарув органлари контроли икки турда, яъни умумий ваколатли ва махсус ваколатли органлар орқали амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»<sup>1</sup>ги 1993 йил 6 май қонунига асосан, Вазирлар Маҳкамаси:

1) вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонунларга зид қарор ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир;

2) вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларнинг фаолиятини контроль қилади ва ана шу органларнинг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Президент фармонлари ва фармойишлари, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши, давлат ва ижро интизомига риоя

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993. № 5. 202-м.

этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Назорат инспекцияси ва унинг органлари томонидан текширилади.

Шундай қилиб, контроль барча юқори органларнинг ўзларига бўйсунувчи қўйи органлар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини текширишидан иборат.

## 19.2. Суд органларининг контроли

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, Конституциянинг устунлигини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган. Бу суд конституциявий контролни олиб борувчи суд органидир.

Конституциявий суд:

– Ўзбекистон қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат ва қўйи маҳаллий давлат органлари қарорларининг, давлатлараро шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг республика Конституциясига мос келиш-келмаслигини аниқлайди;

– Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига қанчалик мос келиши тўғрисида хулоса беради;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларини талқин этади;

– ўз ваколатига доир ишларни кўриб чиқиб, тегишли хулоса чиқаради.

Конституциявий суд чиқарган қарорни барча давлат, ҳокимият ва бошқарув органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат компаниялари, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришлари шарт.

Олий суд, вилоят, шаҳар ва туман судларига қонунларнинг доимий ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Ана шу вазифани бажариш вақтида суд органлари жиноят ва фуқаролик ишларинигина кўриб қолмай, улар давлат бошқарув органларининг қонунга риоя этишини ҳам назорат қилиб борадилар. Бундай назорат асосан, фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари қонунга зид эканлигини ёки улар ўзларининг ваколатларини ошириб юборганликлари тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида амалга оширилади.

Бундан ташқари, судлар маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги ваколатли органларнинг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида кўриб чиқадилар ва улар тўғрисида тегишли қарор чиқарадилар.

Суд органлари қонуннинг бажарилиши устидан назоратни жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқаётган чоғда ҳам амалга оширадilar. Агар шу ишларни кўриб чиқиш чоғида давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун бузилганлиги аниқланса, суд органлари алоҳида ажрим чиқаришлари мумкин. Бундай ажримда кўрсатилган талабларни тегишли органлар ва мансабдор шахслар бажаришлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь қонунига асосан, хўжалик судининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

а) одил судловни амалга ошириш йўли билан ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) иқтисодий муносабатларда қонунларга риоя этилишига ҳуқуқий воситалар билан ёрдам бериш;

в) хўжалик низоларини ҳал этиш чоғида қонунларнинг бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш.

Хўжалик судлари тадбиркорлик фаолияти жараёнида юзага келадиган фуқаровий иқтисодий муносабатлар ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда суд ҳокимиятини амалга оширадilar; ташкилотлар ёки фуқароларнинг ўзаро муносабатларидан, шунингдек, уларнинг давлат органлари ва ўзга органлар билан муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этадилар. Бундай низоларда хорижий корхоналар, ажнабий фуқаролар иштирок этган корхоналар қатнашган ёки улар билан битимлар тузилган тақдирда бундай низоли иш кўриб чиқиш учун хўжалик судига берилиши мумкин.

Хўжалик суди чиқарган ҳал қилув қарорлари ёки ажримларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва, республикалараро битимларга мувофиқ, бошқа республикаларнинг ҳудудида барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ижро этишлари шарт.

Хўжалик судининг ҳаками қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– қонунда зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ фармойишларнинг бажарилишини давлат идоралари, бошқа идора, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиш;

– ташкилотлар, давлат идоралари ва бошқа идораларга хусусий ажримларни, аниқланган қонунбузарлик ҳақидаги ахборотни уни бартараф этиш хусусидаги таклифлар билан бирга юбориш;

– давлат идоралари ва бошқа идоралардан, илмий муассасалар ва ахборот марказларидан ахборот сўраб олиш ва ҳ.к.

Хўжалик суди иқтисодий муносабатларда қонунлар бузилишининг олдини олиш ишларини олиб боради ва шу мақсадда:

1) иқтисодий муносабатларда қонунлар бузилишининг сабабларидан дарак берувчи маълумотлар ва материалларни изчил таҳлил қилиб беради, ўз ваколати доирасида уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

2) ишларни бевосита ташкилотларнинг ўзида ҳал этади;

3) ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат идораларига ва бошқа идораларга хусусий ажримлар тўғрисидаги, ана шу қонунбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилувчи ҳолатлар ҳақида ахборот юборади. Хусусий ажрим ёки ахборот юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилганлиги тўғрисида хўжалик судларига бир ой муддатдан кечиктирмай жавоб берилиши керак;

4) иқтисодий муносабатларда йўл қўйилаётган жиддий қоидабузарликлар тўғрисида ҳоқимият органларини хабардор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонида бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ташаббуссизлиги, боқимандаллиги, корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажармаслиги, уларни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келаётганлиги, шунга қарамай хўжалик низоларини кўриб чиқишда хўжасизлик ва пул маблағларини беҳуда сарфлаш ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланиш ҳолатларига етарли баҳо берилмаётганлиги қайд этилган.

Хўжалик судларининг иқтисодий соҳадаги қонунларни мустаҳкамлаш ва қонунбузарликларнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириш мақсадида унинг ваколати қонуний тартибда кенгайтирилган.

Хўжалик судида низоларни кўриш жараёнида мансабдор шахслар ўз фаолиятида қонун ҳужжатларини бузганлиги аниқланганда, уларга нисбатан жиноят ишлари кўзғатиш, маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш, етказилган мулккий зарарни улар ҳисобидан қоплаш, интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш ҳуқуқлари берилган. Шу сабабли, хўжалик судларининг эътибори иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ва қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Хўжалик субъектлари мансабдор шахсларининг фаолиятида қонун ҳужжатларининг бузилиши, пул маблағлари ва бошқа

мулклардан мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланиш, тўлов интизомини бузиш, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, корхоналарни банкротликка олиб келганлик ҳолатлари аниқланганда қайд этилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган қаттиқ жазо, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши керак.

Хўжалик низоларини ҳал қилишда иқтисодий ночорлик ва банкротлик юзага келишига сабабчи бўлган корхоналарнинг шартнома шартларини бузганлигига оид ҳолатларни чуқур текшириш, ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбдор бўлган шахсларнинг аниқланишини таъминлаш ва аниқ ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, бундай шахсларга нисбатан Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги фармонида назарда тутилган чораларни қўллаш масаласини ҳал қилиш лозим.

Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги фармонида назарда тутилган хўжалик судининг мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг 152-моддасида кўрсатилган тартибида амалга оширилади.

Хўжалик судининг жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрими, ҳар қандай суд ҳужжатлари каби, суд мажлисида тўлиқ текширилган ҳолатлар асосида қабул қилиниши лозим. Хусусий ажримда ХПК 151-моддасининг талаблари билан бир қаторда Жиноят кодексининг хўжалик суди аниқлаган жиноят аломатларини назарда тутувчи моддаси кўрсатилиши шарт.

Хўжалик судининг ҳар қандай босқичи низони кўриш жараёнида аниқланган жиноят аломатлари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисида хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Суд қарорини ижро этмаганлик, Жиноят кодекси 232-моддасига асосан, жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш мобайнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда судлар, «Прокуратура тўғрисидаги» қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, ушбу ишга прокурорни жалб қилишлари лозим.

Агар суд муҳокамасида жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар аниқланмаса, хўжалик суди хусусий ажрим чиқариб, қўшимча текшириш ўтказилиши лозим бўлган маълумотлар ҳақида прокурорга хабар қилиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги хусусий ажримнинг нусхаси жиноят иши қўзғатишга асос бўлган мавжуд ҳужжатларга илова қилинган ҳолда прокурорга юборилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг хўжалик судлари жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги хусусий ажримларни тегишлича

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларига юбордилар. Олий ҳўжалик судининг хусусий ажрими Ўзбекистон Республикасининг прокуратурасига юборилади.

Ҳўжалик низоларини кўриш жараёнида пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаганлик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ва корхонани банкротлик даражасига олиб келганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, раҳбарлар ёки бошқа шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да жиноят аломатлари бўлмаса, судлар кўрсатилган шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ёки интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида хусусий ажрим чиқарадилар.

ХПКнинг 152-моддасига мувофиқ, мазкур шахслар юзасидан чиқарилган хусусий ажрим уларнинг юқори турувчи бошқарув идораларига юборилади.

Биринчи босқич судининг хусусий ажрими шикоят қилиш (протест билдириш) муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Апелляция шикояти берилган тақдирда, бундай ажрим апелляция босқичида кўрилганидан кейин хусусий ажрим бекор қилинмаган тақдирда кучга киради. Судларга, иш апелляция босқичида кўриладиган бўлса, хусусий ажримни қарор қонуний кучга кирганидан кейин жўнатиш тавсия қилинган.

Ҳўжалик судлари Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги фармонида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ваколатини ҳўжалик низоларини кўриш жараёнида ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда амалга оширишлари мумкин.

Маъмурий тартибда жарима ундириб олиш ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмасдан, узоқ давом этган ҳуқуқбузарлик содир этилганда ҳам, у аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмасдан амалга оширилиши керак. Узоқ вақт давом этган ҳуқуқбузарлик деганда, кўпроқ ёки камроқ муддат ичида тўхтовсиз содир этилган давомли ҳуқуқбузарлик тушунилади (масалан, товар белгиси эгаси ҳуқуқининг бузилиши).

Узоқ давом этган ноҳўя хатти-ҳаракат бўйича икки ойлик муддат ҳуқуқбузарлик содир этилган пайдан эмас, у ошкор бўлган пайдан бошлаб ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик давом этаётган деб топилса, судда ҳўжалик низосини кўришда ҳуқуқбузар ушбу ҳолат аниқланган кундан бошлаб жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораларини қўллашда суд, ҳуқуқбузарликнинг хусусиятлари, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айб даражаси, мулкий ҳолати, айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиши зарур.

Маъмурий жавобгарликка тортиш хўжалик судининг қарори билан расмийлаштирилади. Қарорда, суд ҳужжатларида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар билан бир қаторда, жавобгарликка тортилувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат кўрсатилиши лозим.

Хўжалик судининг маъмурий жарима ундириб олиш чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори юзасидан келтирилган шикоят (протест) апелляция (кассация) тартибида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи ундирилмайди.

### 19.3. Жамоат контроли

Давлат бошқарув органларининг фаолиятида қонунийлик ва ҳуқуқий тартибга риоя қилиниши таъминлашда жамоат контролининг аҳамияти жуда катта. Бундай контролни жамоат бирлашмалари, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий компаниялар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа компаниялар амалга оширадилар.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба компаниялари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунига асосан, касаба компаниялари жамоат контролини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар<sup>1</sup>. Ана шу мақсадда касаба компаниялари меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашадилар. Давлат бошқаруви ва хўжалик органлари фуқароларнинг меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор норматив ҳужжатларни Ўзбекистон касаба компаниялари федерациясининг кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қилишлари керак.

Маъмурият, мулкдор ёки уларнинг вакили бўлган бошқарув органининг ташаббуси билан корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган бўлса, бу иш тегишли касаба компанияларини камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 344-м.

манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Касаба компаниялари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини контроль қилиб борадилар. Касаба компаниялари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган органлар билан жамоа номидан музокаралар олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарилишини контроль қиладилар.

Касаба компанияларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида фуқароларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тadbирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон пули миқдорини аниқлашда қатнашадилар; қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини контроль қиладилар.

Касаба компаниялари маъмурият, мулкдор ёки уларнинг вакили бўлган бошқарув органи меҳнат ва касаба компаниялари тўғрисидаги қонунларга риоя қилишини контроль қилиб борадилар. Улар аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Маъмурият меҳнат ва касаба компанияларига оид қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, унинг натижалари тўғрисида бир ой муддат ичида касаба компаниясига хабар қилишлари шарт.

Касаба компаниялари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Шу мақсадда, касаба компаниялари инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин.

Маъмурият жамоа шартномаси шартномаларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, касаба компаниялари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга таклифнома киритишга ҳақли бўлади, бу таклифнома бир ҳафта муддатда кўриб чиқилиши керак.

Касаба компаниялари ўз контроль ҳуқуқларини асосан жамоат контролёрлари, жамоат контроль комиссиялари орқали амалга оширадилар.

Касаба компаниялари давлат бошқарув органларининг фаолиятини контроль қилиш жараёнида асосан уларнинг ўз ишини режалаштириш, оператив бошқарувни ташкил этиш, кадрларга оид масалаларни ҳал қилиш, ишни ташкил этиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ҳақини тўғри белгилашга қаратадилар. Бундан ташқари,



касаба компаниялари савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг, коммунал ва соғлиқни сақлаш ҳамда маданият соҳаларидаги муассасаларнинг ишларини ҳам контроль қилиб турадилар. Давлат бошқарув органларининг ва хўжалик органлари фаолиятини контроль қилишда жамоат комиссияларининг аҳамияти катта.

Давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан контролни юқорида кўрсатилган жамоат ташкилотларидан ташқари, олимлар жамияти, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий компаниялар ҳам ўз соҳалари бўйича амалга оширадilar.

## **XX боб. Назорат фаолияти**

### **20.1. Прокурор назорати**

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 30 август янги таҳрирдаги қонунига асосан, прокурор қонунларга риоя этилишини умумий назорат қилади.

Умумий назорат предметиға қуйидагилар киради:

1) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар чиқараётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги;

2) шахснинг дахлсизлиги, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий эркинликлари, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши;

3) иқтисодий муносабатларга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга оид қонунларга риоя этилиши.

Хўжалик фаолиятиға ва бошқа фаолиятға прокурорнинг бевосита аралашшиға, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришиға йўл қўйилмайди.

Прокурор ўз ваколати доирасида қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида қуйидагиларға ҳаққидир:

– вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз кириш, ҳужжатлар ва материалларни кўриш, текширишлар ўтказиш, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати

тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;

– текшириш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш; қонунийликнинг аҳволи тўғрисида ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақида маълумот олиш;

– давлат органлари, ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслардан назоратида бўлган ҳамда уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни, текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилиш;

– мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириб, улардан қонунларнинг бузилганлигига доир оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.

Қонун бузилган тақдирда прокурор ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) вазирликлар, давлат кўмиталари ва органларнинг, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмаларининг ҳужжатлари, шунингдек, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари юзасидан протестлар келтириш. Протест қонунга зид бўлган норматив ҳужжат юзасидан ана шу ҳужжатни чиқарган ёки юқори турувчи органга нисбатан келтирилади. Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди шу тартибда протест келтирилади. Протест у топширилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн кун муддат ичида кўриб чиқилиши шарт. Қонунийлик бузилишига тезда барҳам бериш талаб қилинган фавқулудда ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақлидир. Протестни кўриб чиқиш натижаси ҳақида прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилиниши керак. Протестни коллегиял органлар кўриб чиққан тақдирда мажлис бўладиган кун прокурорга маълум қилиниши керак, прокурор эса протестни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурорнинг ариза бериши ушбу ариза судда

кўриб чиқилгунга қадар ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди;

2) қонунда белгиланган тартибда жиноятлар, интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўзғатишга, кўриб чиқиш учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топшириш. Бундай ҳолларда прокурор иш кўзғатиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради. Прокурорнинг интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўзғатишга доир қарорини тегишли орган ёки мансабдор шахс ушбу қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисида кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади;

3) қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва фуқароларни ёзма равишда огоҳлантириш. Прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар бўлганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида, мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилишини тушунтиради. Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақлидир;

4) фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир;

5) давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар. Бундай тақдимномалар қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсларга киритилади, бу тақдимнома дарҳол кўриб чиқиши лозим. Кўрилган чоратadbирлар тўғрисида бир ой муддат ичида прокурорга хабар берилиши шарт. Тақдимномани коллегиял орган кўриб чиқаётганда прокурорга мажлис ўтказиладиган кун маълум қилиниши керак, чунки прокурор ушбу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

## 20.2. Маъмурий назорат

Давлат бошқарув органлари, хўжалик органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонунларда белгиланган махсус қоидаларнинг бажарилишини назорат қилишлари *маъмурий назорат* деб аталади. Бундай назоратни махсус ваколатга эга бўлган органлар амалга оширадilar. Бундай органлар қаторига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги хизмати, давлат ёнғиндан сақлаш назорати органлари, давлат техника назорати, ветеринария, табиатни муҳофаза қилиш, ички ишлар органлари сингарилар киради.

Ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидалари, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг паспорт тизими, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажаришларини назорат қилиб боради.

Бундан ташқари, улар махсус қоидаларнинг бажарилишини ҳам назорат қиладилар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунига асосан, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий профилактик таъсир чоралар мажмуини ифодалаб, назоратдагиларга нисбатан махсус чеклаш чораларини қўллайдилар.

Маъмурий назоратнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши назоратдаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ва яшаш жойидаги обрўини тўкмаслиги лозим.

Маъмурий назорат вояга етган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади: оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноят учун икки ёкиундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан: а) агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса; б) агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар органларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар; в) ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланиши мумкин: а) куннинг ички ишлар органлари

белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишни тақиқлаш; б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишни тақиқлаш; в) ички ишлар (милиция) органларининг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш; г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милиция идорасига келиб учрашиш.

Мазкур чеклашлар назоратда бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида қўлланилади. Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки ушбу рўйхатни кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

Маъмурий назорат судьянинг қарорига асосан ўрнатилади. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимномани қуйидагилар юборадилар: а) оғир жиноятлар содир этганлик учун ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан кўпроқ марта ҳукм этилган, жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсга нисбатан – жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи, жазога ҳукм қилинган шахс тузалиш, ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истаманганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой олдин; б) ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан – жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи, озод этишдан камида бир ой олдин; в) жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан – ички ишлар органларининг бошлиғи, шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишганидан кейин жамият учун зарарли тарзда кун кечириётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида.

Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги масалани судья тақдимнома олинган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ҳал қилиши керак. Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгилашга нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддати, назоратдаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашлар, агар маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатиш чоғида белгиланган бўлса, унинг танлаган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Назорат муддати ички ишлар органларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойгача узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муддатининг тугаши ёки

судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги керак. Назоратдаги шахс ўзига берилган вақт ичида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган бўлса, маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

Судьянинг маъмурий назорат белгилаш ёхуд назорат муддатини узайтириш ва назоратни амалга ошириш вақтида қўлланиладиган чеклашларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорини назоратда бўлган шахсга – ички ишлар органининг бошлиғи, жазо ижро этиш муассасасида бўлган шахсга эса – жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи билдиради. Бу ҳақда ушбу шахсдан тилхат олинади. Бунда назоратда бўлган шахсга – унинг бурчлари, маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилиш олдидан белгиланган шахсга эса – танланган истиқомат жойига белгиланган муддатда етиб бормаганлиги учун жавобгарликка тортилиши тушунтирилади.

Маъмурий назоратдаги шахсларнинг фотосурати олинади ва улар ички ишлар органларида ҳисобга қўйилади. Зарур ҳолларда, уларнинг бармоқ излари олинади ва ҳар бири учун назорат дафтари юритилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда: а) назоратга олинганларнинг хулқ-атворини улар яшаётган ва ишлаётган жойда мунтазам назорат қилиб боришлари; б) назоратга олинганларни танланган истиқомат жойида рўйхатга қўйиш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар кўришлари; в) уларнинг жамоат тартибини бузишлари, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол этишлари ва қонуний манфаатларига зарар етказишларининг олдини олишлари ҳамда бунга йўл қўймасликлари; г) уларга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганлиги тўғрисида қонунда кўрсатилган тартибда баённома тузишлари шарт.

Милиция ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда: а) назоратга олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида у ишлаётган, ўқиётган корхона ёки муассаса маъмуриятидан ва ушбу жойлардаги жамоат бирлашмалари ҳамда фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш; б) назоратда бўлган шахсни ишга жойлаштириш ва унга муносиб турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида тегишли давлат, жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдига масалалар қўйиш; в) назоратда бўлган шахсни суҳбатлашиш учун милиция идорасига чақириш, лозим бўлганда бундай суҳбатларни корхона, муассаса ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари, назоратга олинган шахснинг

қариндошлари, шунингдек, суҳбат мавзуига алоқадор шахслар иштирокида ўтказиш; г) назоратдаги шахсдан маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришларни талаб қилиш; д) назоратда бўлган шахснинг турар жойини соат 6.00 дан 22.00 га қадар бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар. Юқорида кўрсатилган ишларга ёрдам бериш учун ички ишлар органларининг штатсиз ходимлари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилинишлари мумкин.

Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тугатилади: а) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса; б) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда яхши жиҳатларини кўрсатганлиги маълум бўлса; в) назоратда бўлган шахснинг судланганлик муддати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда. «А» ва «В» бандларда назарда тутилган ҳолларда маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимлари маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарадилар. Ушбу қарорни ички ишлар органининг бошлиғи тасдиқлайди. «Б» бандида кўрсатилган ҳолларда эса ички ишлар органининг бошлиғи назоратни муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида судга асосланган тақдимнома йўллайди. Юқорида кўрсатилган қарор ва судьялар қарори назоратда турган шахсга эълон қилинади.

Маъмурий назоратда бўлган шахс ҳалол меҳнат билан кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги ва қуйидаги қоидаларга риоя этиши шарт: а) милициянинг чақириғига биноан кўрсатилган муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш; б) ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги, шунингдек, туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётганлиги тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундуз ичида хабардор қилиш; в) аҳоли яшайдиган бошқа жойга борганда ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганда, маҳаллий ички ишлар органида рўйхатдан ўтказиш; г) унга нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя қилиш.

Маъмурий назорат остига олинган шахслар назорат қоидаларини бузганликлари учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати

тўғри-сида»<sup>1</sup> 1992 йил 3 июль қонунига асосан, махсус органлар санитария назоратини амалга оширадилар.

Давлат санитария назорати санитария-эпидемиология хизматининг санитария қонунлари бузилишининг олдини олиш, бундай ҳолларни аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати, қайси органга бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг санитария нормалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари юзасидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Санитария-эпидемиология станцияси тиббий-профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларининг мажбуран уюштирилиши ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади.

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, туманлар бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилган.

Давлат санитария назорати қуйидаги қоидаларнинг бузилмаслигини таъминлайди:

1) тупроқ, атмосфера ҳавоси, озиқ-овқат маҳсулотларини, иш жойи ҳавосини, очиқ ва ер ости суви билан таъминлаш манбаларини, аҳоли маданий-маиший мақсадларда фойдаланадиган сув ҳавзалари ва омборларининг қирғоқларини кимёвий, физикавий, биологик ва бошқача тарзда ифлослантирмаслик;

2) санитария қоидаларига риоя этиш ва гигиена меъёрларини ҳисобга олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда санитария-эпидемиология масалаларига ҳамда аҳолининг радиация хавфсизлигини таъминлашга доир норматив-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

3) янги хомашё турлари, технология асбоб-ускуналарини, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хомашёси, саноат буюмлари, бинокорлик материаллари, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбалари, кимёвий-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. № 9. 355-м.



моддалар ва маҳсулотлар, биология воситалари, озиқ-овқат моллари ва хомашёси, дори-дармонлар бевосита тегиб турадиган идишлар, бошқа материаллар ушбу материаллардан тайёрланадиган буюмлар, атир-упа ва пардоз маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истеъмоли моллари, тиббиёт ва иммунобиология дори-дармонларини ишлаб чиқариш ва қўллашга доир норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

## **XXI боб. Фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари**

### **21.1. Мурожаат ва унинг турлари**

Фуқаронинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь (янги таҳрирдаги) қонуни ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги» 1995 йил 30 август қонуни билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқара бориб: ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат этишга; давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилишлари ҳам мумкин. Мурожаатлар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши, ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилиши мумкин. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хорижий давлатлар фуқароларининг мурожаатлари, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида уларни кўриб чиқишнинг ўзга қоидалари назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу

маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек, барча даражадаги депутатларга йўлланади. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлмаган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, беш кунлик муддатдан кечиктирилмай тегишли орган ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқиши шарт. Мурожаатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади. Башарти бу мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу муддатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтариб юборилади.

Фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқараётганликлари ёки ҳимоя қилаётганликлари учун таъқиб этиш ман қилинади. Ҳеч ким бирор мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилинмаслиги лозим.

Мурожаатларни кўриб чиқиш вақтида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг фуқаро розилигисиз унинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ёки давлат сирини ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотни ошкор этишларига, шунингдек, фуқаронинг шахси тўғрисидаги мурожаатга алоқадор бўлмаган маълумотларни суриштириб билишга ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаронинг илтимосига биноан, унинг шахсига доир ҳеч қандай маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттиришда фойдаланиш мумкин.

*Таклиф* – фуқаронинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаати.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот таклифни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва, фуқаронинг илтимосига биноан, кўриб чиқиш натижаларини унга маълум қилиши шарт.

*Ариза* – фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимосини баён этган мурожаати.

Аризаларни кўриб чиқиш ваколатига давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар эгадирлар. Улар:

– аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

– қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

– аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқарога маълум қилишлари шарт.

Аризада баён этилган талабларни қондиришнинг рад этилганлиги фуқарога рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади.

Фуқаро ариза бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиши мумкин.

*Шикоят* – давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаат.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки қарори юзасидан қилинган шикоят бўйсунув тартибига қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга ёхуд судга берилади.

Давлат органи ёки жамоат бирлашмасининг органи ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги ёки қарор қабул қилганлиги фуқароларга маълум бўлиб қолган вақтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай юқори турувчи давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Шикоятни кўриб чиқувчи орган узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддатни тиклайди.

Юқори турувчи давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахснинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда судга шикоят қилиниши мумкин. Фуқаро шикоятни шахсан беришга ёки бу ишга бошқа шахсни вакил қилишга ҳақлидир. Фуқаронинг манфаатларини кўзлаб бошқа шахс ҳам шикоят бериши мумкин. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг манфаатларини кўзлаб уларнинг қонуний вакиллари шикоят қиладилар.

Шикоятга фуқаронинг мурожаати бўйича аввал қабул қилинган қарор ёки унинг кўчирмаси, шунингдек, шикоятни кўриб чиқиш учун

зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Фуқароларнинг шикоятларини хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоят қилинаётган орган ёки мансабдор шахсларнинг ўзларига жўнатиш тақиқланади. Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ёки ташкилотга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шикоятни текшираётган шахсга ўз далил-исботларини шахсан баён қилиш;
- текширувга доир материаллар билан танишиш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш ёки шикоятни кўриб чиқаётган органларнинг уларни сўраб олишини илтимос қилиш;
- адвокат ёки бошқа шахснинг хизматларидан фойдаланиш;
- шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма жавоб олиш;
- етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ва ҳ.к.

## **21.2. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар**

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари шарт:

- шикоятларни холисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текшириш;
- шикоятга сабаб бўлган ноқонуний қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўриш, қоидабузарликларга олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш;
- фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор амалда ижро этилишини таъминлаш;
- фуқарога шикоятни текшириш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда – раҳбар ёки унинг ўринбосарлари, жамоат бирлашмаларида эса – сайлаб қўйиладиган органлар ёки улар ваколат берган шахслар бўйича қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

Фуқароларнинг таклифлари тегишли идорага келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу

ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади.

Аризалар ва шикоятлар давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ёки ташкилотга келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар асосий масалани дарҳол ҳал этишлари, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари зарур. Бунинг учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини истисно тариқасида узайтириши мумкин. Бироқ ушбу муддат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқишнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Барча даражадаги депутатлар, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт.

Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади.

Фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхатга олиниши лозим.

Фуқароларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларда қабул қилиш тартибини уларнинг раҳбарлари белгилайдилар.

Мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асосиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик, башарти бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса, мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фуқарони у давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилотга мурожаат қилганлиги сабабли ёхуд мурожаатдаги танқид учун таъқиб остига олганлик, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини давлат ёки жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказиш тарзида бузган айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шикоят қондирилган тақдирда фуқаронинг мурожаати бўйича ғайриқонуний қарор қабул қилган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахс мазкур фуқарога шикоят билан мурожаат қилиши ва унинг кўриб чиқилиши туфайли кўрган моддий зарарини, тегишли органининг талабига биноан шикоят кўриб чиқилиши муносабати билан бир жойдан бошқа жойга бориш мақсадида қилган сарф-харажатларини ва шу вақт ичида бой берган иш ҳақини тўлайди. Харажатларни ундиришга доир низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

Фуқаронинг тухмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват қўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатни берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот фуқаронинг атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларининг текширилиши туфайли кўрган харажатлари суд қарорига биноан ундан ундириб олиниши мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан судга шикоят қилиш тартиби.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро шикоят туфайли судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига: 1) фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган; 2) унинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик қилган; 3) фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Қонунга мувофиқ, судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат (қарор) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, бундан текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар), қонун ҳужжатлари устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) мустаснодир.

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки юқори турувчи тегишли органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек, фуқаронинг илтимосига кўра, жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин. Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб, у яшайдиган жойдаги судга ёки шикоятни кўриб чиқувчи орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс ишлайдиган жойдаги туман (шаҳар) судига берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳар бир бошқарув органи ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) хусусида шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек, юқори турувчи мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд шикоятни кўриб чиқиш учун қабул қилгач, тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур материалларни талаб қилиб олади, фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракат (қарор)нинг ижросини тўхтатиб туриш масаласини ҳал қилади.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

– фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;

– фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахсдан шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришни олган кундан бошлаб бир ой;

– агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтгач юқори даражадаги суд органига мурожаат қилиши мумкин.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

Фуқароларнинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари

(қарорлари) юзасидан қилган шикоятни суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Суд шикоятнинг асослилигини аниқлагач, хатти-ҳаракат устидан берилган шикоятни қонуний деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Агар хатти-ҳаракати устидан шикоят берилган суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек, фуқарога қарор қонуний кучга киргач, кечи билан ўн кун ичида юборилади. Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни кўради.

Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд харажатлари, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда – фуқаро зиммасига ёки, суд органи ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) қонуний эмас деб топилган тақдирда – улар зиммасига юклатилиши мумкин.



## **МАХСУС ҚИСМ**

### **Олтинчи бўлим**

## **БОШҚАРУВНИНГ АЙРИМ СОҲАЛАРИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **XXII боб. Иқтисодиёт соҳасини бошқариш**

#### **22.1. Саноатни бошқариш**

Саноат – халқ хўжалигининг негизи. У қанчалик ривожланган бўлса, халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ривожланишига шунчалик кўп имконият яратилади ҳамда меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари қондирилади.

Давлат мустақиллигига эришилганидан кейин ўзимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимизни танлаб олдик, бу Ўзбекистоннинг қатъий йўлидир. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси чиқарган қонунларга таянган ҳолда шу жараённинг ҳуқуқий негизи яратилди, республиканинг барча фуқаролари ва корхоналарига ташаббус ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар берилди. Бозор муносабатлари босқичма-босқич ривожлантирилмоқда. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида қатъиян воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир.

Саноатни бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган тузилмасини тубдан ўзгартириш бошланиб, корхоналарнинг ўзига кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Аксарият тармоқ вазирликлари ва органлари тугатилиб, улар негизда хўжалик компаниялари, концернлар, корпорациялар, акциядорлик жамиятлари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, саноат соҳасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида жамоа ва хусусий корхоналар ташкил этилмоқда. Республикада хорижий мамлакатлар сармояси билан ташкил этилган кўпгина корхоналар

рўйхатга олинмоқда.

Ҳозирги пайтда республикада Олий Мажлис қарорлари ва Президент фармойишларига асосан, саноатни бошқариш учун қуйидаги хўжалик органлари ташкил этилган: «Ўзбекнефтигаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси, «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо металллар қўмитаси, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Ўзбекенгилсаноат» Ўзбекистон давлат компанияси, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият кўрсатадиган «Ўзозиковқатсаноат» акциядорлик концерни, Ўзбекистон фармацевтика саноати «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни ва ҳоказо.

Юқорида кўрсатилган хўжалик органларига ўз соҳасида саноатни бошқариш жараёнида қандай вазифалар қўйилган, деган савол туғилади. Бу саволга масалан, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат акциядорлик компанияси мисолида жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси<sup>1</sup> (бундан кейин компания деб аталади) ўз фаолиятини республика ва ўз таркибига кирувчи «Ўзбектўқимачи», «Ўзбекпойафзал» ва «Ўзбекчинни» республика концернлари енгил саноат ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари ва ташкилотлари саноат ишлаб чиқаришини халқ манфаатлари йўлида демократик асосда амалга оширувчи ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланади.

Биргалиқдаги фаолиятни амалга ошириш учун ихтиёрий равишда компания таркибига кирган ҳамда таъсис шартномасига имзо чеккан концернлар, давлат ижара, кооператив, акциядорлик корхоналари, қўшма корхоналар, бошқа бирлашма, корхона ва ташкилотлар компания аъзолари бўлиши мумкин. Улар ўз хўжалик мустақилликларини, юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Компания юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига амал қилади.

Компания концернлар ва компания таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради.

Концерн ва корхоналарнинг ташаббуси ҳамда тадбиркорлигини ривожлантириш шароитида аҳолининг юқори сифатли халқ истеъмолчи молларига бўлган талабини қондириш, ассортимент, технология, инвестиция, тижорат сиёсатини ўтказиш пайтида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 13. 103-м.

компания аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш компания фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Компания: саноат ривожланиши концепциясини шакллантиради, компания иштирокчиларининг узоқ муддатли истиқболларини, мақсадли илмий-техника, иқтисодий, ижтимоий дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; саноатнинг бозор муносабатлари шароитида ишлашини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий нормативлар, давлат буюртмаси ва бошқа кўрсаткичларни ишлаб чиқади, уларни концерн ва корхоналарга етказиши ҳамда ушбу корхоналарнинг давлат буюртмаси негизида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини тасдиқлайди; маҳаллий хомашё ресурсларидан устун даражада маҳсулот ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш вазифасини ҳал этиш учун инвестиция соҳасидаги стратегияни қўллаш ҳамда ички ва ташқи бозор конъюктурасини ўрганиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари, хорижий ташкилотлар ва корхоналар билан молиявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этишни йўлга қўяди; корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, экспорт ва импорт операциялари, жумладан, товарлар, хомашё, материаллар, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлари айирбошлашга оид битимлар бўйича методик ёрдам кўрсатади; ташқи иқтисодий алоқаларда фаолият доирасини белгилаб, рухсатнома берилиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхати бўйича таклифлар тайёрлайди; енгил саноатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга доир ишларни мувофиқлаштиради ва валюта билан ўзини ўзи таъминлаш учун шароитлар яратиш беради; концернлар ва корхоналарга қўшма корхоналар ташкил этишда ёрдам кўрсатади; корхоналарнинг розилиги билан бўш молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини рўёбга чиқаради, катта харажатлар талаб этувчи ва тармоқлараро лойиҳаларни бажариш учун банкларнинг кредит ресурсларини ва бошқа манбаларни жалб этади; марказлаштирилган бюджет маблағлари, шунингдек, бирлашмалар ва корхоналарнинг ихтиёрий ажратмалари ҳажмини белгилайди; улар капитал қурилиш иншоотлари, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш, зарурат бўлганда техника билан қайта жиҳозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари, тармоқлараро илмий-техникавий ишланмалар ва уларни маблағ билан таъминлаш бўйича тақсимотни йўлга қўяди; концернлар, корхоналар ҳамда концернлар (концернларнинг тақдимига кўра) ва компания бошқа иштирокчиларининг раҳбар-ларини танлайди, жой-жойига қўяди;

кадрлар сиёсатини ўтказиш, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боради ҳамда концернлар ва корхоналар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди; уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади; концернлар билан биргаликда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органларига компанияга кирувчи саноат тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва низомда кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Компанияни бошқариш демократик асосда амалга оширилади. Компания Кенгаши ва бошқарув компаниянинг раҳбар органлари ҳисобланади.

Кенгаши бошқарувнинг юқори органи ҳисобланади. Кенгаш таркибига концернларнинг, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, компания таъсисчилари, шунингдек, бошқарув аъзолари ва компания комплексларининг раҳбарлари ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи билан киради.

Компания бошқарувининг раиси бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланади.

Компания Кенгашнинг мажлиси унинг раиси томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлислари компания иштирокчиларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан чақирилади.

Компания Кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қарор билан расмийлаштирилади. Кенгашнинг ҳар бир иштирокчиси бир овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Компания Кенгаши раисни, унинг ўринбосарларини ва компания бошқаруви таркибини Кенгашнинг қарори орқали муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқи билан беш йил муддатга сайлайди. Кенгаш раиси айти бир вақтда бошқарув раиси ҳам ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Компания бошқаруви раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Бошқарув компания фаолиятига раҳбарлик қилади ва унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Бошқарув мажлиси унинг раиси томонидан заруратга қараб, аммо бир ойда камида бир марта чақирилади. Бошқарув қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Бошқарув қарори ёки

унинг буйруқлари компания ва концернларнинг барча аъзолари бажариши учун мажбурийдир.

Компания бошқаруви: Кенгаш қарорларининг бажарилишини, Кенгашда кўриб чиқилиши керак бўлган барча масалаларнинг олдиндан ишлаб чиқилишини, компания истиқболини аниқлашни, дастурлари ва режаларини ишлаб чиқишни таъминлайди; компания номидан банкдан кредит олиш тўғрисида қарор қабул қилади ва компаниянинг бошқарув ва ташкилий тузилишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун компания Кенгашига киритади ҳамда компания таркибига кирувчи концернлар, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти масалаларини кўриб чиқади.

Бошқарув раиси бошқарув ва аппарат фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, компанияга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради, бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ваколатларини белгилайди.

Бошқарув раисига қуйидаги вазифалар юклатилади: буйруқлар, қарорлар, йўриқномалар ва ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарув ҳужжатлари қабул қилиш; республика, компания Кенгашининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда ўз қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш; жисмоний шахслар билан муносабатларда компания номидан вакиллик қилиш; компания номидан шартномалар ва бошқа битимлар тузиш ҳамда бундай битимлар тузиш учун ишончнома бериш; штат жадвалини, компания аппаратини сақлаш харажатлари сметасини, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни, компания аппарати ходимларини ва концернлар раҳбариятини мукофотлашнинг барча тизимлари бўйича мукофотларни тақсимлаш; компания аппарати ходимлари лавозимига тайинлаш ва лавозимидан бўшатиш, уларга лавозим окладлари ва устамаларни белгилаш, аппарат ходимларини рағбатлантириш ва жазолаш.

Бундан ташқари, бошқарув раиси концернларнинг корхоналари (уларнинг тақдимига кўра) ва компания раҳбарларини тайинлайди, улар билан контрактлар (шартномалар) тузади, контракт (шартнома, битим) шартларига мувофиқ уларни лавозимидан бўшатиш ҳамда концернлар ва компания тафтиш комиссиялари таркибини тасдиқлайди; сайловлар ўтказилгунга қадар, белгиланган тартибда, компания бошқаруви ва концернлар раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчиларни тайинлайди, аппаратнинг тузилиши ва ходимлар сонини, фонд, лавозим окладлари, хўжалик фаолияти натижалари учун мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш тизими, компания ва концернлар аппарати бошқарувини сақлаш

харажатларини тасдиқлайди ва ўзига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

Компания оператив бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисоботни юритади.

Давлат бошқаруви соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида бир неча давлат бошқаруви органларининг мақоми ўзгартирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 февраль фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тугатилиб, унинг таркибий бўлинмалари негизда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ушбу компания таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, Электр энергетика назорати бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат») киритилди.

Қуйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган:

1) республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

2) электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

3) республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

Компания таркибидаги Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат») электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, сотиш ва истеъмол қилиш, кўмир қазиб олиш соҳасидаги давлат бошқарув органи ҳисобланади. Агентлик ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Агентлик бош директори ва унинг ўринбосарларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

## **22.2. Капитал қурилишни бошқариш**

Капитал қурилиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси органларига

юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш, архитектура, шаҳарсозлик соҳасидаги фаолиятни, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлаштириш ва функционал бошқаришни ўз ваколатлари доирасида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ушбу қўмита тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 ноябрь қарори билан тасдиқланган<sup>1</sup>.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ва бўлимлари (бошқармалари), экспертиза ва давлат архитектура қурилиш назорати ваколатли органлари қурилиш, шаҳарсозлик ва архитектура органи бошқариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ягона тизимини ташкил этади.

Қуйидагилар «Давархитектқурилиш» қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

– бозор иқтисодиёти шароитларида қурилиш, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш, давлат бошқарувининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш ва тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

– қурилиш, архитектура ва шаҳарсозлик, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ягона илмий ва техник сиёсатни амалга ошириш, тегишли ахборот базасини ташкил этиш;

– қурилиш, архитектура, шаҳарсозлик ва лойиҳалаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат нормалари ва стандартлари мониторинги ва уларни ишлаб чиқиш, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш;

– шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларида режалаштириш ҳамда уларда иморатлар қуриш нормалари ва қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, уларнинг архитектура-режалаштириш ва архитектура-шаҳарсозлик сифатини яхшилаш ва бошқалар.

«Давархитектқурилиш» қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимга тайинлайдиган ва ундан озод этадиган раис бошчилик қилади. Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдиган ўринбосарлари бўлади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. № 11-сон.у1999. 63-м.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг таркибий бўлинмасига Давлат архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (Бошдавархитектқурилишназорат) бошқармаси ҳам киради. Унинг асосий вазифаларига қурилиш соҳасида тикланатган бинолар ва иншоотларнинг, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек қурилишнинг барча босқичларида уни амалга ошириш технологиясига риоя қилиниши, қурилиш қатнашчилари томонидан таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш, қурилишда стандартлаштириш ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини сертификатлаш ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш сифати устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш кабилар киради.

### **22.3. Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш соҳаларини бошқариш.**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий негизи бўлган давлат ва жамоа хўжаликларининг хўжалик-молиявий фаолияти собиқ Иттифоқ даврида юқоридан пастга қараб бошқарилар, яъни у маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган эди. Асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқоннинг зарур қуроллари: ер, сув, иморат, иншоот ва техника умумий мулк бўлганлиги боис, тайёр маҳсулотларни мустақил тасарруф қилиш чекланган, уни эркин тақсимлаш ҳуқуқи йўқ эди. Қишлоқ хўжалигида колхоз-кооператив мулки бошқаруви ва совхоз давлат мулки бошқаруви мавжуд эди.

Бошқарув сиёсатининг бузилганлиги, асосан буйруқбозлик принципига амал қилинганлиги, яккаҳоқимлик асосий мезонга айланганлиги сабабли бошқарув издан чиқди, натижада совхознинг ташкилий тузилиши замон талабига жавоб беролмади.

Маъмурий-буйруқбозлик усули бозор шароитига мос келмай қолганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги бошқарувида, мулкка эгаллик қилишда, маҳсулотларни тасарруф этишда иқтисодий ислохотни амалга ошириш заруриятга айланди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги 1993 йил 7 январь, «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш тадбирлари» ҳақидаги 1993 йил 15 март қарорларида бозор



иқтисодиёти талаблари, ҳозирги замон қишлоқ хўжалигининг аҳволи ҳисобга олинган ҳолда келгусида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Қарорга кўра, қишлоқ хўжалигида бундан кейин умумий хусусий мулкчиликка асосланган ижара хўжаликлари, жамоа хўжаликлари, компаниялар, акциядорлар, жамоа ижара хўжаликлари, фермалари, шахсий мулк эгалари, оила компаниялари каби бир қатор тузилмалар фаолият кўрсатадиган бўлди. Қарор давлат хўжалиги тузилишидаги бошқарувнинг ҳаётий асосга эга эмаслигини исбот қилди, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, бошқарувни ташкил қилиш тизимида катта ўзгаришларга олиб келди.

Натижада давлат хўжаликлари ўрнига жамоа бошқарувига асосланган турли компаниялар, жамоа ва ижара хўжаликлари ташкил топди. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг асосини юқоридан пастга қараб тузилган буйруқбозлик бошқаруви эмас, балки ҳақиқий мулк эгалари, яратувчиларга таянган ширкат жамоалари бошқаруви ташкил этадиган бўлди.

Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига юклатилган. Вазирлик тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сонли қарори билан тасдиқланган.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

– қишлоқ хўжалигида рақобатни ривожлантириш, ер, сув ва ўрмон ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини барқарор етиштиришни, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришни, иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигининг яхшиланишини таъминловчи деҳқончилик, сувдан фойдаланиш ҳамда агротехнологияларнинг илғор тизимларини чуқур ўрганиш ва жорий этишга асосланган ягона сиёсатни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши, қишлоқда мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг турли шаклларини, ижара ва пудрат ички хўжалик муносабатларининг ривожлантирилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

сув ресурслари муҳофаза қилинишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ўрмон фондининг кенгайтирилиши ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, ўрмон тўғрисидаги қонунларга риоя

этилишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрланиши ва қайта тайёрланишини ташкил этиш ва ш.к.

Вазирлик тизими Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларидан ташкил топган. Бундан ташқари, вазирлик таркибига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўрмон бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси каби бошқарув тузилмалари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайдиган, кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлайдиган вазир бошчилик қилади. Вазирнинг Ўзбекистон ҳукумати лавозимга тайинлайдиган ва лавозимдан озод этадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади. Вазирнинг сув масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари айна вақтда Сув хўжалиги департаментининг бошлиғи, республика Сув хўжалиги кенгаши (Ирригация ва дренаж бўйича миллий қўмита)нинг раиси ва Давлатлараро сув хўжалиги комиссиясининг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи, лавозимига кўра, вазир ўринбосарлари ҳисобланади.

Қишлоқда хўжалик юритиш механизмнинг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кенг қўлланила бошлади.

Қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, бу соҳани бошқариш принциплари ва тизими ўзгармоқда. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг таркибини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашини таъминлаш мақсадида ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Қишлоқ корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларни моддий-техник таъминлаш тизими такомиллашмоқда. Шу мақсадда, машина-трактор парклари тармоғи вужудга келтирилди.

Қишлоқда бозор инфратузилмасининг дастлабки кўринишлари

намоён бўла бошлади. Ихтисослаштирилган тижорат банклари – «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Туронбанк», «Заминбанк» банклари тузилди. Улар фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарга хизмат қилмоқда. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Ўзагросуғурта» компанияси тузилди.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида сезиларли даражада таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Умумиттифоқ меҳнат тақсими деб аталган ва эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилди.

Ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Қисқача айтганда, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар бу муҳим тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонунига асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига асосланган оила (жамоа) пудрати, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

– ер участкаларидан қатъи назар, белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш;

– кооператив (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан тўқинликсиз чиқиш;

– кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этишининг шарт эканлиги;

– ички хўжалик ишлаб чиқариши ва меҳнатни асосан оила (жамоа) пудрати асосида ташкил этиш;

– якуний даромадни кооператив (ширкат аъзолари) ўртасида уларнинг мулкӣ пайларига мувофиқ тақсимлаш;

– бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда «кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси – бир овоз» қонидаси бўйича тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5–6. 84-м.

– кооперативнинг (ширкатнинг) ишини аъзоларнинг кооператив (ширкат) уставига назарда тутилган тартибда назорат қилиши.

Дехқончилик маҳсулотини етиштириш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асосий туридир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), деҳқончилик маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда, қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари: қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари, ишлаб чиқариш ва техника аҳамиятига эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)ни унинг муассислари ихтиёрий асосида ташкил этадилар. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг сони кооператив фаолияти соҳасига, унинг уставига кўра белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Кооператив (ширкат) мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларига, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Устав кооператив (ширкат) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Уставда қуйидагилар таърифлаб ўтилади:

- кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган ери;
- фаолият соҳаси ва мақсади;
- кооператив (ширкат) муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;
- кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;
- кооперативнинг (ширкатнинг) пай жамғармаси, бўлинмас жамғармаси ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;
- оила (жамоа) пудратига асосланган кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари;

– кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан, мулкый пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш;

– кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари.

Уставга кооператив (ширкат) фаолияти билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) устави муассислар томонидан таъсис йиғилишида қабул қилинади, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий йиғилишида киритилади. Уставга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборот бир ҳафта муддат ичида кооперативни (ширкатни) давлат рўйхатидан ўтказган органга тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)ни бошқариш ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик, кооператив (ширкат) фаолияти масалаларини ҳал этишда унинг аъзолари иштирокида амалга оширилади.

Умумий йиғилиш қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи бўлиб, у раисни, бошқарувни, тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди, кооперативни (ширкатни) жорий бошқариш бўйича ўз ваколатларини уларга бериб қўяди.

*Умумий йиғилиш:*

– қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставини қабул қилади, белгиланган тартибда унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади;

– қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) раиси, кооперативнинг (ширкатнинг бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

– қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигига қабул қилиш, ундан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, кооперативдан (ширкатдан) чиқиб кетиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

– қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ички меҳнат тартиби қоидаларини қабул қилади ва ўзгартиради, кооператив (ширкат) мол-мулкига етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий ва моддий жавобгарлик тўғрисидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва кооперативнинг (ширкатнинг) бошқа ички ҳужжатлари тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

– қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг мулкый пайлари миқдорини белгилайди;

– кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

– даромадни (фойдани) тақсимлаш тартиби, бўлинмас жамғарма, пай жамғармаси ва кооперативнинг (ширкатнинг) бошқа жамғармалари турларини, уларнинг миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

– фермер ва деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари ажратиш масалалари бўйича туман ҳоқими тасдиқлаши лозим бўлган қарор қабул қилади;

– кооператив (ширкат) фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг хўжалик компанияларига кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

Мазкур масалаларга оид қарорлар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киради. Кооперативнинг (ширкатнинг) уставига ёки умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ, кооператив (ширкат) фаолиятининг бошқа масалалари ҳам мутлақ ваколат жумласига киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ҳар бир аъзоси, шу жумладан, жамоа аъзоси, ўзининг мулкый улуши миқдоридан қатъи назар, битта овозга эга бўлади.

Кооператив (ширкат)да меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

Умумий йиғилиш ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади. У кооператив (ширкат) бошқарувининг (раиснинг) қарорига биноан ёки кооператив (ширкат) бошқаруви аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

Йирик қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида) умумий йиғилиш тасарруфига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун уставда назарда тутилган ҳолларда, вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин.

*Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви:*

– кооперативни (ширкатни) ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқади ва уни умумий йиғилиш тасдиғига киритади;

– кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий йиғилишини чақиради ва йиғилишда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади;

– кооператив (ширкат) жорий хўжалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этади;

– кооперативга (ширкатга) янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш тасдиғига киритади;

– кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки сақланишини таъминлайди;

– зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этади;

– фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари ажратиш тўғрисида умумий йиғилиш кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

– кооператив (ширкат) аъзолари билан оила (жамоа) пудрати шартномаларини, шунингдек, фермер хўжаликлари бошлиқлари билан ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини тузади;

– кооператив (ширкат) уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Бошқарув аъзоларининг сони қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставда белгилаб қўйилади. Кооператив (ширкат) бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан, кооперативнинг (ширкатнинг) уставига мувофиқ, кооператив (ширкат) раисининг ўринбосарларини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

Кооператив (ширкат) раиси кооператив бошқарувига раҳбарлик қилади. Унинг вазифалари ва уни чақириб олиш тартиби кооператив (ширкат) уставда белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва кооператив (ширкат) уставда белгиланган тартибда қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) тугатиш: а) умумий йиғилиш қарорига биноан; б) хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кредиторларининг даъволари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкининг қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонунига асосан, фермер хўжалиги – ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик

юритувчи субъектдир<sup>1</sup>.

Фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, асранди болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшга етган, фермер хўжалигини бирга юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган бошқа шахслар фермер хўжалиги аъзоларидир.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалигининг аъзоси ҳисобланмайди. Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалигининг манфаатларини шу хўжалик бошлиғи ифода этади. Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Фермер хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт ишда бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, фермер хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлган тақдирда эса, шартнома асосида бошқа ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги танлов асосида, кўпроқ меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда, қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 бош шартли чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам майдони пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5–6.  
86-м.



Ер участкалари берилган фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (беш йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлигининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма мурожаати асосида ташкил қилинади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби кўрсатилади ҳамда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади, йиғилиш бу хусусда тегишли қарор қабул қилади.

Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инobatга олган ҳолда тасдиқлайди.

Туман ҳокимининг фермер хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори тумандаги иқтисодий, молиявий ташкилотлар, банк тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Фермер хўжалиги ва ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги ўз устави асосида фаолият олиб боради. Фермер хўжалигининг уставида қуйидагилар таърифлаб ўтилади:

- фермер хўжалигининг номи;
- фаолият соҳаси ва мақсади;
- фермер хўжалигининг бошлиғи тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- фермер хўжалиги фаолиятининг бошқарилиши;
- ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби;
- фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- фермер хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш тартиби;
- фермер хўжалигининг даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, зарарларини қоплаш тартиби;

– фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик;

– фермер хўжалиги аъзоларининг хўжалик мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавобгарлиги;

– фермер хўжалигининг жойлашган манзили;

– фермер хўжалиги уставини ўзгартириш тартиби.

Уставга фермер хўжалиги фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ҳамда рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомини олади ҳамда банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан амалий муносабатлар олиб боришга ҳақлидир.

Шаҳарча, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёки бошлиқ вақтинча ёхуд узоқ муддат йўқлигида унинг вазифасини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотларни қайд этиб қўяди.

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадга эришиш учун шу мақсадга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги мулкчиликнинг бошқа шаклларида асосланган корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хўжалиги тадбиркорлик субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– фермер хўжалигини ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш;

– етиштирилаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

– ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

– харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

– тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

– кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан фермер хўжаликларини зарур гаровга, суғурта ҳамда кредитни узишнинг бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этиш;

– ижарага берувчининг рухсати билан ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш;

– ўрта ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

– ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалигининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Фермер хўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт:

– ер участкасидан белгиланган мақсадга қатъий мувофиқ тарзда фойдаланиш;

– табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

– ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаб туриш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

– ер участкасини, башарти ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир йил ичида ўзлаштириш;

– агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутга риоя этиш;

– фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш;

– фермер хўжалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсия жамғармаси ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига мажбурий бадаллар тўлаш;

– фермер хўжалигининг аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалигининг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;
- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечганда;
- ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклашнинг имконияти бўлмаганда;
- ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (беш йил мобайнида) паст бўлганда;
- ернинг экологик ҳолати бузилганда;
- ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилганда;
- фермер хўжалиги банкротга учраган деб эълон қилинганда;
- фермер хўжалиги рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятига киришмаган бўлса;
- фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта-ю, лекин қўпол равишда бузилганда;
- шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ерни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда.

Фермер хўжалиги фермер хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан тугатилади. Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз мол-мулкига бўлган мулкий ҳуқуқни ҳамда томорқа ер участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонунига асосан, деҳқон хўжалиги – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирадиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади<sup>1</sup>.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5–6. 88-м.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас. Аини вақтда хўжалик бошлиғи ҳам бўлган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, асранди болалари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга етган, бирга яшайдиган ва деҳқон хўжалигини бирга юритаётган бошқа қариндошлари деҳқон хўжалиги аъзоларидир.

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини шу хўжалик бошлиғи ифода этади. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оиланинг ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт ишда бўлмаганда – ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлган тақдирда эса – шартнома асосида бошқа ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалиги хўжалик бошлиғининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма шаклда берган мурожаати асосида ихтиёрий равишда ташкил қилинади. Аризада ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишлари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади, йиғилиш бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишнинг деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда тасдиқлайди.

Туман ҳокимининг деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори тумандаги иқтисодий, молиявий, банк тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир. Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган зарур ҳужжатлар билан биргалиқда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига оид давлат ҳужжати ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган намунадаги давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд бошлиқ вақтинча ёки узоқ муддат йўқлигида унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек, хўжаликнинг тадбиркорлик-ҳуқуқий шакли юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган-бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб қўяди.

Деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинадиган йиғимлардан озод қилинади.

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган томорқа ер участкасида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган доирада мустақил ташкил этиш;

2) етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

3) ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

4) харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

5) тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад олиш;

6) қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акциялар сотиб олиш;

7) ўз мол-мулкни, шунингдек, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш.

Деҳқон хўжалиги ҳам фермер хўжалиги каби қуйидаги *мажбуриятларга* эга:

1) томорқа ер участкасидан белгиланган мақсадга қатъий мувофиқ тарзда фойдаланиш;

2) ерга табиий объект сифатида зарар етказмаслик;

3) томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаб туриш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

4) янги олинган томорқа ер участкасини, башарти ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, икки йил ичида ўзлаштириш;

5) агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва ва сервитутга риоя этиш;

6) деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш;

7) хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалигининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- деҳқон хўжалиги номидан ишонч қоғозисиз иш кўриш;
- юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;
- ишонч қоғозлари бериш;
- банкда ҳисобварақлар очиш.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи деҳқон хўжалиги ҳамда унинг аъзолари манфаатларининг ҳимоя қилинишини ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши шарт. У қонун ҳужжатларида назарда тutilган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

а) хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартлари асосида биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олиш;

б) давлат томонидан ижтимоий суғурта қилиниш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек, товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда, меҳнат стажига киритилиши.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт. Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;
- томорқа ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;
- томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб кўйилганда;
- белгиланган солиқлар муттасил тўланмай келганда;
- деҳқон хўжалиги томорқа ер участкаси ажратилган пайтдан эътиборан икки йил ичида қишлоқ хўжалиги фаолиятига киришмаган бўлса;

– деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан тугатилади. Деҳқон хўжалиги фаолиятини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда кўпгина вазирлик, концерн, ассоциация ва кооператив ташкилотлар қатнашади. Чунончи, дон маҳсулотларини тайёрлашни ташкил этувчи орган Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат акциядорлик корпорациясидир. Бу корпорациянинг устави Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июнда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган.

Ушбу корпорация юридик шахс ҳисобланади ва унинг асосий фаолияти хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзини бошқариш принциплари асосида амалга оширилади. Корпорация давлат ва унинг органлари ҳам мажбуриятлари учун жавоб бермаганидек, давлат ва унинг органлари концерннинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

Корпорация ўз таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, ўз ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича фаолиятини ягона ишлаб чиқариш, хўжалик ва илмий комплекс сифатида амалга оширади.

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси таркибига қуйидагилар киради: дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш лойиҳа-саноат қурилиш бирлашмалари; «Тошкентдонсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси; Тошкент булка-қандолатчилик комбинати; Ишлаб-чиқариш технологияси бутлаш бирлашмаси; республика Ахборот-ҳисоблаш ва жорий этиш маркази; Дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш бўйича республика экспедицияси; Қўқон ижарадаги нон комбинати; Омихта озуқа бўйича республика назорат-ишлаб чиқариш лабораторияси; Дон маҳсулотлари бўйича республика назорат-ишлаб чиқариш лабораторияси; Тошкент технология техникуми; раҳбарлар, мутахассислар ва ишчи кадрларнинг малакасини ошириш курслари.

Корпорация республика халқ хўжалиги ва аҳолини дон, ун, нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ҳамда чорвачиликни омихта озуқа билан таъминлаш учун хизмат қилади.

Корпорациянинг вазифалари унинг уставида қайд этилган. Корпорация қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз таркибига кирувчи иштирокчи корхоналарнинг манфаатларини давлат органларида, судда ва хўжалик суди органларида, шунингдек, халқаро



ташкilotлар ва бирлашмаларда ҳимоя қилиш; давлат мулкига эгаллик қилиш ва уни бошқариш билан боғлиқ масалаларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш; белгиланган тартибда концерн филиалларини ва ваколатхоналари, шунингдек, хорижий шериклар билан қўшма корхоналар, фирмалар, бирлашмалар ташкил этиш; ташқи иқтисодий битимлар (шартномалар) тузиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатишга хорижий фирмаларни жалб этиш ва ҳ.к.

Корпорация бошқарувининг ташкилий тузилмасига қуйидагилар киради: корпорация иштирокчилари ва вакилларининг конференцияси, корпорация кенгаши, раис бошчилик қиладиган корпорация бошқаруви ва ижро этувчи ёрдамчи аппарат.

Конференция корпорациянинг юқори органи ҳисобланади ва корпорация раисини, унинг ўринбосарларини, Кенгаш аъзоларини ва етти нафардан иборат бошқарув аъзоларини беш йил муддатга сайлайди; корпорация фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг уставини ўзгартиради ҳамда тафтиш комиссиясини сайлайди.

Конференцияни раис бир йилда камида бир марта чақиради. Конференция қарори очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Раиснинг баённома билан расмийлаштирилган буйруқлари, фармойишлари ҳаётга татбиқ этилади.

Конференцияда бирлашма, корхона, ташкilot ва муассасаларнинг вакиллари билан сайланадиган Корпорация кенгаши бошқарувнинг юқори органи ҳисобланади.

Корпорация Кенгашининг мақоми кенгаш тўғрисидаги низом билан тартибга солинади. Кенгашнинг белгиланган тартибда қабул қилинган қарори корпорация таркибига кирувчи бирлашма, ташкilot ва корхоналар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Кенгаш мажлиси йилига бир марта ўтказилади. Унинг қарори очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш қабул қиладиган қарорларни унинг раиси имзолайди.

Кенгаш мажлислари оралиғидаги даврда корпорацияни раис бошчилигидаги бошқарув органи бошқаради. Бошқарув мажлислари ойига камида бир марта ўтказилади. Бошқарув корпорация фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга (конференция ва Кенгаш ваколатига тегишли масалалар бундан мустасно). Бошқарув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Корпорация раиси ва унинг ўринбосарларини конференция сайлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорни тасдиқлайди.

## 22.4. Транспорт ва йўл хўжалиги соҳаларини бошқариш

Ўзбекистон ҳудудида темир йўл, ҳаво, сув ва автомобиль транспорти фаолият кўрсатади. Бу транспорт турлари ўз вазифаларини ўзларининг устави ёки кодекслари асосида амалга оширади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси (ушбу кодекс Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонуни билан амалга киритилган) коинотдан фойдаланишни, республика авиацияси, аэродромлар, аэропортлар, ҳаво кемалари, уларнинг экспуантлари, парвозлари, ҳалокатлари, ҳаво транспорти қатнови, қидирув ва қутқарув ишлари, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, авиация фаолиятига ғайриқонуний аралашувнинг олдини олиш, ҳаво транспортида юк ташиш ва авиация ишларига доир масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқувчи, мувофиқлаштирувчи ва амалга оширувчи ҳамда фуқаро авиацияси масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқарув органи – Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси, яъни «Ўзбекистон ҳаво йўллари»дир. Бу компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 январда қабул қилинган фармойишига асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси ҳаво транспортини бошқарувчи орган бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради: фуқаро авиациясини ривожлантириш, халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш, авиация ишларини бажариш, давлат юк ташиш режаларини амалга ошириш, ўз навбатида, юк, багаж ва почтани мўлжалланган жойга етказиб бериш ва ҳ.к.

Миллий авиакомпаниянинг тизими Ўзбекистон авиакомпанияси ишлаб чиқариш компанияларининг авиаотрядлари, аэропортлар ҳамда ҳаво кемаларидан иборат.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда темир йўлларнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига юклатилган. Компания ўз ишини хўжалик ҳисоби асосида ташкил этади. Компанияга темир йўл станциялари ва темир йўл эҳтиёжларини қондирадиган муассаса ва ташкилотлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 2 март фармонида мувофиқ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси очик

жамиятга айлантирилди ва мустақил Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирийўлназорат») ташкил этилди.

Сув транспортини Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда унинг тегишли бўлимлари бошқаради.

Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш, автомобиль ва дарё транспорти бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июнь фармонида асосан, Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акциядорлик корпорацияси («Ўзавтотранс») тугатилди. «Ўзавтотранс таркибидаги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда автомобилда ташувчиларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий компаниялари ташкил этилди.

Автомобиль ва дарё транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш ва монополиядан чиқаришни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига қуйидагилар киради:

– автотранспортда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорти ташкилотлари ва корхоналарини кенг миқёсда хусусийлаштириш, хусусий автомобилда йўловчилар ва юк ташиш фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозорида мулкчиликнинг барча шаклларидаги йўловчи ва юк ташиш хизматлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

– автомобиль транспортда бошқаришни марказлаштиришдан чиқариш ва автомобилда йўловчилар ташувчи, юкларни вилоят ичида ташувчи, транспортдан фойдаланиш ва ахборот хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш функцияларини бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш;

– йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини мустаҳкамлаш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучли тизимини яратиш, транспорт хизматлари тизимида мустақил суғурта бозорини ривожлантириш.

Ўзбекистон автомобиль ва дарёда транспорти агентлигининг

асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) автомобиль ва дарёда йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бошқарув органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг уларга риоя этишларини назоратга олиш;

2) йўловчилар ва юк ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизмини жорий этиш, мулкчиликнинг барча шакллардаги ташувчиларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш;

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ҳокимликларининг таклифлари асосида автомобилда йўловчилар ташишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишларини тасдиқлаш;

4) автомобилда йўловчи ва юк ташувчилар фаолиятининг лицензияланишини ташкил этиш ҳамда автомобиль ва дарё транспорти соҳасида лицензия талаблари ва шароитларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

5) автомобиль ва дарё транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда автомобиль ва дарё транспортининг халқаро ташкилотларида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этиш.

Мустақил давлатларнинг пойтахтларини бирлаштириб турадиган, шунингдек, давлатлар ўртасидаги битимларга мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган автомобиль йўллари жаҳон халқ ҳўжалигида тутган ўрни ва маъмурий моҳиятига кўра, халқаро, миллий ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Давлат аҳамиятига молик йўллар жумласига республиканинг маъмурий, маданий ва саноат марказлари ҳамда вилоятлар ўртасидаги транспорт қатновини таъминлайдиган, шунингдек, қўшни давлатлар билан алоқа қилиш учун хизмат қиладиган йўллар киради.

Маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига республика, вилоятлар ҳамда туманларнинг маъмурий марказларини қишлоқ аҳоли пунктлари билан, шунингдек, уларнинг марказларини республика аҳамиятига молик йўллар билан бирлаштирадиган йўллар киради.

Халқаро аҳамиятга молик автомобил йўлларининг рўйхати давлатлар ўртасидаги битимлар асосида тасдиқланади.

Давлат ва вилоят аҳамиятига молик автомобиль йўллари рўйхатини Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати тасдиқлайди.

Идораларга қарашли автомобиль йўллари тегишли корхоналар, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг мулки ҳисобланади ва шу муассасалар томонидан тасарруф этилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини давлат миқёсида Ўзбекистон ҳукумати бошқаради. Ҳукумат автомобиль йўлларини бошқарадиган давлат идораси орқали республика автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишини назорат қилади ҳамда бу борада ягона техника сиёсатини юритади, умумий автомобиль йўлларининг фойдаланиш учун яроқли ҳолда сақланиши, таъмирланиши ва қурилишини ташкил этади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Ўзбекистон халқининг бойлиги ва давлатнинг мутлақ мулки бўлиб, хусусийлаштирилмайди. Автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни ҳудудий йўл идоралари ёки корхоналарга қарашли йўлларнинг эгалари республиканинг иқтисодиётини ва ижтимоий соҳасини ривожлантириш манфаатларини, барча ер эгаларининг фойдаларини ҳисобга олган ва табиатни муҳофаза қилишга доир қонун талабларига риоя этган ҳолда режалаштирадлар. Автомобиль йўлларини ривожлантириш режалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан келишиб олинади.

Йўл идораларининг ходимлари хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга: йўл қисмларини бузаётган, ифлослантираётган, ўқига тушадиган оғирлиги, ёхуд ўлчамлари ушбу автомобиль йўли учун белгилаб қўйилганидан ортиқча бўлган транспорт воситаларини тўхтатиш ва уни автомобиль йўлининг қатнов қисмидан четга чиқариб қўйишни талаб қилиш; ўзлари хизмат қилаётган йўл бўлинмалари чегарасида умумий фойдаланишдаги рейсли автобусларда бепул юриш; аниқланган қоидабузарликлар ҳақида баённомалар тузиш. Мазкур, баённомалар зарур чоралар кўриш учун давлат автомобиль назорати идораларига ва транспорт воситаларининг эгаларига, транспорт воситалари йўлини ёки йўл иншоотларини шикастлантирган тақдирда эса келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун суд идораларига юборилади.

Автомобиль йўллари чеккаларида иш олиб бораётган ташкилотлар ишларни амалга оширишнинг тартиби, муддатлари, сифатига риоя қилиниши, шунингдек, автомобиль йўлларида ва айланиб ўтиш жойларида транспорт воситалари хавфсизлигининг таъминланиши учун тўлиқ жавобгардирлар. Мазкур ташкилотлар иш бошлашдан аввал тегишли йўл идоралари ёки масъул шахслардан ишларни бажариш технологияси ва муддатлари кўрсатилган ордер

олишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари билан келишмасдан туриб йўл чеккаларида ва йўл учун ажратилган ҳудудда йўл ахборотиغا алоқаси бўлмаган реклама ва шiorлар, лавҳалар, эълонлар ўрнатиш, спорт мусобақалари ўтказиш, йўлга ажратилган ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, автомобиль йўлларини каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, нефть, газ ёки сув қувурлари, темир йўллар ва бошқа коммуникациялар кесиб ўтадиган, туташадиган ва ажралиб чиқадиган йўллар қуриш; кўприклар ва қувурлар яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарё ва зовурларнинг ўзанларини чуқурлаштириш, умумий фойдаланишдаги йўллар билан бирлаштирилган шлюзлар (сув дарвозалари), тўғонлар ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлаш, йўл четларида ҳамда йўл кўтармалари ва уйимларининг қияликларида жойлашган алоқа ва электр узатиш линияларини қайта қуриш тақиқланади.

Автомобиль йўлларида йўл ишларини амалга ошириш учун қатновни ёпиб қўйиш ёки чеклаш маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари берадиган ордер асосида амалга оширилади.

Берилган кўрсатма ёки ишларни амалга ошириш учун ордерда кўрсатилган муддатларни бузиш ишларни амалга ошираётган идораларнинг қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда моддий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Шошилинич, кечиктириб бўлмас ҳолларда ишларни амалга ошириш учун олдиндан ордер олмасдан туриб ҳам қатновни чеклаш ёки тақиқлаш мумкин, бироқ бу ҳақда йўлларни сақлаш учун масъул бўлган идораларга ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматиغا хабар бериш шарт.

Ҳудудлардан автомобиль йўллари ўтадиган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар: умумий фойдаланишдаги йўлларга қўшиладиган ва уларга олиб борадиган йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолда сақлашлари; йўлкаларни, пиёдалар юрадиган йўлларини ахлатдан, лой ва қордан тозалаб туришлари; дов-дарахтларни асраш ва яхши сақлаб туришга ёрдам беришлари; йўлга туташ бута ва биноларни парваришлаган ҳамда бўялган ҳолатда сақлашлари; йўл ўртасидан 50 метрдан кам бўлмаган масофада тош, шох-шабба, темир-терсак ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари, автотранспорт корхоналари, кооперативлар транспорт воситаларига техникавий ёрдам кўрсатишлари мумкин. Техникавий ёрдам кўрсатиш ташкил этиладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль

йўллари рўйхати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан автомоҳаваскорлар республика кўнгилли жамияти билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади. Корхоналарга қарашли автомобиль йўллари автомобилларига шу йўлларнинг эгалари техникавий ёрдам кўрсатадилар.

Автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари туфайли жароҳатланганларга тиббий ёрдам ана шу йўлларга яқин бўлган тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилади. Халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларидаги ана шундай тиббиёт муассасалари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда белгиланади.

Автомобиль йўлларининг ҳолатини узлуксиз ва хавф-хатарсиз қатнов талабларига мувофиқ ҳокимият ва бошқарув идоралари назорат қилади. Йўл шароити билан боғлиқ ҳолда юз берган йўл транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоралари томонидан автомобиль йўлининг тегишли бошқарув идораси вакиллари иштирокида расмийлаштирилади. Автомобиль йўллари бўлақларининг бузилиб йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлишига йўл қўйган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Йўл белгилари, кўрсаткичлар, автопавильонлар, йўл ёқасидаги дов-дарахтлар, қор ва кум кўчишларидан ҳимоя қилувчи иншоотларнинг ҳамда автомобиль йўлларини ободонлаштиришнинг бошқа жиҳозлари шикастланишига йўл қўйган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар мазкур элементларнинг ва уларни қайта тиклаш ишларининг қийматини тўлайдилар. Йўл четида тупроқ кўтармаси, тўсиқ қурилмалари, кўприклар, кўтарма, осма йўллар, сув оқизгич мосламалар ва бошқа иншоотларнинг шикастланишда айбдор бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқаролар мазкур иншоотларни йўл идоралари белгиланган муддатларда ўз кучлари билан ва ўз ҳисобларидан таъмирлашлари ёки келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашлари шарт. Айбдорлардан йўл хўжалигига етказилган моддий зарар ва бунинг учун белгиланган жарималар Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда ундириб олинади.

## 22.5. Алоқа соҳасини бошқариш

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 1999 йил 20 август, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 2000 йил 25 май ва «Почта алоқаси тўғрисида»ги 2000 йил 31 август қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни шкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 23 сентябрь қарорига асосан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги алоқа соҳасида давлат бошқарувини амалга оширадиган махсус ваколатли орган этиб белгиланган<sup>1</sup>.

Алоқа соҳасининг бошқарув тизими Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ана шундай агентликлар, шаҳар ва туманлардаги алоқа бўлинмаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўзига бўйсунадиган алоқа воситаларига раҳбарлик қилади, алоқа соҳасида ишлайдиган муассасалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар фаолиятини мувофиқлаштириб боради, алоқа воситалари устидан давлат техникавий назоратини амалга оширади, мулкчилик шаклидан, кимнинг тасарруфидан эканлигидан қатъи назар, алоқа корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар кўрсатаётган хизмат сифатини текшириб боради.

Почта тўлови белгиларини нашр этиш ҳуқуқи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигигагина тегишлидир.

Муайян эгаликдаги ер ҳудудлари, кўприклар, туннеллар орқали, кўча, иншоот ёки коллекторлардан, ман этилган ҳудудлар ва ўрмонлардан алоқа коммуникациялари ўтказишда бундай коммуникацияларни ўтказиш шартлари ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳамда юқорида қайд этилган объектларнинг эгалари билан келишилади.

Иншоотлар, йўллар, кўприклар ва бошқа объектлар барпо этилаётганда, қайта қурилаётганда алоқа тармоқларини қайта жойлаштириш ва кўчириш ишлари қурилиш буюртмачиларининг ўз маблағи ҳисобидан ва алоқа коммуникацияларининг эгалари тақдим этган техник шартларга мувофиқ бажарилади.

Даҳа (квартал) ичкарасида алоқа коммуникациялари қурилишини буюртмачилар лойиҳалаб, барпо этадилар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 17-18. 139-м.



Алоқа линиялари бўйлаб радиотелевизион узатиш станцияларига, радиотелелинияларга, бошқа алоқа объектларига туташ ерлардан ажратиб берилган майдонлар алоқа воситалари ва тармоқларининг муҳофаза ҳудудини ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг давлат алоқа корхоналари кўрсатган хизматларга амалдаги норматив ҳужжатларида белгиланган нарх ва тарифларга мувофиқ ҳақ тўланади.

Алоқа воситаларига мулкчилик ҳуқуқи асосида эгалик қилувчи давлатга қарашли бўлмаган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар ўзлари кўрсатган хизматларга нархлар ва тарифларни мустақил белгилашлари мумкин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан халқаро битимлар асосида радиочастоталарни корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ўртасида тақсимлайди, электромагнит тўлқинларини тарқатувчи иншоотлар ва воситаларни сотиб олиш, қуриш ва фойдаланиш учун рухсатномалар беради, шунингдек, ушбу иншоотлар ва воситалар ишини назорат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида тезкор бошқарув ва диспетчерлик алоқаси тизимида хизмат кўрсатиш, шунингдек, почта ва телеграф ёзишмаларини юбориш «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Халқаро ахборот ва жўнатмалар почта ва электр алоқа орқали икки томонлама битимларда, шунингдек, халқаро келишув ва битимларнинг қоидаларида белгиланган тилларда жўнатилади.

Маълумотларни узатишнинг технологик жараёнида Ўзбекистон ҳудудида ҳисобга олиш ва ҳисоботга оид ягона вақт – маҳаллий вақт белгиланади. Маълумотларни узатишнинг халқаро технологик жараёнларида ахборот узатиш ва почта жўнатмаларини юборишда ҳисобга олиш ва ҳисоботга оид вақт халқаро келишув ва битимларга мувофиқ белгиланади.

Алоқа корхоналари Ўзбекистон Республикасининг алоқа уставида, халқаро конвенциялар ва битимларда кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилаётган хизмат сифати учун мижозлар олдида моддий жавобгар бўладилар. Қонун талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

## **22.6. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини бошқариш**

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига савдо, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат кўрсатиш

тармоқлари киради. **Савдо** халқ хўжалиги соҳасида иқтисодий алоқалар ўрнатишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги 1997 йил 19 декабрь фармонида асосан, савдо соҳасида бозор ислохотларини ва монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобатни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдириш, корхоналар ҳамда маҳаллий бошқарув идораларининг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

– Ўзбекистон «Савдо» давлат акциядорлик компанияси тугатилди;

– республика «Савдо тараққиёти» бирлашмаси, республика тажриба савдо-ишлаб чиқариш «Савдо-матлубот» бирлашмаси, «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш комплекси ва янгидан ташкил этиладиган «Ўшт-сут савдо» давлат акциядорлик бирлашмаси негизида Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ташкил қилинди;

– мавжуд ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернлари негизида республика Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари барпо этилди;

– ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик «Савдо» компаниялари уларнинг тизимида кирмайдиган савдо ташкилотлари билан, шу жумладан, матлубот кооперацияси тизимидаги савдо ташкилотлари билан фақат шартнома асосида ҳамкорлик қиладиган бўлди.

Қуйидагилар «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг асосий вазибалари этиб белгиланган:

– озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда харид қилиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, савдо-сотиқни такомиллаштириш борасидаги жаҳон тажрибасини тармоққа жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан биргаликда истеъмол товарларини сотиш қоидаларини ишлаб чиқиш;

– «Ўштсутсавдо» тизимини, совитиш хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, совитиш омборларини шартнома асосида «Ўздавзахира» бош бошқармасига, давлат таъминоти муассасаларига, махсус истеъмолчиларга ва ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш «Савдо» акциядорлик компанияларига озиқ-овқатни

сақлаш учун бериш;

– савдо иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда ягона техникавий сиёсат юритиш, технологик савдо ускуналарини таъмирлаш ва тайёрлашда тармоқ корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш;

– савдо соҳасида реклама-ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Худудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик компаниялари ҳамда Тошкент шаҳар савдо хизмати кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган;

– аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб-эҳтиёжларини уларнинг фаолиятларида тўлиқ қондиришда, ватанимиз товар ишлаб чиқарувчиларга, шу жумладан, биржа ва ярмарка савдо тизими орқали товарларнинг танлов асосидаги улгуржи харидларини ўтказишда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, савдо корхоналарига, жумладан, матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналарга тузилган шартномалар асосида ёрдам бериш;

– ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва ички бозор эҳтиёжларини қопламаётган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилаётган улгуржи импорт харидларини мувофиқлаштириш;

– «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва савдо қоидаларининг савдо корхоналари томонидан бажарилишини таъминлаш;

– мулкчилик шаклларида қатъи назар, савдо корхоналарига реклама, товарлар етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузиш ва ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли оқилона хўжалик алоқалари ўрнатиш, техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий савдо-технология жараёнларини татбиқ этиш масалаларида шартнома асосида консалтинг хизматлари кўрсатиш.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ўзининг ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари, қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектлари учун бажарилиши мажбуридир.

**Коммунал хизмат кўрсатиш.** Мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида»ги 2000 йил 19 декабрь фармонида биноан қайта ташкил этилган «Ўзкоммунхизмат» агентлигига юклатилган. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларга, Республика Президентининг фармонлари ва

фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг 2001 йил 13 февралдаги 74-сонли қарори билан тасдиқланган Агентлик тўғрисидаги низомга амал қилади. Агентлик коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиёти шароитларида коммунал хизмат кўрсатишни самарали бошқариш бўйича тажриба ўрганиш ва айирбошлаш масалалари юзасидан халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалашга вакил қилинган орган ҳисобланади.

Агентликка Ўзбекистон ҳукумати томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади. Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосарини Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди. «Бошкоммунагаз» корхонасининг бош директори ва Минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш бош дирекциясининг директори мақомига, кўра «Ўзкоммунахизмат» агентлиги бош директорининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Агентлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари ва туман, шаҳар коммунал-фойдаланиш бирлашмалари ҳам киради.

Қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш;

2) минтақалараро сув қувурларини, коммунал газ сотиш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона техника сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш, уларни қуриш бўйича буюртмачи функциясини бажариш;

3) коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш ишларини мувофиқлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник-иқтисодий шартлар ва талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

4) давлат бошқаруви маҳаллий органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларига, белгиланган техник шартлар ва талабларга риоя этишини назорат қилиш кабилар.

**Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш.** Республика аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини шакллантириш, тармоқ бошқарувининг ихчам ташкилий тузилмасини вужудга келтириш, маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик соҳасидаги

мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги 1997 йил 17 сентябрь фармони асосида ҳудудий маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) компаниялари ташкил этилган.

Бундай компания юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ўз фаолиятини низомга, тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи бошқариш қоидаларига мувофиқ амалга оширувчи барча мулкчилик шаклларидаги ҳўжалик ишларини юритувчи субъектларни ва яққа тадбиркорларни пайчилик асосида ихтиёрий бирлаштирадиган ҳўжалик компаниясидир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг асосий вазифалари асосан қуйидагилардан иборат: мулкчилик шаклидан қатъи назар, маиший хизмат кўрсатиш бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг, шунингдек, компанияга кирувчи яққа тадбиркорларнинг фаолиятини аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш; маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш; меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, тармоқдаги давлат корхоналари ва ташкилотларини ижара, акциядорлик жамоа ҳамда бошқа мулкчилик турларига айлантириш борасидаги ишларни ўтказишга қўмаклашиш; тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама мадад бериш; қўшма корхоналарни барпо этиш ва ҳоказо.

## **XXIII боб. Ижтимоий-маданий соҳаларни бошқариш**

### **23.1. Таълим тизимини бошқариш**

Ўзбекистон Президенти мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимини ривожлантириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида, аввало, фан, маориф ва таълим соҳасини ислоҳ қилишни асосий масала қилиб қўйди. Президент ўз асарларида таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбек халқининг бой маданияти, таълим, маориф тизими, фан тоталитаризмдан қолган мерос деб парчалаб ташланиши мумкин эмас эди. Биз танлаб олган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданияти ва тилига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузилмаларни янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан

иборат эди. Шунинча яна таъкидлаб ўтамазки, маънавий одамлар қалби ва онгига келажакка ишонч туйғусини олиб кириши, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, мардлик, сабот-матонат, адолат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши лозим...

... Ўзбек маданиятининг, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланиши хусусиятларини чуқур билиш ёш давлатни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш соҳасидаги бутун сиёсатнинг асоси бўлмоғи лозим»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданий ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболини ҳисобга олган ҳолда юритади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги қонунига асосан, таълим мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасидаги устун йўналиш деб эълон қилинган<sup>2</sup>.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- 1) таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик хусусиятга эга эканлиги;
- 2) таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- 3) умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- 4) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- 5) таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эга эканлиги;
- 6) давлат таълим стандартлари доирасида билим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- 7) таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- 8) билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т., 1998. 158–159-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 225-м.

9) таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи куйидагилар орқали таъминланади:

– давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;  
– ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

– барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

– оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистонда халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. Педагогик фаолият билан шуғулланиши суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади. Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон ҳукумати белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади. Таълим муассасаси

аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва компанияларига бирлашишга ҳақлидирлар.

Таълим муассасаси, уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ, пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек, тadbиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистондан барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни билан тартибга солинади.

Мамлакатимиз таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

2) таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тadbқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

3) таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Республикада таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан тashқари таълим.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

а) бошланғич таълим (I-IV синфлар);

б) умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга



қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинадилар.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, ўқув касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга. Бакалаврият олий таълим йғналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида

(аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик асосида) олинishi мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Унинг тартибини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Уларнинг ташкил этилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Давлат оилада ва мустақил равишда билим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда билим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари методик маслаҳатлар ва бошқа йўсинда ёрдам беради.

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Бундай ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим дастурлари бўйича экстерн тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади. Давлат таълим муассасасида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация химоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон

Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади. Маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва ётоқхонада жой билан таъминланадилар.

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақ тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасаси иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб маошларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик, тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўладилар.

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўсмирлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим

соҳасидаги *ваколатига* қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитация қилиш, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумотлар тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасаларидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг *ҳуқуқлари* доирасига қуйидагилар киради:

- 1) таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- 2) таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- 3) давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- 4) ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- 5) ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;
- 6) таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни

тасдиқлаш;

7) давлат олий таълим муассасаларининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон ҳукуматига таклифлар киритиш;

8) педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

9) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

– таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

– таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

– ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларини белгилайдилар;

– таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Айни пайтда қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши ҳам мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади. Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли. Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Таълим олувчиларни ўқитиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишга жалб этиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Таълим олувчиларнинг вазифалари: Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, ахлоқ ва одоб қоидаларига, таълим

муассасасининг устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя этиш; ўз билимлари, амалий кўникмалари, касб маҳоратларини мунтазам равишда ошириб боришдан иборатдир. Таълим олувчиларнинг бошқа ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, таълим муассасалари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг уставлари билан белгиланади.

Таълим олувчиларга кутубхона фонди, ўқув-ишлаб чиқариш, илмий, спорт, маиший хизмат ва соғломлаштириш базаларидан, транспорт хизматидан, театр ва бошқа томоша муассасаларининг хизматидан белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда фойдаланиш кафолатланади.

Давлат иқтидорли ёшларга моддий жиҳатдан кўмак бериш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларида ўқиш ва тажриба орттириш имкониятини яратиш йўли билан ғамхўрлик кўрсатади. Таълим муассасалари таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратади.

Таълим олувчиларнинг қонунларда белгиланган ўқиш, меҳнат ва дам олиш шароитларига риоя этилиши учун таълим муассасасининг муассиси масъул бўлади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар: ўзларининг балоғатга етмаган болалари учун таълим шаклларини, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш; таълим муассасаси маъмуриятидан ўқув юртлари уставларига монанд зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш; болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш; таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларига эга.

Боланинг тарбияси ва камол топиши учун ота-онасининг ҳар бири зиммасига масъулият тенг юкланади. Болаларнинг таълим олишига монелик қилаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Таълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган мавжуд маблағлар доирасида ставкаларга, мансаб окладларига мустақил равишда табақалаштирилган кўшимча ҳақлар белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, уни рағбатлантиришни ташкил этишнинг турли шаклларини қўллашга ҳақлидир.

Қишлоқларда жойлашган давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ишловчи педагогларга нисбатан қишлоқ хўжалик мутахассислари учун белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, ишлаб чиқариш устахоналари (цехлар) ва ўқув хўжаликлари ходимларига нисбатан ҳам давлат тасарруфидаги

тегишли корхоналарнинг ва бошқа корхоналарнинг худди шу соҳа ходимлари учун белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар татбиқ этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари, корхоналари, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа муассасалар давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг ходимларига қўшимча ижтимоий имтиёзлар беришга ҳақлидир.

Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларига ва лицензияга эга давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига етим болалар ва ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни боқиш давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Тарбияланувчиларни бошқа таълим муассасаларига асоссиз равишда ўтказиш тақиқланади.

Етим болаларнинг турмушини яхшилаш ва ишга жойлашишида ҳамда кейинги босқич таълим муассасасига киришида республика қонунларида белгиланган тартибда давлат кўмагидан фойдаланилади.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1998 йил 24 февралда қабул қилган «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарорига асосан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (бундан кейин Марказ деб аталади) ташкил этилган.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

– академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилаш, уларнинг республика минтақаларининг жўғрофий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини, шунингдек, ўқувчиларни оиладан ажратмай тўлиқ қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда уларнинг оқилона жойлаштирилишини таъминлаш;

– лицейлар ва коллежларни лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи вазифаларини бажариш. Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг таълим муассасаларига айлантириладиган мавжуд ўқув юртларининг сифатли реконструкция қилинишини ва тўлиқ тузатилишини таъминлаш;

– давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

– академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, фаолияти сифатини ва малака даражасини назорат қилиш;

– малакали кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳон ва мамлакатимизнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўрта махсус, касб хунар таълимнинг моддий ва таълим базаси сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ахборот билан таъминлаш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илғор педагогик ва ахборот технологияларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этишни ташкил қилиш;

– ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари – Марказ раҳбари лавозими жорий этилган. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ташкил этилган.

Қўйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий функциялари ва вазифалари этиб белгиланган:

– ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш ва методик жиҳатдан таъминлаш;

– давлат таълим стандартларини амалга ошириш;

– академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари бинолари ҳамда иншоотларининг янгидан қурилишини, реконструкция қилинишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

– ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларининг, мулкчилик шаклларида қатъи назар, кадрлардан фойдаланувчи корхоналар билан интеграциясини таъминлаш, ҳомийлик ва васийликни ташкил этиш;



– минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини қайта ташкил этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

– таълим муассасаларини дарсликлар, ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар, компьютер техникаси билан таъминлаш ва жиҳозлаш.

Ўрта махсус ва касбга йўналтирилган ҳунар-техника таълимининг, фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг ҳамда улар негизида ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига ташкилий, ўқув-методик ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагог кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг зиммасига юкланган.

Фаолият кўрсатаётган ўрта махсус таълим муассасалари ва улар негизида ташкил қилинаётган Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касб-ҳунар коллежлари улар тасарруфида қолади.

Ўрта махсус ва касбга йўналтирилган ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда уларнинг негизида ташкил этилаётган тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар ва корхоналарнинг касб-ҳунар коллежлари икки томонлама бўйсунишда бўлади. Тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар ва корхоналар уларни моддий ва молиявий таъминлашни, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишни ва уларда амалий кўникмаларни тарбиялашни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қиладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 2 февраль қарорига асосан, жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилган.

Қуйидагилар Республика «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

- оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдиэларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш;

- миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

- оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этнопедагогик, этнопсихологик муаммоларини ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

- оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш;

- оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини акс эттирувчи статистик ахборотни тўплаш ва умумлаштириш;

- оилани режалаштириш, унинг саломатлигининг тиббий-биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг татбиқ этиш;

- ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курслар ташкил этиш;

- оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш;

- оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш;

- оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисоалар яратиш;

- оила ва жамият муаммолари соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

## **23.2. Фан соҳасини бошқариш**

«Ҳозир Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг

меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидаги 55 илмий-тадқиқот бўлинмаларини, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот-ҳисоблаш марказини ўз ичига олади...

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд бўлиб, шулардан 2,8 минги фан доктори ва тахминан 16,1 минги фан номзодидир...

Ҳозир республика олимлари замонавий фаннинг кўпгина йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устун йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техникавий тараққиётни мувофиқлаштириш кенгаши тузилди<sup>1</sup>. Мувофиқлаштириш кенгаши қошида унинг ижроия органи сифатида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилди.

Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишлари бўйича қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этиш;

– Мувофиқлаштириш кенгаши белгиланган илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устун йўналишлари доирасида йирик йиллик илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловлар уюштириш ва ўтказиш;

– интеллектуал салоҳиятдан ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ажратилган молиявий маблағлардан максимал

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 214-б.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 3-4. 28-модда.

даражада оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида, республика илмий муассасалари фаолиятини мунтазам таҳлил этиб бориш;

– илм-фан ривож ва инновация фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича мунтазам иш юритиш ва бунда долзарблигини йўқотган мавзуларни тугатиш ҳамда илмий-техникавий тараққиёт тақозо этаётган янги тадқиқотлар олиб боришга доир таклифлар киритишни назарда тутиш;

– мақсадли грантлар ажратиш, чет давлатларда стажировкадан ўтишни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа шаклларида фойдаланган ҳолда иқтидорли, истиқболли олимларнинг касбий малакаларини ошириш учун шарт-шароит яратиш;

– илмий техникавий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш, иқтисодиётнинг муайян соҳаси корхоналари раҳбарларининг инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий тадқиқотларни молиялаш ва биргаликда молиялашдан манфаатдорлигини оширувчи рағбатлантириш усуллари яратиш.

Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника давлат қўмитаси тугатилди ва унинг таркибида бўлган Давлат патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ихтиёрига берилди.

Илмий-техникавий тараққиётни мувофиқлаштириш кенгашини унинг раиси – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири бошқаради. Мувофиқлаштириш Кенгашининг аъзолари ўз ишларини жамоатчилик асосида олиб борадилар.

Илмий-техникавий тараққиётни мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказига директор бошчилик қилади. Марказ директори ва унинг ўринбосарини Ўзбекистон Республикасининг Президенти тайинлайди ва лавозимидан озод қилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фанни ривожлантиришда катта ўрин тутаети. Мазкур муассасага табиий, техникага оид ва ижтимоий фанлар бўйича илмий текшириш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Фанлар академияси ўзига бўйсунган илмий-тадқиқот муассасалари ва институтларига раҳбарлик қилади. Илмий-тадқиқот ишлари (вазирликларга, қўмиталарга қарашли) олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам олиб борилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 5-6. 40-модда.

Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш, уларни республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётининг устун муаммоларини ҳал қилишга йўналтириш, илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК) ташкил қилинган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклатилган: ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; кадрларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг халқаро талабларига мос келадиган ва бериладиган дипломларнинг ҳамма жойда ўтишини таъминлайдиган тизимини шакллантириш; илмий даражалар берувчи ихтисослашган кенгашлар ва илмий унвонлар берувчи кенгашларни тузиш (туғатиш) ва ҳоказо.

Олий аттестация комиссияси ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар – Фанлар академияси, тармоқ академиялари, вазирликлари, идоралар, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва муассасалар кимга бўйсунушидан қатъи назар – улар учун мажбурийдир.

### **23.3. Маданият соҳасини бошқариш**

Республикада маданият ва санъатни ҳар томонлама ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий мавқеини ошириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, шунингдек, маданият ва кинематография тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида мазкур соҳа муассасаларига раҳбарликнинг замонавий иқтисодий усулларини кенг жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Маданият вазирлигининг тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, унинг марказий аппарати ҳамда унга қарашли муассасалар негизида Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат

---

<sup>2</sup> Қаранг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 6. 245-м.

акциядорлик кинокомпанияси ташкил қилинган<sup>1</sup>.

Маданият ишлари вазирлигига миллий маданият соҳасида давлат сиёсатини амалда рўёбга чиқариш, халқнинг бой анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, республиканинг ижодий компаниялари билан узвий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, республика аҳолисининг барча табақалари ўртасидаги маданий-маърифий ишларни авж олдириш ва уларни аниқ-равшан мазмун билан бойитиш, театр, музика, хореография, эстрада, тасвирий ва халқ амалий санъатини янги босқичга кўтариш, уларнинг ғоявий-бадий ва маънавий савиясини оширишга, Ўзбекистон тарихи ва маданияти обидаларини муҳофаза қилиш ишини тубдан яхшилаш каби вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси *Давлат акциядорлик кинокомпанияси* эса республика ҳудудида кино ва видеофильмлар ишлаб чиқарувчи, намойиш этувчи ва тарқатувчи ташкилотларга раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, кино санъатининг миллатлараро алоқаларини ривожлантириш, узоқ муддатли қўшма халқаро ижодий дастурлар тузиш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини, кино ва видео бозорларини ташкил қилиш, фильмларни биргаликда яратиш ишларини мувофиқлаштириш каби вазифаларни бажаради.

Республика ҳудудида иш олиб борадиган кино ҳамда видеофильмлар ижодий-ишлаб чиқариш студиялари, кино ва видеофильмларни намойиш қилувчи, тарқатувчи бирлашмалар ва пунктлар қайси идора тасарруфида эканлигидан, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Давлат акциядорлик кинокомпаниясида шартнома асосида рўйхатдан ўтишга мажбурдирлар. Белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган ташкилотлар ва фуқароларнинг республика ҳудудида кино ва видеомаҳсулот ишлаб чиқаришлари ҳамда тарқатишларига йўл қўйилмайди.

Виюятлар ва туманларда юқорида кўрсатилган органларнинг бошқармалари ёки бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Телевидение ва радиоэшиттиришни бошқариш вазифаси Ўзбекистон Давлат «Ўзтелерадио» компаниясига юклатилган. Республика Президентининг 1996 йил 7 май фармонида мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси конституциявий ривожланишни, қонунчиликка риоя этилишини,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 5. 220-м.

инсон ҳуқуқлари ва қадр-қиммати муҳофаза қилинишини таъминловчи демократиянинг муҳим институти, давлат, жамоат ва хусусий радиокомпанияларининг ягона тизимида телевизион ҳамда радиоэшиттиришларни амалга оширувчи ташкилот ҳисобланади.

«Ўзтелерадио» компанияси ўз фаолиятини Ўзбекистон ҳукуматининг 1996 йил 24 май қарори билан тасдиқланган низом асосида амалга оширади. Компания ахборотнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳолисона, ишончли ва хилма-хил хабарларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва қондиришга хизмат қилади, жамоатилик фикрининг хилма-хиллигини акс эттиради, инсоннинг Ўзбекистон Конституциясида мустақамланган эътиқодлари ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини, қарашлар тенглигини таъминлайди.

Телевизион ва радио эшиттиришларда куйидагиларга йўл қўйилмайди:

- республиканинг конституциявий тузумига тажовуз қилувчи, амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга даъват этувчи хабарларни тарқатиш;

- миллий, ирқий ва диний адоват қўзғатишга ёрдам берувчи (ЖКнинг 156-моддаси) ахборот бериш;

- инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган даражада ҳақорат қилиш (ЖКнинг 140-моддаси);

- урушни тарғиб қилиш (Ўзбекистон ЖКнинг 150-моддаси);

- уятсиз, бузуқ ҳаракатларни тарғиб қилиш (ЖКнинг 130-моддаси; Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси);

- аҳоли айрим қатламларининг диний, миллий ва маданий келиб чиқиши билан боғлиқ манфаатларини чеклаш, шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг жисмоний, ахлоқий ёки руҳий саломатлигига зарар келтирадиган ахборотни тарқатиш.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясига раис бошчилик қилади. У ўзининг беш нафар ўринбосарига эга бўлади.

«Ўзтелерадио» компаниясининг раиси компания фаолиятига раҳбарлик қилади. Компанияга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, раис ўринбосарларининг, тузилма бўлимлари ва тузилма бирликлари раҳбарларининг, шунингдек, компания таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлик даражаларини белгилайди.

«Ўзтелерадио» компаниясида раис, унинг ўринбосарлари ҳамда компаниянинг бошқа ходимларидан иборат бошқарув тузилади.

Бошқарувга Компаниянинг раиси бошчилик қилади. Раис мамлакат бошқарув аъзоларини тайинлайди. Бошқарув қарорлари раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади.

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги* (ЎЗА)нинг марказий давлат ахборот агентлиги бўлиб, унинг ахборот соҳасидаги фаолияти республиканинг, МДХ давлатларининг ва хорижий мамлакатларнинг кенг доирадаги мухлисларига мўлжалланган.

ЎЗА фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонунига<sup>1</sup>, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонунига<sup>2</sup>, республика Президентнинг фармонларига, шунингдек, ЎЗА тўғрисидаги низомга ва оммавий ахборот воситаларига доир бошқа ҳужжатларга амал қилади. ЎЗАнинг бош вазифаси ахборот тўплаш ва уни оммавий ахборот воситалари, давлат органлари, муассасалари, корхоналар ва ташкилотларга, жамоат бирлашмаларига, шунингдек, республикадаги ва унинг ташқарисидаги субъектларга етказиб беришдан иборат.

ЎЗА Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Раёсати, республика Президенти ва ҳукуматининг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва бошқа воқеаларга баҳо беради, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалаларига тааллуқли расмий ҳужжатларни, баёнотларни ва ахборотни тарқатади.

ЎЗА ахборот тўплаш ва тарқатишга доир ўз фаолиятини сиёсий ташкилотлар ва жамоат ташкилотларидан мустақил равишда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини назарда тутиб ҳамда воқеаларни ҳар томонлама холис ёритиш принципларига, турмушни бутун чоралар билан демократлаштириш асосида жамият вазифаларига мувофиқ равишда амалга оширади.

ЎЗА бутун фаолияти билан ҳар бир фуқаронинг ҳар қандай масалалар юзасидан, аввало, ҳокимияти олий органларининг фаолияти, ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир ҳаққоний ва аниқ ахборот олишдан иборат қонуний ҳуқуқининг амалга ошишини таъминлайди.

ЎЗА амалдаги қонунларга мувофиқ ижодий ва хўжалик соҳаларида мустақил бўлиб, ўз фаолиятининг режаларини ишлаб чиқади, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, тайёрланган маҳсулотларни,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 6. 252-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 1. 12-м.



олинган даромадларни, шунингдек, бошқа даромадларни агентлик олдида турган вазифаларга асосланиб, мустақил тасарруф этади.

Агентликнинг бўлимлари молия-хўжалик жиҳатдан ва кадрлар билан ишлаш масаласида мустақилдир. Улар билан муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

ЎзАга Бош директор бошчилик қилади, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди. Бош директорнинг уч нафар ўринбосари (шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари) бўлади, уларни бу лавозимларга республика ҳукумати тайинлайди.

Бош директор агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, жамоа олдида турган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади. ЎзАнинг барча хизматлари ва бўлинмалари ҳамда ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотлар ижро этишлари шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, йўриқномалар чиқаради, амалдаги қонунларга мувофиқ агентликнинг тузилма бирликларини, бўлинмаларини, мухбирлик пунктларини ва бошқа ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларни барпо этади, қайта ташкил қилади ва тугатади.

Ҳайъат ЎзАни бошқаришнинг бамаслаҳат иш олиб боровчи органидир. Ҳайъат агентликнинг Бош директори (ҳайъат раиси) лавозимига кўра, унинг ўринбосарлари ҳамда ЎзА хизматлари ва бўлинмаларининг бошқа раҳбарларидан иборат таркибда тузилади. Ҳайъат таркибига ахборот соҳасидаги фаолият билан боғлиқ бўлган давлат бошқаруви бошқа органлари, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

ЎзА ҳайъати аъзоларини Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. Ҳайъат ўз мажлисларида агентликнинг ахборот соҳасидаги сиёсати, унинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини белгилайди, республикада ва чет элларда ЎзА тузилмаларини ривожлантириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг аҳволи, кадрлар билан ишлаш масалаларини кўриб чиқади, ЎзА хизматлари ва бўлинмалари, шунингдек, ўзига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳисоботларини тинглайди.

Ҳайъат қабул қилган қарорлар одатда ЎзА Бош директорининг буйруқлари билан амалга оширилади. Агентликнинг барча хизматлари ва бўлинмалари ҳайъат қарорларини бажаришлари керак.

#### **23.4. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш**

Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқарувчи органларнинг тизими

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва туманлардаги соғлиқни сақлаш бўлимлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг маъмуриятидан иборат.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш соҳасини мумкин қадар ривожлантириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, мамлакатда санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, мамлакат аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатадиган муассасаларни ривожлантириш, тиббий хизмат соҳасида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга раҳбарлик қилиш, тиббий ходимларни тайёрлаш каби вазифалар юклатилган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тизимига касалхоналар, диспансерлар, поликлиникалар, амбулаториялар, тез тиббий ёрдам муассасалари, туғруқхоналар, болалар ясилари, «Она ва бола» уйлари, санаторийлар, дорихоналар ва бошқа муассасалар киради.

Ўзбекистон ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 14 январь қарори Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги 1998 йил 10 ноябрь фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги органларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1) соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

2) аҳолига бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражаси ва сифатини таъминлаш;

3) бошқаришнинг барча даражаларида аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш;

4) соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш, шу жумладан, даволаш-профилактика муассасаларининг босқичма-босқич пулли хизматлар кўрсатишга ўтказилишини таъминлаш;

5) жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий клиникаларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда барпо этиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ходимлари сони 43 нафардан иборат, ҳудудий таркибий

бўлинмаларига эга бўлган Назорат инспекцияси ташкил этилди, унга қуйидаги функциялар юклатилди:

– соғлиқни сақлаш органлари, мулкчилик шакллари ва маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, даволаш-профилактика ҳамда санитария муассасалари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш масалаларига доир қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

– бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан коррупция ва суиистеъмомликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

– бюджет маблағларини жалб этган ҳолда маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика муассасаларида доридармонларни харид қилиш, сотиш ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш жараёни устидан назоратни ташкил этиш;

– соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқиш, қоида бузишлар ва суиистеъмомлик ҳоллари бўйича хизмат текширувлари ўтказиш;

– амалдаги қонунларни бузаётган соғлиқни сақлаш тизими ходимларини моддий, маъмурий ва жиной жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

*Давлат санитария назорати* аҳолининг соғлиғини сақлашда, касалликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Давлат санитария назорати Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Давлат санитария назорати департаменти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»<sup>1</sup>ги 1992 йил 3 июнь қонунига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат санитария-эпидемиология департаменти қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари қодалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назорати ўрнатади.

Санитария-эпидемиология станцияси қонунга ҳамда тегишли низомга мувофиқ иш кўрувчи тиббий-профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 355-м.

тадбирлари мажмуи уюштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари, Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясида ишлаб турган ва қурилаётган объектларда идоровий санитария назоратини текширади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари, қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уларни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология департаментининг давлат санитария назоратини амалга оширувчи Давлат бош санитария врачлари, бошқа мансабдор шахслари ва мутахассислари ҳокимият вакили ҳисобланади ва давлат ҳимоясида бўлади.

Бошқа ташкилотларнинг давлат санитария назорати идораларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларнинг ишига аралашини, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга бирон йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бош санитария врачлари Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди. Бош санитария врачлари билан келишилган ҳолда шаҳар ва туманларнинг бош давлат санитария врачлари тайинланади.

Давлат бош санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари бузилган тақдирда қуйидаги ҳуқуқларга эга: ер участкаси, уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилишига, уларни қайта қуриш, кенгайтиришга, ер ажратишга, санитария нормаларига ва қоидаларига жавоб бермайдиган лойиҳалаш ҳужжатларини қайтариш; санитария-гигиена нормалари яхшиланганига қадар ишлаб чиқариш объектларида, маданий-маиший биноларда умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш; ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни тақиқлаб қўйиш; санитария нормалари, қоидалари ва гигиена

нормативлари бузилган тақдирда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, уларни қайта қуришни ҳамда мазкур объектларда айрим иш турларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш ва ҳоказо.

Жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан спортнинг техник турлари соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги<sup>1</sup> 2000 йил 26 май қонуни белгилаб берган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги органлари бошқарадилар. Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига ёрдам берувчи «Ватанпарвар» ташкилоти амалга оширади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, спорт федерациялари, компаниялари, жамғармалари ва фуқароларнинг ўзга компаниялари фаол қатнашадилар. Жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқарув органлари спортни ривожлантириш, мусобақалар уюштириш, спортчиларни тарбиялаш ва уларни республика ҳамда халқаро мусобақаларда қатнашишга тайёрлаш ваколатларини спорт федерацияларига, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмаларига берилган.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари билан жисмоний тарбия ва спорт бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

### **23.5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 13 февраль фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. № 5-6. 147-м.

муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 13 февраль қарорига ҳамда 2001 йил 6 апрель қарори билан тасдиқланган вазирлик тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва аҳолининг ижтимоий таъминоти соҳасида давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида ҳукуматга бўйсунди.

Вазирликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

– халқнинг моддий фаровонлиги барқарор изчил ўсишини таъминлашга қаратилган ягона ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш, иқтисодий янада эркинлаштириш шароитларида аҳолининг муҳофазасини кучайтириш;

– демографик ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнат бозорини шакллантиришига доир фаол сиёсат юритиш ва меҳнатга яроқли аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш ўринлари барпо этиш ва кадрлар тайёрлашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

– меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва нормалаштиришнинг шартлари, ташкил этиш тизимларини такомиллаштириш юзасидан бозор шароитларига мувофиқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш;

– пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни амалда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш чоратадбирларини амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини аниқ муҳофаза қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ижтимоий таъминотни ташкил этиш бошқариш, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш хизматлари фаолиятига раҳбарлик қилиш;

– аҳолини иш билан таъминлаш ишларини ташкил этиш ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришда жойлардаги ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама кўмаклашиш.

Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаларининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) бўлимлари, ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари ягона

тизимини ташкил этади.

Бундан ташқари, қуйидаги ташкилотлар ва муассасалар бевосита вазирликка бўйсунди:

- ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги;
- ногиронларни экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика инспекцияси;
- ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази;
- таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази;
- меҳнатни нормалаштириш ва муҳофаза қилиш маркази;
- Ўзбекистон меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази;
- ахборот-компьютер маркази;
- уруш ва меҳнат фахрийлари учун пансионат ва санаторийлар;
- касб-ҳунар коллежлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган фармонига асосан, Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Муҳожирлар ишлари бўйича республика агентлиги тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига айлантирилди. Агентлик тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрель қарори билан тасдиқланган. Унга асосан, агентликка қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги касб бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон фуқароларини чет элда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистонда ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда касби бўйича ишга жойлаштириш, чет элда ишга жойлаштириш керак бўлган номзодларнинг мослашувига кўмаклашиш;
- хорижий фуқароларга чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун идоралараро комиссия тавсияномаларига мувофиқ рухсатномалар бериш.

Агентликни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга

тайинландиган ва лавозимдан озод этиладиган Агентлик бошлиғи бошқаради.



## XXIV боб. Маъмурий-сиёсий фаолиятни бошқариш

### 24.1. Мудофаа соҳасини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Мудофаа соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги 2001 йил 11 май қонуни<sup>1</sup>, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь қонуни<sup>2</sup>, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонунига<sup>3</sup> ҳамда республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида»ги фармони<sup>4</sup> асосан амалга оширилади.

Мамлакат мудофааси давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, республика манфаатларининг ҳимоя қилинишини ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборат.

«Маълумки, давлатнинг мудофаа қобилияти унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий имкониятларидан таркиб топади. Бу соҳада биз юритадиган сиёсатнинг асоси Олий Мажлис томонидан жамиятимиз ҳамма қатламларининг кенг ва ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг қабул қилинган ҳарбий доктринада мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимиз унинг мудофаа хусусиятини ҳамда унга асос бўлган қоидаларни маъқуллади. Бу, энг аввало, куч

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001. № 5. 80-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002. № 12. 217-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 11. 434-м.

<sup>4</sup> Ўша манба. 1992. № 8. 304-м.

ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, мудофаа қобилиятини оқилона даражада сақлаб туриш, халқаро ҳуқуқ қоидалари ва нормаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятларини қабул қилиш, халқаро битимлар бўйича ўз зиммамиклигига олган мажбуриятларни бажариш ва шу кабилардир»<sup>1</sup>.

Мудофаанинг мақсадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳар қандай ҳужумнинг олдини олиш ва тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда уюшган ҳолатда қуролли ҳимояланишнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бошқа давлатга қарши куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;

- халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;

- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;

- ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можародарнинг хусусиятига монанд бўлиши;

- ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;

- Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доимо шай туриши;

- мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

- ҳарбий хизматнинг шарафли бўлишини таъминлаш.

- урушни халқаро муаммоларни ҳал этиш усули сифатида тан олмаслик;

- бетарафлик йўлини тутишга интилиш ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик қондасига риоя этишга ҳаракат қилиш;

- биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслик ва биронта ҳам халқни душман деб билмаслик;

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т., 1998. 143–144-б.

– башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда биронта давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслик.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқиш ва ҳарбий фанни ривожлантириш;

– тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга ошириш; хавфсизликнинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатнашиш;

– давлат чегараларини қўриқлаш;

– ҳарбий-техника сиёсатини, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва Қуролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника билан, ҳарбий техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўқис таъминлаб туриш;

– халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлаш;

– аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлаш;

– Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркиби ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва хизмат тайёргарлиги, Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий ифвогарликларнинг пайини қирқиш ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлиши;

– мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш.

Мудофаа масалаларини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари асосида ҳал қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги республика Қуролли Кучларининг давлат бошқарув идораси ҳисобланади ва Қуролли Кучларнинг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш учун жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий интизоми учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Мудофаа вазирлиги: Қуролли Кучларда мудофаа соҳасидаги ва ҳарбий қурилиш жабҳасидаги давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди; мудофаа, Қуролли Кучларни тузиш ва ривожлантириш режалари ва концепцияларининг, қурол-яроғларни ва ҳарбий техникани ривожлантириш режалари ва

концепцияларининг, қурол-яроғларни ва ҳарбий техникани ривожлантириш давлат дастури лойиҳаларини, мудофаа эҳтиёжларига маблағ ажратишга доир тақлифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритади.

Вазирлик ҳарбий қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни йўлга қўяди ва олиб боради; ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий ашёлар яратиш, ишлаб чиқариш ва таъмирлашга оид давлат буюртмаларининг бажарилишини назорат қилади; Қуролли Кучлар шахсий таркиби билан ҳарбий, ҳуқуқий, ахлоқий тарбия, шунингдек, маънавий-психологик тайёргарлик, ҳарбий кадрларни жой-жойига қўйиш ишларини олиб боради; ҳарбий хизматдан бўшатишларга пенсиялар тўланишини, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини амалдаги қонунларга мувофиқ таъминлайди; халқ хўжалигининг сафарбарлик даражасида тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади.

Мудофаа вазирлиги: сафарбарлик захираларини ҳозирлаш ва қайта тайёрлаш, фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга чиқариш ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни ва муқобил хизматдаги хизматчиларни захирага бўшатиш, ҳарбий хизмат ёшидагиларни йиғинга чақириш, шунингдек, сафарбарликка чақириш ва сафарбарликдан бўшатиш ишларини режалаштиради ва амалга оширишни ташкил этади, маданий ва илмий алоқалар ўрнатади ва бошқа ўзига хос вазифаларни бажаради.

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идоралари:

1) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мудофаани, халқ хўжалигининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларни бажаришлари учун масъул бўлади;

2) ҳарбий қисмларга ва муассасаларга зарур маҳаллий маҳсулотлар етказиб берилишини, уларни сув, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашни амалга оширади, алоқа воситаларини беради, коммунал маиший ва бошқа хизматлар кўрсатади;

3) мудофаа манфаатларини кўзлаб қонунларга мувофиқ ер ажратиб беради ва улардан фойдаланишни назорат қилиб боради;

4) қонунларда белгиланган тартибда ҳарбий қисмларга, Қуролли Кучларнинг муассасаларига, ҳарбий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларга хизмат бинолари ва турар жойлар ажратиб беради, ҳарбий объектларга, ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оилаларига

нисбатан қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўради.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, кимнинг тасарруфида эканликлари ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, давлатнинг ҳарбий буюртмалари ва шартномалари бажарилиши учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради, сафарбарлик учун керакли кучларни ва захираларни яратади ва шай қилиб туради.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч турмушини, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун барпо этилади. Улар қонуннинг устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик, доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик, фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти, умумий хавфсизлик тизимини яратиш, ҳарбий интизомга риоя этиш, партиядан холилик, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини таъмин этиш асосида кўрилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

Қуролли Кучлар қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва Миллий гвардия қўшинларидан иборат бўлади.

Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитасининг қўшинлари, ички қўшинлар билан ҳамкорликда бажаради. Уруш ҳолати Ўзбекистон Республикасига ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда эълон қилинади ва бу ҳолат бир-бирига қарши урушаётган томонлар сулҳ тузганларидан кейин бекор қилинади. Уруш ҳолати эълон қилиниши биланоқ ёки ҳарбий ҳаракатлар амалда бошлаб юборилган дақиқалардан эътиборан ҳарбий давр амал қилади ҳамда у ҳарбий ҳаракатлар амалда тўхтатилган кунда ва соатда тугайди.

Республика ҳудудида қўшинлар ёки қуролли гуруҳлар қўққисдан ҳужум қилган ёки бостириб кирган тақдирда ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий идоралари уруш эълон қилинишини кутмай ҳужумни қайтаришнинг барча чораларини кўришлари шарт. Ҳарбий хуруж хавфи бўлганда республиканинг айрим ерларида ёки бутун ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилади.

Олий Бош қўмондоннинг вазифалари ҳарбий ҳолат эълон қилиниши биланоқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг зиммасига юклатилади. Унинг ҳузурда Мудофаа Кенгаши тузилади. Кенгаш ҳарбий даврда Қуролли Кучларга ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилади. Ҳарбий ҳолат тартиби қонунлар билан белгиланади.

Ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб этилаётган кучларнинг

вазифалари, уларни ташкил этиш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартиби Қуролли Кучларнинг сафарбарлик режасида белгилаб қўйилади.

Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мувоффақ тўғрисидаги қонунларни бажармаганлиги, амалдаги қонунларга мувофиқ, жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат бўлиб, республика Қуролли Кучларини бутлаш ва резерв тайёрлашни таъминлаш мақсадларида жорий этилади.

*Умумий ҳарбий мажбурият* фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий таъжовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий ёки вақтинчалик истиқомат қилувчи ажнабий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тааллуқли эмас.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, хусусан:

– ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар – чақирилувчилар;

– ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар – ҳарбий хизматчилар;

– Қуролли Кучларнинг резерви ёки захирасидаги – ҳарбий хизматга мажбурлар;

– турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан истеъфодаги шахслар – ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади.

*Ҳақиқий ҳарбий хизмат* чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқи ва Президентига содиқлик тўғрисида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чақирилганларида Ҳарбий қасамёд қабул

қиладилар.

*Ҳарбий хизмат* Ўзбекистон фуқароларининг республика Қуролли Кучлари сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган: муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат; контракт бўйича ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмат.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақирилади

*Муддатли ҳарбий хизмат* чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

– муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой);

– муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой қилиб белгиланади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар *сафарбарлик чақируви резерви* сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар мамлакат Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритишини назарда тутлади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистонга қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар

йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга йўналтирилади.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби ҳукумат тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

*Контракт бўйича хизмат* Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар. Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айна пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлари таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шarti билан контракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугагандан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

*Резервчилар хизмати* ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо



этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, кўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Қурулли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақируви резервидаги хизматга қақирилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йилига икки марта: апрель-май ва октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади.

Қақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақируви резервидаги хизматга қақирилиш *муддатини кечиктириш* туман (шаҳар) қақирув комиссиясининг қарори асосида уларнинг оилавий шароитига кўра, саломатлигига кўра, ўқишни давом эттириши учун амалга оширилади.

Қақирилувчиларнинг муддатли ҳарбий хизматга, сафарбарлик қақируви резервидаги хизматга қақирилиш муддатини оилавий шароитига кўра кечиктириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) қақирилувчининг ота-онаси меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, уларни боқиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса. Ота-онанинг меҳнатга қобилиятсизлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади;

2) қақирилувчининг меҳнатга қобилиятли ёлғиз онаси ёки отаси бўлиб, уларнинг қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлгани ҳолда меҳнатга қобилиятли вояга етган бошқа ўғли бўлмаса;

3) қақирув кунда қақирилувчининг туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса;

4) қақирилувчининг биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирон хотини ва

вояга етмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса;

5) чақирилувчининг онасиз тарбияланаётган вояга етмаган бир фарзанди бўлса.

Чақирилувчини унинг отаси-онаси вафот этганлиги, улар узоқ муддат бетоблиги муносабати билан ёки бошқа узрли сабабларга кўра камида беш йилдан бери ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенглаштирилади.

Таълим муассасаларидан чақирилган шахслар чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Чақирилиш муддатини кечиктириш асосларини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек қонунга мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига ёхуд чақирилишдан озод этиш учун асосларга эга бўлмаган ва турли сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматга чақирилмаган шахслар чақирилиш куни йигирма етти ёшга тўлагунга қадар Қуролли Кучлар сафига навбатдаги чақирув пайтида чақириладилар.

Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидагилар озод этиладилар:

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;

2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;

3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси:

контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар (матрослар), сержантлар (страшиналар) учун – қирқ беш ёш;

кичик офицерлар учун – қирқ уч ёш;

катта офицерлар учун – қирқ беш ёш, полковниклар (I даражадаги капитанлар) учун эллик ёш;

генерал-майор, генерал-лейтенант ҳарбий унвонидаги офицерлар учун эллик беш ёш; генерал-полковник ҳарбий унвонидаги офицерлар учун олтмиш ёш этиб белгиланган.

Илмий даражаси ва илмий унвони, шунингдек юксак касбий тайёргарлиги, эгаллаб турган лавозимида катта амалий иш тажрибаси бўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари томонидан ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг

чегарасидан беш йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

*Муқобил хизмат.* Шу тўғридаги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилган қонунига<sup>1</sup> асосан бу хизмат фуқаронинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам талаб офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойни ташкил этади.

Фуқароларнинг муқобил хизматга чақирилиши муддатли ҳарбий хизматга чақириладиганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади, чақирувни ташкил этиш ва ўтказиш эса туман (шаҳар) чақирув комиссиялари ва ҳокимликлари зиммасига юклатилади.

Фуқаролар муқобил хизматни турар жойларидаги ёки мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ўтайдилар. Бундай корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхати, шунингдек муқобил хизматдаги хизматчилар шўғулланиши мумкин бўлган ишлар ва касбларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга иш ҳақининг 80% тўланади. Уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинаётган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир-лигининг ҳисобварақларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги муқобил хизмат тузилмаларига раҳбарликни мудофаа ишлари органлари амалга оширади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам муқобил хизмат шахсий таркибининг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда ишчи касбларига ўргатиш учун Мудофаа вазирлигининг ҳисобварағига ажратмалар ўтказилади. Муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 11. 434-м.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Муқобил хизматдаги хизматчилар ҳарбий тайёргарлик йиғинларига (машғулотларига) жалб этиладилар, улар шу аснода қурол-яроғдан фойдаланиш, уларни қўлланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликни эгаллайдилар ва Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар. Ҳарбий тайёргарлик дастури Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Муқобил хизматдан бўшатишган фуқаролар Қуролли Кучлар захирасига ўтказилади. Уларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади. Муқобил хизмат муддати меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилятини йўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро уни белгиланган жойда ўташи, қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга, иш жойида амал қиладиган ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек меҳнат шартномаси (контракти) шартларига риоя этиши лозим. У раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, таълим муассасаларига ўқишга кириши мумкин эмас.

Бундай фуқаролар фалокатлар, ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилган тақдирда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни бартараф этиш комиссиялари ёки штабларининг жойлардаги раҳбарлари томонидан белгиланган махсус вазифаларни бажарадилар.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро ушбу хизматдан бўшатишгандан кейин илгариги ишига ёки унга тенг ишга (лавозимга), шунингдек чақирилишга қадар ўзи ўқиган таълим муассасасига қайтиш ҳуқуқига эга. Ушбу хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Фуқаро оилавий аҳволи ўзгарганлиги муносабати билан, агар бу ҳол унга қонун ҳужжатларига мувофиқ чақирилиш муддатини кечиктириш ёки чақиришдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган бўлса, муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

Бу ҳақдаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунининг ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари зиммасига юклатилган.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тўғрисида»ги низомига<sup>1</sup> асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги республиканинг давлат мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзда тутлади.

Мудофаа вазирлиги республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни ва ички қўшинлар ҳарбий қисмларини, тузилмаларини ташкил этишда ва уларга раҳбарлик қилишда иштирок этади.

Миллий гвардия хизматга қақриладиған ёшларни жамлаш, тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга қақриш ва хизматни ўташини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминаш, захирадаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ўқитиш, муқобил хизматни уюштириш, фуқаро мудофаасига раҳбарлик қилиш ва бошқа масалалар билан шуғулланади.

Мудофаа вазирлигига, Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти тайинлайдиган, кейинчалик Олий Мажлис тасдиқлайдиган вазир бошчилик қилади.

Вазирларни ҳуқумат тайинлайди. Мудофаа вазири ўзига бўйсунадиган тузилма бўлинмаларининг барча фаолиятига раҳбарлик қилади.

## **24.2. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш соҳасини бошқариш**

Давлат чегараларини ҳимоя қилиш соҳасини бошқариш, республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил қилиш тўғрисида»ги 1999 йил 13 январь фармониға асосан ҳамда Конституциянинг 93-моддасига мувофиқ, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг самарали тизимини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларини янада ривожлантириш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳуқуматининг қарорлари тўплами. 1991. № 10. 35-м.

мустаҳкамлаш мақсадида. Чегара қўшинлари Бош штаби негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди ва у бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Чегара қўшинлари Миллий хавфсизлик хизмати таркибидан чиқарилди ва улар Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита таркибига киритилди. Эндиликда ушбу бошқарувнинг марказий органи ҳисобланиб, чегарага доир сиёсатни амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни ташкил этади.

Қўмитанинг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари деб қуйидагилар белгиланди:

– давлат чегараларини ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, қуролланган душман тузилмаларининг мамлакат ҳудудига ўтишига йўл қўймаслик;

– чегара қўшинларининг хизмат, жанговар ва тезкор фаолиятлари устидан самарали раҳбарлик ва бошқаришни, уларнинг мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари бузилмаслигини ҳимоя қилишга тайёр туришларини ташкил этиш ва таъминлаш;

– шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг таъсирчан тизимини яратиш, уларда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун юқори даражадаги зарур жанговар, маънавий-руҳий сифатларни шакллантириш;

– давлат чегараларини қўриқлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ишларнинг аниқ мувофиқлаштирилишини ва баҳамжиҳат ҳаракатини таъминлаш;

– эҳтимол тутилган жанговар зоналардаги вазиятнинг хусусияти ва улар ривожланишининг тахмин қилинган вариантларини чуқур таҳлил этиш ва олдиндан аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бош штаби билан биргаликда чегара қўшинларининг таркиби, тузилмаси, сони ва жойлашувининг, уларни замонавий қурол-яроғ турлари, ҳарбий техника ва чегарани қўриқлашнинг махсус воситалари билан таъминлашнинг энг мақбул вариантларини моделлаштириш;

– давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш манфаатлари йўлида бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини ҳимоя

қилувчи қўмита ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

– ўз ваколати доирасида давлат чегараларининг ишончли тарзда ҳимоя қилинишини ва қўриқланишини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

– чегара қўшинларининг ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажаришлари учун зарур ахборотни вазирликлар, идоралар, муассасалардан, жойлардаги давлат ҳокимияти органларидан, мансабдор шахслардан талаб қилиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг чегара қонунларини бузиш фактлари бўйича давлат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

– халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ чегара масалалари бўйича белгиланган тартибда халқаро битимлар тузиш.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этишлари шарт.

### **24.3. Миллий хавфсизлик соҳасини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини, хавфсизлигини, ҳудудий яхлитлигини ва давлат чегараларини муҳофаза этиш – миллий хавфсизлик демақдир.

«Миллий хавфсизликка мамлакат ичида туғилаётган таҳдид демократик нодавлат, фуқаролик тузилмаларини мустаҳкамлаш йўли билан анча самарали барҳам топтиради. Бу тузилмаларда аҳолининг фуқаролик фаоллиги юзага чиқади ва уларнинг жўшқин фаолияти орқали яширин сиёсий экстремизм хавфи бартараф этилади.

Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ҳол давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш муаммоларига эътиборни кучайтиришни зарур қилиб қўяди. Бунда ҳокимиятнинг марказдан жойларга ўтиш жараёни минтақавий сепаратизмга олиб келмаслиги керак. Жамият ҳаётини демократиялаш эса турли шиорлар остида сиёсий экстремизмнинг авж олиши учун асос бўлмаслиги лозим. Шу сабабли янги босқичда гап ижтимоий тараққиёт жараёнларида давлатнинг роли пасайиши ҳақида эмас, балки янада аниқроқ юзага чиқиши, стратегик йўналишлар белгиланиши ва уларда яқин келажакда давлатнинг етакчи роли сақланиб қолиши тўғрисида

боради.

Миллий хавфсизлик, мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳозирги босқичда биринчи галда ташқи кучлар кўпроқ таҳдид солмоқда»<sup>1</sup>.

Миллий хавфсизликни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларига юклатилган. Қорақалпоғистонда республика миллий хавфсизлик хизмати, вилоятларда, шаҳарларда ва туманларда – миллий хавфсизлик хизмати бошқармалари, бўлинмалари ташкил этилган. Ҳамма хавфсизлик хизмати органлари пастдан юқорига, яъни туман бўлинмаси – вилоят бошқармасига, вилоят бошқармаси – республика миллий хавфсизлик хизматига бўйсунди.

Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ва унинг жойлардаги органлари хорижий давлатлар ва хорижий ташкилотлар махсус хизматларининг Ўзбекистонга қарши разведка ва қўпоровчилик фаолиятига қарши кураш олиб бордилар, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, конституциявий тизимини, ҳудудий бутунлигини, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни амалга оширадилар<sup>2</sup>.

МХХ республика қўмитасининг ҳуқуқлари билан таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди. Ушбу хизмат Ўзбекистон Республикаси ҳокимияти ва бошқарув органларининг ишлашини дўстона бўлмаган кайфиятидаги давлатлар ва конституцияга қарши ички тузилмалар махсус хизматларининг разведка-қўпоровчилик ва бошқа хил жиноий тажовузларидан самарали ҳимоя қилиш учун жавобгардир ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлис олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туради.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги органлари амалий фаолиятида меҳнаткашлар билан яқиндан алоқада бўлиши, доимо уларнинг ёрдамига суяниши шарт.

МХХга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланадиган ва кейинчалик Олий Мажлиснинг сессиясида тасдиқланадиган Раис бошчилик қилади. Раиснинг биринчи ўринбосари, ва ўринбосарлари, Унинг тақдимномасига кўра,

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т., 1998. 143-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1991. № 11. 38-м.



Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинландилар.

Миллий хавфсизлик хизматининг Раиси Ўзбекистон Республикаси қонунларида республика вазирлигига берилган ҳуқуқлардан фойдаланади. МХХ, амалдаги буйруқлар ва кўрсатмаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган оператив қидирув ва бошқа хил хизмат фаолиятини амалга оширади.

МХХ Раиси ва унинг ўринбосарлари ўз ҳуқуқлари доирасида Конституция, амалдаги қонунлар, Республика Президентининг фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида буйруқлар, кўрсатмалар ва йўриқномалар чиқарадилар. Миллий хавфсизлик хизмати органлари ишини ташкил этиш масалаларини ҳал этиш учун таркибида Хизмат раиси (Кенгаш раиси), унинг ўринбосарлари ва Хизматнинг бошқа раҳбар ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати кенгаши тузилади. Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Хизмат раиси тасдиқлайди.

Миллий хавфсизлик хизматининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида разведка ва контрразведка фаолияти билан шуғулланиш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органлари:

– разведка ва контрразведка фаолиятини амалга оширадилар; давлат хавфсизлиги манфаатларига тажовуз қиладиган терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб борадилар; Ўзбекистон конституциявий тузумининг ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлайдилар; чет элларда Ўзбекистон Республикасининг дипломатия, савдо ва бошқа расмий вакилларининг хавфсизлигини таъминлайдилар, зарур ҳолларда, Республика фуқароларининг чет элга жўнаб кетишида ва у ерда бўлишида уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этадилар;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари билан ҳамкорликда хизмат қилиш учун республика давлат чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрадилар;

– Ўзбекистон Президентини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини хавфсизлик манфаатларига дахлдор бўлган масалалар юзасидан хабардор қилиб турадилар; Ўзбекистон Президенти, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий, муҳофаа қурилиши ва фан-

техника тараққиёти, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиши учун уларни зарур ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот бериш ва таҳлил қилиш ишларини амалга оширадilar; хавфсизлик манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий жараёнларни ва муаммоларни тадқиқ қиладilar ва олдиндан айтиб берадилар; халқ хўжалиги ва бошқа объектларда давлат сирларини сақлашга оид чоралар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашадilar; тижорат сирларини сақлашда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ёрдам кўрсатадилар;

– хавфсизлик органлари ихтиёрига ўтказилган жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ишларини олиб борадилар; бундай жиноятларни содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қидиришни амалга оширадilar; жиноят содир қилган шахсларнинг ҳисобини юритадилар;

– халқ хўжалиги ва бошқа объектларда хавфсизликни таъминлайдилар;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва юқори бошқарув органларининг қарори бўйича ички ишлар органлари билан биргаликда фуқароларни ҳимоя қилишда, транспорт ва алоқа, аҳоли ҳаётини таъминлаш объектларини, муҳим халқ хўжалиги ва ҳарбий объектларни қўриқлашда, қонунийликни ва ҳуқуқий тартибни тиклашда, оммавий тартибсизликларни, миллатлараро низоларнинг олдини олишда, атом энергетикаси объектларидаги, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларидаги, транспортдаги, саноатнинг муҳофаза тармоқлари объектларидаги ва бошқа муҳим хўжалик объектларидаги йирик аварияларнинг, ҳалокатларнинг ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олишга оид тадбирларни амалга оширишда, табиий офатлар, эпидемиялар, эпизоотик касалликлар, экологик ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг оқибатларини тугатишда; махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда иштирок этишда; уруш даврида миллий хавфсизлик органларининг сафарбарлик тадбирларини таъминлашда; давлат сирларини сақлашга, божхона қоидаларига, қурол ва ўқ-дорилар сотиб олиш ва сақлашга тегишли масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш юзасидан умумдавлат тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашадilar;

– давлат органларининг сўровлари бўйича давлат сирларидан иборат маълумотларни яхши билган шахслар тўғрисида, уларнинг чет элга жўнаб кетаётганликлари ва фуқароликдан чиқишлари ҳақидаги илтимосномалари муносабати билан ахборот тақдим

этадилар;

– миллий хавфсизлик органларининг моддий-техника базаларини ривожлантириш режаларини, кадрлар билан ишлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар; ўз хавфсизликларини таъминлашга оид тадбирларни амалга оширадилар.

Миллий хавфсизлик органларининг фаолияти қонунийлик, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонпарварлик ва байналминаллик принциплари асосига қурилади.

Миллий хавфсизлик органлари ўз фаолиятларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширадилар. Шунингдек:

– Ўзбекистон қонуни билан тергов қилиш миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига ўтказилган жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларни очиш мақсадида, шу жумладан, техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ошкора ва оператив қидирув тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширадилар, олинган маълумотлардан қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фойдаланадилар;

– миллий хавфсизлик органлари зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун фуқароларнинг розилиги билан ошкора ва яширин асосда уларнинг ёрдамидан фойдаланадилар, шу жумладан, фуқароларни кўнгилли асосда хавфсизлик органларининг штатсиз ходимлари сифатида жалб қиладилар;

– чет давлатлар ва чет эл ташкилотлари махсус хизматларининг Ўзбекистонга қарши разведка ва кўпоровчилик фаолиятини, конституциявий тузумга ва республиканинг мустақиллик ҳуқуқига қарши тажовузкорликларнинг пайини қирқиш мақсадида, прокурорни хабардор қилиб, почта жўнатмаларини текширадилар, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмаларидан фойдаланиб, айрим шахсларнинг сўзлашувларини эшитадилар, шунингдек, Ўзбекистон қонуни билан тергов қилиш миллий хавфсизлик органларига берилган жиноятларнинг содир этилаётганлиги ва уларга тайёргарлик кўрилаётганидан далолат берувчи етарли маълумотлар бўлганда, бу чора-тадбирлар натижасида жиноят иши бўйича далил бўлувчи маълумотлар олинганда, бу шахслар томонидан фойдаланиладиган техник алоқа каналларидан ахборот оладилар;

– ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиб ташлаш учун оператив қидирув тадбирларини амалга оширадилар;

– ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда хавфсизликни таъминлаш юзасидан тадбирлар ўтказиш учун бу органларнинг кучи ва воситаларини жалб қиладилар;

– тергов қилиш қонун билан миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига берилган жиноятларни содир қилганликда асосли гумон қилинган ёхуд жиноят содир қилган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, назорат қилиш хавфсизлик органлари зиммасига юклатилган ишлар бўйича бошқа ҳужжатларни текширадилар;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат корхоналарига тегишли алоқа воситаларидан, шошилинч ҳолларда эса фуқароларга тегишли алоқа воситаларидан хизмат мақсадларида монеликсиз фойдаланадилар;

– кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, жамоат бирлашмаларига ёки фуқароларга тегишли (чет давлатлар, халқаро ташкилотларнинг дипломатия вакиллари, консуллик ва бошқа муассасалардан ташқари) транспорт воситаларидан жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этган ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни кузатиш, тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни шошилинч даволаш муассасаларига ётқизиш учун, шунингдек, воқеа содир этилган ёки табиий офат рўй берган жойга етиб бориш учун фойдаланадилар. Пировард натижада хавфсизлик органлари транспорт воситалари эгаларининг талабларига кўра белгиланган тартибда уларга келтирилган зарарни тўлайдилар;

– текшириш қонунда бевосита миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига берилган жиноятларнинг олдини олишда, бундай жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилишда, хавфсизликка таҳдид солувчи фавқулодда ҳолатларда куннинг исталган вақтида фуқароларга тегишли бўлган бошқа хоналарга, корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳудудларига ва биноларига ҳеч қандай монеликсиз кириладилар ҳамда кўздан кечириладилар, сўнгра бир кун муддат ичида қилинган ҳаракатлар тўғрисида прокурорга хабар берадилар;

– Ўзбекистон давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорига кўра, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлашга оид тадбирларни амалга оширадилар; бундай ҳолларда милиция ходимларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар;

– текширилиши қонун билан миллий хавфсизлик органларига берилган жиноятларнинг олдини оладилар. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларни ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг содир этилишига йўл қўймаслик тўғрисида расман

огоҳлантирадилар, кейинчалик бу ҳақда прокурорни хабардор қиладилар;

– қонунда белгиланган тартибда жиноятчиликнинг олдини олиш чораси сифатида ҳибсга олинган шахсларни ва миллий хавфсизлик органлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларни, айрим ҳолларда эса прокурор санкцияси билан ушланган ва ички ишлар органлари, прокурорлар ва судлар томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган ҳолларда ушланган ва қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун тергов ҳибсхоналари ва бошқа хоналарга эга бўладилар;

– ўз ҳуқуқлари доирасида давлат сирлари, махсус алоқа турлари ва шифрлаш ишлари хавфсизлигининг сақланишини қандай таъминлашни, вазирликлар, давлат қўмиталари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, жамоат бирлашмалари органларида, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган бошқа ҳарбий тузилмаларда хавфсизликнинг бошқа масалаларини ҳал этадилар ва назорат қиладилар;

– хавфсизлик манфаатларига дахлдор аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ёзма докладлар (ҳисобот) тақдим этадилар, тегишли чоралар кўришни ва миллий хавфсизлик органларини уларнинг ижроси тўғрисида хабардор этиб қўйишни талаб қиладилар;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудий рўйхатидан ўтмаган маълумотлар билан ёки белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ишловчи, шунингдек, ўрнатилган талабларни бузиб бажариладиган, давлат сирларидан иборат бўлган маълумотларни узатувчи радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тақиқлайдилар;

– вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидан хавфсизликни таъминлаш юзасидан мажбуриятларни ижро этиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда расмий равишда талаб қиладилар ва оладилар;

– миллий хавфсизлик органлари фаолиятига тааллуқли шошилиш тергов ва бошқа маълумотларнинг давлат томонидан сақланишини амалга оширадилар, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилайдилар; ахборот тизимларини ташкил этадилар.

Миллий хавфсизлик органларининг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон қонунига мувофиқ қурол ва махсус воситаларни олиб юриш, сақлаш, қўллаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари Ўзбекистон

Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадилар. МХХ ва унинг ҳудудий органлари ҳақиқий ва шартли номга эга бўладилар.

#### **24.4. Ички ишлар соҳасини бошқариш**

Ички ишлар соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклатилган<sup>1</sup>. Мазкур вазирлик тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган 270-сонли қарори билан тасдиқланган<sup>2</sup>.

Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги низомга асосан ҳамда Конституция ва Мустақиллик декларациясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлайди. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва ҳукуматига бўйсунди.

Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва тугатади. Бу ҳақдаги фармонни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлайди. Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси олдида ўз зиммасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши учун жавоб беради.

Вазирлик ўз фаолиятини сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларидан мустақил тарзда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: республика ички ишлар органлари ишининг стратегик йўналишларини белгилаш, ички ишлар органлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, уни мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-методик ёрдам бериш ва улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш; ички ишлар органлари, Ички ишлар вазирлиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тизимининг фаолиятида қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш,

---

<sup>1</sup> Бу соҳани бошқариш масалалари "Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти" курсида тўлиқ ўтилади.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1991. № 10. 36-м.

жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этиш; фан ва техника ютуқларини, ижобий тажрибани, бошқарувнинг илғор шакллари ва иш усулларини жорий этиш; ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашнинг юқори савияда бўлишини таъминлаш; ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий кафолатини таъминлаш; уюшган жиноятчиликка ва порахўрликка қарши кураш ишларини таъминлаш.

Вазирлик раҳбарликни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, транспортдаги ички ишлар бошқармаси орқали амалга оширади, улар билан ўзаро ҳамкорликда республика ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларига оид ишларни олиб боради. У чет давлатларнинг ички ишлар органлари, давлат ва жамоатчилик институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида алоқалар ўрнатади.

Вазирлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, республика Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг норматив ҳужжатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг марказий ва республика органлари билан ички ишлар органларининг фаолияти соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги битимлар, Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив ҳужжатлари ташкил қилади.

Вазирлик ходимлари Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизмат вазифаларини бажараётганда ўз ҳуқуқлари доирасида ҳаракат қиладилар ва тегишли давлат қонунига мувофиқ жавобгардирлар.

Вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида кўрсатилган ҳуқуқий ҳужжат асосида ва уларни бажариш учун буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради ва қоидалар ўрнатади. Унинг ваколатига киритилган масалаларга оид норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ички ишлар органлари ва ички қўшинлар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Зарур ҳолларда Ички ишлар вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда норматив ҳужжатлар чиқаради. У давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини республикадаги ҳуқуқий тартибнинг аҳволидан ҳамда ички ишлар органларининг уни мустаҳкамлашга, шунингдек, вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга оид фаолиятдан хабардор қилиб туради.

Ички ишлар вазирлиги давлат органларидан, жамоат ташкилотларидан, мансабдор шахслар ва фуқаролардан вазирлик

вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни талаб қилиб олишга ҳақлидир. У ўз фаолиятини республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қиладиган бошқа органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва мувофиқлаштириш асосида амалга оширади.

Вазирлик ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

– ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, кадрлар билан ишлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларга умумий раҳбарлик қилади ва бу ишларни мувофиқлаштиради, методик жиҳатдан таъминлайди;

– жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш республика дастурини тайёрлайди ва амалга оширишда иштирок этади;

– ҳуқуқий тартиб масалалари юзасидан республика қонунларини ишлаб чиқишда қатнашади ва таклифлар киритади;

– ўз ҳуқуқи доирасида ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

– жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича республика тадбирларини ўтказишни кучлар ва воситалар билан бошқаради;

– ички ишлар органларида режалаштириш, назорат қилиш ва ахборот-таҳлилий фаолиятнинг тизимини белгилайди, ташкил этади ва таъминлайди;

– республика маълумот-ахборот фондларини, оператив қидирув ва кадрларни ҳисобга олишни шакллантиради, республика криминалистик ҳисоб-ахборот тизимини тузади, ички ишлар органлари фаолияти масалалари юзасидан давлат статистика ҳисоботини олиб боради;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ички ишлар органларига, ички ишлар органлари ўқув юртларига раҳбарликни амалга оширади;

– жиноятлар ҳамда жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларга жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ва бошқа ҳуқуқий тартибни бузиш ҳолларининг сабабларини ҳамда ана шу хатти-ҳаракатларни содир қилишга сабаб бўлувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

– фуқаролар, давлат, жамоат, қўшма кооператив ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий хуружлардан ҳимоя қилишни ҳамда улар туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини,



порахўрликка, сохта пул яшаш ва валюта операциялари қоидаларининг бузилиши каби жиноятларга қарши курашни таъминлайди;

– оператив қидирув ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

– қонун томонидан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятларга оид суриштирув ва дастлабки терговни ўтказиши;

– тергов ва суддан яшириниб юрган айбланувчи, жазога тортилган, аммо жазони ўташдан бўйин товлаб юрган шахсларни, бедарак йўқолганлар ва қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ички ишлар органлари ташаббуси билан МДХ бўйича қидирув эълон қилинган жиноятчиларни ва бошқа шахсларни қидиришда иштирок этади;

– бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда болаларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш ҳамда вояга етмаганлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боради;

– судларнинг ажримлари, прокурорларнинг қарорлари ва терговчилар ва дастлабки тергов олиб борган шахсларнинг прокурор томонидан қамоққа олиш ҳулосаси тўғрисида рухсатнома берилган қарорларнинг, шунингдек, ижро этиш қонун томонидан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган мажбурловнинг бошқа чораларини қўллаш ҳақидаги қарорларнинг ижросини таъминлайди;

– ҳибсга олинганлар ва ушланганларни қўриқлаб ва кузатиб боришни ташкил этишни таъминлайди;

– озодликдан маҳрум этишга, қонун томонидан ижро этиш ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган жазонинг бошқа турлари бўйича ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ҳукмларининг ижро этилишини ташкил этади;

– жазога ҳукм этилганларнинг ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади, қонунда белгиланган жазони ўташ тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилинишини, жазога ҳукм этилганларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни, улар билан тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этади;

– манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда жазога ҳукм этилганларга умумий таълим ва ҳунар-техника таълими беришни ташкил этади ва амалга оширади;

– жазога ҳукм этилганларнинг хулқ-атвори ва меҳнатга муносабатини ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тарбиялаш воситаларини танлашда яқка тартибда иш олиб боришни таъминлайди, бунда педагогика, психология ва бошқа фанлар

соҳасида эришилган ютуқлардан кенг фойдаланилади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларнинг ишга жойлашуви ва турмушда ўз ўрнини топишига кўмаклашади, уларни қонунга мувофиқ маъмурий назорат қилади, шунингдек, қонунда белгиланган ҳолларда шартли ҳукм этилган ва жазони ўташдан шартли равишда озод этилган шахсларни назорат қилиб боради;

– республика ҳудудида паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлайди, чегара қўшинлари билан биргаликда фуқароларнинг чегара тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади, қонунда назарда тутилган ҳолларда чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига келиш учун рухсатнома беради, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда яшаш ва кўчиш қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб боради;

– қонунга мувофиқ ўқотар ва совуқ қурооллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи заҳарли, наркотик ва радиоактив моддаларни сотиб олиш, ўтказиш, сақлаш ва ташишга қарши кураш олиб боради, ўқ отиш тирлари ва отишма жойларини, қурол-яроғларни тузатиш ва радиотехника корхоналарини, ов ва спорт қурооллари билан савдо қилувчи магазинларни очишни ва уларнинг ишлашини назорат қилиб боради;

– белгиланган тартибда полиграфия ҳамда штампель-гравюра корхоналари очиш, полиграфия асбоб-ускуналарини сотиб олиш, сақлаш ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашни назорат қилиб боради;

– республикада давлат ёнғин назоратини амалга оширади, аҳоли яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларини ёнғиндан сақлашни таъминлайди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ишини назорат қилади ва бошқаради, республика ёнғиндан сақлаш ташкилотларининг биргаликда иш олиб бориш тартибини белгилайди;

– табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда одамларни ва уларнинг мол-мулкани қутқаришда қатнашади, бунда жамоат тартиби сақланишини таъминлайди, давлат мол-мулкани муҳофаза қилишни ташкил этади. Ушбу ишларга аҳолини, шунингдек, транспорт ҳамда корхоналар, ташкилотлар, муассасаларни ва фуқароларга тегишли воситаларни сафарбар қилади;

– авария ҳолатида кечиктириб бўлмайдиган тиклаш ишларини ўтказишда фуқароларни жалб қилишга кўмаклашади;

– ҳуқуқбузарликдан ва бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрган ҳамда

жамоат жойларида оғир аҳволда қолган шахсларга шошилишч ёрдам кўрсатишни ташкил этади;

– шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда йўл ҳаракатини ва автомобиль йўлларида қатновни бошқаришни ташкил этади, вазирликлар, идоралар ва транспорт ташкилотларининг автомобилотранспорт ҳамда шаҳар электр транспорти ҳаракатларининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ўтказилишини назорат қилади;

– корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли автомобилотранспорт воситаларини рўйхатга ва ҳисобга олиб боради, шунингдек, ана шу транспорт воситаларининг техник аҳволини назорат қилиб туради;

– кўчалар, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларининг беҳатар ҳаракат қилишини таъминлайдиган аҳволда бўлишини назорат қилиб боради, улардан фойдаланишда ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солган кўчалар ва автомобиль йўлларининг айрим участкаларида автомобилотранспорт ҳамда пиёдалар қатновини белгиланган тартибда чеклайди ва тақиқлайди;

– корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни, шунингдек, фуқароларнинг уйларини белгиланган тартибда муҳофаза қилишни ташкил этади ва амалга оширади, идоравий қўриқлашни назорат қилади, қўриқлашнинг ишончлилигини ва бу ишларга кетадиган харажатларни камайтириш чораларини кўради;

– ўта хавфли давлат жиноятчиларига қарши кураш ҳамда давлат хавфсизлигини сақлашга доир бошқа тадбирларни ўтказишда миллий хавфсизлик органларига ёрдам беради;

– республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан вазирлик тизими органлари, бўлинмалари, муассасалари ва ташкилотларини белгиланган тартибда маблағ билан таъминлайди;

– ички ишлар органлари шахсий таркибининг касб малакасини ошириш ва интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади, шахсий таркиб томонидан ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи хизматни ўташ ҳақидаги низомлар, уставлар ва йўриқномалар талабларининг бажарилишини таъминлайди;

– белгиланган тартибда ва ўз ҳуқуқлари доирасида ички ишлар органлари шахсий таркибига махсус унвонлар беради;

– ички ишлар органларига улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фаол кўмаклашган, вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатган кўрсатган ходимларини ва фуқароларини белгиланган тартибда кўкракка тақиладиган нишонлар ва фахрий

ёрлиқлар билан тақдирлайди, шунингдек, рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллайди;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўчалар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳудудини, шунингдек, меҳнаткашлар дам оладиган шаҳардан ташқари жойлар ва чўмилиш ҳавзаларида санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб боради;

– эпидемиялар ва эпизоотияларга қарши курашда, табиатни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов қилиш ва балиқчилик қоидаларининг бузилишига қарши курашда, карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам беради;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида санитария назорати ва буғ қозонлари назорати ишини ташкил этади;

– ўз ҳуқуқи доирасига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

– жамоат бирлашмалари, ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб боради;

– «Постда», «На посту» газеталарини нашр этади;

– ўз ҳуқуқи доирасида ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаролар муҳофазаси тадбирларини амалга оширади;

– фуқаролардан тушган таклифлар ва аризаларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди;

– бошқа республикаларнинг ички ишлар органлари билан миллатлараро муомала тилида (рус тилида) ёзма ва бошқа алоқалар ўрнатади;

– икки томонлама ва кўп томонлама битимларнинг шартларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Вазир бошчилиги қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири:

– республика ички ишлар органлари ва муассасалари тизимига умумий раҳбарликни таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг тасдиғига вазирликнинг марказий аппарати ва унинг жойлардаги органлари тузилмалари, ходимлари сони нормативлари, уларни маблағ, моддий-техника билан таъминлаш, зарур комплекслар, бинолар қуриш ва янгидан тузиладиган ҳарбийлаштирилган бўлинмаларни жойлаштириш юзасидан таклифлар киритади;

– ажратилган пул маблағи доирасида вазирлик аппарати ва ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилишини тасдиқлайди;

– ички тузилмаларнинг бўлинмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди;

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, ташкилотларда, муассасалар, корхоналар, жамоат бирлашмаларида, меҳнат жамоалари, аҳоли билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда вазирлик номидан вакиллик қилади;

– Ички ишлар вазирлиги тизимининг ўқув юртларига раҳбарлик қилади;

– ички қўшинлар ва ўқув юртларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

– милиция, ички қўшинларнинг соқчилик ва махсус моторлаштирилган қисмларига нисбатан катта оператив бошлиқ ҳисобланади;

– жазони ижро этиш муассасаларида оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун соқчилик қисмларининг куч ва воситаларидан фойдаланади, жамоат тартибини сақлаш ва тасарруфидаги ҳудудда кескин вазиятларда ўз вазифаларини бажариш учун милициянинг махсус моторлаштирилган қисмларини жалб этади;

– вазирликка берилган ҳуқуқлар доирасида буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради, уларнинг бажарилишини текширишни ташкил этади;

– вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентига ички ишлар органлари юқори бошлиқлар таркибига унвонлар бериш ҳақида тақдимнома киритади;

– милиция полковниги, ички хизмат полковнигигача бўлган ички ишлар органлари бошлиқлари таркибига кирувчи шахсларга дастлабки ва навбатдаги махсус унвонлар беради;

– ички ишлар органларининг полковниккача бўлган бошлиқлар таркибига кирувчи шахслар эгаллайдиган лавозимлар рўйхатини белгилайди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вазирликнинг марказий аппарати ва унинг органларидаги генераллар эгаллайдиган лавозимлар рўйхатини киритади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентига ички ишлар органлари ходимларини ва ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларини Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медаллари билан мукофотлаш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини ва

ёрлиқларини бериш ҳақида таклифлар киритади, белгиланган тартибда ички ишлар органларининг ўзини кўрсатган ходимларини ва улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларига фаол кўмаклашган фуқароларни рағбатлантиради;

– ўз ҳуқуқи доирасидаги бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

– вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва ўз функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари ички ишлар вазирининг тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ, Вазир ўринбосарлари вазирлик фаолиятининг муайян йўналишлари бўйича раҳбарликни амалга оширадilar. Вазирнинг топшириғига кўра, унинг ўринбосари ўз ҳуқуқи доирасида буйруқлар ва кўрсатмалар чиқаради.

Вазифаларни келишилган ҳолда ҳал этиш ва функцияларни амалга ошириш учун вазирликда ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркибига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, вазирлик ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг, Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаларининг раҳбарлари (улар ички ишлар вазирининг тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади).

Ҳайъат қарорларини Вазир имзолайди ва уларни ички ишлар органларининг бажариши мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик ҳайъати бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қарорлар қабул қилиши мумкин. Шундай ҳолларда қабул қилинган қарорлар одатда Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг буйруқларига кўра ҳаётга татбиқ этилади. Ҳайъатнинг иш тартибини ички ишлар вазири белгилайди.

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини, уларни илмий, ижтимоий ва моддий-техник ривожлантириш, кадрлар билан таъминлаш, бошқарув қарорлари ва тавсияларини келишилган ҳолда ишлаб чиқиш масалаларини комплекс ҳал этиш учун вазирликда кенгашлар ва комиссиялар тузилади. Унинг аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, вилоят ҳокимияти ички ишлар

бошқармаларининг, Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаларининг, ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг вакиллари тайинланиши мумкин.

Кенгашлар ва комиссияларнинг таркибини, шунингдек, улар ҳақидаги низомларни Вазир тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ички ишлар органлари ходимларининг сони, шунингдек, уларни сақлашга ажратилган маблағлар миқдорини мамлакат ҳукумати тасдиқлайди. Вазирлик марказий аппаратининг тузилмаси, штатлари, ходимларининг моддий-техник ва ижтимоий-маиший таъминоти, шунингдек, ички ишлар органларининг тузилмаси ва штатларини Ўзбекистон ички ишлар вазири уларнинг сони ва уларни сақлашга ажратилган маблағлар доирасида белгилайди. Ички ишлар органларининг моддий-техник ва ижтимоий-маиший аҳволини ички ишлар вазири республика Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда белгилайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини Ўзбекистон ҳукумати белгилайди.

Вазирликнинг марказий аппарати ички ишлар органлари бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар ҳамда ўзининг шахсий, маънавий ва касб фазилатларига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир хизматчилар билан тўлдирилади. Вазирлик марказий аппарати ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг хизматни ўташ тартиби ва шартлари ички ишлар органлари оддий ва бошлиқлар таркибининг хизматни ўташи ҳақидаги низом билан белгиланади.

## **24.5. Солиқ соҳасини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунига асосан, Давлат солиқ хизматининг органлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг (бундан буён матнда солиқлар дейилади) тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш мақсадида тузилади<sup>1</sup>.

*Солиқ назорати* солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 232-м.

ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган субъектлар ва объектларни ҳисобга олиш, солиқларга доир текширувлар ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўраб-суриштириш воситасида ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий тузилмаларга эга бўлган махсус назорат-тафтиш бўлинмаси тузилиб, у давлат солиқ хизмати органларида солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш соҳасида фаолият олиб боради.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг маҳаллий шаклидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар. Уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органларининг *асосий вазифалари* қуйидагилардан иборат:

– солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

– солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқларга оид мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш, солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

– солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

– солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт



операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва ахборот олиш;

2) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тааллуқли ахборот, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

3) белгиланган тартибда: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензияларини, патентлари ёки рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилганлигига оид материалларни мазкур фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга топшириш;

4) кассаларни ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳраб қўйиш, товарлар, буюмлар, хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни текширишга, тадқиқ қилишга ва экспертизага юбориш;

5) савдо қоидаларига, товарларни бериш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

6) юридик ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, даромад (фойда) олиш учун фойдаланадиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан, алоҳида тартибдаги корхоналарни) текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхатга олиш. Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказётган мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари ҳақидаги ахборот) асосида ёки солиқ тўловчиларга солинадиган бошқа шунга ўхшаган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар;

7) юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказиш ёки давлат солиқ хизмати органлари

мансабдор шахсларининг даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришини рад этса, солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

10) солиқлар борасида қонунбузарлик фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;

11) солиқ тўлашдан бўйин товлайдиганлардан жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундириб олиш;

12) юридик ва жисмоний шахсларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромади ҳисобига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво кўзғатиш;

13) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш юзасидан амалга ошираётган ишларни тўхтатиш ҳақида таклифлар киритиш;

14) даромадлар (фойда) ёки солиққа тортиладиган бошқа объектларни яшириш ҳоллари аниқланганда қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жиноят ишлари қўзғатиш ва уларни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш.

1–7-бандларда назарда тутилган ҳуқуқлар давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига, 8–14-бандларда назарда тутилган ҳуқуқлар эса фақат давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қуйидаги *мажбуриятларни* бажаришлари шарт:

1) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, барча қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари;

3) солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чиқилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлашлари;

4) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома материаллари, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ва нашр этишлари;

5) солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари;

6) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижаларини маълум қилишлари;

7) солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказишлари;

8) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритишлари;

9) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари;

10) солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текширишлари;

11) юридик шахс ва жисмоний шахсларга уларнинг солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш (индентификациялаш) тартиб рақамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришлари;

12) мусодора қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналар, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари, уларни баҳолашлари ва уларнинг реализация қилинишини назорат этишлари;

13) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколати доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судга оширишлари;

14) юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳамда экспорт-импорт

операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилишлари;

15) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга тааллуқли маълумотларнинг махфийлигига риоя этишлари;

16) ўзларига бўйсунадиган бўлинмалар фаолиятини назорат қилишлари.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чоратadbирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларига хабар қиладилар, шунингдек, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборот алмашиб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида солиққа тортиш субъектлари ва объектлари, солиқ базасини белгилаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини тушунтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қабул қиладиган умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимиятининг вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш хусусидаги талабларини барча юридик ва жисмоний шахслар бажаришлари шарт.

Ҳеч ким давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашшишга ҳақли эмас. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат

вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилиқ кўрсатиш, таҳдид қилиш, зўрлик ишлатиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг раисини Республика Президенти фармон чиқариб тайинлайди, сўнгра Олий Мажлис ушбу фармонни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаларининг, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқларини ҳукумат тайинлайди. Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, ушбу бошқармалардаги бўлимларнинг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига эғаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 1- даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 2-даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 3-даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 1-даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 2-даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 3-даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг 1-даражали инспектори;
- солиқ хизматининг 2-даражали инспектори;
- солиқ хизматининг 3-даражали инспектори;
- солиқ хизматининг инспектори.

Махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартибини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Иқтисодиёт ва солиққа оид жинойтларга қарши кураш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жинойтларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 6 июль қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси ҳузурида Солиққа оид

жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди<sup>1</sup>. Валюта соҳасида йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ва жиноятларнинг ушбу орган фаолиятдан четда қолаётганлигини инобатга олиб, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 ноябрь қарори қабул қилинди<sup>2</sup>. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига айлантирилди.

Ушбу органнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

– солиқ ва валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

– солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчилар тўлиқ қамраб олиниши ва ҳисобга олиниши, нақд пул маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишига барҳам бериш;

– экспорт, бартер ва консигнация контрактлари бўйича валюта маблағларининг хориждан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини назорат қилиш;

– хорижий нақд валютанинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш;

– валюта алмаштириш операциялари соҳасида суиистеъмолликлар ва бошқа қонун бузилиши ҳолларини аниқлаш, уларни бартараф этиш;

– республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

– миллий ва хорижий валютадаги тўловларнинг асосланганлигини, ҳисоб ва ҳисоботнинг тўлиқлигини ва ҳолислигини текшириш;

– хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланиши, четга чиқиб ва яшириб қолинишининг мавжуд механизмлари ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. № 13. 88-м.

<sup>2</sup> Ўша манба. 2002. № 22. 182-м.

йўлларини, уларнинг ноқонуний айланишини, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш, бош тортиш ҳолларини, «яширин» иқтисодиётни шакллантириш йўлларини, коррупция ҳолларини аниқлашга қаратилган самарали оператив-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда ўтказилаётган хорижий валютадаги операциялар тўғрисидаги ахборотни йиғиш, улар билан ишлаш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш;

– валюта соҳасидаги қонун бузилишлари ва уларни содир қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш ва маълумотларнинг компьютер базасини яратиш;

– норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало, солиққа оид ҳуқуқ бузишларининг олдини олиш ва профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

солиқ тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятлар содир этганлик учун жазонинг муқаррарлигини тушуниши учун аҳоли ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш.

Департамент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармалари, шунингдек, туман (шаҳар) прокуратуралари ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш туман (шаҳар) бўлимларидан иборат тизимга эга.

Департаментга лавозимига кўра Бош прокурорнинг ўринбосарига тенглаштирилган ва Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланадиган Департамент бошлиғи бошчилик қилади.

## **24.6. Божхона соҳасини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 27 август қонунига асосан, божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган.

*Божхона назорати* Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тadbирлар мажмуидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат

божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларидир.

Божхона органлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз фаолиятларини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар. Уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланади, давлат бюджети маблағларидан таъминланади ва қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

3) божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

4) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

5) божхона тўловларини ундириш;

6) божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

7) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

8) ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

9) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

– юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек, зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

– валюта назоратини амалга ошириш;



– молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

– божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

– божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

– божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

– божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

– суриштирув ўтказиш ва оператив қидирув фаолиятини амалга ошириш;

– божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Божхона органлари:

– ягона давлат божхона сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этишга;

– божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга;

– давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширилишига кўмаклашишга;

– божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича белгиланган тартибда методик кўрсатмалар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этишга;

– юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишга;

– фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномаларни (лицензияларни) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришга;

– ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлиб қолган давлат сири ва тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмасликка мажбурдирлар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар божхона назоратини амалга ошириш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда божхона органларига кўмаклашишлари шарт.

Божхона органлари, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, бошқа органлар ва ташкилотлар билан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашадилар. Ушбу органлар ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар тегишли вазирликлар, идоралар билан келишилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатларига кирадиган айрим ҳаракатларнинг бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишига йўл қўядилар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари:

– хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги мажбуриятларнинг божхона тўловларига оид қисмининг бажарилишига оид божхона органларининг хулосасига биноан ана шу субъектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишлари мумкин;

– ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарима суммаларини хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг сўмдаги маблағлари етишмаса-ю, валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлса, божхона органларининг тақдимномасига биноан мазкур валюта

маблағларини валюта биржасида сотиш кунисидаги курс бўйича бюджет олдидидаги қарзни қоплаш учун зарур ҳажмда сотадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг айби билан божхона тўловлари ва жарима суммаларини тўлаш кечиктирилган бўлса, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ёки божхона органларининг божхона тўловларини ўтказиш ёки қайтариш тўғрисидаги топшириқлари банк ёки молия-кредит муассасаларининг айби билан бажарилмаган бўлса (бажариш кечиктирилган бўлса), хўжалик субъектларидан, банк ёки молия-кредит муассасаларидан белгиланган тартибда пеня (жарима) ундирилади.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланадилар ва уларнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасидаги талабларини барча юридик ва жисмоний шахслар бажаришлари шарт.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашшга ҳеч ким ҳақли эмас. Уларнинг қонуний талабларини бажармаслик, ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид, зўрлик қилиш ёки уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзларига бириктирилган табель қуролини ҳамда махсус воситаларни сақлаш, олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Божхона органларида хизматни ўташ, божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартибини Ўзбекистон ҳукумати белгилайди.

Давлат божхона қўмитасининг раисини Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз фармони билан тайинлайди, кейинчалик фармонни Олий Мажлис тасдиқлайди. Раис ўринбосарлари, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона мажмуалари бошлиқларини, Ўзбекистон раиснинг тақдимномасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдилар.

Божхона органларининг мансабдор шахсларига уларнинг эгаллаб турган лавозимларига ҳамда неча йил ишлаганликларига қараб қуйидаги махсус унвонлар берилади:

- кичик бошлиқлар таркиби – божхона хизмати старшинаси;
- ўрта бошлиқлар таркиби – божхона хизмати кичик лейтенанти, божхона хизмати лейтенанти, божхона хизмати катта лейтенанти, божхона хизмати капитани;
- катта бошлиқлар таркиби – божхона хизмати майори, божхона хизмати подполковниги, божхона хизмати полковниги;
- олий бошлиқлар таркиби – божхона хизмати генерал-майори, божхона хизмати генерал-лейтенанти, божхона хизмати генерал-полковниги.

Махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш тартибини ҳукумат белгилайди.

## 24.7. Адлия соҳасини бошқариш

Адлия соҳаси мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»<sup>1</sup> 1992 йил 8 январь фармониغا асосан бошқарилади.

Адлия соҳасини бошқарувчи органларининг тизими қуйидагича: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 март қарорига асосан, вазирлик ҳузурида махсус ваколатли орган – Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари (бўлимлари) ташкил этилган, «Адолат» нашриёти иш олиб боради, «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси нашр этилади.

Департаментга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лавозимга тайинлайдиган Департамент директори – Адлия вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- судларни ташкил этиш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Президентининг муҳокамасига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 2. 98-м.

киритиш;

– тегишли судьялар малака ҳайъатлари тавсияномалари асосида кадрларни танлаш ва судья лавозимларига тавсия этиш масалаларини ҳал этиш учун зарур материалларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш, комиссия топшириғига биноан судларни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни бажариш;

– қабул қилинган суд қарорлари, шунингдек, бошқа органлар қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш, суд ижросиси, суд мажлисининг котиби кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этишга оид ишларни амалга ошириш;

– суд амалиёти ва суд статистикасининг таҳлилини амалга ошириш;

– судларни моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилиш;

– халқ маслаҳатчилари сайловларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

– судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил қилиш.

Вазирлик ўз фаолиятини тегишли низомга асосан ташкил этади. Низомга мувофиқ, мамлакат Адлия вазирлиги: Ўзбекистонда ҳуқуққа доир сиёсатни ўтказишда республика давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради; республика органлари билан биргаликда Ўзбекистон давлати ҳамда унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди; тегишли ҳуқуқий масалаларни ечиш, Республика Президентининг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш чоғида Президент манфаатларини ифодалайди.

Ўзбекистон Адлия вазирлиги мана шу вазифаларни амалга ошириш учун бошқа республикалар ҳамда хорижий давлатларнинг тегишли давлат органлари ва юридик муассасалари билан, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб боради ҳамда шартномалар ва битимлар тузади. Адлия вазирлигининг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган:

– давлат ва хўжалик органлари учун ҳуқуқий хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил

қилиш, шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятига рухсатномалар бериш;

– вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг ўз ҳуқуқлари доирасида қабул қиладиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиёрига ўтказилган масалаларга доир қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлис Раёсатига тақдим этиш;

– давлат нотариал идораси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналарига ташкилий раҳбарлик қилиш.

Мамлакат Адлия вазирлигига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ягона ҳуқуқий сиёсат ўтказиш мажбурияти юкланган.

## **24.8. Ташқи ишлар соҳасини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлари унинг ташқи сиёсатида, давлатларнинг суверен тенглигига, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмасликка, чегараларнинг дахлсизлигига, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси).

Давлатнинг ташқи ишлар функциясини амалга ошириш ана шу соҳани бошқариш демақдир. Бу соҳада Ўзбекистон Олий Мажлиси:

1) республика ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва давлат стратегик дастурларини қабул қилади;

2) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлайди) ва денонсация (барвақт тўхтатади) қилади.

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти эса:

4) халқаро муносабатларда республика номидан иш кўради;

5) музокаралар олиб боради, шартномалар ва битимларни имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини

таъминлайди;

6) ўз хузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади; республиканинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) халқаро аҳвол хусусида республика Олий Мажлисига ҳар йили маълумотнома тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилини тайинлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради.

Ташқи ишлар соҳасини бошқариш тизимига Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хорижий давлатларда фаолият кўрсатувчи дипломатик ваколатхоналари киради.

Ташқи ишлар вазирлиги: шартнома ва битимларнинг лойиҳасини тайёрлайди, чет давлатларнинг элчиларини қабул қилади; чет давлатлар билан тузилган шартномалар ва битимларнинг бажарилишига раҳбарлик қилади; давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларига шартнома ва битимларда кўрсатилган ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ёрдам беради; улар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади; республикадан фуқароларнинг кетиши ва унга келиши масалаларини ҳал этади ва ҳоказо.

Дипломатик ваколатхоналар: чет давлатларда республика номидан шу давлат органлари билан музокара олиб боради; шу давлатда бўлган республика фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади; шу давлат тўғрисида ахборот тўплайди; иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади, шу давлатда фаолият кўрсатаётган республика муассасалари ва ташкилотларининг ишини назорат қилиб туради; республикага келиш учун хорижий фуқароларга виза (рухсатнома) беради ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари учун бошлиқларни тайинлаш ҳамда уларни чақириб олиш тартиби 1992 йил 3 июлда қабул қилинган қонунга асосан<sup>1</sup> ҳамда дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 йилги Вена Конвенциясига, шунингдек, бошқа умум эътироф этган халқаро

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 349-м.

нормаларга мувофиқ белгиланади. Чет давлатлардаги дипломатик ваколатхонанинг бошлиғи Ўзбекистон Президентининг фармони билан тайинланади ва чақириб олинади. Бу лавозимга номзод тўғрисидаги таклифни республика Ташқи ишлар вазирлиги киритади.

Республика Президенти маъқуллаган дипломатик ваколатхона бошлиғининг номзодини Ташқи ишлар вазирлигининг ваколатхонаси жойлашган мамлакат ташқи ишлар вазирлигига (ёзма) тақдим этиб, унинг розилигини (агреман) сўрайди ва бу мамлакатнинг расмий розилиги олинганидан кейин тайинланади.

Ваколатхона жойлашган мамлакатдан жавоб олингунча дипломатик ваколатхона бошлиғи лавозими номзодлигига оид маълумотлар махфий ҳисобланади.

Фавқулодда ва Мухтор элчи ёки Фавқулодда ва Мухтор вакил тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунга қадар Ташқи ишлар вазирлиги унга борадиган давлатнинг раҳбарига топшириш учун Ўзбекистон ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқланадиган ишонч ёрлиғини тайёрлайди. Республиканинг Ишончли вакилига тегишли мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлиги номига ёзилган мактуб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا биноан қуйидаги ҳолларда чақириб олинади:

- а) дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи алмаштирилганда;
- б) дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда;
- в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда;
- г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;
- д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари Ташқи ишлар вазирининг буйруғи билан тайинланади ва чақириб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатик даражалар ва мартабалар белгилаш тўғрисидаги 1992 йил 3 июль қонунига асосан, дипломатия муносабатлари тўғрисидаги 1961 йилги Вена Конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даражалари ва мартабалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг 3 даражаси белгиланган:



- чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор элчи;
- чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор вакил;
- чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли вакил.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги дипломатик мартаба – Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланган:

- Фавқулодда ва Мухтор элчи;
- Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил;
- Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил.

#### **24.9. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасини бошқариш**

Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришуви туфайли кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқаларга катта аҳамият берилмоқда.

Республика Президентининг 1992 йил 21 февралдаги фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 21 октябрь фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси таши иқтисодий алоқалар агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисида»ги низомга<sup>1</sup> мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига Олий Мажлис қарорларига, республика Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига, халқаро шартномаларига амал қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 20. 159-м.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш ва уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда қатнашди;

– миллий иқтисодиётнинг рақобатбордошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда уни жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялаш бўйича шарт-шароитлар яратиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

– республиканинг экспорт салоҳиётини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш;

– мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари товарларининг ташқи бозорларга кириб бориш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

– хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Агентлик тизимини Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари ташкил этади. Бундан ташқари Агентлик тизимида қуйидаги органлар фаолият кўрсатади. «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўرғазма маркази, «Ўзинкомцентр» Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази, «Ўзбектенлерконсалтинг» агентлиги, «Ўзбекэкспертиза» республика хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси «Халқаро ҳамкорлик маркази» акциядорлик жамияти, «Интерсервис» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо бирлашмаси, «Интерқурилиш» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо фирмаси «Ҳамкор-Деловой партнёр» газетаси.

## **XXV боб. Тармоқлараро соҳаларини бошқариш**

### **25.1. Иқтисодиёт ва статистика соҳаларини бошқариш**

Иқтисодиётга бозор механизми ва усулларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 24 декабрь фармонида асосан, республика Макроиқтисодиёт ва статистика

вазирлиги тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил этилди<sup>1</sup>.

Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига юклатилди:

– макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишини таъминлаш;

– кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

– бой табиий ва минерал-хомашё захираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлидаги таркибий сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш;

– янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқилона банд қилиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмуш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш;

– мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ривожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлаштиришни таъминлаш.

Ўзбекистонда статистика соҳасини бошқариш республика Президентининг юқорида қайд этилган фармониغا асосан ташкил этилган Давлат статистика қўмитасига юклатилган. Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь қонунига мувофиқ ва қўмита ҳақидаги низом асосида амалга оширади.

Мамлакат Давлат статистика қўмитасининг зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилган:

– статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий халқаро талаблар ва андозаларга мос

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002. № 12. 231-м.

келадиган статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

– илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий принцип-ларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш;

– статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишонч-лилиги ва ҳолислигини таъминлаш, статистика ахборотини олиш бемалоллиги, унинг очиклиги ва ошкоралигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– статистик ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувларга йўл қўймайдиган статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш;

– статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда уларни статистика ахборотини тезкор узатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий компьютер ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини яратиш ва ахборот тизимини янада ривожлантириш;

– корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрини, иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини юритиш.

Иқтисодиёт ва статистика соҳасида фаолият кўрсатувчи қуйи органлар *тизими* Қорақалпоғистон Республикасида – Иқтисодиёт вазирлиги ва статистика бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида – Иқтисодиёт бош бошқармалари ва статистика бошқармалари, шаҳар ва туманларда – иқтисодиёт бўлимлари ва статистика бўлимларидан иборат.

## **25.2. Молия, нарх белгилаш ва кредит соҳаларини бошқариш**

Мазкур соҳаларни бошқаришда Ўзбекистон Олий Мажлиси, республика Конституциясига асосан, бож, валюта ва кредит ишларининг қонунийлигини тартибга солиш, республика бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ҳуқуқига эга.

Бу соҳада Вазирлар Маҳкамаси республикада пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, шунингдек, республика бюджетини ишлаб чиқади ва Олий Мажлис қабул қилгандан кейин унинг ижросини ташкил этади.

*Молия соҳасини* бошқарувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар, шаҳарлар ва туман ҳокимиятларига бўйсунувчи молия бошқармалари (бўлинмалари)дан иборат.

Бу органлар таркибидаги молия бошқармалари (бўлинмалари) вазирликлар, қўмиталар ва бошқа органлардаги молиявий фаолиятни амалга оширади.

Келишилган ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини амалга ошириш республика иқтисодиётининг молиявий соғломлашувини таъминлаш, бошқарувнинг бозор муносабатлари шароитида нарх-навои тартибга солишнинг иқтисодий усуллари аҳамиятини кучайтириш мақсадида 1992 йил 11 февралда мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш тўғрисида»<sup>1</sup>ги фармони эълон қилинди. Бу фармонга кўра, республика ҳудудида нархларга доир давлат сиёсатини юритиш республика Молия вазирлигига топширилди.

Мазкур фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

– республика ҳудудида ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини шакллантириш ҳамда юритиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг барқарор молиявий негизини вужудга келтириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

– молия ва нарх белгилашнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишнинг молиявий жиҳатларига оид таклифлар ишлаб чиқиш;

– валюта молия сиёсатининг асосий қоидаларини, республиканинг валюта бойликларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

– узоқ муддатли молиявий нормалар ва нормативлар асосида республика бюджетини тузиш ва ижро этиш, йиғма молиявий балансини ишлаб чиқиш;

– нархлар ва тарифларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш чораларини амалга ошириш, уларни эркинлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиш.

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида молия ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 4. 195-м.

нарх илмий-тадқиқот институти ташкил қилинган.

Мамлакат кредит тизими Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Марказий банк тўғрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ушбу банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, банклар фаолиятини тартибга солиш ва уларни назорат қилиш, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат захираларини сақлаш ва тасарруф этиш, давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат. Марказий банк молиявий ёрдам кўрсатиш, тижорат фаолияти билан шуғулланишга, Марказий банк фаолиятини таъминловчи корхоналар ва ташкилотларни тузишда иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахслар капиталида қатнашишга ҳақли эмас.

Марказий банкнинг олий органи унинг бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий бўлимлари раҳбарлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига асосан, банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Марказий банк қуйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

- банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;
- таъсис ҳужжатларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;
- бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги;
- муассислар молиявий ва маблағларнинг манбалари эълон қилинмаганлиги;
- банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;
- банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига

номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органларидир. Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланиб, у банк кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳукуматнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини амалга оширувчи ташқи иқтисодий фаолиятига хизмат кўрсатишни таъминловчи ва валюта маблағларини жамловчи ихтисослаштирилган банкдир.

Ушбу банк, республика Марказий банки ва ҳукуматнинг топшириғига биноан, экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради, Ўзбекистон Республикасига чет эл валютасида етказиб берилмаётган ва республика чет эл валютасида олаётган давлат заёмлари ва кредитлари юзасидан хизмат кўрсатади, халқаро валюта-кредит бозорларида операциялар бажаради, контракт (шартнома) шартларини бажариш вақтида чет эл банклари, концернлари, фирмалари ва бошқа шерикларнинг айби билан олинмай қолган маблағларни ундиришга кўмаклашади, ҳукуматлараро битимларни, тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади ва ҳоказо.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон ҳукумати тасдиқлайдиган ва республика Марказий банки рўйхатга оладиган ўз устави асосида амал қилади.

Тижорат (акция, пай асосида ва хусусий) банклар юридик ва хусусий шахсларга қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизмат кўрсатиш орқали шартнома асосларида кредит, ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизмати кўрсатадилар.

Республика, минтақа дастурлари ва ўзга дастурларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва шароитларда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин. Бундай банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан тегишли рухсатнома олгандан кейин чет эл валютасида операцияларни амалга оширишлари мумкин.

### 25.3. Давлат мулкни бошқариш

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»<sup>1</sup> қонунига асосан, давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш режалаштирилган, шунингдек, фуқаролар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини сотиб олиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунини ижро эта бориб ҳамда республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида, 1994 йил 7 февралда мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу қонунга биноан, ушбу қўмита Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига ва Олий Мажлисига ҳисобот беради.

Юқоридаги фармонга мувофиқ, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси:

– кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиради ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ягона сиёсатни ўтказиши, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда устувор йўналишларини белгилайди;

– давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнига ташкилий ҳамда методик жиҳатдан раҳбарлик қилади, тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

– давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилади, давлат мулки объектларини бошқа мулкчилик шакллариغا айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 1. 43-м.



ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сарф этади;

– давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида хорижий сармояларни жалб этади, шунингдек, улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва шакллари белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг, унинг жойлардаги органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва маҳаллий ташкилотлар, бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

#### **25.4. Стандартлар ва ўлчов воситаларини бошқариш**

Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 апрелдаги 211-сонли қарори билан тасдиқланган низом<sup>1</sup> асосида амалга оширилади.

Мамлакат ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан стандартлар<sup>2</sup> ва метрологик қоидаларнинг, ўлчов birlikларининг ўз вақтида жорий қилиниши ва уларга риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, стандартлар ва ўлчов воситаларининг илмий-техник даражаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш самарадорлигини, фан-техника даражасини ва сифатини ошириш мақсадида фан ва техника ютуқларидан самаралироқ фойдаланишга кўмаклашиш Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратининг бош вазифаси ҳисобланади.

Ушбу назоратни Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази, стандартлаш, метрология ва сертификациялашнинг минтақавий маркази амалга оширади.

Мазкур орган ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Т., 1992. № 4.

<sup>2</sup> Стандартлар деганда, белгиланган тартибда тасдиқланган техник шартлар ва намуналар (эталонлар) ҳам тушунилади.

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида, ушбу орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 3 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига айлантирилган.

Давлат доривор воситаларнинг давлат фармокопияси ёки техник шартлар талабларига мувофиқлигини белгиланган тартибда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали назорат қилади.

«Ўздавлатстандарт»нинг бош директори, лавозимига кўра, айти бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат олиб борувчи давлат назоратчиси, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикасининг стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат олиб борувчи бош давлат назоратчисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

«Ўздавлатстандарт»нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлардаги стандартлаш, метрология ва сертификациялаш минтақавий марказларининг директорлари лавозимлари бўйича айти вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарларнинг стандартлар ва ўлчов воситалари бўйича назорат олиб борувчи бош давлат назоратчилари, уларнинг ўринбосарлари эса Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, шаҳарларнинг стандартлар ва ўлчов воситалари бўйича назорат олиб борувчи бош давлат назоратчисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифаси топширилган «Ўздавлатстандарт» бўлимларининг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, мансабдор шахслари лавозимлари бўйича айти вақтнинг ўзида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назоратнинг давлат назоратчилари ҳисобланадилар.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар давлат назоратчиси ёки давлат текширувчиси сифатида «Ўздавлатстандарт» белгиланган тартибда аттестациядан ўтган бўлишлари керак.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат органлари:

а) стандартлар ва метрологик қоидаларни, шунингдек, одамларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, бир-бирига монандлик ва бир-бирини алмаштира олишга нисбатан мажбурий талабларни белгиловчи стандартлар ва метрологик қоидаларни ўз вақтида жорий қилишни ва уларга риоя қилинишини назорат қилади;

б) физик катталикларнинг белгиланган birlikлари тўғри қўлланишини, ўлчов воситаларининг аҳволини, уларни тайёрлаш, сақлаш, тузатиш, текшириш ва қўллаш шароитларини, эскириб қолган ўлчов воситаларини ишлаб чиқаришдан ўз вақтида олиб ташлашни ва уларнинг янгисига алмаштирилишини текширади;

в) стандартлар ва метрологик хизматларнинг идоравий хизматлари ишини назорат қилади;

г) маҳсулотлар сифати бўйича назорат ва бошқа ташкилотларнинг стандартлар ва уларга риоя этиш юзасидан назорат ўрнатиш бўйича фаолиятларига методик раҳбарлик қилишни амалга оширади ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириб боради;

д) сертификация синовларининг тўғри олиб борилаётганлигини назорат қилади;

е) ишлаб чиқариш корхоналари сертификация қилинган маҳсулотларни, сифат тизимини аттестациядан ўтказиш шартларига қандай риоя қилинаётганлиги устидан назорат ўрнатади;

ж) ўз корхоналарида яратилган маҳсулотларнинг айрим турларини лабораторияларда синаб кўради;

з) стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати натижаларини умумлаштиради, уларни ишлаб чиқаришда фан ва метрологик қоидаларнинг бузилиши сабабларини таҳлил қилади, стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати органлари ишининг таъсирини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқади ва ўтказади;

и) ўлчов воситаларини давлат синовидан, метрологик аттестациядан ва давлат текширувидан ўтказади;

к) агар стандартлар, метрология қоидалари ва техник шартлар маҳсулотларнинг техник даражасини ва сифатини оширишни таъминламаса ёки амалдаги қонунларга зид бўлса, уларни бекор қилади ёки бекор қилиш, амалда бўлиш муддатларини чегаралаш тўғрисида таклифлар киритади;

л) стандартларни ва техник шартларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишда уларни экспертиза қилади;

м) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўлчов

воситаларини тайёрлаш, тузатиш ва текшириш бўйича ишларни бажаришга доир тайёргарликларни текширади, агар улар тайёр бўлса, уларга кўрсатилган ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш гувоҳномалари беради;

н) вазирликлар, идоралар, компаниялар ва концернларнинг бош ташкилотларини ишлаб чиқариш-техник ва маданий-маиший мақсадда маҳсулотларнинг муҳим турларини давлат синовидан ўтказиш бўйича аттестациядан ўтказди ва уларга бириктирилган маҳсулотлар бўйича ушбу синовларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш гувоҳномаларини беради;

о) стандартлар ўлчов воситаларини жорий этиш ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш жараёнида аниқланган бузилишларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўради.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назоратнинг бош давлат инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ва давлат назоратчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) вазирликлар, идоралар, компаниялар, концернлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан стандартларни ва метрология қоидаларини жорий этиш ва уларга риоя қилиш масалалари юзасидан зарур маълумотлар ва материаллар олиш;

б) стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ текширишлар ва экспертизалар ўтказиш учун, шунингдек, аниқланган стандартлар ва метрология қоидаларининг бузилишларини бартараф этишни назорат қилиш учун зарур ҳолларда техник воситаларни ва мутахассисларни (улар раҳбарларининг розилиги билан) жалб қилиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон давлат стандарти белгиланган тартибда маҳсулотларнинг стандартларга мувофиқлигини текшириш учун уларнинг намуналарини олиш;

г) давлат синовидан, метрология аттестациясидан ўтмаган, текширилмаган ёки бузуқ ўлчов воситаларини муомалага чиқаришдан ушлаб қолиш ва қўллашни тўхтатиш, бундай воситаларни муомаладан олиб қўйиш тўғрисида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ёзма кўрсатма бериш, зарур ҳолларда эса уларни тўғридан-тўғри муомаладан олиб ташлаш;

д) агар стандартлар ва метрология қоидалари талабларига мос келмайдиган конструкторлик, технологик ва лойиҳа ҳужжатлари маҳсулотларнинг техник даражаси ва сифатини пасайтиришга олиб келадиган бўлса, уларга буюртма беришни ва қўллашни тақиқлаб қўйиш;

е) стандартлар ва метрология қоидалари бузилган ҳолларда

маҳсулотлар чиқариш (шу жумладан, тузатиш), сотиш, ортиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатишни тақиқлаш;

ж) стандартлар ва метрология қоидаларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни белгиланган тартибда (ҳатто эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача) жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли вазирликлар ва идораларга, шунингдек, корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига таклифлар киритиш;

з) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун бажариш мажбурий бўлган стандартлар ва метрология қоидаларининг бузилишлари ва ушбу бузилишларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

и) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар стандартларни бузса, белгиланган тартибда уларга иқтисодий жазо қўллаш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

к) корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан маҳсулотларни чиқаришда стандартлар мунтазам бузилган ҳолларда «Ўздавлатстандарт» томонидан белгиланган тартибда тайёр маҳсулотни қабул қилишнинг алоҳида тартибини жорий этиш;

л) ишлаб чиқариш-техника ва маданий-маиший мақсадлардаги маҳсулотларнинг муҳим турларини давлат синовларидан ўтказувчи бош ташкилотларга, агар бунда стандартлар ва метрология қоидалари билан белгиланган синовлар тартибига риоя қилиш таъминланмаса, маҳсулотларни синовдан ўтказишни тақиқлаш, шунингдек, ушбу синовлар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш;

м) ўлчов воситалари тайёрлаш, тузатиш ва текшириш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш гувоҳномасини олмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тақиқлаш;

н) ўлчов воситаларини тайёрлаш ва текшириш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш гувоҳномаларини бу ишларни бажарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан стандартлаш ва метрология қоидаларининг бузилишига йўл қўйилган ҳолларда бекор қилиш ёки рўйхатга олиш гувоҳномаларидан айрим иш турларини чиқариб ташлаш;

о) текшириш қоидаларини бузган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари учун ёппасига бир йўла текширишни тайинлаш ва текширишлар ўртасидаги қисқартирилган оралиқни белгилаш, камчилиги зарур даражада аниқлик билан баҳоланмаган ўлчов натижаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

п) стандартлар ва метрология қоидалари бузилганда, ушбу

бузилишлар бартараф этилгунга қадар маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш тўғрисида корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига бажариши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш.

Бу ҳуқуқлар «Ўздавлатстандарт»нинг бош директори белгилайдиган ҳажмларда стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати органларининг мансабдор шахсларига берилади. Бу билан «а» кичик бандда назарда тутилган ҳуқуқ фақат Ўзбекистон Республикаси стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назорат қилувчи бош давлат назоратчисига ва унинг ўринбосарларига, «д» ва «и» кичик бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлардаги стандартлар ва ўлчов воситалари устидан назоратнинг бош давлат назоратчиларига ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга оширувчи шахслар ўзларига юклатилган вазифаларни бажармаганликлари ва ўзларига берилган ҳуқуқлардан нотўғри фойдаланганликлари учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Уларни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан юқори мансабдор шахсга, агар қонун билан шикоят қилишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, 10 кун муддат ичида шикоят қилиниши мумкин. Шикоят қилиш шикоят қилинган қарорнинг бажарилишини тўхтата олмайди.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устида давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳаракатидан норози бўлганларнинг шикоятлари зудлик билан, лекин шикоят тушган кундан бошлаб кечи билан 15 кунлик муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганилади ва текширишни талаб қилувчи шикоятлар бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари стандарт ўлчов воситалари устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларига ўзларига юклатилган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган шароитларни (белгиланган тартибда хизмат хоналари, алоқа, транспорт воситалари ва бошқалар билан таъминлаш) яратиб беришлари керак.

Стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назоратини амалга ошириш органлари ўз ишларини бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари (қасаба компаниялари, истеъмолчилар жамиятлари ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

## 25.5. Гидрометеорология соҳасини бошқариш

Гидрометеорология соҳасини бошқариш Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 майдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси тўғрисида»<sup>1</sup>ги низомга асосан ташкил этилади.

Гидрометеорология бош бошқармаси («Бошгидромет») Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология тизимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. У гидрометеорология соҳасида тармоқлараро бошқарувни ва республиканинг бутун ҳудудида табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини кузатиш ишларини амалга оширади.

Гидрометеорология шароитларини, табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини ўрганиш ва баҳолаш ишларини бажаришда «Бошгидромет» вазирликлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг бошқа органлари маълумотларидан фойдаланиши мумкин.

«Бошгидромет»га қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

– Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар ва ташкилотлардан «Бошгидромет» зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган гидрометеорологик ҳамда геофизик жараёнларга таъсир кўрсатиш ва табиий муҳитнинг ифлосланишига оид бошқа материалларни олиш;

– гидрометеорологик ахборот ва табиий муҳитнинг ифлосланиши тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотларга уларни истеъмолчиларига беришга рухсат этиш;

– давлат даражасидаги кузатиш пунктларини рационализация қилиш ҳамда Гидрометеорология бўйича Давлатлараро Кенгаш билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гидрометеорологик станциялар ва постлар; давлатлараро ва халқаро даражада табиий муҳитнинг ифлосланишини кузатиш пунктларини ташкил этиш ва уларни тугатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

– Гидрометеорология бўйича Давлатлараро Кенгашда ва Халқаро метеорология ташкилотида белгиланган тартибда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Т., 1992. № 5. 17-м.

Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш;

– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги давлатлар ва хорижий мамлакатларнинг мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

– республика бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган асосий ишлар билан бирга хўжалик шартномалари асосида ихтисослаштирилган гидрометеорологик хизмат кўрсатиш ишларини бажариш, белгиланган тартибда корхоналарнинг муассислари бўлиш, ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида тақиқланмаган бошқа хўжалик вазифалари ва ташкилий иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;

– гидрометеорологик тадбирлар (ишлар)ни амалга ошириш устидан идорадан ташқари назоратни амалга ошириш.

«Бошгидромет»нинг ваколати доирасига кирувчи гидрометеорология ва табиий муҳит ифлосланишини кузатиш масалалари бўйича унинг кўрсатмалари вазирликлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг бошқа органлари, шунингдек, идоравий бўйсунушидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

«Бошгидромет» ўзига топширилган бошқарув соҳасига раҳбарлик қилишни бевосита Ўзбекистон Гидрометеорология маркази, республика Табиий муҳитнинг ифлосланишини кузатиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги гидрометеорология марказлари ва гидрометеорологик бюролар орқали амалга оширади.

«Бошгидромет»га Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

«Бошгидромет» бошлигининг ўринбосарини ҳам ҳукумат тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Хизмат мақоми, моддий-маиший таъминот, спорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитларига кўра «Бошгидромет» бошлиғи – вазирга, бошлиқ ўринбосарлари – вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Гидрометеорология соҳасида давлат бошқаруви масалаларини ҳал этишни жамоа бўлиб ишлаб чиқиш, бу тармоқ фаолияти ва ривожланишининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун «Бошгидромет»да ҳайъат тузилади. Унинг таркибига лавозими бўйича «Бошгидромет» бошлиғи, унинг ўринбосарлари кирадилар, шунингдек, марказий аппарат айрим бўлинмаларининг, йирик муассасаларининг раҳбарлари, етакчи мутахассислар ва олимлар кирадилар.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби «Бошгидромет» бошлиғи тақдимида



кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат мажлислари заруриятга кўра, лекин ойига камида бир марта ўтказилади.

«Бошгидромет» ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил этади ва тугатади, шунингдек, уларнинг низомлари (уставлари)ни тасдиқлайди.

Гидрометеорология соҳасида муҳим муаммоларни кўриб чиқиш учун «Бошгидромет» ҳузурида илмий-техник кенгаш тузилади. Илмий-техник кенгаш таркибига Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг манфаатдор органлари вакиллари, илмий ва жамоатчилик вакиллари киришлари мумкин. Илмий-техник кенгашнинг шахсий таркиби ва у ҳақдаги низомни «Бошгидромет» бошлиғи тасдиқлайди.

## **25.6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрда қабул қилган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида»ги фармонида асосан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирчан воситасини барпо этиш, халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократлаштириш, қўллаб-қувватлаш дастурларига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази тузилган.

Ушбу марказ, давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

Миллий марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

– Миллий марказ режасини, шунингдек, Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормативлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

– республикада инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан илмий маърузалар тайёрлаш;

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

– давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

– Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

– давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

– инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар уюштириш ва ўтказиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази юридик шахс бўлиб, унга мамлакат Президентининг фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Марказ директорининг ўринбосарини бу лавозимга Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

Миллий марказнинг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун ажратилган харажатлардан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

Марказ Олий Мажлис сессиясининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларининг норматив ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналинини нашр этишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Миллий марказнинг сўровига мувофиқ, республикада инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этишлари керак.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Марказга халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар

тузишда ёрдам кўрсатадилар.

Ҳожимурод Раҳмонович АЛИМОВ,  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,*  
*юридик фанлар номзоди, доцент;*  
Алимжон Абдуалиевич МАҲМУДОВ,  
Насриддин Тўйчиевич ИСМОИЛОВ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ  
Дарслик

Муҳаррирлар **С.А. Раззоқов, И. И. Хувайтов**  
Техник муҳаррир **М. М. Сафаров**

---

Босишга 2003 й. да рухсат этилди. Нашриёт-ҳисоб табоғи 25.  
Адади. . Буюртма №. Баҳоси шартнома асосида

---

700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси